



Олий ўқув юртлари талабалари учун
дарсликлар ва ўқув қўлланмалари

С. Аvezбаев, С.Н.Волков, Ш.С. Аvezбаев

ЕР ТУЗИШ ИҚТИСОДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш томонидан дарслик сифатида 621500 - «Ер тузиш ва ер кадастри» бакалаврлар йўналиши ва 5А 620701 - «Ер тузиш ва ер кадастри» мутахассис-лиги бўйича магистратурада таълим олаётган Олий ўқув юртлари талабалари учун тавсия этилган

Тошкент - 2002

«Ер тузиш иқтисоди» дарслиги ушбу номдаги фаннинг дастурига мос тарзда тайёрланди. Унда ер тузиш иқтисодининг назарий масалалари, унинг Ўзбекистонда ва чет давлатларда ер ислохотларини амалга оширишдаги роли кўриб чиқилган. Хўжаликлараро ва хўжаликда ички ер тузиш лойиҳаларини, айрим энг аҳамиятли ер тузиш тадбирларини иқтисодий асослаш усуллари тўла баён этилган.

Олий ўқув юртларининг «Ер тузиш ва ер кадастри» мутахассислиги бўйича магистратурада ва шу номдаги бакалаврлар тайёрлаш йўналиши бўйича таълим олаётган талабаларига ва аспирантларга мўлжалланган.

Тақризчи:

Б.Б.Беркинов, иқтисод фанлари
доктори, профессор

К И Р И Ш

Ердан оқилона фойдаланмасдан ва уни муҳофаза қилмасдан туриб, иқтисодийни самарали ривожлантириш мумкин эмас. Бу жараёнда энг аҳамиятли ролни инженерлик-техник, иқтисодий ва ҳуқуқий тадбирлар тизими ёрдамида ерлардан экологик ва иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ фойдаланишни ташкил этиш, ҳудудни самарали ташкил этиш ва ишлаб чиқаришни жойлаштиришни таъминлаш имконини берадиган ер тузиш ўйнайди.

Қишлоқ хўжалик корхоналарини оммавий қайта ташкил этиш, янги хўжаликларни ташкил этиш ва мавжудларини тартибга солиш, ер муносабатларини қайта қуриш ва ерларни қайта тақсимлаш амалга ошириладиган йирик ер қайта тузишлари (ислохотлари) даврларида ер тузиш муҳим аҳамият кашф этади. Бундай вазиятларда ерлардан нооқилона фойдаланишга, ишлаб чиқаришни ва ҳудудни ташкил этишдаги ноқулайликларга, эрозиянинг ривожланишига, тупроқларнинг бузилишига, бошқа салбий экологик оқибатларга, самарали ишлаётган корхоналар ва бутун давлат иқтисодиётига зарар етказилишига йўл қўймаслик учун махсус чоралар керак бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг ер фонди 2000 йилнинг 1 январига 44410,3 минг гектарни ташкил этди. Қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ажратилган ерлар 58,1% эгаллайди; аҳоли яшаш жойлари маъмуриятлари ихтиёрида 0,5% ер бор, саноат транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадлардаги ерлар 4,4%, махсус қўриқланадиган ҳудудлар ерлари - 0,01% эгаллайди. Сув фонди ерлари - 1,8% ва ўрмон фонди ерлари - 18,1%, захира ерлари эса 17,1% эгаллаб турибди.

Қишлоқ хўжалик ерлари майдони шу вақтда 26753,6 минг гектарни (60,2%) ташкил этди, шундан ҳайдалма ерлар - 4056,6 минг га (9,1%), дарахтзорлар - 352,9 минг га.

Қишлоқ хўжалик ерларининг сифати Республикаимизнинг кўпчилик минтақаларида талабга жавоб бермайди. Улардан 50% ортиғи шўрланган, мелиоратив ҳолати ёмонлашган ерлар; 7% эрозияга учраган ва 4% яқини тош аралаш ерлардир. Республикаимиз ҳудуди арид иқлимли минтақада жойлашганлиги сабабли, деҳқончилик асосан суғориш ёрдамида амалга оширилади. Демак, Республикаимиз ер ресурсларидан деҳқончиликда фойдаланишни сув захиралари чеклаб туради. Шунинг учун ҳам ерлардан (айниқса

суғориладиган) оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш масаласи биринчи даражали аҳамиятга эга.

Республикаимиз мустақилликка эришгандан кейин мамлакатимиз ерларининг катта қисми қайта тузилди. Ер ресурслари Давлат қўмитаси маълумотларига асосан 2000 йилнинг 1 июлигача Республикаимизда тузилган 40 мингга яқин фермер хўжаликларига ер ажратиш ҳужжатлари расмийлаштириб берилди, шу даврда қўшимча 205 минг га томорқа ерлари ажратилди.

Амалий жиҳатдан мамлакатимизнинг барча қишлоқ хўжалик корхоналари қайта рўйхатдан ўтказилди; совхозлар тугатилиб, жамоа ва ширкат, фермер хўжаликларига айлантирилди. Ҳозир эса жамоа хўжаликлари қишлоқ хўжалик ширкатларига айлантирилмоқда. 2000 йилга келиб 1873 та қишлоқ хўжалик корхонаси ширкат хўжалигига айлантирилди ва уларнинг барчасига ер кадастри ҳужжатлари тўплами ва гувоҳномалар берилди. Санациядан ночор чиққан хўжаликларда фермер хўжаликлари ташкил этилиб, улар тугатилмоқда.

Юқорида кўрсатилган ишларнинг барчаси ер тузиш асосида амалга оширилди. Шу даврда катта ҳажмдаги план-харита материаллари янгиланди, ерларни сифат ва қиймат жиҳатдан баҳолаш ишлари бажарилди.

Ер тузишнинг иқтисодий моҳияти қадимдан маълум. У, ер тузиш ўз табиати бўйича ер муносабатларини белгили даражада тартибга солувчи, ерларни қайта тақсимлаш ва эгалликка олиш масалалари бўйича ҳар қил ижтимоий гуруҳларнинг ўзаро таъсирлари натижасида тарихий келиб чиқадиган ёки ривожланадиган ижтимоий ҳодиса эканлигидан келиб чиқиб аниқланади. Шу билан бир қаторда ер тузиш ерни реал иқтисодий вазиятга хўжалик юритиш учун мослаш воситаси ҳисобланади, бу эса ер тузиш ўтказилган қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлиги юқорилигини тушунтиради.

Ер тузишни ижтимоий-иқтисодий жараён сифатида ўрганадиган «Ер тузиш иқтисоди» илмий фани ўтган асрнинг 20 йилларида пайдо бўлди. Ўзининг предмети ва усуллари бўйича у қўшни инженерлик-техник, ер ўлчаш, ҳуқуқий ер тузиш ишларини ўрганувчи «Ер тузиш техникаси» ва «Ер тузиш жараёни» фанларидан кескин фарқ қилади.

Ер тузишда ўтган асрнинг 30 йилларида биринчи қаторга қишлоқ хўжалига ишлаб чиқаришини йирик жамоалар асосида

қуриш ва юритишнинг ташкилий-хўжалик ва иқтисодий муаммолари чиқди. Натижада, асосан иқтисодий мазмунга эга ва ер тузиш иқтисодини ўз ичига олган янги фан - «Ер тузишни лойиҳалаш» пайдо бўлди.

Ер тузишнинг ривожланиши ва мазмуни кенгайиши 60-70 йилларда мос фанларнинг табақаланишига олиб келди. Ер тузишни лойиҳалаш фани қаторига «Ер тузишда геодезик ишлар», «Ер тузиш ишларини режалаш ва ташкил этиш», «Ер тузишда иқтисодий-математик усуллар ва моделлаштириш», «Ер тузишнинг илмий асослари» фанлари қўшилди. Аммо буларнинг барчаси ҳам ер тузишнинг иқтисодий мазмунини тўла даражада очиб бермади, сабаби, улар ўзлари ўрганадиган предметларига ва усулларига эга эдилар. Шунинг учун 1990 й. намунавий ўқув режасига, кейинчалик эса «Ер тузиш ва ер кадастри» йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш ва «Ер тузиш» мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлашнинг Давлат таълим стандартларига қуйидаги масалаларни қамраб олувчи «Ер тузиш иқтисоди» фани киритилди:

ер тузиш иқтисоди илмий фан сифатида;

ижтимоий ишлаб чиқариш тизимида ер тузиш;

ер тузишнинг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари ва улардан ерлардан фойдаланишни режалаш ва оқилона ташкил этишда фойдаланиш;

хўжалиқда ички ер тузиш иқтисоди;

хўжаликлараро ер тузиш иқтисоди.

Мазкур фанни ўрганишга киришишда аввало, унинг предмети мазмунини, ер тузишни ўрганадиган бошқа фанлар орасидаги ўрнини аниқлаш керак. Кейин ер тузишнинг ижтимоий табияти, ижтимоий ишлаб чиқариш тизимидаги ўрни, ер тузишга объектив иқтисодий қонунларнинг таъсири, ер тузиш ривожланишининг тарихий ва ижтимоий-иқтисодий қонуниятлари очиб берилади; шу асосда ер тузишнинг ер муносабатлирини тартибга солиш механизмидаги, ватанамиз ер ресурсларини бошқариш тизимидаги, ерлардан оқилона фойдаланишни ва уларни муҳофаза қилишни ташкил этишдаги аҳамияти аниқланади. Ер тузишнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашнинг моҳияти, турлари ва тамойиллари кўриб чиқилади, бундай баҳолашнинг мезони ва кўрсаткичлари белгиланади. Ер тузиш чизмалари ва лойиҳаларидаги ер тузиш ечимларини баҳолаш усуллари, уларни ташкил этиш ва молиялаш тартиби баён этилади.

Хўжалиқда ички ер тузишда, одатда, ҳар хил ижтимоий-иқтисодий ва экологик-иқтисодий самарадорликка эга ҳудудни ташкил этишнинг кўплаб ечимлари пайдо бўлади, шунинг учун уларни кўрсаткичлар тизими ёрдамида тўғри баҳолаш, қабул қилишга яроқсизларини чиқариб ташлаш ва энг яхшисини танлаш аҳамиятга эга.

Китобда хўжаликлараро ер тузиш иқтисодининг ер эгаликлари ва ердан фойдаланишларнинг оптимал ўлчамларини белгилаш, ташкил этилаётган ёки қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалик корхонаси ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлигини (рақобатбардошлигини) баҳолаш, давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ерларни бериш ва олишнинг иқтисодий оқибатларини ҳисоблаш усули, ер эгаликлари ва ердан фойдаланишлар камчиликларини тугатишнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш ва бошқ. масалалар ҳам кўриб чиқилган.

ҳисоблаш усуллари, асосан, реал амалиётдан олинган аниқ мисолларда баён этилган. Қиймат кўрсаткичларининг таққосланишини таъминлаш мақсадида уларнинг барчаси 1990 й. баҳоларида келтирилган. Зарур тузатишларни 16 илова маълумотларидан фойдаланиб амалга ошириш мумкин.

Дарслик қишлоқ хўжалик олий ўқув юртларининг «Ер тузиш ва ер кадастри» бакалаврлар йўналиши ва «Ер тузиш ва ер кадастри» мутахассислиги бўйича магистратурада ҳамда бошқа олий ўқув юртларининг «Ер кадастри», «Шаҳар кадастри» мутахассисликлари бўйича таълим олаётган талабалари учун мўлжалланган. Китоб Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг ер тузиш ва ер муносабатлари кафедраси мудири, И.Ф.Д., проф. С.Авезбаев ва ер тузиш бўйича Москва Давлат университетининг ер тузиш кафедраси мудири академик, И.Ф.Д., проф. С.Н.Волковлар томонидан тайёрланган.

I боб

Ер тузиш иқтисоди фан сифатида

§ 1. Ер тузишнинг иқтисодий моҳияти

Инсониятнинг мавжудлиги негизида озуқа, уй-жой ва бошқа моддий эҳтиёжларга бўлган талабни қондиришга қаратилган онгли фаолият ётади. Унинг асосий шартлари орасида меҳнат предмети, қишлоқ хўжалигида эса бир вақтнинг ўзида меҳнат воситаси ва асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланадиган ер биринчи даражали аҳамиятга эга,

чунки у ҳар хил иш қуроли билан ишлов бериш ва ўз унумдорлиги ёрдамида ўсимликларга таъсир этади, маҳсулот этиштирилишига имкон яратди.

Ишлаб чиқариш жараёнини бошлаш учун ишчи кучини ер ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари билан боғлаш ва жамиятни аниқ ташкил этиш зарур. Шунинг учун ҳам жамиятнинг ҳар бир ривожланиш поғонасида ерни бўлиш, қўшиш ва уни меҳнат жараёнида бошқа ишлаб чиқариши воситаларига боғлаш ва мослаштириш давом этиб келган.

Дастлаб, бу жараён тасодифий характерга эга бўлган ва ибтидоий жамоада мевалар, қўзиқоринлар йиғиш, ов қилиш, кейинчалик чорвачилик ва деҳқончиликда фойдаланиш учун ерларни чегаралашда намаён бўлган; кейинроқ эса у ерни тақсимлаш ва ҳудудни ташкил этиш бўйича онгли фаолиятга айланган. Бу фаолият кейинчалик Ер тузиш номини олган.

«Ер тузиш» номи биринчи бор рус тилида (Землеустройство) 1906 й. қайд қилинган, ундан илгари ерни тақсимлаш билан боғ-лиқ бўлган ишлар чегаралаш (межевание) деб аталар эди. Чегаралаш (межевание) деганда - қонуний равишда ер мулкларини чегаралаш ва ерга бўлган ҳуқуқни расмийлаштириш тушунилан.

Шундай қилиб, чегаралаш ёрдамида давлат ернинг ҳисобини олиб боришни йўлга қўйди, ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларни солиққа тортиш ва ердан фойдаланишни назорат этиш учун уларни рўйхатга олди, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилди ва мулкчилик ҳуқуқининг бир одамдан иккинчи одамга ўтиши билан боғлиқ ишларни енгиллаштирди.

Ушбу мақсаддан келиб чиқиб, чегаралаш ўз ичига ҳужжат-ларни расмийлаштириш ва рўйхатга олиш, ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчилар ерлари планини тузиш, ерларни ўлчаш ва баҳолаш, ер майдонларини ҳисоблаш ва шунга ўхшаш ҳуқуқий ва техник ер ўлчаш ишларини қамраб олган.

Ер эгаларининг манфаатлари мавжуд чегараларни мустаҳкамлаш йўли билан эмас, балки ерларни қайта тақсимлаш орқали қондирилган вазиятларда, яъни уларнинг ҳар бири олдинги ерига тенг, лекин ҳўжалик юритишга қулай шаклдаги ва чегаралардаги ерларни олиши билан боғлиқ ишлар мажмуи ер тузиш деб атала бошлади.

Бу вақтда ер тузишнинг иқтисодий томони биринчи ўринга қўйила бошлади. Кейинчалик эса «Ер тузиш» ва

«Чегаралаш» орасидаги фарқ йўқолди. Ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчиларнинг янгиларини ташкил этиш, мавжудларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ҳудудларини тузиш ишлари ер тузиш лойиҳалари асосида амалга оширилганлиги учун чегаралаш ҳар хил табиий ва иқтисодий шароитларда ҳар хил мақсад ва вазифаларни кўзлаб ер мулкчилигини тузиш мақсадида ўтказиладиган мураккаб ер тузиш ишларининг бир бўлаги эди холос.

Бундан ташқари, ер тузиш жараёни нафақат ерларни, балки меҳнат ресурсларини, ҳудудни инженерлик жиҳозлаш объектларини ва ер билан боғлиқ бўлган бошқа ишлаб чиқариш воситаларини (иригация ва мелиорация тармоқлари, йўллар, сув билан таъминловчи манбаалар ва бошқ.) қамраб ола бошлади, натижада ер тузиш ишлари таркиби тез орада сезиларли даражада кенгайди. 1927 йили 20 ноябрда қабул қилинган «Ер кодексида» унга қўйидаги вазифалар юкланди:

давлат ташкилотлари, корхоналари ва муассасаларига, шаҳарлар ва шаҳар типигаги посёлкаларга, деҳқонларнинг меҳнат бирлашмаларига ҳамда махсус шартлар асосида (ижара ва бошқ.) бошқа ташкилотларга, жамоаларга ва фуқароларга фойдаланиш учун ер ажратиш;

махсус ер фондларини ташкил этиш ва бир фонд ерларини бошқасига ўтказиш;

давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ерларни қайтариб олиш;

шаҳарлар чегараларини белгилаш;

ердан фойдаланувчи жамоалар ерларини бўлиш, айрим ҳўжаликларга (оилаларга) ва уларнинг гуруҳларига ер ажратиб бериш, ердан фойдаланувчи жамоаларнинг барча ёки айрим ер турларини хутор ва оилавий участкаларга бўлиш;

якка меҳнаткаш деҳқон ҳўжаликлари (оилалари) ерларини бўлиш;

айрим ердан фойдаланувчилар ерларининг бир неча жойда жойлашган бўлаклардан иборатлигини ва чегараларидаги камчиликларини, ер майдони шаклидаги ва бошқа ердан фойдаланишдаги ноқулайликларини тугатиш;

йўлларни жойлаштириш, ўрнини ўзгартириш ёки тугатиш (бузиш), чорва молларини суғориш учун жой ажратиш ва ер турларини тубдан яхшилаш (мелиорациялаш) ишларининг амалга оширилиши сабабли, ердан фойдаланувчиларнинг ўрнини ўзгартириш;

қишлоқ аҳоли яшаш жойларини қайта режалаш;

волостлар (туманлар) чегараларини белгилаш ва ўзгартириш.

Кейинчалик коллективлаштириш (жамоалаштириш) ва йирик қишлоқ хўжалик корхоналари барпо этилиши натижасида ер тузиш ишлари қаторига хўжаликда ички ер тузиш кириб келди. Унинг мазмуни қишлоқ хўжалик корхоналарида алмашлаб экишни жорий этиш, ишлаб чиқаришни, меҳнатни ва бошқарувни оқилона ташкил этиш, ер турларини, алмашлаб экиш майдонларини жойлаштириш ва уларнинг ҳудудларини ташкил этиш ишларини ўз ичига олган хўжалик ҳудудини илмий асосда ташкил этишдан иборат эди.

Шундай қилиб, ер тузиш ўзида ҳуқуқий, техник, хўжалик, ташкилий ва иқтисодий мазмунга эга ишларни мужассамлаштирган мураккаб ишлар мажмуасига айланди.

Ер тузиш фанининг ривожланиши жараёнида ер тузишнинг айрим томонларини юқори қўйиш натижасида уни ҳар хил тушунишлар келиб чиқди.

Дастлабки вақтларда ер тузишни, унинг моҳиятини, вазифаларини ва мазмунини маъмурий-ҳуқуқий, ижтимоий-техник ва хўжалик-ташкилий ишларидан иборат деб тушуниш устунлик қиларди.

Проф. П.Н.Першин, И.Д.Шулейкин, А.Д.Шулейкин, С.А.Удачинлар ер тузишни бир томонлама тушунишнинг нотўғрилигини кўрсатишиб, ер тузиш тушунчасига унинг техник, ҳуқуқий ва иқтисодий томонларини киритиш зарурлигини кўрсатишган.

Шунинг учун ҳам, академик С.А.Удачин «Ер тузишни лойиҳалаш» китобининг 4-нашрида ер тузишнинг иқтисодий моҳиятини кўрсатиб, шундай ёзган эди «...ер тузиш мамлакатимизда ер муносабатларини тартибга солиш, кенгайтирилган социалистик ишлаб чиқариш учун ҳар битта социалистик қишлоқ хўжалик корхонасида ва бутун халқ хўжалигида ердан ишлаб чиқариш воситаси сифатида фойдаланишни оқилона ташкил этиш бўйича давлат тадбирлари тизимидир» (Землеустроительное проектирование /Под ред.С.А.Удачина.-Изд. 4-е- М.: Сельхозгиз, 1962. С.16).

Бу тушинча ер тузувчилар томонидан қабул қилинган бўли-шига қарамасдан ҳуқуқшунослар томонидан танқидга учради. Ер тузишнинг нисбатан тўлароқ ва замонавий, унинг иқтисодий моҳиятини кўрсатиб турувчи тарифини профессорлар В.П. Троицкий ва С.А.Авезбаевлар беришган (Ер тузишнинг илмий асослари.-Т.: ТИҚХМИИ, 1996. 24 б.). Улар

ер тузишни қуйида-гича тарифлайдилар: «Ер тузиш - бу ижтимоий-иқтисодий жараён бўлиб, ердан фойдаланиш, уни муҳозафа қилишни ташкил этиш, ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчиларни, махсус ер фондларини ташкил қилиш ва тартибга солиш, қишлоқ хўжалиги корхоналари ва деҳқон хўжаликлари ҳудудларини ташкил қилиш, табиий ландшафтларни яхшилаш ва мақбул экологик муҳит яратишдир».

Ер тузишда ҳуқуқий, техник, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-хўжалик масалари ечилади. Бу масалалар ичида иқтисодий масалалар асосий ҳисобланиб, улар ер тузишнинг моҳиятини очиб беради. Бундай хулосага қуйидагилар сабаб бўлади.

Биринчидан, ер тузиш кенг маънода ижтимоий ишлаб чиқаришнинг таркибий қисми бўлиб, ер билан ажралмас боғлиқ ишлаб чиқариш воситаларини жойлаштириш ва ҳудудни ташкил этишнинг ижтимоий-иқтисодий жарёни сифатида намоён бўлади. Демак у ишлаб чиқариш муносабатлари ва ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражаси билан доимий боғлиқ ва объектив таъсир этувчи иқтисодий қонунларга (қиймат қонуни, пропорционал ривожланиш қонуни, вақтни тежаш қонуни ва бошқ.) таъсирида бўлади.

Иккинчидан, маълумки, жамиятнинг ривожланиш қонунлари одамларга тўғридан-тўғри эмас, балки, уларнинг манфаатлари орқали таъсир этади. Шунинг учун ҳам ер тузиш давлат мақомига эга ва давлат ижрочилик ҳамда қонунчилик ҳокимиятлари назорати остида фуқоролар манфаатлари йўлида амалга оширилади. Сиёсий, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва иқтисодий манфаатлар тизимида иқтисодий манфаатлар устиворликка эга. Шунинг учун ҳам ҳар доим ер тузишнинг вазифалари бир томондан жамият, айрим жамоалар ва фуқоролар иқтисодий манфаатларининг бирлигини таъминлаш, иккинчи томондан эса, жамият манфаатларининг устиворлигини сақлаш талабларига жавоб берадиган қилиб ерни тақсимлашдан иборатдир. Ер ҳар доим манфаатлар қарама-қаршилиги объекти бўлгани учун ер тузиш уни тақсимлаш ва фойдаланишни ташкил этиш механизми сифатида ҳамма вақт сиёсий курашлар марказида бўлиб келди.

Учинчидан, ер тузишда ер, ердан фойдаланувчилар ва ер эга-лари орасида, улар орқали эса халқ хўжалиги тармоқлари (саноат, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва бошқ.) орасида

тақсимланади. Кейин ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчилар ерларида ички ер тузиш ўтказилади, ишлаб чиқариш объектлари, аҳоли яшаш жойлари, йўллар, каналлар, ер турлари (ҳайдалма ерлар, дарахтзорлар, яйловлар ва бошқ.), алмашлаб экиш массивлари ва бошқалар жойлаштирилади. Бунда ер ҳар хил вазифаларни бажариши мумкин.

Хом ашё ва маҳсулотларни қайта ишловчи саноат корхоналарида ер биринчи навбатда меҳнат жараёни содир бўладиган жой (базис) ҳисобланади. Бунда унинг тупроқ қатлами, ер ости бойликлари, ўрмон ва сувлари каби хусусиятлари маҳсулот ишлаб чиқаришга деярлик таъсир этмайди.

Қазилма бойликларни қазиб олувчи кон саноати корхоналарида ернинг аҳамияти анча юқори бўлиб, у меҳнат жараёни содир бўладиган жой ва кўмир, руда, газ, нефт ва бошқа фойдали қазилма бойликлар захирасига эга бўлган меҳнат предмети вазифаларини бажаради.

Қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш жараёни тўғридан-тўғри тупроқ унумдорлигига, ернинг сифатига ва фойдаланиш шароитига боғлиқ. Унумдорликни ошириш мақсадида инсон ерга ҳар хил усуллар билан таъсир этади: ирригация ва мелиорация ишларини амалга оширади, ўғитлар солади, тупроққа ишлов беради.

Ер тузишда бир томондан ер турлари ва алмашлаб экишни, қишлоқ хўжалик экинларини уларга мос ерларга тўғи жойлаштириш ҳисобига тупроқнинг табиий ва иқтисодий унумдорлигидан яхши фойдаланиш учун шароит яратилса, бошқа томондан табиатни муҳофаза этиш, ерни эрозиядан ҳимоялаш, тупроқ унумдорлигини оширишга қаратилган ишларни амалга ошириш натижасида ернинг ишлаб чиқариш хусусиятлари ошади. Шунинг натижасида деҳқончилик маҳсулотлари, шу жумладан, чорва озукасини етиштириш кўпаяди, қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида ернинг иқтисодий аҳамияти ошади. Бу эса ўз навбатида ер тузишнинг катта иқтисодий аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Тўртинчидан, ер тузишнинг асосий мақсади ерда тартиб ўрнатишдан иборат бўлиб, унга ҳудудни оқилона ташкил этиш, жамоа ишлаб чиқаришини ва унинг айрим тармоқларини тўғри жойлаштириш, хўжаликни рационал таркибда тузиш ва юритиш ҳисобига эришилади. Ишлаб чиқаришнинг ташкилий таркиби ер массивларининг ҳудудий хусусиятлари (уларнинг

хўжалик мар-казларидан узоқлиги, майдони, шакли, бўлаклари ва ш.ў.) ва си-фати билан боғланади.

Ер тузиш лойиҳаларида келтирилган ҳудуднинг ташкил этилиши бўлажак хўжаликнинг асосини ташкил этади ва унинг иқтисодий самарадорлигини белгилайди. Бу эса қабул қилинган ер тузиш ечимларини чуқур иқтисодий асослашни талаб этади. Шунинг учун ҳам ер тузиш қишлоқ хўжалигининг иқтисодий самарадорлигини оширувчи омил ҳисобланади.

Бешинчидан, ер тузишда ер муносабатларини тартибга солишнинг иқтисодий механизмини жорий этиш учун ахборотлар асоси тайёрланади, ерларни бериш ва қайтариб олиш амалга оширилади, ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчиларнинг янгилари ташкил этилади ва мавжудлари қайта ташкил этилади, уларнинг чегаралари белгиланади, ерларнинг сифати баҳоланади, ерга мулкчилик ва ижара ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатлар берилади, махсус ер фондлари ташкил этилади. Бунда ҳар бир ер бўлаги баҳога эга бўлиши керак, ҳамма ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар ер солиғи, ернинг ижара ҳақи, ундан ер давлат ва жамият эҳтиёжлари учун олинадиган бўлса тўланадиган ком-пенсация (қоплама) миқдорлари, ердан оқилона фойдаланишни рағбатлантирувчи иқтисодий чоралар тўғрисида маълумот олади.

Олтинчидан, ер тузишнинг давлат мақоми унинг ер ресурсларини бошқариш тизимининг ҳар хил миқёсларида (республика, вилоят, туман) бўлишини тақоза этади. Ер тузиш қуйидаги вазифаларни ўз ичига олади:

давлат ер кадастри ва ер мониторинги асосида ахборот таъминоти;

ер ресурсларини муҳофаза қилишни ва ундан фойдаланишни режалаштириш ва башоратлаш (прогнозлаш);

ердан фойдаланишни ва уни муҳофаза қилишни ташкил этиш;

ердан фойдаланишни ва уни муҳофазалашни назорат қилиш.

Ер тузиш ишлари ер ресурсларини бошқаришнинг барча босқичларини топографик, геодезик, аэрофотогеодезик, тупроқ ва бошқа изланиш ва ўрганишлардан бошлаб қамраб олади. Уларнинг натижаларидан ерни ҳисобга олиш, рўйхатдан ўтказиш ва баҳолаш, ер ресурсларидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш чизмаларини, ер тузиш чизмаларини тузиш ва ер тузиш лойиҳаларини ишлашда фойдаланилади.

Ер тузиш давлатнинг умумий режалаш ва молиялаш тизимига кирганлиги учун, барча ер тузиш корхоналари ўз фаолиятларини ўз харажатларини ўзи қоплаш, фойда олиш ва самарадорлик тамойиллари асосида олиб боришлари керак.

Демак, ер тузишнинг иқтисодий моҳияти қуйидагиларда намайён бўлади. У:

ижтимоий ишлаб чиқариш усулининг таркибий қисми ҳисобланади ва жамиятнинг объектив ривожланиш қонунлари таъсирида бўлади;

жамиятдаги ҳар хил синфлар ва аҳоли гуруҳларининг иқтисодий манфаатларини ўзида акс эттиради;

ерни оддий физик жисм сифатида эмас, балки, иш қуроли ва меҳнат предмети, қишлоқ хўжалигида эса асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида ташкил этади, тупроқнинг иқтисодий унумдорлигига таъсир этади;

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлигини оширувчи ва уни интенсивловчи омил ҳисобланади;

ер муносабатларини тартибга солишнинг иқтисодий механизмини яратиш учун зарур ахборотлар асоси ҳисобланади;

ер ресурсларини бошқариш тизимининг ҳар хил миқёсларига киради, режалаштиради, молиялаштиради, ташкил этилади ва аниқ иқтисодий вазиятда фаолият кўрсатади.

Ер тузишнинг иқтисодий моҳияти ушбу фаннинг предмети, усуллари ва асосий вазифаларини белгилайди.

§ 2. Ер тузиш иқтисоди фанининг предмети, усуллари ва вазифалари

Жамият ривожланиши жараёнида ер тузиш ердан оқилана фойдаланишни ташкил этишни, ер муносабатларини тартибга солишни, ер сиёсатини қамраб олувчи, аҳоли яшаш тизими ва одамларни кўчириш масалалари, ирригация, мелиорация ва эрозияга қарши тадбирларни амалга ошириш, ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар ерларини рўйхатга олиш ва майдонларини ҳисоблаш, геодезия ва хариташунослик ишлари билан боғлиқ ҳолда ўтказиладиган кўп қиррали фаолиятга айланганлиги сабабли, у мураккаб амалий ва назарий билимлардан иборатдир.

Шунинг учун ҳам ер тузиш фанининг туғилиш даврида (XIX аср охири - XX аср боши) олимлар ер тузишни фанлар

туркими ёрдамида ўрганиш зарурлигини кўрсатишган. Улар бу фанлар жумласига қуйидагиларни киритишган:

ер тузиш иқтисоди, - у ер тузишни ижтимоий-иқтисодий жараён сифатида, унинг моҳияти ва сабабларини, ер тузишнинг ердан фойдаланишга таъсирини ва ер тузишнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ усуллари ва излаб топишни ўрганади;

ер тузиш техникаси, - бу фан ўз ичига бўлиш, ўлчаш ва ерларнинг майдонини ҳисоблаш ҳамда ер тузиш усуллари ва олади;

ер тузиш жараёни, - ер тузиш ишларини ер-ҳуқуқ меъёрларига боғлиқ ҳолда қўзғаш (бошлаш), ўтказиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида билим берадиган фан;

ер тузишни ташкил этиш, - ер тузиш ишларини режалаштириш ва ташкил этиш, уларни молиялаш ва оқилана ўтказиш масалаларини ёритадиган фан.

Бу фанлар туркумида «Ер тузиш иқтисоди» фани асосий ҳисобланиб, у ер тузишнинг назарий масалаларини ўрганувчи фан ҳисобланган.

Ер тузиш иқтисоди фани бўйича биринчи дарслик 1925 йили профессор Ф.Г.Некрасов томонидан ёзилди. У «Ер тузиш асослари» деб аталиб 3 қисмдан (1. Иқтисод. 2. Техника. 3. Ташкил этиш.) иборат эди. Бу китобда биринчи марта ер тузишнинг иқтисодий моҳияти ва бу фан таркибига кирадиган масалар таркиби асослаб берилди.

Ер тузиш иқтисоди фани мазмунини белгиловчи асосий масалалар жумласига қуйидагилар киритилди:

ер майдонларини ҳудудий ташкил этиш турларининг ривожланиши;

ер тузиш усуллари (қишлоқлараро ва қишлоқлар ичида);

ер тузиш турлари;

ер тузиш усуллари ва иқтисодий баҳолаш, унинг натижаларини аниқлаш ва баҳолаш.

Ер тузишнинг иқтисодий моҳиятини асословчи илмий ишлар жумласига 1925 йилда ёзилган профессор П.Н.Першиннинг «Ер тузишнинг ижтимоий-иқтисодий назарияси» мавзусидаги илмий мақоласини, профессор А.В.Чаяновнинг 1922 йилда ёзилган «Қишлоқ хўжалик корхоналарининг оптимал ўлчамлари» китобини, 1927 йилда ёзилган А.Н.Алеевскийнинг «Ер тузишнинг иқтисодий самарадорлигини амалий аниқлаш тажрибаси» мавзусидаги

илмий ишини, 1928 йилда ёзилган П.П.Сплюхиннинг «Ер тузиш иқтисоди бўйича монография» асарини киритиш мумкин.

Амалиёт ер тузишга икки томондан: ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза этиш бўйича амалий фаолият доираси ва шу соҳадаги илм-фан тармоғи сифатида қараш зарурлигини кўрсатди.

Ер тузиш иқтисоди фанининг махсус ер тузиш фанлари тизимидаги ўрни, ҳамда бу фанларнинг ўрганадиган предметлари орасидаги фарқ 1.1. жадвалда келтирилган.

Ер тузиш иқтисоди фани ўзининг предметини ўрганишда кўплаб усуллардан фойдаланади. Барча фанларда бўлгани каби бу ерда ҳам анъанавий назарий билиш усуллари қўлланилади, яъни - *илмий мушоҳада, индукция ва дедукция, таҳлил (анализ) ва хулоса (синтез)* усуллари. *Мушоҳада* ёрдамида қонунлар очилади ва тузилади, уларнинг таъсир механизмлари аниқланади, ўрганилаётган объектнинг асосий томонларини кўрсатувчи илмий тушунчалар, тоифалар (категориялар) белгиланади.

1.1. жадвал

Ер тузиш иқтисоди фани махсус ер тузиш фанлари тизимида

Ер тузиш фанлари	Ўрганадиган предмети	Асосий билим тар-моғи (фаолияти)
Ер тузишнинг ил-мий асослари	Жамият ва табиат қонунлари, уларнинг ердан фойдаланиш жараёнида намоён бўлиш шакл-лари ва ҳудудни рационал таш-кил этиш қонуниятлари	Назарий
Ер тузиш тарихи	Ер тузишнинг пайдо бўлиши ва ривожланишининг тарихий қонуниятлари	Тарих
Ер тузиш иқтисоди	Иқтисодий қонунлар, уларнинг ерни муҳофаза қилиш ва ун-дан оқилона фойдаланишни ташкил этишда намоён бўлиш шакллари ва қонуниятлари, ер тузиш	Иқтисод

	самарадорлигини ошириш усуллари	
Ер тузишда геодезик ишлар	Ер тузиш ишлари жарёнидаги геодезия техникаси усуллари ва йўллари	Техника
Ер тузиш ишларини ташкил этиш	Ер тузиш ишлаб чиқаришини ташкил этиш қонуниятлари, ер тузиш ишларини ташкил этиш ва режалаштириш йўллари ва усуллари	Ташкилий
Ер тузишда иқтисодий-математик усуллар ва модел-лаштириш	Моделлаштириш йўллари ва усуллари, ер тузиш ишларини ЭҳМ ёрдамида бажариш тех-нологияси	Технология
Ер ҳуқуқи	Ер тузиш ишларини олиб бориш усуллари ва йўллари	ҳуқуқ

Индукция фикрнинг хусусийликдан умумийликка ҳаракатини, *дедукция* эса умумий қоидалардан хусусий хулосаларга ўтишни билдиради. Амалий фаолиятда *индукция* ва *дедукция* усуллари *кетма-кет яқинлашиш* усулига айланади.

Масалан, хўжалиқда ички ер тузиш лойиҳасини иқтисодий асослашда олдинга ишлаб чиқариш бўлимлари ва хўжалик марказларини, кейин - магистрал (асосий) йўллар ва ҳудудни ин-женерлик жиҳозлаш объектларини жойлаштириш, улардан кейин эса - ер турлари ва алмашлаб экишни, алмашлаб экиш массивлари ҳудудларини ташкил этиш баҳоланади.

Таҳлил (анализ) ва хулоса (синтез) усуллари ўрганилаётган объектни таркибий қисмларга бўлиш ва яна бутун ҳолига келтириш билан боғлиқ.

Мураккаб математик таҳлил жараёнида, асосан, айрим омилларнинг натижага таъсири аниқланади. Масалан хўжаликлар ерларининг майдонини аниқлашда, унинг хўжалик ихтисослиги, ерларнинг жойлашган ўрни ва унумдорлиги, меҳнат ресурслари билан таъминланиши ва бошқа шу каби омилларга боғлиқлигини баҳолаш мумкин. Бунда асосан *иқтисодий-статистик* усуллардан (корреляцион-регрессион таҳлил, ишлаб чиқариш функциялари, дисперсион таҳлил ва бошқ.) фойдаланилади.

ҳудудни ташкил этиш мураккаб жараён бўлганлиги учун уни ўрганишда *математик моделлаш* усулидан фойдаланилади. Изланишнинг тизимли усулларида бири бўлганлиги учун, у математик белгилашлар, тенгламалар ва тенгсизликлар ёрдамида ҳудудни ташкил этишнинг қонуниятларини аниқлаш, унинг ўзгариш сабабларини очиш, ҳар хил шароитларда уни такомиллаштириш йўллариини белгилаш ва шунинг ҳисобига ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш имконини беради.

Амалда математик моделлаш бошқа *иқтисодий-математик* усуллар (математик дастурлаш, классик дифференциал ҳисоблаш ва ш.ў.) билан тўлдирилади.

Ер тузиш иқтисоди бўйича изланишларда *монографик* усул ҳам кенг қўлланилади. Бу усулда айрим типик ёки ўзига хос объектлар, ҳодисалар, жараёнлар чуқур ўрганилади ва улар асосида илмий хулосалар ва тавсиялар қилинади. Бунда, асосан, ҳудудни ташкил этишнинг илгор қишлоқ хўжалик корхоналари ишлаб чиқариши самарадорлигига таъсири ёки ер тузиш ишларини бажаришнинг юқори самарали усуллари, йўллари, технологиялари баҳоланади.

Ер тузиш учун *экспериментал лойиҳалаш* ҳам катта аҳамиятга эга. Бунда илм-фан, амалиёт ютуқлари ва илгор тажриба натижалари аниқ ишлаб чиқариш объектларида синаб кўрилади ва олинган натижалар асосида бошқа объектларни қайта ташкил этишнинг мақсадга мувофиқ йўналишлари тўғрисида хулоса чиқарилади.

Ўрганадиган предметидан келиб чиққан ҳолда Ер тузиш иқтисоди фанига қуйидаги вазифалар юкланади:

ер тузишнинг иқтисодий моҳиятини ва ижтимоий-иқтисодий мазмунини очиш;

объектив иқтисодий қонунларни ўрганиш, уларнинг ҳудудни ташкил этишда намаён бўлиш қонуниятлари ва шакллариини аниқлаш, уларнинг ер тузишга таъсириини баҳолаш;

ер муносабатларини тартибга солишнинг иқтисодий механизмида ер тузишнинг ўрнини аниқлаш;

ер тузиш ечимларини иқтисодий асослаш ва самарадорлигини баҳолаш усуллариини такомиллаштириш;

ердан фойдаланишни яхшилашнинг энг самарали йўллариини топиш;

ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчилар рационал шакллариини, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юритиш ва унга мос ҳудудни ташкил этиш шакллариини асослаш;

ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчиларнинг оптимал ўлчамларини ва таркибини белгилаш, улар ривожланишининг устивор йўналишларини танлаш;

ер тузиш самарадорлигини ошириш йўллариини аниқлаш.

Ер тузиш тушунчасини аниқлаш, унинг ўрнини ва ижтимоий ишлаб чиқаришдаги иқтисодий аҳамиятини белгилаш учун аввало унинг объективлигини кўрсатиш ва ижтимоий-иқтисодий мазмунини очиш зарур.

Назорат саволлари:

1. «Ер тузиш» ва «чегаралаш» тушунчаларининг бир-биридан фарқи нимада?
2. Ер тузиш нима ва унинг иқтисодий моҳияти нималарда намаён бўлади?
3. Нима учун ер тузиш иқтисоди мустақил ўқув-илмий фанлари қаторига қўшилади?
4. Ер тузиш иқтисоди фанининг ўрганадиган предмети нима?
5. Ер тузиш иқтисодининг асосий усуллариини айтинг.
6. Ер тузишни ўрганадиган махсус фанлар тизимида ер тузиш иқтисодининг ўрнини ва аҳамиятини асослаб беринг.
7. Ер тузиш иқтисоди фанининг асосий вазифалари нималардан иборат?

II боб
Ижтимоий ишлаб чиқариш тизимида ер тузиш
§ 1. Ер тузишнинг объективлиги ва унинг ижтимоий-иқтисодий мазмуни

Ер муносабатлари ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш билан боғлиқ одамларнинг ижтимоий муносабатлари бўлиб, улар ишлаб чиқариш муносабатларининг таркибий қисми ҳисобланади ва ўз табиати бўйича жамиятнинг иқтисодий базисига киради. ҳар қандай жамиятда ҳам ер муносабатларининг асосини ер мулкчилиги ташкил этади.

Жамиятнинг ер тузумини белгили ер муносабатлари ва уларни тартибга солиш бўйича жамиятнинг маълум сиёсий ташкилоти билан тавсифланувчи жамият ва давлат қурилиши тизими белгилайди.

ҳар қандай давлат ер тузумига таъсир қилиш орқали ер сиёсатини олиб боради. Ер сиёсати ҳамма вақт жамиятни бошқарувчи гуруҳлар манфаатларини кўзлаб олиб борилади ва давлатнинг ердан фойдаланиш ва унга эгалик қилиш, айрим ер эгалари (ердан фойдаланувчилар), ижтимоий гуруҳлар, синфлар орасидаги муносабатларнинг, ер тузумини тартибга солиш бўйича фаолиятдан иборатдир.

Давлатнинг ер тузумига таъсир жараёни ҳар хил: ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий тадбирлар ёрдамида амалга оширилади.

ҳуқуқий тадбирлар ўзида мажбуриятлар белгилаш ва давлат томонидан мажбурлаш тадбирларини мужассамлаштиради.

Иқтисодий тадбирлар ер муносабатларининг ривожланишини солиққа тортиш, кредитлаш, мақсадли молиялаш, субсидиялаш, ердан фойдаланишни режалаш ва бошқалар ёрдамида рағбатлантиради.

Ташкилий тадбирлар ер муносабатларининг ривожланишини янги ўзлаштирилаётган ерларга аҳолини кўчириш, ҳар хил ширкатларни ташкил этиш, малакали мутахассислар тайёрлаш, моддий техник таъминотга, транспортга ва бошқаларга ёрдам кўрсатиш орқали таъминлайди.

Давлат ер сиёсати ҳар хил сиёсий ва қонунчилик ҳокимиятлари, ички ишлар, суд, молия, банк, ҳар хил қўмиталар органлари томонидан амалга оширилиши мумкин. Лекин бу органларнинг жуда кўп бошқа ташқи ва ички сиёсатни олиб бориш билан боғлиқ вазифалари ҳам бўлганлиги учун, биринчи навбатда давлатнинг ер сиёсати вазифаларини ечиш учун, жамиятнинг сиёсий устқурмасига кирадиган махсус ер тузиш органини ташкил этишнинг объектив зарурати туғилади.

Ер тузиш органларининг мақсади - ердан фойдаланишда тартиб ва аниқликни таъминлаш, ерга бўлган мулккий ҳуқуқларни мустаҳкамлаш, мулккий ҳуқуқларнинг бир шахсдан (ташкилот, муассаса) иккинчи шахсга ўтиш жараёнини енгилаштириш, ердан мақсадга мувофиқ ҳолда фойдаланишни ва уни муҳофаза қилишни ташкил этишдир. Шунинг учун ҳам бу органларга ер кадастрини юритиш, ерларни ажратиш ва кайтариб олиш, ер баҳсларини ечиш, хўжаликларда ҳудудни ташкил этиш, ердан фойдаланишни режалаш ва назорат қилиш ҳамда ер қонунларини ҳаётга жорий этиш вазифалари юкланади.

Шу маънода, давлат ва ҳуқуқ нуқтаи назаридан ер тузиш давлат органларининг ерни техник ва ҳуқуқий расмийлаштириш, ердан фойдаланиш (ерга эгалик қилиш) ҳуқуқларини белгилаш, таъминлаш ва муҳофаза этиш, ердан фойдаланишни мақсадли тартибга солиш бўйича фаолиятларидан иборатдир. Бошқача айтганда, ер тузиш - бу давлат ер сиёсатини амалга оширишга қаратилган, қонунда кўзда тутилган жараёндир. Шунинг учун ҳам ер тузиш белгили маънода давлат унинг ёрдамида ер муносабатларини тартибга соладиган қурол, восита ҳисобланади.

Ер тузишнинг давлат мақоми маълум ер тузиш жараёнини, яъни иқтисодий, техник ва ҳуқуқий томонларга эга ер тузишда иш юритишни белгилайди.

Ер тузиш жараёнининг ҳуқуқий томони - ер тузиш ишини кўзга, бажариш ва юритиш тартибини; техник томони - ҳужжатларни тузиш, расмийлаштириш, бериш тартибини ва уларнинг мазмунини; иқтисодий томони эса - ер тузиш ишларини ташкил этиш ва уларнинг технологияларини, баҳоларини, молиялашни ва ш.ў. аниқлайди.

Давлатнинг ер сиёсатини амалга ошириш ер тузиш органлари давлат ҳокимияти органлари таркибида бўлиб, улар билан ҳамкорликда ҳаракат қилса ёки давлат томонидан зарур ҳуқуқлар ва ваколатлар билан кафолатлансагина юқори самара беради.

Айрим вазиятларда ер тузумини тартибга солиш учун ер тузиш жараёнида амалга ошириладиган ва ер тузиш органлари томонидан назорат қилинадиган оддий ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий чоралар етарлик бўлмайди. Шунда давлат сиёсий чораларни қўллаб, йирик аграр ўзгаришларни ёки ер ислоҳотини ўтказиб, ер фондини бошқаришни тўғридан-тўғри ўз қўлига олади.

Масалан, Фарбий Европада феодализмдан капитализмга ўтишда ер тузиш ёрдамида майда ер эгаликлари тугатилди. Англияда XV-XVII асрларда деҳқонлар ерлари мажбурий тортиб олиниб, қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи катта тадбиркорлик хўжаликлари ташкил этилди. Германияда ва Россияда ҳам шу йўл билан, ер тузиш ёрдамида, помещиклар деҳқонларга унумдорлиги паст ерларни қолдириб, ўз ерларини мустаҳкамладилар. ҳозирги даврда ҳам ҳар хил қишлоқ хўжалик дастурлари ва махсус ер қонунлари ёрдамида ер тузиш ўтказишда ер тузиш давлат томонидан тартибга солинади.

Масалан, «АҚШ қишлоқ хўжалигини қайта қуриш дастури» ва Япония давлатининг «Асосий қишлоқ хўжалик сиёсати тўғрисида» қонунига асосан деҳқон хўжаликлари ўлчамларини белгилаш жараёнида, уларнинг сони сезиларли даражада қисқарди. ГФРда қабул қилинган «Ер эгаликлари ерларининг бир неча жойда жойлашувини тугатиш тўғрисидаги» қонуни 600 минг фермер хўжалигининг тугатилишига олиб келди.

Ер тузишнинг давлат мақоми Ўзбекистонда республикалар ер фондидан нафақат шахсий манфаатлар ва

ишчи жамоалар манфаатлари, балки умумхалқ манфаатлари учун фойдаланиш заруратидан келиб чиқади. Шунинг учун ҳам ер тузиш ишлари самарадорлигини ошириш, ер ресурсларини бошқариш ва айниқса улар муҳофазаси учун оптимал шароит яратиш мақсадида ер тузиш хизмати ўзига мос ваколатга эга, тармоқлар бошқарувидан ташқарида ёки улардан юқорида бўлиши керак.

Шундай қилиб, ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий формацияда ер нафақат табиий ресурс ва ишлаб чиқаришнинг оддий моддий-техник омили сифатида, балки, энг аввало, ишлаб чиқариш муносабатларидан ажратиш мумкин бўлмаган ва ер тузишнинг ижтимоий-иқтисодий мазмунини кўрсатувчи ижтимоий-иқтисодий алоқалар объекти сифатида тақсимланади ва тузилади.

Шу билан бир қаторда ер тузиш тушунчасини фақат давлат билан боғлаш керак эмас. Бундай ҳулосага келишга қуйидагилар сабаб бўлади.

Биринчидан, давлатнинг ер фондини бошқариш ва ер сиёсатини амалга ошириш соҳасида фаоллик даражаси қандай бўлишидан қатъий назар, ер эгаликлари (ердан фойдаланувчилар) ўз-ўзидан қайта ташкил бўлади, уларда ишлаб чиқариш муносабатлари ва ишлаб чиқариш кучлари ривожланиши билан боғлиқ ҳар хил ички жараёнлар бўлиб туради.

Иккинчидан, давлат органларининг ер тузиш соҳасидаги қарорларини амалга ошириш билан бир қаторда, ердан фойдаланувчиларда бозор конъюктурасини ҳисобга олиш ва хўжалик самарадорлигини ошириш мақсадида ерларни ўзлаштириш ва сифатини яхшилаш билан ўз ерларини йирик, қулай шакли, ихчам ер массивларига айлантириш борасидаги ҳар хил иқтисодий манфаатлар юзага келади.

Учинчидан, ер тузиш ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражасига мос ҳудудни ташкил этишнинг аниқ шаклларида намаён бўлади. Мазмунан, бу ташкил этиш доимий ривожланишда бўлган ва аниқ хусусиятларга ва белгиларга эга, белгили қонунларга риоя қиладиган иқтисодий ҳодиса ҳисобланади.

Бу назарий қоида қуйидаги мисолда кўрсатилиши мумкин. Маълумки, деҳқончилик тизими ўзида мавжуд табиий, тарихий ва иқтисодий шароитларга нисбатан ишлаб чиқариш кучларининг белгили ривожланиш даражасини акс эттиради. ҳудудни ташкил этиш ва ердан қишлоқ хўжалигида асосий

ишлаб чиқариш воситаси сифатида фойдаланиш ҳар хил деҳқончилик тизимларида бир-биридан фарқ қилади.

Шунинг учун ҳам академик П.Н.Першин ёзган эди: «Умуман айтганда, ҳўжалик ҳар хил тармоқларининг экстенсив тизимларига ҳудудни ташкил этишнинг катта ер майдонлари, уларнинг тарқоқлиги ва уларда кам меҳнат ва ишлаб чиқариш воситалари сарфи билан тавсифланадиган экстенсив турлари мос келади. Ҳўжаликнинг интенсив тизимига ҳудудни ташкил этишнинг интенсив, яъни, катта харажатлар билан фойдаланиладиган ер турлари кўп бўлган ва аҳоли яшаш жойлари атрофида мужассам жойлашган, нисбатан кичик ўлчамларга эгаллиги билан ажралиб турадиган турлари мос келади» (Першин П. Социально-экономическая теория землеустройства. Введение в экономику землеустройства. На аграрном фронте. Изд-во коммунистической Академии. М.: 1925 №5-6 стр. 41-51).

Академик С.А.Удачин айтганидек: «ҳар қандай корхонанинг ишлаб чиқариш жараёнида ишчи кучи ва ишлаб чиқариш воситалари аниқ ташкил этилган ва жойлаштирилган бўлади, қишлоқ ҳўжалигида ишчи кучи ва ишлаб чиқариш воситаларини ташкил этиш ишланадиган ер массивларининг ниҳоятда кенлиги билан боғлиқ. Ишчи кучи ва ишлаб чиқариш воситаларини ташкил этишдаги ҳар қандай ўзгариш, ҳудуднинг ташкил этилишига албатта ўзгартириш киритиш заруратини тақоза этади. Бошқача айтганда, ишчи кучи ва ишлаб чиқариш воситаларини белгили тартибда ташкил этиш, маълум фаолият доирасини, ишлаб чиқариш жараёнларини яратишни, уларга мос ҳудудни ташкил этишни талаб этади» (Землеустроительное проектирование /Под ред. С.А.Удачина Изд. 2-е, перераб. и доп. - М.: Сельхозгиз, 1951).

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, ер тузишга қуйидагича таъриф бериш мумкин: «Ер тузиш - бу жамият ишлаб чиқариш муносабатлари ва ишлаб чиқариш кучларини такомиллаштириш ва ривожлантириш таъсирида ўтадиган, ер билан ажралмас боғлиқ ишлаб чиқариш воситалари ва ҳудудни белгили мақсад учун ташкил этишга қаратилган ижтимоий-иқтисодий жараёндир.

Бу таъриф қуйидаги асосий устунликларга эга. Биринчидан, у барча ижтимоий-иқтисодий формациялар учун ҳам қўлланилиши мумкин. Иккинчидан, объектив таъсир этувчи иқтисодий қонунлар таъсири остида ердан фойдаланишни ташкил этиш шакллариининг ўзгаришида

намоён бўладиган ер тузишнинг объективлиги кўрсатилган. Учинчидан, ер тузиш давлат манфаатлари учун амалга оширилиши ва давлат органлари томонидан ўтказилиши мумкинлиги кўзда тутилади.

Бу тушунча ер тузиш ва мелиорация тушунчалари фарқини чуқурроқ англаш имконини беради.

Мелиорация объекти мелиорация жараёнида ўзгарадиган, белгили физик ва химик хусусиятларга эга ер жисм ҳисобланади. Мелиорациянинг мақсади - аниқ ер участкасининг унумдорлик хусусиятларини яхшилаш, бу эса ўз навбатида капитал ва йиллик, мелиорацияланган ерлардан фойдаланиш харажатларини талаб этади. Ер тузишнинг объекти эса ҳудуд ҳисобланиб, бош мақсади - унинг ташкил этилишини яхшилашдир. Ер тузиш жараёнида, биринчи навбатда, ернинг ҳудудий хусусиятлари (ер турлари таркиби ва майдонлари, алмашлаб экиш массивлари, ва ер турларининг жойлашуви, чегаралари, ер массивлари шакли ва ш.ў.) ўзгаради. Бундай ўзгариш ҳўжалик фаолияти жараёнидан ажратиб қаралиши мумкин эмас; шунинг учун ҳам ер тузишда албатта иккита катта аҳамиятга эга масала ечилади:

- ҳудудни ишлаб чиқаришга мослаш (маълум эҳтиёжлар учун ер ажратиш, ер турлари таркибини ва майдонларини белгилаш, ер массивларини шакллантириш, чегараларни жойлаштириш ва бошқ.);

- ишлаб чиқаришни ҳудудга мослаш (ихтисосликни, ернинг сифатига қараб экинлар таркибини белгилаш, ҳар хил турдаги алмашлаб экишларни лойиҳалаш ва ш.ў.)

ҳудудни ташкил этиш ҳар хил объектларни қамраб олади. Техник ташкил этишда ишлаб чиқариш воситаси сифатида - ер, иқтисодий ташкил этишда - ер эгаликлари ёки ердан фойдаланиш, ижтимоий ташкил этишда - ер эгаси (ердан фойдаланувчи) бундай объектлар ҳисобланади. Ер тузиш мелиорациядан фарқли ўлароқ, нафақат техник, балки, иқтисодий ва ҳуқуқий томонларга ҳам эга. Шунга мос равишда ер тузишда, нафақат ердан фойдаланишда тартиб ўрнатилади, балки, ҳўжалик юритишнинг энг яхши усуллари белгиланади (мелиорация, ишлаб чиқариш қурилиши, йўлларни жойлаштириш ва бошқ.).

Хатога йўл қўймаслик учун юқорида келтирилган масалаларни ечиш ер тузиш органларининг иштирокида ёки улар билан келишилган ҳолда ўтказилиши керак. Бу қоида ишлаб чиқаришни ҳудудий режалашга ҳам тааллуқлидир.

Мелиорациядан фарқли ўлароқ айрим ер тузиш тадбирлари катта моддий харажатларни талаб қилмаслиги мумкин (масалан, экинлар майдонларини танлаб жойлаштириш ва бошқ.).

Ер тузиш ижтимоий-иқтисодий жараён сифатида иқтисодий қонунларнинг таъсири остида ривожланади.

§ 2. Иқтисодий қонунлар ва уларнинг ер тузишга таъсири

Иқтисодий назариядан маълумки, иқтисодий қонунлар умумий ўзига хос ва махсус қонунларга бўлинади. Умумий қонунларга қуйидагилар киради: ишлаб чиқариш муносабатларининг ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражасига мослиги қонуни, меҳнат унумдорлигининг ошиб бориши, пропорционаллик (нисбий) қонунлари.

ҳар бир ижтимоий формация ўзига хос, қонунлар тизимига эга бўлиб, бу қонунлар ҳаётда бир биридан ажралган ҳолда эмас, балки, маълум тизимда таъсирларини ўтказишади. Масалан, капиталистик жамиятда қўшимча қиймат, рақобат, капиталистик жамғарма, фойданинг ўрта меъёри қонунлари ҳаракатда бўлади.

Махсус қонунлар ҳар хил ишлаб чиқариш усулларига мансуб бўлиши мумкин. Уларга товар ишлаб чиқариш шароитида таъсирини кўрсатадиган қиймат, иқтисодий ўсиш қонунлари ва бошқалар киради.

Иқтисодий қонунлардан назарияда ва амалиётда фойдаланиш жараёни қуйидаги асосий босқичларни ўз ичига олади:

- қонунни англаш (уни очиш, таърифлаш, бошқа қонунлар билан алоқасини аниқлаш);
- қонуннинг намоён бўлиш шакллари аниқлаш;
- қонуннинг таъсир механизмини ўрганиш;
- қонундан фойдаланиш шакллари аниқлаш.

Масалан, қиймат қонунига асосан товар ишлаб чиқариш ва айирбошлаш ижтимоий зарур меҳнат сарфидан келиб чиқиб амалга оширилади. Айирбошлашда меҳнат сарфлари ижтимоий зарур меҳнат сарфидан кам бўлган товар ишлаб чиқарувчилар ютишади, меҳнат сарфлари юқори бўлганлар эса ютқизишади. Бу товар ишлаб чиқарувчиларнинг табақалашувига олиб келади, уларни харажатларни камайтиришга ва харажатлар ошиб кетмаслиги учун доимий равишда меҳнат сарфини кузатиб боришга мажбур қилади.

Аниқ иқтисодий категориялар қонунларнинг намоён бўлиш шакллари дидир. Масалан, қиймат қонуни баҳо иқтисодий категорияси тарзида намоён бўлади ва у товар қийматининг пул шаклини кўрсатади. Давлат баҳони тартибга солиб, қўйиб юбориб, қиймат қонуни механизмидан фойдаланиб, ҳар хил товарлар ишлаб чиқаришни чеклаши ёки рағбатлантириши, ҳамда ишлаб чиқаришнинг ҳар хил соҳалари орасида ресурсларни қайта тақсимлаши мумкин.

Ер тузиш ижтимоий ишлаб чиқариш усулининг таркибий қисми бўлганлиги учун, у ишлаб чиқариш муносабатларининг ишлаб чиқариш кучлари ривожланиш даражасига ва табиатига мослиги қонуни таъсири остида бўлади. Бу шуни билдирадики, ер тузишнинг мазмуни, шакллари ва усуллари шу ривожланиш даражасига мос бўлиши керак. Қисман у ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчилар ерлари ҳудудларини ташкил этишни ер муносабатларига, фан ва техниканинг ривожланиш даражасига, қишлоқ хўжалигини юритиш тизимига, мавжуд аҳоли яшаш тизимига мослайди.

Аҳолининг ўсиши, фан ва техниканинг ривожланиши, товар ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатлашуви (айниқса бозор иқтисодиёти шароитида) меҳнат унумдорлигининг ва умуман ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсишига замин яратади. Демак, ер тузиш бундай ўсишни таъминловчи ташкилий-ҳудудий шароит яратиши керак. ҳар қандай ер тузиш шакли ёки ҳудудни ташкил этиш хўжалик фаолиятининг самарадорлигига таъсир этади. Масалан, хўжалик ва ишлаб чиқариш марказларини, аҳоли яшаш жойларини, йўللарни тўғри жойлаштириш натижасида юкларни ташиш, одамларни ишга олиб бориш ва олиб келиш билан боғлиқ харажатларни анча қисқартириш, ишлаб чиқаришни ташкил этишни яхшилаш мумкин.

Ишлаб чиқариш бўлимлари, алмашлаб экиш массивларининг оптимал ўлчамларини белгилаш, далаларга тўғри шакл бериш натижасида меҳнатни ташкил этиш яхшиланади, машина-трактор агрегатларининг айланишлари ва бошқа бефойда юришлари учун сарфланадиган вақт тежалади, қишлоқ хўжалик машиналарининг унумдорлиги ошади, дала ишларини бажариш муддатлари қисқаради ва ш.ў.

Пропорционаллик (нисбий) қонуни барча кўп функцияли ижтимоий - иқтисодий тизимларнинг таркибий қисмлари бир-бири билан балансланган аниқ бўлаклар ва нисбатларда бўлишини талаб этади. Бу қонун барча ишлаб чиқаришда,

айниқса ер, меҳнат ва пул - моддий ресурслар биргаликда ишлаб чиқариш жараёнида қатнашадиган қишлоқ хўжалигида ўз таъсирини ўтказди.

Амалиёт кўрсатадики, ўлчамлари оптимал бўлмаган қишлоқ хўжалик корхоналари паст самарадорликка эга бўлиб, кўпинча тарқаб кетади ёки қайта ташкил этилади.

Нисбийлик қонуни яна барча ресурслар балансланган бўлишини ва аввало хўжалик ихтисослиги ернинг майдони ва сифати, асосий ва айланма фондлар, меҳнат ресурслари билан боғланган бўлишини талаб этади. Шунингдек, экин майдонлари таркиби, озуқа ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳам балансланган бўлиши керак. Бу эса ер тузиш лойиҳаларини иқтисодий асослашни талаб этади. Ишлаб чиқарувчилар қаттиқ рақобатлашадиган бозор иқтисоди шароитида ер тузишнинг аҳамияти янаям ошади. Ернинг ҳудудий ва унумдорлик хусусиятларидан яхши фойдаланиш, тупроқ эрозияси жараёнларини тугатиш ва улар тагидаги ерларни ўзлаштириш ҳисобига маҳсулот етиштиришни анча кўпайтириш мумкин. Транспорт, эксплуатация (фойдаланиш) ва амортизация, умумишлаб чиқариш ва умумхўжалик харажатларини камайтириш эвазига ишлаб чиқариш харажатлари камаяди. Бу эса хўжаликни рақобатбардош қилади. Шунинг учун ҳам ери тузилган корхоналар муваффақиятли ривожланиш бўйича катта имкониятларга эга.

§ 3. Ер муносабатларини тартибга солишнинг иқтисодий механизми

Давлат томонидан ўтказилаётган ер сиёсати ҳамма вақт ҳам жамият ер тузумига мос ер муносабатларини қарор топтиришга асослангандир. Уларни тартибга солиш ҳуқуқий ва иқтисодий қисмлардан иборат маълум механизм ёрдамида амалга оширилади.

ҳуқуқий қисм аввало ер қонунлари билан аниқланадиган ва бажарилиши мажбурий бўлган меъёрлар ва қоидаларни ўз ичига олади. Уларнинг бажарилиши давлат ҳокимияти органлари, ер тузиш хизмати, суд маҳкамалари томонидан назорат қилинади.

Иқтисодий механизм ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларга маълум ер сиёсатини, ердан фойдаланишнинг устивор йўналиш-ларини амалга оширишга,

ер мулкчилигининг асосий шакллари мустаҳкамлашга қаратилган моддий чораларга асосланади.

Иқтисодий механизмнинг асосий элементлари жумласига қуйидагилар киради:

- табақалаштирилган тўловларни белгилаш;
- оқилона ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланишни иқтисодий рағбатлантириш ва ерга нисбатан хўжасизларча муносабатда бўлганлик, тупроқ унумдорлигини пасайтирганлик учун иқтисодий чораларни қўллаш;
- қишлоқ хўжалиги ерларини бошқа мақсадлар (саноат, транспорт ва ш. ў.) учун олишдан иқтисодий ҳимоялаш;
- давлатнинг инвестиция ва кредит-молия сиёсати.

Ер тузиш тизими ўз ичига белгили ер тузиш ишларини, ҳужжатларни, органларни олади ва ер муносабатларини тартибга солишнинг иқтисодий механизмидан фойдаланишнинг асосий қуроли ҳисобланади. Масалан, ер тузиш даврида ер кадастри ва ер мониторинги маълумотларидан фойдаланган ҳолда, ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчилар ерларининг майдонлари ва чегаралари, ерларнинг сифат тавсифи белгиланади ва улар ер солиғини ҳисоблашда ва ижара ҳақини белгилашда асосий ахборот маълумотлари базаси сифатида хизмат қилади. Бундан ташқари, ер тузишда ерлардан фойдаланишнинг махсус тартиби ва шароитлари, сервитутлар аниқланади, ер унумдорлигининг бошланғич ҳолатига тавсиф берилади, мелиорация, рекультивация, тупроқни эрозиядан сақлаш тадбирлари белгиланади. Бу бошланғич кўрсаткичларни ҳудуддан фойдаланишнинг мавжуд ҳолати билан солиштириб, давлат ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларга нисбатан иқтисодий таъсир чораларини қўллаши мумкин.

Ердан рационал фойдаланишни иқтисодий рағбатлантириш мақсадида ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар белгили муддатга ер учун тўловлардан озод қилиниши, ер солиғини тўлашда имтиёзлар олиши мумкин. Давлат ва маҳаллий ҳокимият ерларни тиклаш ёки рекультивациялаш учун бюджет маблағларини ажратиши, уларни вақтинча фойдаланишдан чиқаришда (консервациялаш) қоплама тўловлар тўлаши, экологик тоза маҳсулотлар учун юқори баҳо белгилаши, ер сифатини яхшилагани, тупроқ унумдорлигини оширгани учун ер эгаларини рағбатлантириши мумкин.

Шу билан бир қаторда, тупроқ унумдорлигини пасайтирганлиги, эрозия жараёнининг ривожланишига йўл қўйганлиги, ер ва табиатни муҳофаза қилиш бўйича қонунларни бузганлиги учун жарималар белгиланиши ва ерни қайтариб олишгача бўлган жазо чоралари қўлланиши мумкин.

Ер тузиш жараёнида қишлоқ хўжалик ерларини иқтисодий ғимоялаш амалга оширилади. Масалан, ноқишлоқ хўжалик корхоналари, ташкилотлари ва муассасаларига ер ажратиш ва ерларни қайтариб олиш, улар ерларини тартибга солиш (камчиликларни тугатиш) хўжаликлараро ер тузиш ёрдамида амалга оширилади. Унда олинаётган ерларнинг таркиби ва қиймати аниқланади, ер ажратишнинг ишлаб чиқаришга, аҳолига, ҳудудни ташкил этишга, ерни ва атроф муҳитни ғимоялашга салбий таъсирини тугатиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилади, ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчиларга етказилган ва қопланадиган зарар миқдорлари, қишлоқ хўжалиги зарари ва уларни қоплаш усуллари аниқланади ва асосланади.

Ер тузиш тизимида ишланадиган келажни башоратлаш ердан фойдаланиш ва уни муҳофазалаш бўйича давлат ва минтақавий дастурлар, ер ресурсларидан фойдаланиш ва уни муҳофаза этиш чизмалари ҳамда ер тузиш чизмалари давлатимиз ва унинг айрим минтақалари даражасида ишланадиган режа олди ва лойиҳа олди ишларининг умумий тизимига киради. Улар ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, ерни муҳофаза этиш масалаларини бир-бири билан боғлиқ ҳолда ечишга қаратилган, улар яна ер муносабатларини тартибга солишга, ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчиларнинг устивор шакллари ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга қаратилган инвестиция ва кредит-молия сиёсатини амалга ошириш учун илмий асос ҳисобланишади.

§ 4. Ер тузиш хўжалик механизмнинг таркибий қисми сифатида

Халқ хўжаликнинг ҳар қандай тармоғи, ҳар бир корхона, ташкилот ёки муассаса ўзининг жойлашуви учун ер талаб этади. Бунда ер нафақат бинолар, иншоотлар, йўллар қуриш учун, балки, жуда кўп ҳолларда асосий ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш, қишлоқ хўжалигини юритиш, фойдали қазилма бойликларини қазиб олиш ва ш.ў. учун керак. Шундай қилиб, ҳар қандай корхонани ташкил этишнинг

асосий шарти, унга ер тузиш жараёнида амалга ошириладиган ер ажратиш ҳисобланади.

Халқ хўжалиги ривожланиши натижасида ерлар тармоқлар, корхоналар, фуқаролар орасида қайта тақсимланади. Бунга айрим корхоналар ривожланиши учун қўшимча ер ажратиш талаб этилиши ва бошқа корхоналарнинг қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши сабаб бўлади. Ер фонди доимий ҳаракатда (ўзгаришда) бўлади ва бу ҳаракат ер тузиш жараёнида тартибга солинади.

Бундан ташқари, ҳар қандай, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалик корхонасининг фаолияти ишлаб чиқаришни ҳудудда ташкил этиш ва жойлаштириш, ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза этиш, турғун агроландшафтларни яратиш зарурати билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам ер тузишда хўжалик юритиш тизими, деҳқончилик тизими, экинларни парваришлаш технологияси, ҳудуднинг хусусиятлари, ерларнинг сифати ва жойлашган ўрни билан ишлаб чиқаришни, меҳнатни ва бошқаришни ташкил этиш, қишлоқ хўжалик корхонасининг ер-хўжалик тузилиши, мелиорация ва янги ерларни ўзлаштириш ишлари ҳажми боғланади. Шундай қилиб, ер тузиш хўжалик фаолиятининг барча соҳаларини, ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчиларнинг янгиларини ташкил этиш ва мавжудларини тартибга солишдан бошлаб, ишлаб чиқариш жараёни содир бўладиган ҳар бир ер бўлаги ҳудудини ташкил этишгача қамраб олади.

Демак, ер тузиш мамлакатимиз хўжалик механизмнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Давлат ўзининг ер сиёсатини олиб бориш учун ер тузиш ва бошқа органлари тизими орқали ер ресурсларини бошқаришни белгили ер тузиш ишларини бажариб амалга оширади. Уларнинг бошқариш вазифалари билан алоқаси 2.1 жадвалда келтирилган.

2.1 жадвал

Ер тузиш ишларининг ер ресурсларини бошқариш вазифалари билан ўзаро алоқаси

Ер ресурсларини бошқариш вазифалари	Ер тузиш ишлари турлари
Ер ресурсларини бошқаришни ахборот билан таъминлаш	Топография, геодезия, картогра-фия, тупроқ, геоботаника ва бош-қа изланишларни ўтказиш. Ер кадастрини амалга ошириш.

Ер ресурсларидан фойдаланиш-ни ва уни муҳофаза этишни режалаш ва башоратлаш (прогнозлаш)	Ер мониторингини олиб бориш. Башоратларни, республикамиз ва унинг минтақаларида ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза этиш режаларини ишлаш. Ер ресурсларидан фойдаланиш ва уни муҳофаза этиш чизмаларини ишлаш.
Ердан оқилона фойдаланишни ва уни муҳофаза этишни ташкил қилиш (умумий масалалар)	Туман ер тузиш чизмаларини ишлаш. Хўжаликлараро ер тузиш. Маъмурий-ҳудудий бўлинмалар чегараларини жойларда белгилаш. Махсус табиатни муҳофаза қи-лиш, рекреацион, тарихий-мада-ний мақсадлар учун ажратилган ҳудудлар чегараларини белгилаш ва жойлаштириш. Қишлоқ аҳоли яшаш жойлари че-гараларини белгилаш ва ўзгарти-риш. ҳар хил мақсадлар учун ер фонд-ларини ташкил этиш. Хўжаликларда ички ер тузиш. Ердан фойдаланиш ва уни муҳо-фаза қилиш билан боғлиқ ишчи
1	2.1 жадвалнинг давоми 2
ҳар хил мақсадлар учун ажратилган ерлардан оқилона фойдаланишни ташкил этиш (хусусий масалалар)	лойиҳаларини тузиш. Ер тузиш лойиҳаларини амалга ошириш устидан муаллифлик назорати. Маҳаллий маъмурият тасарруфи-даги ҳудудларни ташкил этиш (қишлоқ аҳоли яшаш жойлари чегарасида). Таморқа ерлари фондини тартибга солиш.

Ер ресурсларидан фойдаланиш ва уни муҳофаза этиш устидан давлат назорати, ер тортишув-ларини ечиш	Ер ресурсларидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини олиб бориш. Ер тортишувларини ечиш. Ер муносабатларини ҳуқуқий ва иқтисодий тартибга солиш учун ахборот тайёрлаш.
---	---

Назорат саволлари:

1. Нима учун ер тузиш объектив характерга эга?
2. Ер тузуми, ер муносабатлари, ер тузиш тушунчаларини тарифланг.
3. Иқтисодий қонунлар қандай гуруҳланади?
4. Ер тузишга ишлаб чиқариш муносабатларининг ишлаб чиқариш кучлари табиатига ва ривожланиш даражасига мослиги, меҳнат унумдорлигининг ошиб бориши, нисбийлик ва қиймат қонунларининг таъсирини тушунтиринг.
5. Ер муносабатларини тартибга солишнинг иқтисодий механизмнинг қандай асосий элементлари бор?
6. Ер тузиш хўжалик юритишнинг иқтисодий механизми билан қандай боғланган?
7. Нима учун ер тузиш давлатимиз хўжалик механизмнинг таркибий қисми ҳисобланади?

III боб

Ер ислоҳотини ўтказишда ер тузишнинг роли § 1. Ер мулкчилиги ва унинг ўзгариши

Ер тузумининг асоси ерга бўлган мулкчилик шакли ҳисобланади. Ерга мулкчилик ҳуқуқи учта элементдан ташкил топади:

- эғалик ҳуқуқи, яъни, ер участкасининг ҳақиқатдан ҳам мазкур шахсга қарашлилиги;
- фойдаланиш ҳуқуқи, яъни, мазкур ер участкасидан даромад олиш;
- тасарруф этиш ҳуқуқи (олди-сотди, гаровга қўйиш, совға қилиш ва ш.ў.), яъни, ер мулкдорининг ер участкасини ўз хохишига кўра тасарруф этиши.

Ер мулкчилигининг бир неча асосий турлари мавжуд: давлат, жамоа, хусусий.

Давлат мулки ерлари таркибига маҳаллий ҳокимиятлар тасарруфидаги ерлар киради. Уларга асосан муҳофаа мақсадларига ажратилган ерлар, миллий боғлар, захирадаги ерлар ва бошқалар киради. Давлат мулки ҳисобида яна бошқа тоифалардаги ерлар ҳам бўлиши мумкин, яъни, қишлоқ хўжалик, ўрмон, сув фондлари ерлари. Масалан, СССР давлатида ерлар мутлоқ давлат мулки ҳисобланар эди.

Ерга жамоа мулкчилиги асосан, қишлоқ хўжалик ширкатлари ва ҳиссадорлик жамиятлари ерларидан ташкил топади.

Хусусий мулкдаги ерлар қаторига деҳқон хўжаликлари ва хусусий тадбиркорлар ерлари киради. Маълум тўловлар эвазига ёки тўловсиз ер мулкдори ўз ерини ёки унинг бир бўлагини бошқа шахсларга фойдаланиш учун бериши мумкин.

Ер муносабатларининг ривожланиш тарихидан қуйидаги ердан фойдаланиш турлари маълум: доимий (абадий), узоқ муддатли, қисқа, муддатли. Муддатли ердан фойдаланиш жумласига ер ижараси ҳам киради.

Ер мулкчилигини тасарруф этиш ҳуқуқи уни сотиш, мерос қилиб қолдириш, совға қилиш, гаровга қуйиш, корхоналар низом фондига қўйиш, ижарага бериш имкониятини беради.

Ер мулкчилиги тушунчасига сервитутлар ҳам киради. Сервитутлар - бу бошқа ер мулкига бўлган қисман ҳуқуқ бўлиб, у ер мулкдори манфаатига қараб эмас, балки унинг ер участкасининг жойлашувидаги хусусиятларига қараб белгиланади. Сервитутларнинг қуйидаги асосий турлари мавжуд:

- машинада ва пиёда ўтиш, молларни суғориш ва ҳайдаб ўтиш ҳуқуқлари;
- суғориш манбаларидан фойдаланиш ҳуқуқи;
- бегоналар ерларида ов қилиш, балиқ овлаш, ўрмонлардан дарахт кесиш ва бошқ. ҳуқуқлари;
- магистрал қувур ўтказгичлар, йўллар, электртармоқлари ҳудудларида иншоотлардан фойдаланиш ҳуқуқи;
- бегоналар ерларидан фойдаланиш ҳуқуқи (ўрмонда молларни боқиш, қуриш материалларидан: қум, шағал, тупроқдан фойдаланиш, пичанзорлардан фойдаланиш).

Сервитутларнинг ер эгаларига маълум ноқулайликлар туғдиришини ҳисобга олган ҳолда, ер тузишда уларни қисқартиришга ҳаракат қилинади. Масалан, ер мулкдорига

ноқулайликлар келтириб чиқарадиган унинг ҳудуди орқали ўтиш ҳуқуқи келиб чиқмаслиги учун, ҳар бир ер участкаси йўл билан таъминланади. Ерларнинг бўлакларга бўлиниб қолмаслиги учун, йўллар уларнинг чегаралари бўйича жойлаштирилади.

Қандай ҳуқуқий мақомга эга бўлишидан қатъий назар ер участкалари аниқ чегараларга, майдонига ва жойлашган ўрнига эга бўлиши керак. Ер тузиш ер мулкчилигини шакллантириш ва улар ерларини қайта тақсимлашнинг асосий механизми ҳисобланади.

Ер тузишда амалга ошириладиган ер мулкчини ташкил этиш ва бўлиш бўйича ишлар тизими 1 чизмада келтирилган. Ер тузиш учун ер мулкига эга бўлиш усуллари катта аҳамиятга эга. Бошланғич даврларда у ҳудуд бўйлаб одамларнинг кўчиб юришлари даврида бўш ер участкаларини эркин эгаллаб олиш йўли билан яратилган бўлиб, давлат пайдо бўлиш даврида урушлар натижасида, ҳудудий мажораларни ечиш вақтида қайта тақсимланади, кейинчалик, мавжуд ишлаб чиқариш усуллари талаблари асосида ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар орасида бўлинади.

Кенг маънода ер мулкчилиги ҳуқуқига эга бўлиш, бу ҳуқуқнинг тугатилишининг асосий йўллари: мусодара қилиш (конфискация), тортиб олиш (экспроприация), хусусийлаштириш (приватизация), давлат мулкига айлантириш (национализация), жамоа мулкига айлантириш (коллективизация) ҳисобланади.

Мусодора этишда ер участкаси ер эгаси хохиши билан ҳисоблашмасдан, ҳеч қандай тўловларсиз, сиёсий мақсадларда, қилинган жиноят жазоси сифатида ёки бошқа сабабларга кўра тортиб олинади. Масалан, 1917 йил 8 ноябрдаги Умумроссия II съездида қабул қилинган ер тўғрисидаги «Декрет» га асосан Россияда ерга бўлган хусусий мулкчилик бекор қилинди. ҳамма ерлар ҳеч қандай тўловларсиз умумхалқ мулкига айлантирилди ва меҳнаткашларга фойдаланишга берилди.

Экспроприацияда давлат ва жамият эҳтиёжлари учун (автомобил ва темир йўлларини, саноат корхоналарини ва бошқ. қуриш) ерлар ҳақини тўлаб, мажбурий олинади.

Приватизацияда давлат ёки жамоа мулклари ҳисобланган ерлар хусусий ер эгаларига тақсимлаб берилади. Национализация даврида тескарисига ер халқ ёки давлат мулкига айлантирилади.

Коллективизация даврида ерлар бирлаштирилиб, жамоа ёки давлат мулкига айланади. Бошқача айтганда, ерга бўлган мулк ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши ҳамма вақт ҳам ерни қайтариб олиш ва ажратиб бериш билан боғлиқ.

Ер мулкчилигидаги туб ўзгаришлар ва ерларни қайта тақсимлаш, ер ислоҳоти даврида амалга оширилади.

Ер ислоҳоти - бу ерларни бир хил ер эгалари ва ердан фойдаланувчилардан бошқаларига олиб бериш ва шунга мос равишда мамлакатимизнинг ҳудудий тузилиши шаклларига ўзгартиришлар киритиш, ер мулкчилиги шаклларини ўзгартириш билан боғлиқ ўзига хос муносабатлар ва уларга мос устқурилмага эга ер тузумини қонуний расмийлаштирилган қайта қуришдир.

Ер ислоҳоти ҳамма вақт ҳам давлат томонидан тартибга солинади ва унинг назорати остида бўлади. У янги ер тузумига ўтиш учун амалга оширилади ва давлат ер сиёсатининг мужассамлашган кўриниши бўлиб, маълум ҳуқуқий, иқтисодий, техник ва ташкилий чоралар билан таъминланади.

Ер ислоҳотини амалга оширишнинг асосий механизми ер тузиш тизими ҳисобланади.

Ер тузиш ишлари

I. Ижтимоий-иқтисодий

Янги ер мулкининг пайдо бўлиши		Ерга мулк ҳуқуқини бериш	Ер мулкини бўлиш	Ер мулкини йириклаштириш	
Ерни муҳофаза этиш	Ер мулкларини улар-даги камчиликларни тугатиш ёрдамида тартибга солиш.	Ердан фойдаланувчил арни ташкил этиш.	Ердан фойдаланувчилар ерларидаги камчиликларни тугатиб, уларни тартибга солиш.	Ерларни ижарага бериш	

II. Техник

Демаркация (чега-раларни) белгилаш ва чегара чизигини ўрнатиш	Делимитация (ерларни ажратиш, бўлиш)	Комассация (майда ер бўлак ларини катта массивларга бир лаштириш, ер эгалари ерларини бир массивга бирлаштириш)	Консолидация (ерларни бирлаштириш, йирик-лаштириш)
Картографик ва изланиш ишларини ўтқа-зиш, план-харита материалларини янгилаш		Ердан фойдаланишни баҳолаш ва махсус ер фондларини ташкил этиш	Ерларни жойларда ажратиш

III. ҳуқуқий

Ерлардан фойдаланиш мақсадларини ўзгартириш	Ер бериш	Ерларни қайтариб олиш	Сервитутларни белгилаш
---	----------	-----------------------	------------------------

IV. Ташкилий (маъмурий-ҳуқуқий) ва маълумотлар - ахборотлар

— Ерга эгаллик қилиш (фойдаланиш)
ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни бериш

Ерларнинг ўрни, сифати ва майдони
тўғрисидаги маълумотлар тайёрлаш

1 - чизма. Ер тузиш ишлари тизими.

2. Чет элларда ер ислоҳотини ўтказиш тажрибаси ва уларнинг мазмуни

Ер муносабатларини тубдан ўзгартириш барча ер ислоҳотларининг марказий бўғини ҳисобланади. Улар узоқ вақтларгача жамият ривожланишининг пойдеворини яратади ва ҳалқ фаровонлиги даражасига таъсир этади. Шунинг учун ҳам, ер ислоҳотини бошлашдан олдин жамият ривожланишининг ҳар хил босқичларида ва ҳар хил давлатларда ўтказилган шунга ўхшаш ислоҳотлар тажрибаларини, уларнинг қонуниятларини, оқибатларини аниқлаш ва ислоҳотни ўтказишда уларни ҳисобга олиш учун чуқур ўрганиш керак.

Ер муносабатларини кескин, революцион ўзгартиришга қаратилган ер ислоҳотлари Латин Америкаси, Жанубий, Жанубий-Шарқий ва Марказий Осиё, Африкадаги ривожланаётган давлатларда ўтказилди. Ва аксинча, Ғарбий Европа, АҚШда ер ислоҳотлари эволюцион тарзда, кескин ўзгаришларсиз, асосан иқтисодий чоралар ёрдамида амалга оширилди.

Латин Америкаси давлатларида ер ислоҳотлари 3 та йўл билан ўтказилди: фуқаролар уруши натижасида, ҳарбий диктатуралар томонидан «Юқоридан» ва қонуний ҳаракатлар натижасида. Масалан, Мексика ва Боливияда ислоҳотлар фуқаролар урушидан кейин ўтказилди, Перуда уни ҳарбий ҳокимият ўтказди, Чили ва Коста-Рикада эса у қонуний йўл билан амалга оширилди.

АҚШ ва Ғарбий Европа томон юзланган давлатларда асосий ер эгалари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар сифатида фақат оилавий фермаларни ташкил этиш ғояси олға сурилди. Аксинча собиқ иттифоқ давлати таъсири остидаги давлатларда устивор йўналиш қишлоқ хўжалик кооперативларини (ширкатларини) ва бошқа жамоа хўжаликлари турларини ривожлантириш бўлди.

Латин Америкаси давлатларида ер муносабатлари ислоҳотларни ўтказиш даврида асосан йирик ер мулкчилигини кўпайтиришга қаратилди. Колумбияда 4% лендлордлар ҳозиргача 43% қишлоқ хўжалик ерларига эгалик қилишмоқда. Айни вақтда 66% деҳқонлар ерга эга эмас.

Гватемалада 88% атрофидаги фермерлар бори йўғи 16% фойдаланиладиган ерларга эга. Майдонлари 450 гектардан

юқори бўлган фермалар эса барча ҳайдалма ерларнинг 34% ни эгаллаб туришибди. Уларнинг сони умумий фермалар сонининг атиги 1% ни ташкил этади. (Тисенхьюзен У.К. Анализ земельных реформ, проведенных в странах Латинской Америки. Доклад на семинаре ФАО 7-14.06.1991-М.: ВАСХНИЛ, 1991. с. 6-9).

Ер билан етарлик даражада таъминланган давлатларда ер ислоҳотлари катта аҳамиятга эга бўлмади. Масалан, Аргентинада аҳоли бошига тўғри келадиган ер майдони катта бўлганлиги учун деҳқонлар асосан унумдор тупроқли ерларда яшашади. Аксинча, Перуда қишлоқ хўжалигида фойдаланишга яроқли ерлар кам бўлгани учун, қадимдан, мустамлакачилик даврида унумдор ерлар қаттиқ қўллик билан бой заминдорларга олиб берилди, маҳаллий аҳоли орасида эса ишсизлик кенг тарқалиб, уларнинг қашшоқлашувига ва дискриминацияга олиб келди.

Латин Америкасида ер ислоҳотларини ўтказишга қуйидагилар сабаб бўлди:

- деҳқонларга ер ажратиш ёрдамида ижтимоий асоишталикни сақлаш ва уларнинг йирик ер эгалари билан муносабатларида кескинликни юмшатиш зарурати;

- иқтисодиётни ўстириш, ички эҳтиёжлар ва экспорт учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етириштиришни кўпайтириш талаблари. Бунинг учун янги ерларни мустамлакалаштириш, ер эгаликлари ва ердан фойдаланишларнинг янги шакллари ташкил этиш амалга оширилди, натижада меҳнатга яроқли аҳолининг бандлиги ошди.

Шу билан бир қаторда, кўп вазиятларда ислоҳотларнинг сиёсий мақсадлари иқтисодий мақсадлардан устун қўйилди. Масалан, Сальвадор ва Никарагуада ер ислоҳотларининг муваффақияти фуқаролар уруши натижаларига боғлиқ бўлди.

Латин Америкаси давлатларидаги ислоҳотлар қуйидаги усуллардан фойдаланиб ўтказилди:

- ерларни национализациялаш ва уларни деҳқонларга давлат корхоналари ва қишлоқ хўжалик кооперативларини ташкил этиб бериш (Куба, 1959-1981 й, Никарагуа, 1979-1983 й);

- ерларни мустамлакалаштириш, яъни чегара ҳудудларида фойдаланилмайдиган ёки давлат томонидан хусусий шахслардан сотиб олинган ерларда асосан оилавий фермаларни тузиш (Бразилия, 1964-1969 й., Аргентина, 1940-1968 й.);

- қисман экспроприациялаш ёки ерларни сотиб олиш ва янги оилавий фермаларни ёки қишлоқ хўжалик кооперативларини ташкил этиш (Боливия, 1953-1975 й., Гватемала, 1954-1969 й.)

Ер ислохотларини ўтказишда ҳамма вақт ҳам ер тузиш органлари тузилди ва мустақамланди, ерларни бериш ҳамда майда оилавий фермаларнинг ва нисбатан йирик ишлаб чиқариш ширкатларининг устунликлари ёки камчиликлари тўғрисидаги масала қўйилди.

Ширкатларнинг устунликларига қарамасдан Латин Америкаси давлатларида асосан шахсий фермерликка ўтиш амалга оширилди. Бунга қуйидагилар сабаб бўлди:

- ўнг ҳукуматлар деҳқонларнинг қўллаб-қувватлашини изладилар, шунинг учун давлат ва ширкатлар тасарруфидаги ерларни бўлиб бериш рағбатлантирилди;

- ширкатларга ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун кредитлар, юқори малакали мутахассислар (иқтисодчилар, менеджерлар, бухгалтерлар) ёрдами керак бўлиб, бундай мутахассислар эса йўқ эди;

- деҳқонлар ерни олгандан бошлаб ҳар хил ташкилотларнинг ҳомийлигидан қутилиш ва мустақилликка эришишдан манфаатдор эдилар;

- ширкатларда даромадларни тақсимлашда тенгликка йўл қўйилар, яъни, меҳнат ҳақи амалда қилинган меҳнатнинг сарфига ва сифатига қараб табақалаштирилмас эди;

- тадбиркорроқ деҳқонлар ерни мулк қилиб, уни эркин тасарруф этиш, мерос қилиб қолдириш ва бошқа операцияларни бажариш ҳуқуқи билан олишдан манфаатдор эдилар. Бундан ташқари, кўплаб деҳқонлар ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланишнинг ҳар хил шакллари танлаш эркинлигини исташарди;

- қўл меҳнати кўп бўлган, механизация етишмайдиган, кредитлар йўқ шароитда кичик деҳқон хўжаликлари самарасиз-лиги қаттиқ меҳнат ва фойда олиш иштиёқи билан қопланарди.

Шуни қайд этиш зарурки, деҳқонларни ер билан таъминлашда, айниқса уларнинг ўта қашшоқлиги шароитида, ишлаб чиқаришда белгили даражада бирлашишлар жуда зарур. Кейинчалик, уларнинг даромадлари ўсгандан кейин, ишлаб чиқариш бирлашмалари агросервис ва маркетинг ширкатларига айлантирилади. Бундан ташқари, меҳнат ва ҳақ тўлаш тўғри ташкил этилганда йирик ишлаб чиқарувчиларнинг

иқтисодий манфаатларини кўзлабчи, ҳар хил мулк шаклларидаги хўжаликлар юқори унумли машиналар тизимини, замонавий технологияларни қўллаш ҳисобига майда корхоналарга нисбатан сезиларли устунликка эга бўлишади, бу майда товар ишлаб чиқарувчиларнинг инқирозга учрашига сабаб бўлади.

XX асрнинг бошларида Жанубий, Жанубий-Шарқий ва Марказий Осиё давлатлари Европа давлатлари мустамлакасида эди. Улар феодал жамиятлари бўлиб, асосан иқтисодиётнинг секин ривожланиётган ва феодал ер эгалари кўпчиликни ташкил этган аграр тармоғига йўналтирилган эдилар.

Мустамлакачиликдан озод бўлиш, саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш зарурати иқтисодиётда туб ўзгаришларни талаб этди. Бу давлатлар ер ислохотини ўтказишда икки йўлдан боришди:

- ерга хусусий мулкчиликка, ер ижарасига, тадбиркорликка қаратилган қишлоқ хўжалик корхоналарига ва шахсий деҳқон хўжаликларига асосланган капиталистик ер муносабатларини ривожлантириш (ҳиндистон, Жанубий Корея, Покистон ва бошқ.);

- қишлоқ хўжалигини юритишнинг жамоа шаклларига ўтиш, кооперацияни, социалистик ишлаб чиқариш муносабатларини ривожлантириш (Мўғулистон, Хитой, Ветнам, Шимолий Корея).

Ислохотларни ўтказишда ҳар хил усуллардан фойдаланилди: ерларни умумхалқ мулкига айлантириш, уларни экспроприациялаш (мажбурий сотиб олиш) ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланишни қонуний чоралар ва иқтисодий воситалар (кредитлаш, субсидиялаш, солиққа тортиш) ёрдамида тартибга солиш. ҳар хил давлатларда бу усуллар ўз хусусиятларига эга бўлди.

Масалан, ҳиндистонда ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланишнинг қуйидаги турлари кенг тарқалди (Жакоб А. Земельные реформы в Индии. Доклад на семинаре ФАО 7-14.06.1991.-М.: ВАСХНИЛ, 1991):

- давлат ҳудудининг катта қисмини «хос» ерлар сифатида ер эгаларига (заминдорларга) берди. Улар бу ерларга эгалик қилиб, уларга ўзлари ишлов берадилар;

- ерларнинг бир қисми заминдорларга бу ерлардан фойдаланаётган деҳқонлардан ижара ҳақини йиғиш учун берилди. Заминдорлар ҳар йили ижара ҳақини йиғиш ҳисобига

давлатга белгиланган миқдорда пулни ер солиғи сифатида тўлашади;

- айрим ерлар йирик феодал ер эгаларига давлат олдидаги буюк хизматлари (ҳарбий, иқтисодий, бошқарув) учун мукофот тарзида ажратилди. Уларга «ином»лар, яъни совға қилинган ер ҳуқуқи (ер эгаси бу ерлардан ер солиғини йиғиб олади) ҳамда «жагир»лар, яъни, ер солиғини тўлашдан бутунлай ёки қисман озод этиладиган ер эгаликлари киради;

- ерларнинг бир қисми тўғридан тўғри деҳқонлар эгалигида бўлиб, улар бу ерларга ишлов беришади ва ер солиғини тўғри давлатга тўлашади;

- жамоа (қишлоқ) назоратидаги ерлар ҳам бўлиб, улар жамоа аъзоларига (яшовчиларга) фойдаланиш учун берилади. Ер эгаси қишлоқда яшаб турсагина ерга хўжайин ҳисобланади, агар кўчиб кетса, ер жамоага қайтарилади. Кейин жамоа бу ерни жамоанинг бошқа аъзосига беради. Бундай бировдан бировга ўтиб турувчи ердан фойдаланиш тизими «жум» деб аталади.

Британия маъмуриятининг ҳиндистонда қишлоқ хўжалигини XX асрнинг биринчи ярмида амалга оширилган ер ислохотлари ёрдамида рағбатлантириш бўйича тажрибаси ҳам қизиқарлидир. Уларнинг мақсади ердан фойдаланиш тизимини ўзгартириш ва бунинг ҳисобига давлат учун максимал фойда олиш эди. Бу помещчик ер эгаликларини бузиш, деҳқонлар хусусий мулкларини кенгайтириш ва уларнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ўстиришдан манфаатдорлигини ошириш ҳисобига амалга оширилиши керак эди.

Қуйидаги тизимлар синаб кўрилди:

1. «Инглиз тизими» деб номланган помещчик ер эгаликларини ривожлантириш тизими. Унда қўйилган вазифа бир томондан, заминдор - помещчикларни қишлоқ хўжалигига ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини фаоллаштиришга кўшимча маблағларни ташлашга қизиқтириш бўлса, иккинчи томондан помещчикларнинг самарасиз фойдаланилаётган ерларининг бир қисмини хусусий тадбиркорлар орасида қайта тақсимлашдан иборат эди.

Бу ер участкалари бўш ерлар деб эълон қилинди ва аукционларда (ким ошди савдосида) сотилди. Бундан ташқари, инглизлар «Доимий сеттельмент» деб номланган, яъни, заминдорлар учун абадий ўзгармайдиган маълум миқдордаги ер солиғини белгилади ва уларга деҳқон ердан

фойдаланувчиларга солиқ солиш ҳисобига олинадиган даромадни ўзларида тўла қолдириш имкониятини яратди.

Бу тизимнинг таъсири асосан ҳиндистоннинг шарқий қисмидаги (Гарбий Бенгалистон, Бихар ва Орисса штатлари) билан чекланди. Умуман бу тизим ўзини оқламади, сабаби, заминдорлар аукционларда ўзларининг собиқ ерларини максимал баҳоларда, қарзларга ботиб бўлсаям қайтариб сотиб олишди.

Шу билан бир қаторда, сеттельмент шунга олиб келдики, деҳқонларга мажбурий равишда катта ижара ҳақи белгиланди, бу уларнинг қашшоқлашувига ва ижтимоий кескинликнинг кучайишига олиб келди. Заминдорлар эса олдингидек яшашни давом эттиришар ва деҳқонларга максимал солиқ солишдан манфаатдор эдилар.

2. Мадрас ва Бомбейда инглизлар француз моделидан фойдаландилар. Бу модел деҳқонлар мулкани жорий этишга қаратилган бўлиб, ҳиндистонда «райотвари» тизими номини олди. Бу тизимда ер тўғридан-тўғри давлат томонидан махсус шартномага асосан деҳқонларга мулк қилиб берилди. Унга асосан деҳқон ер мулкдори деб тан олинди ва унга ерни ижарага бериш, гаровга қўйиш, совға қилиш ёки сотиш ҳуқуқлари берилди. Деҳқон - ер эгаси ҳукуматга белгиланган ер солиғини тўлаб турган даврда ери тортиб олиншидан муҳофаза этилди.

Ер эгалигининг бошқа тури («махалвари») Бирлашган провинцияларда Панжаб штати чегараларигача ўрнатилди ва тўла қишлоқ билан шартнома тузишга асосланди. Бунда давлатга шахсий тўланадиган солиқлардан ташқари жамоа ер солиғи ҳам тўланади.

Бу тизимларнинг барчаси ҳам тўла ҳаётга тадбиқ этилмади, сабаби улар юқоридан туширилган эди ва деҳқонлардан ҳамма фойдани ер солиғи тарзида олиб қўйилишига олиб келди, уларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш иштиёқини туғдирмади. ҳақиқатда ялпи маҳсулотнинг 50 фоизидан 70 фоизигача, бошқа ноқонуний йиғимлар ва тўловлардан ташқари, фақат ердан фойдаланганлик учун тўланар эди.

ҳиндистон мустақилиikka эришганидан кейин янги ер ислохоти ўтказиш зарурати туғилди. Унинг асосий мазмуни қуйидагилардан иборат бўлди:

- йирик ер эгаликлари (заминдорлар) тизимини бекор қилиш;

- ижарачилар ҳуқуқларини белгилаш, мустаҳкамлаш ва муҳофаза этиш;
- ер эгалиklarининг максимал майдони чегарасини белгилаш;
- ер эгалиklarини бирлаштириш.

Заминдорлар тизимини бекор қилиш штатларда қабул қилинган қонунлар асосида олиб борилди: унинг моҳияти давлат билан деҳқонлар орасидаги ердан меҳнатсиз даромад олувчиларни тугатишга қаратилган эди. Шундай қилиб, деҳқончиликда феодализм қолдиқларини тугатишга ва қишлоқ хўжалигини самарали ривожлантиришга замин тайёрлашга ҳаракат қилинди.

Берилган ерлари учун заминдорлар ер солиғи даражасини ва йиллик даромад миқдорини ҳисобга олувчи пул тўловларини олишди. Шунга қарамадан заминдорлар тасарруфида жуда катта ер майдонлари қолди (ер эгалари ўз кучлари билан ёки ёлланма ишчи кучи ва ижарачилардан фойдаланиб ишлов берадиган томорқа ерлари, қишлоқлардаги ерлар ва мулкый «хос» ерлар).

Давлат собиқ ер эгаларидан 173 млн. акр (69,9 млн. га) атрофидаги ерларни олди ва 73 млн. ер эгалари билан тўғридан-тўғри муносабатлар ўрнатди. Бу жараён ҳозирги вақтгача ҳам давом этмоқда.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ер ижарачиларининг ҳуқуқларини мустаҳкамлаш билан ҳам боғлиқ эди. Сабаби, улар заминдорлар тарафидан ҳар хил тайзиқларга учрар ва ҳаттоки турмуш кечиришлари учун ҳеч қандай манба олмасдан ижарага олган ерларидан ҳайдаб чиқарилар эди.

Барча ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларга ер участкаларига бўлган ўз ҳуқуқларини тасдиқлаш тавсия этилди (ер бўйича китоблар, ижара шартномалари, ижара ҳақиниуи тўланганлиги тўғрисидаги патталар ва бошқ.). Ер ислоҳоти даврида ер ҳисоби ва ер билан боғлиқ операцияларни рўйхатга олиш йўлга қўйилди. Бу ишлар солиқ инспекцияси томонидан амалга оширилди.

Қатор штатларда ижара ҳақини ундириш ва шерикчиликни ижарачиликга тенглаштиришни тартибга солувчи қонунлар қабул қилинди.

Ижарачиларга ерларни мулк қилиб бериш мақсади, уларда ерни сотиб олиш учун етарлик маблағлар бўлмаганлиги сабабли, амалга ошмади. Бундан ташқари, йирик ер эгалари

ислоҳотларни ўтказишга ҳар томонлама тўсқинлик қилдилар, ўз ерларини сақлаб қолиш учун ҳар хил қонунни айланиб ўтиш йўлларини ахтардилар.

Ер участкаларининг максимал майдонларини чеклаш бўйича қонун йирик мулкдорлардан ортиқча ерларини олиш ва уларни ерсиз деҳқонлар ёки майда ишлаб чиқарувчилар орасида тақсимлаш учун қабул қилинди. Бу қонун штатлар юрисдикциясида эди; уларнинг ҳар бири ўзига мос қонунларни қабул қилишиб, кейин уларни ягона умумдавлат сиёсатидан келиб чиқиб тузатишди.

Штатлар қонунларига асосан 7,2 млн. акр (2,9 млн.га) ерлар ортиқча деб эълон қилинди, улардан 4,4 млн. акри (1,8 млн. га) қайта тақсимланди, қолган қисми эса тақсимланмай қолди ёки улар бўйича суд жараёнлари олиб борилмоқда.

Қайта тақсимланадиган ерлар майдони кутилганидан анча кам эди, сабаби, ерларнинг максимал меъёрлари киритилишини сезган заминдорлар ўз ерларининг бир қисмини бошқа шахслар номига ўтказиб қўя бошладилар. Бундан ташқари, айрим ер эгаларига нисбатан ерларнинг максимал майдонлари бўйича имтиёзлар бўлиб, бу имтиёзлар уларнинг ерларини бўлишга тўсқинлик қиларди. Ислоҳотларни ўтказиш ташаббускорлари яхши ташкиллашмаган эди ва ислоҳотларни ўтказиш учун зарур маъмурий механизм ишламади.

Мамлакатнинг қатор штатларида (Панжоб, Харяна, Ўтар-Прадеш ва бошқ.) бир вақтнинг ўзида майда ер эгаларини йириклаштириш бўйича ишлар бошланди. Бу минтақаларда авлодлар алмашган сайин ер участкаларининг бўлиниши, майдаланиши ва парчаланиши кучайиб борди. Бунинг асосий сабаби, урф-одатлар ва мерос қолдириш қонуни эди. Шунинг учун ҳам, қишлоқ хўжалиги унумдорлигини оширишга шароит яратиш мақсадида ерларни комассиялаш (ер эгалиklarининг бир неча бўлақдан иборат ер участкаларини бир массивга жамлаш) ўтказилди.

Умуман, ҳиндистонда ўтказилган ер ислоҳотлари тажрибасидан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

1. Ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш учун сиёсий кўрсатмалар ва иқтисодий чоралардан ташқари белгили ташкилий тадбирлар, махсус органлар ёки мавжуд органлар фаолиятини кенгайтириш зарур бўлади.

2. Ер эгалиklари таркиби, чегаралари ва уларга ажратилган ерлар майдонлари, ер эгалиklари ва ердан

фойдаланувчиларни рўйхатга олиш, ер ҳисоби ва ердан фойдаланиш устидан назорат қилиш ва ерларни баҳолаш ишларини бажарувчи ер кадастри тўғрисидаги тўла ва аниқ маълумотлар зарур бўлади ва шулар асосида иқтисодий тадбирлар тизимини амалга ошириш мумкин (кредитлар бериш, солиққа тортиш ва бошқ.)

3. Ерларни ҳуқуқий тўғри ва техник жиҳатдан мукамал қайта тақсимлаш ва ажратиш, улардан оқилона ва иқтисодий самарали фойдаланишни ташкил этиш учун ер тузиш зарур.

Фарбий Европада ер муносабатларининг асосини ерга бўлган хусусий мулкчилик ва фермер хўжаликлари ташкил этади. Бу ер тузуми аста секин 1789 йилдаги француз революциясидан бошлаб ташкил топди. Ислохотларнинг асосий мазмуни ерга бўлган феодал ҳуқуқи тизимини бекор қилиш эди.

Буюк Британияда ерга хусусий мулкчилик жорий этилмади. Бу ерда катта ер эгалари ерлари чекланмаган ҳолда мерос бўлиб авлоддан авлодга ўтар ва улар бу ерларга тўла эгалик қилишар, ер номигагина давлатники ҳисобланар эди.

Фарбий Европа давлатларида ерга хусусий мулкчиликнинг ривожланиши қуйидаги масалаларни ечиш имконини берди:

- йирик ер эгалиklarини бузиш ҳисобига янги фермерлар ижтимоий қатламини ташкил этиш;

- фермерларнинг шахсий мустақиллигини ва ижтимоий ҳимоясини, жамият манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, ерни ва етиштирилган маҳсулотни эркин тасарруф этишни таъминлаш;

- фермерларнинг ишлаб чиқаришни ўстиришдан манфаатдорлигини ошириш ҳисобига, қишлоқ хўжалиги унумдорлигини ошириш;

- фермерларга кредитлар ва узоқ муддатли ссудалар олиш, шу жумладан, мулкидаги ерни гаровга қуйиш ҳисобига, имкониятини таъминлаш;

- фермерларга ердан фойдаланиш, уни ижарага бериш, меросга қолдириш ва ш.ў. бўйича қарор қабул қилиш эркинлигини бериш.

ҳар хил давлатларда ерга мулкчилик ҳуқуқини олиш ҳар хил йўллар билан амалга оширилди. Бунда қисман ерларни экспроприациялаш, ер эгалиklари ва ердан фойдаланувчиларни иқтисодий тартибга солиш (табақалаштирилган солиққа тортиш, субсидиялаш ва бошқ.)

ер эгалиklarининг максимал майдонларини чеклави қонунларни қўллаш усулларида фойдаланилди. Барча вазиятларда ҳам Фарбий Европада қарор топган бозор муносабатлари ҳисобга олинди. Кўплаб давлатларда (Франция, Буюк Британия, Бельгия, Нидерландия, Швеция ва бошқ.), ер ресурсларининг эркин бозори бўлиб, уларда ер баҳоси таклиф ва талабдан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Бошқа давлатларда (масалан, Германияда) қишлоқ хўжалик ерлари бозори давлат назорати остида. Бундай назоратдан мақсад ер билан чайқовчиликнинг, уни кўчмас мулкка айлантириш ва кейин сотиш мақсадида сотиб олишнинг олдини олиш эди. Харидор ва сотувчининг ер баҳоси бўйича манфаатлари бир-бирига мос тушмаслигини ҳисобга олиб, Германия ҳукумати агар ерни сотиш тўғрисидаги келишувда ерга қўйилган баҳо айнан шундай сифатли ерларга бошқа фермерлар белгилаган ўртача баҳонинг 150% ошмаса, бундай келишувнинг қонунга ғилоф эмаслигини тақдиқловчи қарор қабул қилди (Липински Э.Э. Доклад на семинаре ФАО - М.: ВАСХНИЛ, 1991 с.7).

Фермерлар ерларини йириклаштириш, уларни бир йирик массив ҳолига келтириш ва сонини камайтириш мақсадида ўтказиладиган ерларни комассациялаш ҳамда фермаларни йириклаштириш бўйича ер тузиш ишларини ўтказиш катта аҳамиятга эга. Бу сони доимий камайиб бораётган фермерларни қўлаб-қувватлашга қаратилган давлат сиёсати натижасидир. Масалан, Германия статистика маълумотлари ҳар йили 16,7 минг фермер хўжалиklари тугаб кетаётганлигини ва улардан фақат 0,1 % гина банкротлик асосида тугатилганлигини кўрсатади.

Швецияда 1950 йилдан 1990 йилгача бўлган даврда ер эгалари сони 300 мингдан 98 мингга қисқарди, бир ер эгаси ишлов берадиган ўртача ер майдони эса 12 гектардан 27 гектарга кўтарилди.

Фарбий Европа давлатларида ер муносабатларини тартибга солишнинг асосий механизми - фермерларни солиққа тортиш, уларга кредит ва субсидиялар ажратишдир. Уларнинг асосийлари қуйидаги солиқ турлари ҳисобланади:

- даромад солиғи;
- ер солиғи (кўчмас мулк учун);
- ер ёки бошқа кўчмас мулкнинг бировдан бошқага ўтганлиги учун солиқ;

- капитал (кўчмас мулк) ўсганлиги учун солиқ.

Фермерларга субсидиялар ва кредитлар ажратиш тизими, уларни қўллаб қувватлашга қаратилган ҳар хил давлат дастурлари ва кредит банклари, қишлоқ хўжалик рентаси банклари, қишлоқларни ва ер ренталарини кредитлаш банклари, кооператив банклари, жамғарма банклари, ер ва деҳқон банклари ва ш.ў. ўз ичига оладиган ривожланган банк тармоқлари катта аҳамиятга эга.

Ер сиёсатини амалга оширишда, ер мажораларини ечишда, ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчиларни рўйхатдан ўтказишда, ер ҳуқуқларини муҳофаза этишда ер судларининг аҳамияти катта.

Гарбий Европа давлатлари ер сиёсатини таҳлил қилиш қуйидаги хулосаларни чиқаришга имкон беради:

қонун билан ҳимояланадиган, ер мулкчилигининг турғун муносабатлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва тупроқ унумдорлигини оширишдан шахсий манфаатдорликни беради;

ер сиёсати, албатта, уни амалга оширишнинг иқтисодий механизмга асосланади (солиққа тортиш, кредитлаш, субсидиялаш);

ер қонунчилигини такомиллаштириш, албатта, муаммони ҳар томонлама ечишни таъминловчи аграр қонунларни мос равишда ўзгартиришни кўзда тутди;

бозор иқтисодиёти шароитида ер муносабатлари ўзида давлат муассасалари ва хусусий корхоналарни (ер банки, ер судлари, ер биржаси, ер тузиш хизмати, ер тўғрисида ахборот тизими, солиқ инспекцияси, рўйхатга олиш бюролари, ҳар хил агентликлар) мужассамлаштирган ривожланган инфратизим билан таъминланади.

§ 3. Россияда ва Ўзбекистонда ер ислоҳоти ва ер тузиш

Ер тузишнинг асосий қисмларидан бири чегаралаш (межевание), яъни, ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар ерлари чегараларини белгилаш ва уларнинг ҳужжатларини расмийлаштириш ҳисобланади. 1649 йили Россияда чегаралашни расмий ҳуқуқий иш сифатида белгиловчи биринчи қонуний ҳужжат қабул қилинди.

Россияда 1861 ва 1906 йилларда, ерларни национализациялаш ва коллективлаштириш давларида ер ислоҳотлари ва улар билан боғлиқ катта ҳажмдаги ер тузиш ишлари ўтказилди.

1861 йилдаги ер ислоҳоти асосида ўтказилган ер тузиш ишлари Россияда капитализмнинг ривожланиши билан боғлиқ эди. Крепостной тизим қишлоқ хўжалигининг ривожланишига тўсқинлик қилар, унинг товар маҳсулотлари етиштиришига ва интенсивлашишига йўл қўймас эди. Ижтимоий вазиятнинг кескинлашуви, Европадаги йирик буржуазия-демократик ва буржуазия-миллий қайта ташкил этишлар Россия ҳукуматини крепостной ҳуқуқни бекор қилишга ва ислоҳотларни ўтказишга мажбур қилди.

Деҳқонлар ислоҳоти барча ерларга мулкчилик ҳуқуқи помещикларга тегишли деган қоида асосида ўтказилди. Деҳқонларга белгили миқдорда ер ажратилишига қарамасдан, улар помещикларга қарам эдилар, яъни улар помещикларга йилига белгили муддатларда текин ишлаб бериши керак эди. Помещик билан бирга ерни сотиб олиш тўғрисидаги ҳужжатга кўл қўйгандан кейингина деҳқон унинг мулкдори ҳисобланар эди. Сотиб олиш фақат помещик розилиги билангина амалга оширилар, улар бу жараёни чўзишга ҳаракат қилишар эди. Натижада 1861 йилги ислоҳотлардан 20 йил кейин ҳам собиқ помещик деҳқонларининг 1/7 қисми помещикларга мажбурий ишлаб берувчилар бўлиб қолдилар.

Ислоҳот деҳқонлар фойдаланаётган ерларнинг сезиларли даражада қисқаришига олиб келди, сабаби, помещиклар деҳқонларни ислоҳотларгача фойдаланиб келган ерларидан ажратиш, меъёрлардан ортиқ қисмини қирқиб олиш ҳуқуқига эга эдилар.

Мамлакат бўйича бундай қирқиб олинган ерлар майдони деҳқонлар ерларининг 20% ташкил этди. Асосан, унумдор, жойлашган, ўрни қулай ерлар қирқиб олинди. Натижада деҳқонлар помещикларга тўла иқтисодий қарам бўлиб қолдилар, сабаби, кам ерли, номигагина шахсий қарамликдан қутилган деҳқон оиласини боқиш учун ўзининг собиқ хўжайинига ишлаб бериши зарур эди.

Ўзларининг камайган ва сифати ёмонлашган ерларини деҳқонлар ернинг бозор баҳосидан анча юқори бўлган баҳоларда сотиб олишга мажбур эдилар. Уларнинг катта қисмида пул маблағлари бўлмаганлиги учун давлат сотиб олиш баҳосининг 80% ни қоплади ва бу пулларни помещикларга тўлади. Бу қарзни (фоизи билан) деҳқонлар 49 йил ичида

хазинага қайтаришлари керак эди. Ерларни сотиб олиш бўйича тўловлар деҳқонлар бўйида 1905-1907 йиллардаги революцияга қадар огир юк бўлиб ётди. Революция даврида улар бу тўловлардан озод қилинди.

Крепостной қарамликдан қутилган деҳқонларнинг ерларини тузишда қуйидаги ишлар бажарилди:

ер участкаси майдонини ва унинг учун тўловлар (ишлаб беришлар) миқдорини аниқлаш;

низом ҳужжатини тузиш;

сотиб олиш бўйича тўловларни аниқлаш;

жойида ер участкаларини ажратиш;

деҳқон ерларини помещчик ерларидан ажратиш ва чегаралаш.

Деҳқонлар ерларини ажратиш бўйича ер тузиш ишларини бажариш учун помещчиклар ўз ҳисобларидан хусусий ер тузувчиларни таклиф этишлари ёки бу ишларни ўзлари бажаришлари мумкин эди. Давлат эса помещчиклар ҳаракатини назоратлаб ва деҳқонларни улар билан келиштирувчи расмий шахсларни маҳаллий дворянлардан, улар билан келишган ҳолда тайинлаш билан чекланди. Буларнинг ҳаммаси, асосан, дворян - ер эгалари манфаатларини кўзлаб қилинди. Шунинг учун ҳам, айрим ҳолларда, деҳқонлар помещчиклар ер ўлчовчиларига ишонишмасдан, ўтказилган ўлчашларнинг тўғрилигини текшириш учун ўз ҳисобларидан ер тузувчиларни чақиришди.

ҳамма ер тузиш ишлари «Ер турларини белгилаш ва чегаралашдаги ва деҳқонларнинг сотиб олинган ерларини ажратишдаги чегаралаш ишлари тартиби тўғрисида»ги меъёрий ҳужжат асосида олиб борилди. Ерларни геодезик асбоблар ёрдамида тасвирга олиш кўзда тутилмади, ер ажратиш олдин ўтказилган Бош ёки махсус чегаралашларнинг планлари асосида амалга оширилди. Ерлар жойларда чегараланди.

Деҳқонларнинг огир аҳволига қарамасдан ислоҳот Россиянинг тез ривожланишига замин яратди, уни феодал крепостной давлатдан капиталистик давлатга айлантирди. Аммо, крепостнойчилик қолдиқларининг кўплиги янада ривожланишга, айниқса қишлоқ хўжалигида, тўсқинлик қилди, натижада янги ўзгаришларни амалга ошириш зарурати туғилди.

Столипин ер тузиши 1905 йилдаги революциядан кейин ўтказилди. Унинг мақсади деҳқон жамоалари ер эгалиklarини

аста секин тугатиш ва уни хусусий ер мулкига айлантириш эди.

Ерлари кўплаб полосалардан иборат, майда натурал хўжалик ва ерларни доимий қайта бўлишлар билан боғлиқ жамоа ер эгалиги энди давлатни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлай олмас эди. Қишлоқлардаги табақалашув, деҳқонларнинг «бақувват хўжаликлари» ривожланиши бўлинмайдиган, доимий ерга эгалик қилишни, машиналар ва илғор деҳқончилик тизимларидан фойдаланиш эса - ер участкаларининг йириклаштирилишини ва ундаги шаклий ва бошқа камчиликларни тугатишни талаб этади.

Бундай шароитда ҳукумат анъанавий жамоаларни ҳимоя қилиш сиёсатидан деҳқонларга ажратилган ерларда хусусий мулкчиликни жорий этиш, деҳқон ер эгаликлари ўлчамларига қўйилган барча асосий чеклашларни олиб ташлаш, йирик, бой деҳқон хўжаликларига давлат ерларини хусусий мулк қилиб сотиш йўли билан уни батамон тугатиш сиёсатига ўтди.

Товар деҳқон хўжалиklarини ривожлантириш учун П.А.Столипин ҳукумати хуторлар ва отрублар ташкил этиш, қишлоқлар ерларидаги полосалар тарзида ердан фойдаланишни тугатиш билан боғлиқ ер тузиш тадбирларини ўтказишни ташкил этди. Бу катта харажатларни талаб қилди. 1906 йилдан 1913 йилгача ўтган 7 йил ичида ер тузиш ташкилотларига 63 млн рубл, деҳқонларга ер тузишда нафақа ва ссудалар бериш учун эса 22 млн рубл ажратилди. Агар буларга мелиоратив ишларга ва агрономия ёрдами беришга ҳамда Деҳқон ва давлат банклар маблағлари ҳисобидан ассигновацияларни ҳам қўшсак, ҳукуматнинг умумий харажатлари 100 млн рублдан анча ошиб кетди.(Кофод А. Русское землеустройство. Изд. 2-ое.-Сельский вестник 1914-СПб. С.145).

Министрлар Кенгаши раиси П.А.Столипин Давлат Думасида аграр ислоҳотларни амалга оширишдаги ер тузишнинг роли ҳақида гапириб «ҳукуматнинг ер тузиш ташаббуси нафақат иқтисодий, балки чуқур ижтимоий ва сиёсий аҳамиятга эга» деди.

Хуторларни ва отрубларни тузиш Столипин ер тузишида ихтиёрий ёки мажбурий тарзда деҳқонларга ажратилган эскидан ҳайдаладиган ерларни чегаралаш ҳамда мамлакатнинг шарқий мустамлака минтақаларига: Ўрта Осиё, Қозоғистонга, деҳқонларни кўчириш жараёнида амалга оширилди.

Деҳқонларни кўчириш аграр ислохотларнинг бир бўлаги эди. Биринчи йилларда кўчиб борганларга нафақа берилди, темир йўл транспортида юришда имтиёзлар ва жамоадан чиқиш эркинлиги белгиланди. Шунинг учун ҳам кўчириш ҳаракати Россиянинг барча марказий губернияларини қамраб олди. Агар 1905 йилгача ҳар йили ўртача 70 минг одам кўчган бўлса, 1906-1911 йилларда - 500 минг одам кўчирилди. Бироқ 1909 йилдан бошлаб кўчирилганларнинг кўплари ҳаёт учун зарур шароитлар етишмас-лиги натижасида олдинги жойларга қайтиб кела бошлади. Давлат-дан зарур ёрдамни ола олмасдан ёки кам унумли ерларда хўжалик юрита олмасдан, кўпчилик кўчирилганлар охир оқибатда хонавай-рон бўлишиб, қишлоқлардаги чорикорлар ва шаҳарлардаги иш-сизлар қаторига қўшилишди. Ўртача Россия бўйича 1910 йилда кўчирилганларнинг 30-40%, 1911 йилда эса 60% қайтиб келишди.

1917 йилда революциядан олдинги 10 йил ичида хуторлар ва отрублар учун 16 млн. десятина ер ажратилди ва бу ерларда 1612690 деҳқон хўжаликлари жойлашди. Бу умумий деҳқон хўжаликлари сонининг 10,5% ташкил этар эди.

Ислохот Россия қишлоқ хўжалигининг белгили ютуқларга эришишига олиб келди. Янги машиналар ва меҳнат қуроллари, хўжалик юритишнинг илғор тизимлари кенг қўлланила бошлади, экинлар майдонлари кенгайди.

Ислохотнинг биринчи йилларида қишлоқ хўжалик маҳсулот-лари ҳажмининг ўсиши хўжаликларни тубдан ўзгартириш натижасида сезиларли даражада бўлмаган бўлса, кейинги йилларда у кескин ўсди. Масалан, 1904-1910 йилларда ўртача йилик дон етиштириш 1895-1900 йилларга нисбатан 19%, 1911-1912 йилларда эса - 34% ошди.

1865 йили октябр ойида Тошкентнинг Россияга қўшиб олинганлиги расмий эълон қилинганидан кейин, Ўзбекистон ҳудудини мустамлакага айлантириш бошланди. Бу ерда Туркистон генерал губернаторлиги тузилди ва 1867 йили 14 июлда барон фон К.П.Кауфман биринчи генерал губернатор этиб тайинланди.

Чор ҳукумати 1886 йилдан бошлаб Туркистонда ер муносабатларига ўзгартириш кирита бошлади. Жумладан, кўчманчи туманларда ерлар давлат мулки деб эълон қилинди, ўтроқ туманлардаги ерлар ерлик аҳолига хусусий мулк қилиб берилди, ердан ва сувдан фойдаланиш шакллари аниқланди, одамсиз воқиф ерлар барча солиқлардан озод қилинди, одами

бор воқиф ерлари шу ерда ҳақиқий ишлайдиган одамларнинг мулки деб эълон қилинди. Бу ерлардан йиғиладиган солиқлар тўғри давлат хазинасига тушиши керак эди.

Кўчманчилик туманларида ерлар давлат мулки деб эълон қилинганлиги рус кўчманчилари бу жойларни тезлик билан эгаллаб олишига имконият туғдирди. 1869 йилдан бошлаб Россиядан деҳқонларни кўчириб келтириш бошланди. Уларга ҳар бир одам бошига 30 десятина ер ажратилди. Кейинчалик бу кўрсаткич 10 десятинага туширилди.

Сирдарё вилоятида 1909 йилга келиб 40 минг кўчириб келтирилган одам бўлиб, уларнинг ерлари 203 минг десятинали ташкил этди. Ҳаммаси бўлиб Туркистонда кўчириб келтирилган рус деҳқонлари 326 посёлкада жамланиб, 248,5 минг одамни ташкил этди.

Кўчириб келтирилганларга ер текинга берилиб, асосан, уларга кенг ва унумдор ерлар ажратилди. Улар 5 йилга солиқлардан озод қилинди ва кейинчалик ҳам солиқлар бўйича имтиёзларга эга бўлдилар. Уларга қурилиш учун текин ёғоч, 25-100 сўм миқдорида пул ссудаси, уруғликлар берилди.

Ўзбекистоннинг аҳоли зич яшайдиган туманларига руслар кўчирилмади. 1888 йилдан бошлаб ўтроқ аҳолиси кўп бўлган Сирдарё, Самарқанд, Фарғона вилоятлари ерлари харитага туширила бошлади ва ерлар фойдаланиладиган ва фойдаланилмайдиган қисмларга ажратилди. Фойдаланиладиган ерларга даромаднинг 10% миқдорида солиқ белгиланди.

Чор ҳукумати ер ислохотини ўтказишда қишлоқ хўжалигини хусусий мулкчиликка асосланган товар хўжаликлари асосида ривожлантиришни ва Туркистонда пахтачиликни ривожлан-тиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Бунинг учун эса янги ерларни ўзлаштириш ва суғориш зарур эди. Бу йўналишда ишлар бошлаб юборилди. 1900 йилга келиб Мирзачўлда 57 минг десятина ер суғориладиган бўлди.

Янги ерларни ўзлаштириш, суғориш ва бошқа тадбирлар ҳаммаси асосан пахтачиликни ривожлантиришга қаратилган эди. Бунинг учун қуйидаги давлат тадбирлари кўзда тутилди:

1. Солиқларни (натура) маҳсулот шаклидан пул шаклига ўтказиш. Бу ўз навбатида деҳқонларни асосий товар маҳсулоти бўлган пахта экишга мажбур этар эди.

2. Пахтачиликда солиқларни камайтириш.

3. Туркистон ва Бухорони Россиянинг Европа қисми билан боғловчи темир йўлини қуриш. Бу олиб кетилаётган

пахта ҳаражатларини камайтирар ва Россиядан арзон бугдой олиб келиш имконини берарди.

4. Чет эллардан олиб келинадиган пахтага солиқни кўпайтириш

5. Пахта тозалаш ва ёғ тозалаш заводларини қуриш.

6. Пахтачилик бўйича тажриба, уруғчилик ва агрономик ишларини ташкил этиш.

Бу тадбирлар Ўзбекистонда пахтачиликнинг ривожланишига асос бўлди.

1917 йил 25 октябрдаги революциянинг ғалабаси ер муносабатларининг туб ўзгаришига олиб келди. Совет ҳукумати фаолиятининг бошланишида қабул қилган «Ер тўғрисидаги декрет»га асосан барча ерларга хусусий мулкчилик бекор қилинди, яъни «Барча ерлар, шу жумладан, давлат кабинет, монастыр, черков ва ҳақозо, мулкчилик, жамоа, деҳқон ерлари умумдавлат мулкига айлантирилди». Совет ҳукуматининг биринчи йилларида ер тузишнинг бош вазифаси бу декретни амалга ошириш бўлди. Барча ишлар 1918 йил 19 февралдаги Бутунроссия марказий ижроя қўмитасининг (БМИҚ) «Ерни ижтимоийлаштириш тўғрисида» ги декрети асосида олиб борилди. Бу декретга асосан 1919 й. 14 февралда «Социалистик ер тузиш ва социалистик деҳқончиликка ўтиш чоралари тўғрисида»ги. БМИҚ тасдиқлаган қўрсатмалар ва РСФСР Ер кодекси (1922 йил 30 октябр) қабул қилинди. Бу ҳужжатлар ер тузиш органлари учун асосий қўлланмалар бўлди ва уларга асосан ер ислоҳоти ўтказилди.

1918-1927 йиллардаги ер тузиш ишларининг асосий мазмуни меҳнаткаш деҳқонларга ер ажратиш, жамоа хўжаликларини (коммуналар, қишлоқ хўжалик артеллари, совхозлар) ер билан таъминлаш, ердан фойдаланишдаги энсиз ва кўп полосаликни тугатиш ва ерларни алмашлаб экиш далаларига бирлаштиришга қаратилган эди.

1927-1932 йиллардаги коллективлаштириш даврида ҳам ер тузиш катта аҳамиятга эга бўлди. Бу даврда ер тузиш органлари иштирокида хусусий деҳқон хўжаликлари оммавий равишда жамоа хўжаликларига бирлаштирилди, янги давлат хўжаликлари - совхозлар тузилди. Мутахассислар етишмаслиги ва жамоа хўжаликлари ерларини зудлик билан ташкил этиш зарурати натижасида ер тузиш соддалаштирилган усулда (ер кўрсатиш деб номланган) ўтказилди.

Ер кўрсатиш жараёнида янги хўжаликларнинг ер майдонлари ва чегаралари аниқланди. Унда ҳудудда ҳеч қандай изланишлар ва хариталаш ишлари олиб борилмади, олдинги йилларда тайёрланган план-харита материалларидан фойдаланилди. Бу ишлар йирик жамоа хўжалигига асосланган янги ер тузумига ва қаттиқ марказлашган бошқарувга ўтишни тезлаштирди.

Кейинчалик, 80 йиллар охирларигача ер тузишнинг оғирлик маркази аста секин жамоа ердан фойдаланувчиларини ташкил этиш ва мустаҳкамлашдан, ердан фойдаланишни режалаштириш ва ташкил этишга, хўжаликлар ҳудудини ташкил этиш томонга ўзгара бошлади. Бу даврда ер муносабатлари эволюцион тарзда ривожланиб борди.

Ер тузишнинг Россиядаги ривожланишини таҳлил этиш қуйидаги хулосаларга келиш имконини беради:

1. Барча ижтимоий-иқтисодий формацияларда ер тузиш давлат қўлида ерга мулкчилик ҳуқуқини мустаҳкамлаш ва жамиятни бошқарувчи синфлар манфаатлари йўлида ердан фойдаланишни ташкил этиш, давлат ер сиёсатини ҳаётга тадбиқ этишга қаратилган қурол ҳисобланади.

2. Ер ислоҳотларининг муваффақияти фақат давлат янги ер тузиш органларини ташкил этган ва мавжудларини мустаҳкамлаган, мос қонуний асос яратган, ер тузишни ва кадрлар тайёрлашни молиялаган тақдирдагина таъминланган.

3. Бошланишида ўлчашлар, ер ажратишлар, ерларни чегаралаш ва ер мулкчилиги ҳуқуқини бериш бўйича фақат техник ва ҳуқуқий мақсадларни кўзлаган ер тузиш, кейинчалик мураккаб ва кўп қиррали ижтимоий-иқтисодий ҳодисага айланди. Ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг иқтисодий манфаатлари нафақат уларнинг ҳуқуқларини мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилиш йўли билан қондирилади. Ерларнинг жойлашган ўрни ва унумдорлиги, шакли, ер турлари таркиби ва ш.ў. билан боғлиқ саволлар қонуний пайдо бўлади. Шу билан бир қаторда ер тузиш ташкилий-хўжалик мазмунига эга бўлади ва тузилаётган хўжаликларнинг иқтисодига тўғридан-тўғри таъсир эта бошлайди.

4. Ер тузиш давлатнинг аграр ва иқтисодий сиёсати қуроли сифатида ҳар хил иқтисодий, ташкилий ва техник чоралар: инвестиция сиёсати, иқтисодий ва сиёсий рағбатлантириш, одамларни кўчиришни ташкиллаштириш, ерларни мелиорациялаш ва ш.ў. билан мустаҳкамланади.

§ 4. Бозор иқтисодиёти шароитида ер тузишнинг аҳамияти

Бозор иқтисодиёти шароитида ер тузишнинг мазмуни ва вазифалари кескин ўзгаради. Бунинг сабаби шундаки, ер нафақат асосий ишлаб чиқариш воситаси, ҳудудий асос, табиий ресурс, балки, у товарга айланади. Ер тузишнинг янги вазифалари пайдо бўлади. Улар жумласига қуйидагилар киради:

ер участкаларининг жойлашган ўрнини, майдонларини ва чегараларини белгилаш, уларнинг сифат ва қийматлари тавсифини аниқлаш билан бозор ер фондини ташкил этиш;

барча ерларни баҳолаш, ерга бўлган талаб ва таклифларни аниқлаш ва ер бозори фаолиятини кузатиб бориш;

ер билан боғлиқ ишларни (бўлиш, қўшиш, бериш, олиш ва бошқ.) бажариш, ерга бўлган ҳуқуқларни тасдиқловчи ҳужжатлар бериш;

ер эгалиги ва ердан фойдаланиш билан боғлиқ ўзгаришларни рўйхатдан ўтказиш;

ерга бўлган мулккий ҳуқуқларнинг амалга оширилишини иқтисодий ва ҳуқуқий чоралар ёрдамида таъминлаш, ерлардан фойдаланишнинг махсус тартибини ва шароитларини белгилаш;

мулкчилик ҳуқуқини бериш, солиққа тортиш, иқтисодий рағбатлантириш ва иқтисодий жазолаш чораларини қўллаш учун зарур маълумотларни тайёрлаш;

Ерларни товар айланишига қўшиш қонуний (ҳуқуқий) ва иқтисодий асос яратишни, ер бозорининг мураккаб инфратизимини (рўйхатга олиш ва кадастр хизмати, ер банклари, ер судлари ва ш.ў.) яратишни, ер кадастри, ер мониторинги ва ер тузиш тизимларини қайта ташкил этишни талаб этади. Ер тузиш ишлари таркиби кенгаяди, ер тузиш жараёни ва ҳужжатлар мураккаблашади, ер тузиш хизматининг мақсади ва вазифалари ўзгаради, малакали кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш зарурати туғилади.

Бозор ва ер муносабатларини тартибга солиш, ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчилар ерларидаги камчиликларни тугатиш, ер билан боғлиқ олди-сотди ва бошқа операцияларни ўтказиш учун бозор ер фонди ташкил этилади. Бунда, ер участкаларини сотиш ва сотиб олиш, ер мулкчини

бўлиш, янги ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчилар ерларини ташкил этиш ва мавжудлари ерларини тартибга солиш, ерларни бериш ва қайтариб олиш, уларнинг ҳудудларини тузиш билан боғлиқ барча операциялар ер тузиш лойиҳаларига асосланиши керак.

Назорат саволлари:

1. Ер мулкчилиги нима ва у қандай элементлардан ташкил топади?
2. Ер мулкчилигининг қандай асосий турлари мавжуд?
3. Сервитутлар нима ва уларнинг қандай асосий турлари бор?
4. Ер эгалиги ҳуқуқи ердан фойдаланиш ҳуқуқидан нимаси билан фарқ қилади?
5. Ер мулкчини ташкил этиш ва қайта тақсимлаш билан боғлиқ ер тузиш ишларини санаб беринг.
6. Ерларни конфискациялаш уларни экспроприациялашдан қандай фарқ қилади? Ерларни национализациялаш ва хусусийлаштириш (приватизация) нима?
7. Чет элларда ер ислохотларини ўтказишда қандай усуллардан фойдаланилди?
8. Ер ислохотини ўтказишда ер тузиш қандай аҳамиятга эга?
9. Россияда ва Ўзбекистонда ўтказилган асосий ер ислохотлари, уларнинг муваффақиятли ёки муваффақиятсизлигини белгилаб берган сабаблар.
10. Бозор иқтисодиёти шароитида ер тузишнинг мазмуни қандай ўзгаради?

IV боб
Ер тузишнинг иқтисодий самарадорлиги назариясининг
асослари

§ 1. Ер тузишнинг иқтисодий самарадорлиги моҳияти,
турлари ва уни баҳолаш тамойиллари

Олдинги маърузаларда айтилганидек, ер тузиш мавжуд иқтисодий тизимнинг таркибий қисми ҳисобланади, ҳамда ерга ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларига бўлган мулкчилик шаклларига, ишлаб чиқариш муносабатлари характерига боғлиқ мураккаб ва кўп қиррали жараёни ўзида мужассамлаштиради. Бундан қуйидаги хулосалар келиб чиқади:

ер тузишнинг иқтисодий самарадорлиги иқтисодий қонунлар тизимидан келиб чиқиб баҳоланиши керак ва шунга мос баҳолаш кўрсаткичлари тизимини талаб этади;

бир томондан ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг жамоа ва шахсий манфаатларини, иккинчи томондан эса ижтимоий манфаатларни ҳисобга олиш керак. Бу эса ўз навбатида хўжалик ва халқ хўжалиги манфаатларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий самарадорликни аниқлашни талаб этади;

ер атрофимизни ўраб турган табиий муҳит (биосфера) элементи бўлгани учун, тупроқ унумдорлигини қайта тиклаш ва ҳудуднинг экологик тавсифларини эътиборга олиш керак бўлади;

самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоблашда, уларни қилинган харажатлар билан таққослаб, кўрсаткичларнинг

сифати бир хиллигини ва сони бўйича таққосланишини энига ва бўйига (ҳар хил хўжаликлар, лойиҳанинг таркибий қисмлари ва элементлари бўйича ва ш.ў.) таъминлаб, ер тузишнинг ўзининг самарасини ажратиш катта аҳамиятга эга;

ер тузиш лойиҳалари улар асосида ердан фойдаланишни яхшилашга қаратилган бошқа лойиҳаларни (ирригация, мелиорация, ишлаб чиқариш объектлари ва йўл қурилиши, ш.ў.) ишлаш билан боғлиқ бўлганлиги учун, лойиҳа ҳаётга тўла тадбиқ этилгунча амалга ошириладиган тадбирлар самарадорлигини, асосий ва айланма воситаларни шакллантириш учун қилинадиган, атроф муҳитнинг муҳофазаси ва зарарларни қоплаш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олиш зарур;

капитал харажатларни сарфлаш ва улардан самара олиш орасидаги вақт бўйича фарқ (лаг), вақт бўйича бир-бирига мос бўлмаган харажатлар ва самарани бир хил ўлчамга келтириш зарурати, ер тузиш самарадорлигининг вақт масаласини махсус ҳисобга олишни талаб этади.

Хўжаликдаги ички ер тузишда ҳудудни, ердан оқилона фойдаланишни тўғри ташкил этиш ҳисобига ишлаб чиқариш дастурларини юқори самара билан бажаришга шароит яратилади, мавжуд ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш яхшиланади. Бунинг исботи сифатида ер тузиш ўтказилган ва ўтказилмаган қишлоқ хўжалик корхоналари фаолияти натижаларини келтириш мумкин (4.1-жадвал, жадвалдаги маълумотлар 1990 йилги баҳоларда берилган).

4.1 жадвал

Ер тузилган ва ер тузилмаган хўжаликларда ишлаб
чиқариш самарадорлиги

Кўрсаткичлар	Ер тузишга а	Лойиҳанинг тўла тадбиқ этилган вақтида		Ўсиш	
		Барча хўжалик -лар	Ер тузиш ўтказилган хўжаликлар	ҳам-маси	%
Умумий майдонга нисбатан қишлоқ хўжалик ерлари,%	52,6	53,0	57,9	5,3	10,1
Қишлоқ хўжалик ерлари таркибида ҳайдалма ерлар,%	40,5	40,7	44,5	4,0	9,9
100 га ерга тўғри					

келади: меҳнатга яроқлилар, одам Қишлоқ хўжалиги-нинг асосий ишлаб чиқариш фондла- ри, минг сўм бир ишчига тўғри келадиган фондлар, минг сўм	4,3	4,1	4,1	-0,2	-4,7
	28,4	45,7	49,3	20,9	73,6
	6,6	11,1	12,0	5,4	80,4

4.1 жагвалнинг давоми

Қишлоқ хўжалик соф маҳсулоти: 100 га қишлоқ хў-жалик ерлари ҳисо-бига, минг сўм	12,0	19,8	22,2	2,4	12,1
йил давомида ўрта-ча 1ишчи ҳисобига	2,82	4,81	5,91	1,1	22,8
қишлоқ хўжалик асосий ишлаб чи-қариш фондининг 100 сўмига, сўм	42,4	43,2	49,3	6,1	14,1

Ер тузишга бир неча томондан қараш мумкин, масалан, атроф муҳитни муҳофаза қилишга, моддий ишлаб чиқаришга ва бутун жамиятга нисбатан. Шунга мос равишда унинг самарадорлиги ҳам экологик, иқтисодий ва ижтимоий самарадорликларга бўлинади (17 илова).

Экологик самарадорлик табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурсларни қайта тиклаш ва улардан оқилона фойдаланиш зарурати билан боғлиқ бўлиб, у ер тузиш тадбирларининг атроф муҳитга ва ердан фойдаланишга таъсири сифатида намоён бўлади. Бунда ерларни рекультивациялаш, уларни эрозиядан сақлаш, табиатни муҳофаза қилиш чоралари биринчи даражали аҳамиятга эга бўлади.

Иқтисодий самарадорлик ҳудудни ташкил этишнинг ишлаб чиқаришга ва тескарисига, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг ҳудудни ташкил этишга таъсири натижасида келиб чиқади. Ер тузиш ечимлари ишлаб чиқаришнинг оптимал нисбатларини яратишга, хўжалик юритиш шароитини яхшишлашга ёрдам беради ва корхона фаолиятининг натижавий кўрсаткичларига тўғридан-тўғри таъсир этади.

Ер тузишнинг ижтимоий самарадорлиги ер муносабатларини мустаҳкамлаш, ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар ҳуқуқла-рининг турғунлиги билан тавсифланади. У ернинг ижтимоий-иқтисодий алоқалар манбааси сифатидаги аҳамиятидан келиб чиқиб, жамиятнинг доимий қайта тикланиб, ривожланиб бориши учун зарур ижтимоий шароитни яхшилашга қаратилган.

Ер тузишнинг иқтисодий самарадорлигини икки маънода тушуниш мумкин. Кенг маънода, у ер, меҳнат ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларини бир-бирлари билан оқилона боғлашни таъминлайди. Масалан, қишлоқ хўжалик корхоналарида хўжалик-лараро ер тузиш лойиҳалари уларнинг оптимал ўлчамлари, жойлашуви, ишлаб чиқариши тузилиши, ер турлари таркиби масалаларини ечиш имконини беради. Хўжаликларда ички ер тузиш лойиҳалари эса хўжалиқда ҳудудни ва ҳар хил ер турларини оқилона ташкил этишга, хўжалик иқтисодининг ривожланиши ва тупроқ унумдорлигининг ошиб бориши учун энг яхши шароит яратишга ёрдам қилади.

Тор маънода, ер тузиш самарадорлиги - бу ер тузиш ҳисобига олинадиган натижаларни улар учун қилинган харажатларга солиштириш натижасидир.

Хўжаликларда ички ер тузиш самарадорлиги қишлоқ хўжалик корхонасида ишлаб чиқаришни ташкил этиш билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқилади. У ҳудудни ва ердан фойдаланишни шундай ташкил этишни талаб этадики, бунда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш ва ички имкониятлардан тўла фойдаланиш мақсадида хўжаликни оқилона ташкил этиш ва юритишнинг оптималлиги таъминлансин.

Ер тузишнинг иқтисодий самарадорлиги икки турга бўлинади: мутлоқ (абсолют) ва нисбий самарадорлик.

Мутлоқ самарадорликни ҳисоблашдан мақсад халқ хўжалиги мажмуасида, унинг тармоқларида ва корхоналарда

ер тузиш тадбирларини амалга оширишнинг ҳажмини ва энг мақсадга мувофиқ йўналишларини аниқлашдан иборат. Нисбий самарадорликни баҳолашда ҳар бир тадбирни амалга оширишнинг энг яхши ечимлари танланади.

Иқтисодий асослашдан фарқли ўлароқ, иқтисодий самарадорлик нафақат лойиҳа тадбирларининг энг яхши ечимини танлашни, балки, унинг баҳолаш базисига нисбатан (лойиҳагача ҳолати ёки меъёрлар билан солиштириш ва бошқ.) максимал самарасини тақоза этади.

Методологик нуқтаи назардан, ер тузиш самарадорлиги ҳақиқий ва ҳисобланган самарадорликларга бўлинади. ҳақиқий самарадорликни аниқлаш қилинган харажатларнинг қайтишини текшириш, муаллифлик назорати жараёнида лойиҳанинг амалга оширилиши ва уни тузатиш зарурати устидан доимий назоратни йўлга қуйиш учун амалга оширилади. ҳисобланган (лойиҳавий) самарадорлик ер тузиш чизмалари ва лойиҳаларини тузишда ва асослашда ҳамда айрим ер тузиш ишларини амалга оширишда аниқланади.

Ер тузишнинг ҳақиқий самарадорлигини аниқлашда ҳудуднинг ер тузишгача ташкил этилишини тузилган лойиҳадаги ташкил этилиши билан солиштириш ҳамда ҳисобот кўрсаткичларини лойиҳавий ёки меъёрий кўрсаткичлар билан таққослаш амалга оширилади. Ер тузишнинг ҳақиқий самарадорлиги унинг реал (ҳаётий) натижаларини, жамоа ишлаб чиқаришини ривожлантириш учун фойдалилик даражасини аниқлаш имконини беради. Ташкилий-хўжалик тадбирларини амалга оширишда у, дарҳол лойиҳа натурага (жойига) кўчирилгандан ва шу асосда хўжалик ҳудуди қурилганидан (алмашлаб экиш массивларини далаларга, суғориш участкаларига бўлиш, қишлоқ хўжалик техникасининг самарали ишлаши учун мослаш; экин майдонларини улар учун мос келадиган тупроқ турларига жойлаштириш; кўп меҳнат талаб қиладиган экинларни хўжалик марказларига яқин жойлаштириш ва ш.ў.) кейин пайдо бўлади.

ҳақиқий самарадорлик ўзининг энг юқори нуқтасига лойиҳа тўла амалга оширилганда чиқади, лекин уни амалга ошириш йилларида ҳар хил иқлимий шароитлар таъсирида йиллар бўйича бир хил бўлмайди.

Қўшимча капитал маблағлар сарфлаш ва йиллик харажатлар билан боғлиқ тадбирларни амалга оширишда ер тузишнинг ҳақиқий самарадорлиги бу тадбирларни лойиҳалаш даврининг узоқлигига, қурилиш муддатлари ва объектлардан

фойдаланишнинг меъёрий вақтига боғлиқ бўлади. У тўғрисида асосий лойиҳанинг давоми сифатида ишланган ишчи лойиҳалар (лойиҳа-смета ҳужжатлари) асосида белгиланган муддатда тўла ва қисман амалга ошириладиган тадбирларнинг (ирригация, мелиорация, ерларни ўзлаштириш, боғлар ва дарахтзорларни барпо этиш, дала шийпонларини, йўлларни ва ш.ў. қуриш) иқтисодий самарадорликлари бўйича фикр юритиш мумкин.

ҳақиқий ва ҳисобланган (лойиҳавий) самарадорлик бир-бирига қуйидаги сабаблар натижасида мос тушмасликлари мумкин.

Биринчидан, ҳисобланган (лойиҳавий) самарадорлик ер тузиш лойиҳасининг тўла ўзлаштирилган вақтига режалаштирилган экинларнинг ҳосилдорлиги, чорвачилик маҳсулдорлиги, маҳсулотлар таннархи ва ш.ў. кўрсаткичлар асосида аниқланади.

Иккинчидан, ҳисобланган (лойиҳавий) самарадорлик лойиҳа-лаш муддати охирида амалга ошириш кўзда тутилган, капитал харажатлар билан боғлиқ барча тадбирлар тизимига таянади, ҳақиқий самарадорлик эса текшириш давригача тўла ва қисман амалга оширилган тадбирлар ҳисобига олинади.

Учинчидан, ҳақиқий самарадорлик миқдори реал (аниқ) сарфланган маблағларга, ҳар хил инженерлик иншоотларини фойдаланишга топшириш муддатига боғлиқ бўлса, ҳисобланган (лойиҳавий) самарадорлик умумлаштирилган меъёрлар бўйича баҳоланади.

Тўртинчидан, агар ҳисобланган (лойиҳавий) самарадорлик лойиҳа тузилган ва амалга ошириладиган даврнинг таққосланиши натижасида аниқланадиган бўлса, ҳақиқий самарадорлик ишлаб чиқаришнинг реал шароитидан келиб чиқиб аниқланади.

Юқорида келтирилган назарий тушунчалардан ҳар қандай ер тузиш лойиҳасини асослашда фойдаланилади.

§ 2. Халқ хўжалиги самарадорлигини баҳолаш мезони ва кўрсаткичлари

Ижтимоий, жамоа ва шахсий манфаатлар мажмуини ҳисобга олиш зарурати ер тузиш самарасига икки томондан қараш кераклигини талаб этади: халқ хўжалиги ва хўжалик

манфаатлари нуқтаи назаридан. Услугиятчилик нуқтаи назаридан бундай ажратиш қуйидаги ҳулосаларга олиб келади.

Халқ хўжалигида ер тузиш жамият манфаатларига мос равишда мамлакатимиз ер фондини тоифаларга, ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларга ва ер турларига мақсадга мувофиқ равишда тақсимлаш учун қурол сифатида, давлатнинг иқтисодий ва ер сиёсатини ҳаётга тадбиқ этиш мақсадида ҳар хил тармоқлар корхоналари иқтисодини тартибга солиш учун хизмат қилади. Шу маънода ер тузиш - ижтимоий ишлаб чиқариш тизимининг усиз ҳеч бир корхонани оқилона ташкил этиш мумкин бўлмаган ажралмас бўлагидир. Шунинг учун ҳам ер тузиш ишлаб чиқаришни ва ҳудудни қуйида келтирилган барча ўзгартиришлар учун зарурдир:

ер эгалари (ердан фойдаланувчилар) ва улар тизимини ташкил этиш, йириклаштириш, майдалаш ва қайта ташкил этиш;

ишлаб чиқаришни концентрациялаш (йириклаштириш) ва ихтисослик йўналишларини ўзгартириш;

ер эгалиklarининг, ердан фойдаланувчиларнинг, хўжалик юритиш тизимларининг, деҳқончиликнинг илғор шакллари тадбиқ этиш;

ирригация, мелиорация, эрозияга қарши ва табиатни муҳофаза этиш тадбирларини амалга ошириш;

ҳудуднинг мавжуд ташкил этилишини янги технологияларга ва ш.ў. мослаш.

Ер тузишнинг хўжаликдаги самарадорлиги ҳудуднинг лойиҳа бўйича ташкил этилишининг хўжаликда ёки унинг мустақил ўз-ўзини маблағ билан таъминловчи бўлинмаларида ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсирини кўрсатади.

Хўжаликларда ички ер тузишнинг самарадорлик меъзони нафақат ҳудудни ташкил этишнинг қиймат баҳосини кўрсатувчи ўлчам бўлиши, балки, биринчи навбатда унинг сифат томонини тавсифлаши керак.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши ялпи маҳсулотда кўринади. Унга ер тузиш ҳам маълум даражада таъсир этади. Бу таъсирнинг механизми қуйидагилардан иборат.

Биринчидан, ер тузишда қишлоқ хўжалиги учун ўзлаштириладиган ва яхшиланадиган ер участкалари аниқланади.

Иккинчидан, ялпи маҳсулот ҳажми ишлаб чиқаришга фойдаланилмаётган ерларни (кераксиз йўللар, ариқлар,

зовурлар, марзаларни бузиш, ишлаб чиқариш марказлари ҳудудларидаги бўш ерларни аниқлаш ва ш.ў.) ўзлаштириб қўйиш ҳисобига ўсади.

Учинчидан, ер тузишда кўзда тутилган алмашлаб экишни жорий этиш, экинларни улар учун яроқли ерларга, яхши экинлардан кейин жойлаштириш, чорвачиликнинг озуқа билан таъминлашини тўғри ташкил этиш қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги ва чорвачилик маҳсулдорлигининг сезиларли даражада ўсишига олиб келади.

Тўртинчидан, ялпи маҳсулот ҳажми ҳар хил исрофгарчиликларни тугатиш ҳисобига ҳам ўсади. Масалан, ҳудуд тўғри ташкил этилганда қишлоқ хўжалик машиналарининг унумдорлигини ошириш эвазига дала ишларини бажариш муддатлари сезиларли даражада қисқаради, натижада, маҳсулотларнинг ноқулай об-ҳаво шароитлари, экинларнинг йиқилиши, донларининг тўкилиши натижасида моддий ва биологик исрофгарчиликларининг олди олинади. Ер турларини тўғри ташкил этиш ва яловлар ҳудудини тузиш натижасида чорва молларини узоқдаги сув манбасига, яйловга ва орқага фермага ҳайдаб бориш масофасининг қисқариши, сарфланадиган энергия (қувват) сарфини камайтириш ҳисобига маҳсулот ҳажмининг ўсиши таъминланади.

Бешинчидан, тупроқ унумдорлигини оширишга, экинларни табақалаштириб жойлаштиришга, ўғитларни йўналтирилган тарзда бериш, тупроқ билан қоплаш, ҳудудни эрозиядан сақлаш бўйича тадбирларни ўтказиш ҳисобига ернинг ишлаб чиқариш хусусиятлари, иқтисодий унумдорлиги ошади ва бу ўз навбатида ер турларининг маҳсулдорлигини оширади.

Шу билан бир қаторда, ялпи маҳсулот кўрсаткичидан ер тузишнинг умумий самарадорлигини баҳолаш мезони сифатида фойдаланиш қийин. Унинг натурал кўринишидан фойдаланишда ҳар хил маҳсулотларни таққослаш қийин. Ялпи маҳсулотнинг пул кўриниши бу камчиликдан қутилиш имконини беради, бироқ уни ҳисоблашнинг мавжуд усуллари уруғликлар ва ем-хашаклар бўйича қайта ҳисоблашлар ҳамда маҳсулотларни қайта ишлашда чиқадиغان чиқиндиларни ҳисобга олиш мақсадида такомиллаштирилиши зарур.

Бундан ташқари, ишлаб чиқаришнинг ҳар хил натижалари ҳар хил меҳнат ва моддий харажатлар ҳисобига олинади ва бу харажатлар ҳажми амортизация ажратмаси ва

бошқа йиллик харажатлар ҳажмига таъсир этувчи ҳудуднинг ташкил этилишига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Шу сабабли, ер тузиш самарадорлиги мезони сифатида ялпи маҳсулотнинг ишчилар сонига нисбати сифатида аниқланадиган меҳнат унумдорлиги кўрсаткичидан ҳам фойдаланиш мумкин эмас. Юқорида келтирилган камчиликлардан ташқари ялпи маҳсулот қиймати бу кўрсаткичда жонли ва жонсиз (буюмга, ишлаб чиқариш воситасига айланттирилган) меҳнатнинг умумий ҳажмига эмас, балки жонли меҳнат сарфига бўлинади.

Ер тузиш лойиҳалари ечимларида ялпи маҳсулот ҳажми ҳар хил бўлганлиги сабабли, ишлаб чиқаришнинг минимум (энг кам) харажатларидан ҳам мезон сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас.

Ишлаб чиқариш натижаларини харажатлар билан солиштириш рентабеллик ва фойда кўрсаткичлари ёрдамида амалга оширилади. Бунда рентабеллик икки томонлама аниқланиши мумкин: фойданинг ишлаб чиқариш харажатларига нисбати сифатида ва фойданинг асосий ва айланма жамғармаларга нисбати сифатида. Бу кўрсаткичлардан фойдаланиш маҳсулот қиймати ва таннархи орқали ишлаб чиқариш ҳажминини, ҳудуднинг ташкил этилишини яхшилаш, ҳамда тупроқ унумдорлигининг ўсиши, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги ва ишлаб чиқариш харажатлари орқали аниқлаш йўли билан эришиладиган тирик ва буюмга айланттирилган меҳнатларнинг умумий сарфининг тежалишини ҳисобга олиш имконини беради.

Бироқ, корхоналарда ишлаб чиқариш рентабеллигини ва фойдани ҳисоблаш ер тузиш самарадорлиги тўғрисида бироз хулоса қилиш имконини беради, аммо, халқ хўжалиги даражасида бу кўрсаткичлар ҳудудни ташкил этишнинг самарадорлигини аниқ баҳолай олмайди, бунинг қатор сабаблари бор.

Аввало, фойда ва рентабеллик кўрсаткичлари давлатнинг ер тузишга сарфлаган харажатларини ҳисобга олмайди. Бундан ташқари, моддий ишлаб чиқаришда биринчи навбатда маҳсулотнинг натурал шаклдаги ҳажми аҳамиятга эга. Истеъмолчининг столида қанча маҳсулот борлиги ҳозирги вақтда сотиш мумкин бўлмаган бор воситалардан афзалроқдир. Кейин, фойда янги яратилган маҳсулотнинг бир қисми, айрим пайтларда эса жудаям кам қисми бўлиб, баҳонинг ўзгариб туриши натижасида, ер тузишнинг нисбий самарадорлигини,

айниқса узоқ вақт оралиғи учун тўла тавсифлай олмайди. ҳисобланган баҳолардан фойдаланилганида эса шартлилик аломатлари кучаяди. Бу кўрсаткичларга хос бошқа камчиликларни ҳам кўрсатиш мумкин.

Ер тузиш самарадорлигининг мезони капитал харажатларнинг қопланиш даври бўлиши керак деган фикрга ҳам қўшилиш қийин. Сўзсиз, ҳудуднинг лойиҳавий ташкил этилишига ўтиш, ерларни трансформациялаш ва яхшилаш, маданий-техник тадбирлар, ишлаб чиқариш марказларини, йўлларни ва бошқа инженерлик иншоотларини қуриш учун капитал харажатларини талаб этади. Бу капитал харажатлар ҳажми ва улардан фойдаланиш самарадорлиги кўп жиҳатдан ҳудуднинг қабул қилинган ташкил этилишига боғлиқ. Бироқ, бош масала, нафақат капитал харажатлар миқдорини белгилаш эмас, балки, улардан тежамли ва самарали фойдаланиш, барча ишлаб чиқариш жамғармалари айланишини тезлаштириш, пул маблағларининг катта қисмини бўшатиш ва кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқаришни жадаллаштириш имконини берувчи йўлларини топишдан иборат. Қайд қилиш керакки, ер тузишнинг ташкилий-хўжалик тадбирларидан бир қисми умуман капитал харажатлар талаб қилмайди ва уларни ҳисоб-китобларга қўшиш юқорида келтирилган тамойиллардан бирининг, харажатлар ва натижаларнинг самара турлари ва вақт бўйича таққосланишини таъминлаш тамойилининг бузилишига олиб келади.

Ва ниҳоят, солиштирилаётган ечимлар бўйича ҳар хил ер турларини ва алмашлаб экишларини ташкил этиш ҳар хил ҳажмдаги маҳсулот етиштирилишига олиб келиши мумкин. Ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳсулот сифати бўйича таққослаш имконияти қишлоқ хўжалиги учун қўшимча ерларни ўзлаштириш (бундай имконият ҳар қачон ҳам бўлавермайди) ёрдамида яратилиши мумкин.

Шундай қилиб, ялпи маҳсулот, фойда, рентабеллик, ишлаб чиқариш харажатлари, меҳнат унумдорлиги, капитал харажатлар самарадорлиги кўрсаткичларидан ҳеч бири мустақил тарзда қишлоқ хўжалик корхоналарида ер тузишнинг халқ хўжалиги нуқтаи назаридан самарадорлигини аниқлаш имконини бермайди. Бироқ бу, улар баҳолаш кўрсаткичлари тизимида ўз ўрнига эга бўлмайди дегани эмас.

Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги нуқтаи назаридан мезонни жамиятнинг моддий таъминотининг қанчага ошишини кўрсатувчи янгидан яратилган маҳсулот

миқдоридан излаш мақсадга мувофиқдир. У умумий ижтимоий маҳсулот ва қоплама жамғармалар (ишлатилган ишлаб чиқариш воситаларини янгилаш учун мўлжалланган) орасидаги фарқ сифатида аниқланади ва миллий даромад ҳажмини кўрсатади. Натурал кўринишда бу даромад истеъмол буюмлари ва ишлаб чиқариш воситаларининг қоплама жамғармалар ажратилгандан кейин қоладиган қисмидан ташкил топади.

Қиймати бўйича миллий даромад зарурий ва қўшимча маҳсулотлардан ташкил топади ва йил давомида янгидан яратилган бойлик ҳисобланади. Миллий даромад ҳисобига ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ижтимоий соҳани ривожлантириш, жамиятнинг барча аъзолари меҳнатига ҳақ тўлаш, ижтимоий истеъмол жамғармаларини яратиш ишлари амалга оширилади.

Бу кўрсаткич олдин кўриб чиқилган кўрсаткичларидан қатор устунликка эга. Аввало у ер тузиш самарадорлигининг барча турларини: экологик, иқтисодий ва ижтимоий ўзида мужассамлайди ва ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг барча босқичларини - ишлаб чиқаришнинг ўзи, истеъмол, тақсимот ва айирбошлашни тавсифлайди. Фойдадан (соф даромаддан) фарқли ўлароқ унинг ўсишидан ҳар бир ишчи, жамоа ва бутун жамият манфаатдордир.

Миллий даромад (соф маҳсулот) ҳажмининг ўсиши келтирилган баҳоларда капитал харажатлар ва ерларнинг халқ хўжалиги учун самарадорлигини аниқлашда ҳам қўлланилади. Бу ер тузиш ва бошқа ердан фойдаланишни яхшилашга қаратилган тадбирлар самарадорлиги кўрсаткичларининг бир-бирларига солиштирилишини таъминлайди. У қўлаб иқтисодчилар томонидан асосий кўрсаткич сифатида тавсия этилади.

Шу билан бир қаторда, соф маҳсулот (ялпи даромад) қатор камчиликларга эга. У ялпи маҳсулот қийматининг бир қисми бўлганлиги учун, айрим ҳолларда унинг ҳажмининг ўзгариши ялпи маҳсулот ҳажмининг ўзгаришини кўрсатмайди. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалигида яратилган дифференциал рентани ҳисобга олиш ва қайта тақсимлаш масалаларини ва унинг яратилишида ернинг аҳамиятини янада чуқурроқ ўрганиш зарур. Шу сабабли, соф маҳсулот миқдори бошқа тавсифномалар билан тўлдирилиши, харажатлар билан солиштирилиши ва назарий изланишларнинг ривожланиши сари аниқлаштирилиши ҳамда улар натижалари ер

ресурсларини давлат томонидан бошқариш амалиётида қўлланиши зарур.

Ер тузишнинг халқ хўжалигидаги самарадорлигини аниқлашда методологик тартибдаги қуйидаги масалалар юзага чиқади:

қандай қилиб соф маҳсулотнинг умумий ўсишидан ер тузиш тадбирларига тегишли самарани ажратиб олиш;

қандай қилиб ер тузиш натижаларини харажатлар билан солиштириш ва бунда қандай турдаги харажатларни ҳисобга олиш зарур.

Харажатларни (X) ва натижаларни (H) самарадорликни аниқлашда ва ҳар хил ер тузиш ечимларини оптималлашда солиштириш ҳозирги вақтда қуйидаги асосий йўллар билан амалга оширилади:

1 $H \rightarrow \max$ $X = \text{const}$ бўлганда

2 $H - X \rightarrow \max$ $H = \text{const}$. ёки $X = \text{const}$. бўлганда

3 $X \rightarrow \min$ $H = \text{const}$. бўлганда

Ер тузиш масалаларининг бундай қўйилиши уларни оптималлаштириш имконини бериб, бунда мақсадли функция баҳолаш мезони ҳисобланади, ўзгармас қийматлар эса чеклашлар ёрдамида ҳисобга олинади.

Самарадорликни халқ хўжалиги нуқтаи назаридан қараб, учта бир хил мутлоқ (абсолют) $(H - X \rightarrow \max)$, нисбий $(\frac{H - X}{X} \rightarrow \max)$ ва хусусий $(\frac{H - X}{H} \rightarrow \max)$ самараларини тавсифловчи кўрсаткич-ларни ҳисобга олиш тавсия этилади.

Аммо, ер тузишнинг умумий самарадорлигини баҳолаш учун $\frac{H}{X} \rightarrow \max$ нисбати кўпроқ тўғри келади. Бунга қуйидагилар сабаб бўлади.

Биринчидан, бу ифода вақт муаммосини қуйидаги йўллар билан ҳисобга олиши мумкин: нафақат йиллик самарани (H) йиллик харажатлар (X) билан, балки, харажатлар (X) фақат капитал (бир марта сарфланадиган) харажатлардан иборат бўлган ҳолларда ҳам уларни бир хил солиштириш мумкин бўлган шаклга келтириб таққослаш. Бундан ташқари, бу қиймат нафақат статистик, балки динамик характерга ҳам эга бўлиши мумкин:

$$\frac{\sum H_t}{X}, \frac{\sum H_t}{\sum X_t} \quad \text{ёки} \quad \frac{H_t}{\sum X_t}$$

бунда t - баҳоланаётган давр вақти.

Иккинчидан, вақт бўйича солиштиришда ва бошқа шароитлар бўйича бу нисбат самаранинг уларни келтириб чиқарган харажатларга нисбатан ҳар хил манбааларни ҳисобга олиши кўзда тутади, яъни

$$\frac{\sum H_i}{X}, \frac{\sum H_i}{\sum X_i}, \frac{H}{\sum X_i},$$

бунда i - самара (харажат) турлари.

Учинчидан, кўрилатган харажат ва натижалар нисбати самарадорлигининг ҳар хил томонларини - мутлоқ (H), нисбий ($\frac{H}{X}$) ва хусусий ($\frac{H}{X_i}$), ҳам тавсифлаши мумкин.

Тўртинчидан, $\frac{H}{X}$ ифодаси нафақат бутун ишлаб чиқаришнинг умумий самарадорлигини нафақат $\frac{\sum H_i}{\sum X_i}$ нисбати

орқали кўрсатади, балки, ҳар хил турдаги ресурслардан фойдаланишни баҳолаш имкониятини ҳам беради. Масалан, агар H - ялпи маҳсулот, X_i эса - мос равишда меҳнат жамғармалари, капитал харажатлар ер майдони ва ш.ў. бўлса, натижанинг харажатларга нисбати $\frac{H}{X_i}$ меҳнат унумдорлигини,

жамғармалар (фондлар) қайтишини, капитал харажатлар самарадорлигини, ҳосилдорликни (ёки ялпи маҳсулотнинг пул шакли ёрдамида ердан фойдаланиш самарадорлигини) кўрсатади. Тескари нисбат $\frac{X_i}{H}$ эса мос равишда маҳсулотнинг

меҳнат сиғимини, жамғармалар (фондлар) сиғимини, капитал харажатлар сиғимини ва ер майдони сиғимини кўрсатади.

Ер тузиш харажатларини 3 гуруҳга бўлиш керак.

Биринчи гуруҳга ташкилий-хўжалик мақсадига қаратилган ҳудудни ташкил этиш бўйича тадбирлар киради. Бу хўжалик ишлаб чиқаришининг ташкилий таркибини яратиш, ишлаб чиқариш бўлимлари ер майдонларини ва уларнинг чегараларини аниқлаш, экинлар таркибини белгилаш, алмашлаб экишни, яйловлардан ва пичанзорлардан алмашлаб фойдаланишни жорий этиш ва ш.ў. Бу тадбирлар капитал харажатларни талаб этмайди, ер тузиш лойиҳаларида кўрсатилиб, лойиҳа жойига кўчирилганидан кейин дарров амалга оширилади.

Уларнинг самарадорлиги мутахассислар ва корхонанинг бошқа ишчилари томонидан ҳудудни ташкил этиш бўйича ер тузиш лойиҳасида қабул килинган ечимларга қатъий риоя қилишларига боғлиқ бўлади. Шу билан бир қаторда табиий ва иқтисодий шароитлар ердан фойдаланиш усулларига айрим тузатишлар киритиши мумкин (масалан, кузги буғдойни совуқ уриб кетиши, уларни баҳорги буғдой билан алмаштиришни ва кейинги экиладиган экин турларини қайта кўриб чиқишни талаб этади; маҳсулот ишлаб чиқариш режасининг ўзгариши экин майдонлари таркибини, алмашлаб экиш тизимини ва бригадалар ер массивларини ва ш.ў. ўзгартиришни талаб этади).

Шунинг учун ҳам ер тузиш лойиҳалари тузиш, уларга тузатишлар киритиш, хўжаликларга лойиҳаларни ҳаётга тадбиқ этишда ёрдам кўрсатиш (муаллифлик назорати), ер тузиш материалларини умумлаштириш билан бир қаторда, бу тадбирлар учун қилинадиган харажатларни ҳам ҳисобга олиш кераклигини назарда тутади.

Иккинчи гуруҳга ҳар хил турдаги инженерлик объектлари ва иншоотларини қуриш, қияликларни террасалаш (зинапоё шаклида қирқиб фойдаланишга тайёрлаш), тупроқларни эрозиядан сақлаш, қишлоқ хўжалик ерларини тубдан яхшилаш, ерларни ўзлаштириш ва мелиорациялаш, ихота дарахтларини барпо этиш, қишлоқ хўжалик йўлларини, ҳовузларни, кўлларни қуриш, маданий яйловларни ўраш ва ш.ў. тадбирлар киритилади. Бу гуруҳ тадбирлари ер тузиш лойиҳаларида ҳудуднинг ўзига хос шароитлари ва хўжаликнинг келажакдаги ривожланиши билан боғлиқ ҳолда ишланади, уларни амалга ошириш эса тўғридан-тўғри лойиҳадаги лойиҳа - смета ҳужжатлари асосида ёки ҳар бир тадбир учун ишланган капитал харажатлар ҳисобига молияланадиган махсус ишчи лойиҳалар асосида бажарилади. Уларнинг самарадорлигини баҳолаш учун нафақат лойиҳа-қидирув ишлари баҳосини, балки уларга мос капитал харажатларни ҳам ҳисобга олишга тўғри келади.

Учинчи гуруҳга тупроқ унумдорлигини ошириш, интенсив, тупроқни муҳофазалавчи ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш бўйича замонавий технологияларни жорий этиш, тупроқ эрозиясига қарши агротехник тадбирларни амалга ошириш, кимёвий воситалардан фойдаланиш, ўғитларни мақсадли бериш бўйича тадбирлар киради.

Ер тузиш лойиҳалари бу тадбирларни ишлаш ва тадбиқ этиш учун ахборотлар асоси ҳисобланади. Уларда далалар ва суғориш участкаларининг технологик хусусиятлари тўғрисидаги зарур маълумотлар (тупроқларнинг турлари, механик таркиби, шўрланиш ва эрозияга учраш даражаси, ерларнинг рельефи, трактор агрегатлари айланадиган масофалар ва ш.ў.), ҳамда ердан фойдаланишни яхшилаш бўйича тавсиялар бўлади.

Бу гуруҳ тадбирларини қўллаш қўшимча капитал харажатларни талаб қилмайди, уларни амалга ошириш эса ёки хўжаликларда ички ер тузиш лойиҳалари асосида, ёки махсус лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида олиб борилади ва корхонада қўшимча йиллик харажатларни талаб этади.

Демак, ер тузишнинг умумий самарадорлигини баҳолаш учун қуйидагиларни ҳисобга олиш зарур:

ер тузиш лойиҳаларини ишлаш учун қилинган харажатлар, шу жумладан, лойиҳаларга тузатишлар киритиш ва хўжаликларга уларни ўзлаштиришда ёрдам кўрсатиш ишлари харажатлари ҳам;

ҳудудни ташкил этиш бўйича тадбирларни лойиҳалаш ва амалга ошириш учун харажатлар. Улар лойиҳага ўтиш даврида капитал ва бошқа харажатларни талаб этади;

ердан фойдаланиш интенсивлигини ошириш бўйича тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ қўшимча йиллик харажатлар ва лойиҳалаш харажатлари.

Хўжаликда ички ер тузиш умумий самарадорлигининг асосий кўрсаткичини (мезони) ($\mathcal{E}_{xx}$) қуйидаги ифода ёрдамида аниқлаш таклиф этилади:

$$\mathcal{E}_{xx} = \frac{\Delta D}{X_0}$$

бунда ΔD -олинган миллий даромад (қишлоқ хўжалигининг соф маҳсулоти, яъни маҳсулот, соф даромад) ҳажмининг қишлоқ хўжалик корхоналарида ер тузиш ҳисобига йиллик ўсиши;

X_0 -бу ўсишни таъминлаган ер тузиш харажатлари.

Ер тузишда аэрофотогеодезик изланишлар, тупроқ-геоботаник текширишлари, ерни иқтисодий баҳолаш натижалари, ҳамда ер тузиш бўйича режалаш ва лойиҳалаш олди ишлари (ер тузиш чизмалари, эрозияга қарши тадбирлар

чизмалари ва ш.ў.) материалларидан фойдаланилади. Шунинг учун ҳам олинган миллий даромад ҳажмининг йиллик ўсишини (қишлоқ хўжалиги соф маҳсулоти) ер тузишнинг умумий харажатларига (X_y) солиштириш керак.

Ер тузишнинг ҳар хил томонларини тўла баҳолаш учун унинг самарадорлигини натурал ва қиймат кўрсаткичлари тизими бўйича аниқлаш керак. У ишлаб чиқариш шароитларини (омил кўрсаткичлари) таърифлайди, ер тузишнинг тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш жараёнига ва унинг самарадорлигига таъсирининг тавсифини беради (натижавий кўрсаткичлар).

Кўрсаткичлар тизими учта асосий гуруҳга бўлинади:

ишлаб чиқариш шароитлари;

ер тузиш самарадорлиги;

ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги.

Биринчи гуруҳга ишлаб чиқариш ресурслари ва омиллари миқдорини ҳамда уларнинг нисбатини тавсифловчи кўрсаткичлар киритилади. Мазмунан, улар хўжаликнинг интенсивлик даражасини кўрсатади. Улар жумласига қуйидагилар киради:

ер турлари таркиби;

қишлоқ хўжалик ерлари ва ҳайдалма ерларнинг умумий ер майдонига нисбати;

ҳайдалма ерларнинг қишлоқ хўжалик ерларига нисбати;

экинлар таркиби;

100 га қишлоқ хўжалик ерларига тўғри келадиган ўртача йил-лик ишчилар сони (меҳнат ресурслари билан таъминланганлиги);

воситалар (фондлар) билан таъминланиш даражаси;

воситалар (фондлар) ва қувват (энергия) билан қуролланиш даражаси;

Хўжаликларда ички ер тузиш харажатлари, ер тузиш бўйича лойиҳа қидирув ишларининг умумий харажатлари, ҳудудни ташкил этиш бўйича капитал харажатларнинг нисбий миқдорлари.

Ер тузишнинг халқ хўжалигидаги самарадорлигининг умумий таърифлари унинг экологик, иқтисодий ва ижтимоий томонларини кўрсатади ва соф маҳсулотнинг ўсиши кўрсаткичларига асосланади.

Умумлаштирилган кўрсаткичлар жумласига олдин келтирилган мезондан ташқари қуйидагиларни ҳам киритиш керак:

соф маҳсулот ўсишининг (ΔD) ўтиш даврида капитал харажатларни талаб этадиган ҳудудни ташкил этиш бўйича тадбирларни амалга ошириш ва лойиҳалаш харажатларига нисбати (K_y):

$$\mathcal{E}_k = \frac{\Delta D}{K_y}$$

бунда, $\mathcal{E}_k$ - капитал харажатлар самарадорлиги;

ер тузиш ҳисобига олинган соф маҳсулот ўсишининг (ΔD) жонли ва жонсиз меҳнат сарфига нисбати (солиштириш мумкин бўлган ресурслар бўйича):

$$\mathcal{E}_x = \frac{\Delta D}{I_x + E_m + \Phi_a},$$

бунда, $\mathcal{E}_x$ - ишлаб чиқариш харажатларидан фойдаланиш самарадорлиги;

I_x - ишлаб чиқаришнинг йиллик харажатлари;

E_m - капитал харажатлар самарадорлигининг меъёрий коэффициенти;

Φ_a - қишлоқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш фондлари.

Самарадорлик меъёрига мос бир хил ўлчамга келтирилган капитал харажатлар (K_x) ва фойдаланиш (эксплуатация) харажатлари (C) қийматининг i -турдаги j -объект учун ($\mathcal{E}_{ij}$) тўла иқтисодий самарадорлигининг йиллик ҳажмига нисбати сифатида аниқланадиган, ер тузиш лойиҳалари асосида амалга ошириладиган муҳит муҳофазаси харажатлари ($\mathcal{E}_m$) иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичи ҳам умумлашган кўрсаткичлар жумласига киради:

$$\mathcal{E}_x = \frac{\sum \mathcal{E}_{ij}}{C + E_m K_c}$$

Табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари самарадорлиги уларни амалга ошириш учун қилинган капитал харажатлар

самарадорли-гининг меъёрий коэффициенти билан ҳам тафсиблиши мумкин.

$\mathcal{E}_{xx}$, $\mathcal{E}_k$, $\mathcal{E}_x$ ва $\mathcal{E}_m$ кўрсаткичлари ер тузишнинг ҳар хил турдаги харажатларини уларнинг олдиндан аниқланган классификацияга мос равишда баҳолаш имкониятини беради. Капитал маблағлар билан боғлиқ харажатларнинг халқ хўжалиги учун (мутлоқ) самарадорлиги эса ҳақиқий (ёки лойиҳавий) самарадорлик меъёрий самарадорликдан катта бўлса аниқланади.

Умумий кўрсаткичлар жумласига ер тузиш самараси ўрнига ўтувчи қўшимча ресурсларни (капитал маблағлар, ишлаб чиқариш фондлари, меҳнат, ер) жалб этишдан келадиган самара кўрсаткичлари ҳам киради.

Улар қуйидаги ифодалар ёрдамида аниқланади:

капитал маблағлар сарфи, ишлаб чиқариш фондлари ва меҳнат ресурслари учун:

$$\Delta K = \frac{\Delta D}{E_m}, \quad \Delta \Phi = \frac{\Delta D}{\Phi_a}, \quad \Delta M = \frac{\Delta D}{MU},$$

ер ресурслари учун:

$$\Delta E_{ca} = \frac{\Delta D}{ME} \quad \text{ёки} \quad \Delta E_{c\dot{m}} = \frac{\Delta D}{CF}$$

бунда K , Φ , M , E_{ca} , $E_{c\dot{m}}$ - мос тарзда капитал харажатлар,

ишлаб чиқариш фондлари, меҳнат ва ер ресурсларининг тежалиши;

E_m - капитал харажатлар нисбий самарадорлигининг меъёрий коэффициенти;

Φ_a - фондларнинг қайтиши;

MU - меҳнат унумдорлиги (соф маҳсулот бўйича)

ME - 1 га қишлоқ хўжалик ерлари ҳисобига етиштирилган соф маҳсулот (ялпи даромад);

CF - ссуда фоизи.

Шуни эсдан чиқармаслик керакки, ресурсларни тежаш кўрсаткичлари шартлироқ ҳисобланади, сабаби, улар ўрганилаётган муаммога омиллар бўйича ёндашиш натижаларидир. Ҳақиқатда эса ресурсларнинг бир-бирини алмаштириши мураккаб характерга эга, сабаби, ишлаб чиқаришнинг айрим элементлари мустақил алмаштирилиши мумкин эмас (масалан, ер йўқ бўлса, уни амалий жиҳатдан ҳеч

нима билан алмаштириш мумкин эмас) Шунга қарамасдан бу кўрсаткичлар ер тузишнинг самарасини «сезиш», ҳаққоний баҳолаш, унинг қишлоқ хўжалиги ва тўла халқ хўжалиги учун аҳамиятини тушуниш имкониятини беради.

§ 3. Ер тузишнинг халқ хўжалигидаги самарадорлигини занжирли индекслаш усулидан фойдаланиб аниқлаш услубияти

Самарадорликни аниқлаш учун миллий даромадга (ялпи даро-мад, қишлоқ хўжалигининг соф маҳсулоти) умумий қўшимча-лардаги ер тузиш тадбирларининг улушини аниқлаш катта амалий аҳамиятга эга.

Ер тузиш амалиётида қишлоқ хўжалиги маҳсулотига умумий қўшимчалардаги ташкилий-хўжалик тадбирларининг улуши, асосан, 5-10%, агротехник тадбирларники - 20-30%, гидротехник ва ўрмон мелиоратив тадбирлариники - 10-20 % қилиб қабул қилинади.

Капитал харажатлар самарадорлигини баҳолашда намунавий услубият миллий даромаднинг ўсишини, унинг капитал харажатлар сарфланган даврнинг бошида ва охирида олинган ҳажмларининг фарқи сифатида аниқлашни тавсия этади.

Аммо, бу ўсишни тўласига капитал харажатлар ҳисобига ёки ер тузиш ҳисобига дейиш мумкин эмас. Кўрсатилган даврда ишлаб чиқариш воситаларининг, хизматларнинг, техникаларнинг, жиҳоз ва асбобларнинг, қурилиш материалларининг баҳолари ўзгаради, бу эса ишлаб чиқариш харажатларининг ўсишига олиб келади. Масалан, 1976 йилдан 1980 йилгача қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқариш харажатларининг умумий ўсишидан 57,6 фоизи ишлаб чиқариш воситалари ва хизматларнинг баҳоси ошиши ҳисобига бўлган, 30,2 фоизи материаллардан ортиқча фойдаланиш (ишлаб чиқариш технологиялари талабларига боғлиқ бўлмаган), фақат 8,8 фоизи иш ҳақи ўсиши ва 3,5 фоизи суғурта тўловлари ошиши ҳисобига бўлган. Бу шуни билдирадики, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга сарфланган капитал харажатларнинг бир қисми ўсиб бораётган баҳоларни қоплашга ёки оддий такрор ишлаб чиқаришга ишлатилади.

Бундан ташқари, 1985 йилдан 1990 йилгача қишлоқ хўжалигида банд бўлган ишчилар сонининг қисқариши юз берди; меҳнат унумдорлигини ошириш учун ишлаб чиқаришнинг моддий-техник базасини ривожлантириш,

фондлар билан қуролланиш даражасини ўстириш ва ш.ў. учун маблағлар сарфланади.

Шунинг учун ҳам миллий даромаднинг умумий ўсишидаги ер тузиш тадбирларидан келадиган самарани ажратиш масаласи туғилади. Бунинг учун миллий даромадни Г.И.Бакланов томонидан тавсия этилган (Волков С.Н. Методика определения народно-хозяйственной эффективности внутрихозяйственного землеустройства с использованием индексного цепного метода. Экономика современного землеустройства. М.: МИИЗ, Сб.науч.тр 1991, с 22-23) изма-из занжир усули ёрдамида бир-бирлари билан боғлиқ омиллар индексларига тарқатиш услубиятидан фойдаланиш мумкин. Унинг моҳиятини қуйидаги мураккаб бўлмаган мисолда кўрамыз.

Айтайлик, ҳисобот даврида бошланиш даврига нисбатан деҳқончилик маҳсулотлари баҳоси динамикасига қайси омиллар қандай таъсир этишини таҳлил этиш керак.

Аввало, деҳқончиликнинг ялпи маҳсулоти қийматига ҳар бир экин тури бўйича қандай омиллар таъсир этишини аниқлаш керак. Бунинг учун қуйидаги ифодадан фойдаланамиз:

$$B = a \cdot b \cdot c$$

бунда а - 1 ц маҳсулотни сотиш баҳоси (таннархи) (нефть маҳсулотлари, техника, ўғит, уруғлик ва бошқ. баҳоларининг ўзгариши омили);

b - ҳосилдорлик, 1га ц (ҳосилдорлик омили)

c - экиннинг майдони, га (майдон омили)

Айрим омилларнинг натижага таъсирини аниқлаш учун қуйидаги статистикада маълум нисбатлардан фойдаланамиз:

$$\frac{a_1 b_1 c_1}{a_0 b_0 c_0} = \frac{a_1 b_1 c_1}{a_0 b_1 c_1} \cdot \frac{a_0 b_1 c_1}{a_0 b_0 c_1} \cdot \frac{a_0 b_0 c_1}{a_0 b_0 c_0}$$

Бу ерда «0» индексига эга кўрсаткичлар базис (бошланиш) даврини, «1» индексига эгалар эса - режавий даврни (ер тузишдан кейинги) тавсифлайди. Ифодадан кўриниб турибдики, ялпи маҳсулотнинг ўзгариши (натижа) таннархнинг (биринчи кўпайтма), ҳосилдорликнинг (иккинчи) ва экин майдонининг (учинчи) ўзгаришига боғлиқ.

Бошланғич маълумотлар (товар дон экинлари учун) ва занжирли тақсимлаш натижалари 4.2 жадвалда кўрсатилган. Улардан фойдаланиб, ер тузишгача ва ер тузишдан кейинги даврлардаги ҳар хил сотиш баҳоси, таннарх, ҳосилдорлик ва

экин майдонларининг деҳқончилик маҳсулотлари қийматига таъсирини аниқлаймиз.

4.2 жадвал

Ялпи маҳсулот қиймати ўсишининг омиллар бўйича тарқалиши

Кўрсаткичлар	Ер тузишга-ча (бошла-ниш даври)	Ер тузишдан кейин (лойи-ҳавий давр)	Индекслар (динамик а коэффициентлари)	Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариши	
				мутлоқ (абсолют), сўм	нисбий, %
Сотиш баҳо-си 1 ц га сўм	10	9,5	0,95	- 21000	- 8,4
ҳосилдорлик	25	35	1,4	+ 120000	+ 48
1 га дан ц	1000	1200	1,2	+ 50000	+ 20
Экин майдони, га	250000	399000	1,596	+ 149000	+ 59,6
Деҳқончилик-нинг ялпи маҳсулоти қиймати, минг сўм					

ҳисоблашлар қуйидаги ифодалар бўйича олиб борилиши мумкин.

Сотиш баҳоси бўйича:

$$\frac{a_1 b_1 c_1}{a_0 b_1 c_1} = \frac{9,5 \cdot 35 \cdot 1200}{10 \cdot 35 \cdot 1200} = \frac{399000}{420000} = 0,95;$$

$$399000 - 420000 = -21000$$

ҳосилдорлик бўйича:

$$\frac{a_0 b_1 c_1}{a_0 b_0 c_1} = \frac{10 \cdot 35 \cdot 1200}{10 \cdot 25 \cdot 1200} = \frac{420000}{300000} = 1,4;$$

$$420000 - 300000 = 120000$$

Экин майдони бўйича:

$$\frac{a_0 b_0 c_1}{a_0 b_0 c_0} = \frac{10 \cdot 25 \cdot 1200}{10 \cdot 25 \cdot 1000} = \frac{300000}{250000} = 1,20; \quad 300000 - 250000 = 50000$$

Шундай қилиб, ялпи маҳсулот қиймати сотиш баҳосининг камайиши ҳисобига 21 минг сўмга (8,4%) камайди галла ҳосилдорлиги ўсиши ҳисобига 120 минг сўмга (48%) ва экин майдонининг кенгайиши ҳисобига 50 минг сўмга (20%) ошди. Барча омилларнинг биргаликдаги таъсири ялпи маҳсулоти қийматининг 149 минг сўмга (-21000 + 120000 + 50000 = 149000) ёки 59,6 % кўпайишига олиб келди.

Индексларнинг кетма-кет занжирли тарқалиши усули омиллар сони кўп бўлганда ҳам ишлатилиши мумкин. Омилларнинг бир-бирлари билан узвий боғлиқлиги натижавий кўрсаткични охиригача тўла тарқатиш имконини беради. Бунда омиллар (кўпайтмалар) шундай тартибда жойлаштирилари керакки, бу ҳар бир кейинги омилнинг олдингисига ёки олдингилар кўпайтмасига бирлашиши иқтисодий маънога эга қийматга олиб келади. Занжирли тарқалиш усулининг бундай хусусияти жуда катта аҳамиятга эга; шунинг учун ҳам ундан ишлаб чиқаришнинг айрим омилларини (масалан, иқлим шароитлари) аниқ сонлар билан баҳолаш мумкин бўлмаган ҳолларда ҳам фойдаланиш мумкин. Шу томондан устунлиги билан у сон жиҳатдан ўлчанмайдиган ва ишончсиз ўлчанадиган ва алоқалар тигизлигига (корреляция коэффициенти) таъсир этадиган, омилларни хаёлан четга чиқариб қўяди ёки ўлчаниши қийин бўлган омилларнинг йиғиндисини ўрганилаётган ҳодисани билвосита ёритадиган дифференциал тавсифлари орқали ҳисобга олади, корреляция-регрессия тахлилидан фарқ қилади. Турғун, ишончли характерга эга $B = a \cdot b \cdot c$ ифодасидаги В, а ва b кўрсаткичларининг қийматини ҳам аниқлаш мумкин.

Миллий даромадни (соф маҳсулотни) ҳисоблашда бошланғич кўрсаткич ялпи маҳсулот ҳисобланади. Кетма-кет занжирли тарқалиш нуқтаи назаридан ялпи маҳсулот қиймати қишлоқ хўжалигида банд ишчилар сонини ялпи маҳсулот бўйича ҳисобланадиган унумдорлигига кўпайтириш ёрдамида аниқланиши мумкин. Шунинг учун ҳам индекслар тарқалиши босқичида қишлоқ хўжалиги соф маҳсулотининг ўсишига меҳнат унумдорлиги ва ишчилар сонидан тузилган функция сифатида қаралади.

Биринчи тарқалишнинг кетма-кетлик тартиби адабиётларда яхши ёритилган. Масалан меҳнат унумдорлигининг қишлоқ хўжалик соф маҳсулоти ўзгаришига

таъсирини аниқлаш учун Р.Г. Кравченко томонидан тавсия этилган ифодадан фойдаланамиз:

$$\Delta D_{\text{мр}} = D_{\text{нт}} - \left(\frac{D_x}{T_x} T_l \right), \quad \text{ёки} \quad D_{\text{нт}} = D_l - D_x \cdot I_c$$

бунда $\Delta D_{\text{мр}}$ - соф маҳсулотнинг меҳнат унумдорлиги

таъсирида ўзгариши;

D_l ва D_x - лойиҳа бўйича ва лойиҳа тузулгунча

даврлардаги соф маҳсулот ҳажми;

T_l ва T_x - мос равишда қишлоқ хўжалигида

ишловчилар сони;

I_c - қишлоқ хўжалигида ишловчиларнинг йиллик

ўртача сони ўзгаришининг индекси.

Бу вазиятда ишловчилар сонининг соф маҳсулот ўзгаришига таъсири қуйидаги ифода ёрдамида аниқланади:

$$\Delta D = \Delta D - \Delta D_{\text{мр}} = (D_l - D_x) - (D_l - D_x I_c) = D_x (I_c - 1)$$

агар D_x (1985) = 49,7; D_l (1990) = 88,5 минг сўм.

$$T_x$$
 (1985) = 16 млн; T_l (1990) = 15,9 млн; $I_c = \frac{15,9}{16} = 0,994$

бўлса, қишлоқ хўжалигида яратилган миллий даромаднинг 1985 йилдан 1990 йилгача ўзгариши қуйидагилар ҳисобига бўлди:

меҳнат унумдорлигининг ўсиши ҳисобига $\Delta D_{\text{мр}} = 88,5 - 49,7 \cdot 0,994 = +39,1$ млрд сўм;

ишловчилар сони камайиши ҳисобига $\Delta D_c = 49,7(0,994 - 1) = -0,3$ млрд сўм

умумий ўзгариш қуйидагига тенг:

$$\Delta D = \Delta D_{\text{мр}} + \Delta D_c = D_l - D_x = 39,1 - 0,3 = 88,5 - 49,7 = 38,8 \text{ млрд сўм}$$

Шундай қилиб, меҳнат унумдорлиги ошиши ҳисобига миллий даромад ҳажми (соф маҳсулот) 39,1 млрд сўмга ўсди, ишловчилар сони камайиши ҳисобига эса 0,3 млрд сўмга камайди.

Занжирли тарқатишнинг иккинчи босқичида қишлоқ хўжалиги соф маҳсулотининг меҳнат унумдорлиги ўзгариши ҳисобига ўсиши қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажмининг ва уларга сарфланган материаллар миқдорининг ўзгаришига боғлиқ бўлади.

Тарқатишнинг бундай тартиби П.Р.Любенко томонидан асосланган бўлиб, у қуйидаги ифодадан фойдаланишни тавсия этади:

соф маҳсулотнинг ишчилар сони ва маҳсулотларнинг материал сифими таъсирига ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ҳажми ҳисобига ўзгариши:

$$\Delta D_{\text{ям}} = D_x (I_y - I)$$

бунда I_y - қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ўзгаришининг индекси.

соф маҳсулот ўсишининг материал харажатлар таъсири остида ўзгариши:

$$\Delta D = I_e (M_x - M_l)$$

бунда M_x ва M_l - мос равишда лойиҳагача ва лойиҳа бўйича

моддий харажатлар (қиймат кўрсаткичларида).

Моддий харажатларнинг кейинги ҳар хил турдаги харажатлар бўйича тарқалиши - саноат маҳсулотлари (ўғитлар, нефт маҳсулотлари, саноатда ишланган озукалар, бошқа саноат маҳсулотлари), қишлоқ хўжалик маҳсулотлари (уруғлик, озук ва бошқ.), амортизация ажратмаси - ер тузиш учун деярлик аҳамиятга эга эмас.

ҳисоблашларни соддалаштириш учун $\Delta D_{\text{мх}}$ қийматини қуйидагидек аниқлаш тавсия этилади. Масалан, 1985й. Россияда қишлоқ хўжалигидан олинган ялпи маҳсулот 117,9 млрд сўмни, 1990й. эса 157,4 млрд сўмни ташкил этди. Бунда

$$I_e = \frac{157,4}{117,9} = 1,335 \text{ тенг ва соф маҳсулотнинг ўзгариши:}$$

ялпи маҳсулот ўсиши ҳисобига:

$$D_{\text{ям}} = 49,7(1,335 - 0,994) = +16,9 \text{ млрд.сўм}$$

ишлаб чиқаришнинг моддий харажатлари сарфи кўпайиши ҳисобига:

$$D_{\text{мх}} = (88,5 - 49,7)1,335 = +22,2 \text{ млрд.сўм}$$

Индексларнинг занжирли тарқалишининг учинчи босқичида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти деҳқончилик, чорвачилик ва бошқа тармоқлар ишлаб чиқариши ҳажмларига боғлиқ қилиб қўйилади. Бунинг учун П.Р.Любенко изланишларидан ва бизнинг ишларимиз натижаларидан фойдаланамиз. Уларга асосан соф маҳсулот ўсишининг ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми таъсирида ўзгариши:

қишлоқ хўжалик ерлари майдони ҳисобига:

$\Delta I_m = \Delta_x I_c (I_m - 1);$
ерлар унумдорлиги ҳисобига:

$$\Delta I_y = \Delta_x (I_y - I_m I_c);$$

чорва моллари бош сони ҳисобига:

$$\Delta I_b = \Delta_{жх} I_{жс} (I_2 - 1)$$

моллар маҳсулдорлиги ҳисобига:

$$\Delta I_p = \Delta_{жх} (I_{яж} - I_2 I_{жс});$$

бошқа маҳсулотлар ҳисобига:

$$\Delta \Delta_{бм} = \Delta_{жх} (I_{жс} I_{яж})$$

бунда $\Delta \Delta_{бм}$ қиймати қуйидагидек аниқланади:

$$\Delta \Delta_{бм} = \Delta \Delta_{ям} - \Delta \Delta_m - \Delta_{\Delta_y} - \Delta \Delta_b - \Delta \Delta_p, \text{ ёки}$$

$$\Delta \Delta_{бм} = \Delta_x I_y - \Delta_x I_c - \Delta_x I_c I_m + \Delta_x I_c - \Delta_x I_y + \Delta_x I_c I_m - \Delta_{жс} I_{жс} I_c + \Delta_{жх} I_{жс} - \Delta_{жх} I_{яж} + \Delta_{жх} I_{жс} I_c = \Delta_{жх} (I_{жс} - I_{яж})$$

бунда I_m - қишлоқ хўжалик ерлари майдони индекси;

$\Delta_{жх}$ - лойиҳалаш бошлангунча бўлган соф чорвачилик маҳсулоти ҳажми;

$I_{жс}$ - чорвачиликдаги ишловчилар сони индекси;

I_c - чорва моллари бош сони индекси (шартли бошларда);

$I_{яж}$ - чорвачилик ялпи маҳсулоти қиймати индекси.

1985 йилдан 1990 йилгача бўлган даврда Россияда қишлоқ хўжалик ерлари майдони 228,9 млн гектардан 222,1 млн гектаргача камайди ($I_m = \frac{222,1}{228,9} = 0,970$), чорвачилик соф

маҳсулоти қиймати барча турдаги хўжаликларда 71,7млрд сўмдан 99,8 млрд сўмга ошди ($I_y = \frac{99,8}{71,7} = 1,392$),

чорвачиликнинг соф маҳсулоти лойиҳалаш йилида (1985й.) 35,4 млрд сўмни ($\Delta_{жр} = 35,4$), 1990 йилда эса 56,1 млрд сўмни ташкил этди, чорвачилик ишчилари сони индекси $I_{жс} = I_2 =$

0,994; чорва моллари бош сони (шартли бошларда) 59,6 дан 57,0 млн бошга камайди ($I_2 = \frac{57,0}{59,6} = 0,956$).

Қишлоқ хўжалиги соф маҳсулотининг ўсишини омиллар бўйича тарқатиш қуйидаги натижаларни беради:

қишлоқ хўжалик ерлари майдонлари қисқариши ҳисобига:

$$\Delta \Delta_{эм} = 49,7 \cdot 0,994(0,970 - 1) = -1,5 \text{ млрд сўм}$$

қишлоқ хўжалик ерлари унумдорлиги ошиши ҳисобига:

$$\Delta \Delta_y = 49,7(1,335 - 0,970 \cdot 0,994) = +18,4 \text{ млрд сўм}$$

чорва моллари бош сони камайиши ҳисобига:

$$\Delta \Delta_b = 35,4 \cdot 0,994(0,956 - 1) = -1,5 \text{ млрд сўм}$$

чорва моллари маҳсулдорлиги ошиши ҳисобига:

$$\Delta \Delta_p = 35,4(1,392 - 0,956 \cdot 0,994) = +15,6 \text{ млрд сўм}$$

бошқа омиллар ҳисобига

$$\Delta \Delta_{бм} = 35,4(0,994 - 1,392) = -14,1 \text{ млрд сўм}$$

Тарқатишнинг тўртинчи босқичида ерлар унумдорлиги (I_y) қуйидаги кўпайтма ёрдамида ифодаланади:

$$I_y = I_0 \prod_{i=1}^m K_i$$

бунда I_0 - ерларнинг бошланғич унумдорлиги;

K_i - i -тадбирни (мелиорация, трансформация ва ш.ў.) амалга ошириш натижасида оширилган унумдорликни ҳисобга олувчи коэффициент;

m - тарқатиш омиллари сони.

Айрим тадбирларнинг таъсири суғориладиган ва мелиоратив ҳолати яхшиланган ерлар майдони, солинаётган ўғитларнинг таъсир этувчи моддаларига қараб қайта ҳисобланган миқдори, умумий экин майдонида навли экинлар салмоғи, хўжалик ерларининг тузилганлиги орқали кўринади. Иқлимий шароитлар ва бошқа ҳисобга олинмаган омиллар таъсирлари кўрсаткичлари занжирли индекслар назариясига асосан ҳисобланади.

Шундай қилиб, I_y қиймати қуйидаги ифода билан аниқланади:

$$I_y = I_0 K_1 K_2 K_3 K_4 K_5;$$

бунда K_1 - суғориладиган ва мелиоратив ҳолати яхшиланган

ерларда ҳосилдорликнинг ошишини ҳисобга олувчи коэффициент;

K_2 - ўғитлар миқдорини ошириш натижасида ҳосилдорликнинг кўтарилишини ҳисобга олувчи коэффициент;

K_3 - умумий экин майдонида навли экинлар майдони салмоғининг ошиши натижасида ҳосилдорлик кўтарилишини ҳисобга олувчи коэффициент;

K_4 - хўжалик ерларининг тузилганлиги натижасида ҳосилдорлик кутарилишини ҳисобга олувчи коэффициент;

K_5 - об-ҳаво шароити ва бошқа ҳисобга олинмаган омиллар натижасида ҳосилдорликнинг ошишини ҳисобга олувчи коэффициент.

Тўртинчи босқичда соф маҳсулот кўрсаткичининг тарқалиш тартиби қуйидагидек бўлиши керак.

1. Ер турлари унумдорлиги (D_{ym}) ҳисобига қишлоқ хўжалиги соф маҳсулоти ва унинг индекси (I_{ym}) ўсиши ҳисобланади:

$$D_{ym} = D_x + \Delta D_y$$

$$I_{ym} = \frac{D_x + \Delta D_y}{D_x}$$

2. Об-ҳаво шароити ва бошқа омиллар кўрсаткичи индекси (I_0) аниқланади:

$$I_{ox} = \frac{I_{ym}}{I_m I_y I_n I_{et}};$$

бунда I_m - қишлоқ хўжалик ерлари умумий майдонида мелиорацияланган ерлар салмоғи индекси;

I_y - берилган ўғитлар миқдори индекси;

I_n - умумий экин майдонида навли экинлар салмоғи индекси;

I_{et} - хўжаликнинг ерлари тузилганлиги индекси.

3. Қишлоқ хўжалиги соф маҳсулотининг қуйидагилар ҳисобига ўзгариши аниқланади:

суғориладиган ва мелиоратив ҳолати яхшиланган ерлар майдони кенгайиши

$$\Delta D_m = I_y - I_n I_{et} I_{ox} (I_m - 1) \frac{\Delta D_y}{(I_{ym} - 1)}$$

берилган ўғитлар миқдори:

$$\Delta D_y = I_n I_{et} I_{ox} (I_y - 1) \frac{\Delta D_y}{(I_{ym} - 1)}$$

навли экинлар майдони кенгайиши:

$$\Delta D_n = I_{et} I_{ox} (I_n - 1) \frac{\Delta D_y}{(I_{ym} - 1)}$$

қишлоқ хўжалик корхоналарида ер тузиш:

$$\Delta D_{et} = I_{ox} (I_{et} - 1) \frac{\Delta D_y}{(I_{ym} - 1)}$$

об-ҳаво ва бошқа омиллар:

$$\Delta D_{ox} = (I_{ox} - 1) \frac{\Delta D_y}{(I_{ym} - 1)}$$

Мисол тариқасида Россия қишлоқ хўжалиги бўйича 1985-1990 йиллар давридаги маълумотларни кўриб чиқамиз (4.3 жадвал).

4.3 жадвал

Қишлоқ хўжалиги соф маҳсулоти (миллий даромад) ўсишининг интенсивлаш омиллари бўйича тарқалиши

	Бошланиш	ҳисобот	Индекс	Соф маҳсулот ўсиши (тарқалиш натижалари)
	ш	т	-	

Кўрсаткичлар	(базавий) даври (1985й.)	даври (1990й.)	лар	мутло қ (абсолют) млрд сўм	бошланиш (базавий) даврдаги соф маҳсулотга нисбатан - %
Барча тоифадаги хўжа-ликларда суғориладиган ва мелиоратив ҳолати яхшиланган ерлар майдони, млн.га	12,85	13,58	1,057	+ 3,7	+ 7,4
Солинган ўғитлар миқдори, 1 га т.э.м. кг	96	83,4	0,869	-9,7	-19,5
Навли экинлар майдони,%	79,7	80,6	1,011	+ 0,8	+ 1,6
Корхоналарнинг ер ту-зилганлиги, %	85	88,6	1,042	+ 3,0	+ 6,0
Об-ҳаво шароитлари ва бошқа омиллар	---	----	1,416	+ 3,0	+ 41,4
Қишлоқ хўжалиги соф маҳсулоти, млрд сўм	49,7	68,1	1,370	+ 20,6	37,0
				18,4	

Ерларнинг унумдорлиги ўзгариши ҳисобига қишлоқ хўжалигининг соф маҳсулоти ўсиши қуйидагини ташкил этади.

$$\Delta = 49,7 + 18,4 = 68,1$$

унинг индекси эса

$$I_{ум} = \frac{68,1}{49,7} = 1,370$$

Бунда об-ҳаво шароити ва бошқа омиллар кўрсаткичи индекси қуйидагидек аниқланади:

$$I_{ох} = \frac{1,370}{1,057 \cdot 0,869 \cdot 1,011 \cdot 1,042} = 1,416$$

Соф маҳсулот ўсишининг интенсивлаш омиллари таъсирида ўзгариши қуйидаги тарзда ҳисобланади:

суғориладиган ва мелиоратив ҳолати яхшиланган ерлар майдони кенгайиши ҳисобига:

$$\Delta D_m = 0,869 \cdot 1,011 \cdot 1,042 \cdot 1,416(1,057 - 1) \frac{18,4}{(1,370 - 1)} = +3,7 \text{ млрд сўм}$$

солинган ўғитлар миқдори ҳисобига:

$$\Delta D_y = 1,011 \cdot 1,042 \cdot 1,416(0,869 - 1) \frac{18,4}{(1,370 - 1)} = -9,7 \text{ млрд сўм}$$

навли экинлар майдони кенгайиши ҳисобига:

$$\Delta D_n = 1,042 \cdot 1,416(1,011 - 1) \frac{18,4}{(1,370 - 1)} = +0,8 \text{ млрд сўм}$$

қишлоқ хўжалик корхоналари ерларини тузиш ҳисобига:

$$\Delta D_n = 1,042 \cdot 1,416(1,011 - 1) \frac{18,4}{(1,370 - 1)} = +0,8 \text{ млрд сўм}$$

об-ҳаво шароитлари ва бошқа омиллар ҳисобига:

$$\Delta ox = (1,416 - 1) \frac{18,4}{(1,370 - 1)} = +20,6 \text{ млрд сўм}$$


Миллий даромаднинг занжирли тарқалиши натижалари 2-чизмада кўрсатилган. Ундан ҳисоблашлар натижаларини текшириб кўриш учун фойдаланилади, сабаби, тарқатиш натижалари йиғиндиси миллий даромаднинг умумий ўсиши миқдorigа тенг бўлиши керак.

Айтайлик, биринчи босқичда бу қиймат (+ 38,8 млрд сўм) бўлиб, у меҳнат унумдорлиги ўсиши ҳисобига (39,1 млрд сўм) кўпайиши ва ишчилар сони камайиши натижасида (-0,3 млрд сўм) камайиши ҳисобига соф маҳсулот кўпайишидан ташкил топади, яъни, $39,1 - 0,3 = 38,8$. Бундай назорат кейинги ҳар бир босқичда ҳам ўтказилади.

Занжирли тарқатиш бўйича йиғма маълумотлар 4.4 жадвалда келтирилган.

ҳисоб-китоблар натижаси шуни кўрсатадики, таҳлил қили-наётган даврда ер тузиш тадбирлари қишлоқ хўжалиги соф маҳсулотининг 3 млрд сўмга ўсишини таъминлайди, бу қишлоқ хўжалигида яратилган миллий даромаднинг 6 фоизини ташкил этди.





2-чизма. Соф маҳсулот ўсишининг занжирли тарқалиши босқичларининг кетма-кетлик тартиби.

ҳар хил йилларда хўжалик юритишнинг табиий ва иқтисодий шароитлари бир хил бўлмаганлиги учун ер тузишнинг халқ хўжалиги бўйича самарадорлигини аниқлашда соф маҳсулотнинг ўсишининг занжирли тарқалишини ҳар йили бажариш керак. Ер тузиш тадбирларини амалга ошириш натижасида соф маҳсулотнинг ўсишини ҳисоблашни осонлаштириш учун қуйидаги ифодадан фойдаланиш мумкин:

$$\Delta I_{em} = \frac{D_x (I_{em} - 1)(1 + I_y - I_{em} \cdot I_c)}{I_m \cdot I_y \cdot I_n \cdot I_{em}}$$

4.4 жадвал

Қишлоқ хўжалиги соф маҳсулоти ўсишининг занжирли тарқалиши

Кўрсаткичлар	Соф маҳсулотнинг ўсиши	
	Мутлоқ (абсолют) қиймати, млрд сўм	Базис йили-даги соф маҳсулотга нисбатан %
Қишлоқ хўжалиги соф		

маҳсулотининг ўсиши - ҳаммаси	+38,8	+78,1
Шу жумладан:		
Йиллик ўртача ишчилар сони ҳисобига	-0,3	-0,6
Меҳнат унумдорлиги ҳисобига	+39,1	+78,7
Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ҳисобига	+16,0	+34,0
Маҳсулотга сарфланган моддий харажатлар ҳисобига	+22,2	+44,7
Қишлоқ хўжалик ерлари майdonи ҳисобига	-1,5	-3,0
Ерлар унумдорлиги ҳисобига	+18,4	+37,0
Суғориладиган ва мелиоратив ҳолати яхшиланган ерлар майdonи ҳисобига	+3,7	+7,4
Солинган ўғитлар ҳисобига	-9,7	-19,5
Навли экинлар майdonи ҳисобига	+0,8	+1,6
Қишлоқ хўжалик корхоналарида ер тузилиши ҳисобига	+3,0	+6,0
Об-ҳаво шароити ҳисобига	+20,6	+41,1
Чорва моллари бош сони ҳисобига	-1,5	-3,0
Чорва моллари маҳсулдорлиги ҳисобига	+15,6	+31,4
Бошқа омилар ҳисобига	-14,1	-28,4

бунда Δ_x - базис (бошланғич) йилдаги қишлоқ хўжалигининг соф маҳсулоти;

I_{em} - қишлоқ хўжалик корхоналарида ер тузилганлик индекси;

I_y - қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти индекси;

I_{em} - қишлоқ хўжалик ерлари майdonи индекси;

I_c - қишлоқ хўжалигида ишловчиларнинг йиллик ўртача сони индекси;

I_m - мелиорацияланган ерлар майdonи индекси;

I_y - солинган ўғитлар миқдори индекси;

I_n - умумий экин майдонидаги навли экинлар салмоғи индекси.

Ер тузиш тадбирларини амалга ошириш натижасида олинган миллий даромад салмоғинининг умумий ҳажмини қуйидаги ифода ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$y = \frac{D_x (I_{em} - 1)(1 + I_y - I_{em} I_c)}{D_l \cdot I_m \cdot I_y \cdot I_n \cdot I_{em}}$$

Бундай ҳисоб-китоблар ер тузиш бўйича лойиҳалаш ва изланиш ишларига бюджетдан ажратиладиган харажатлар миқдорини режалаштириш имконини беради. Бунинг учун $\Delta D_{ет}$ ни аниқловчи ифодага АСМнинг келажақдаги ривожланиш кўрсаткичларини тавсифловчи қийматларини қўйиш ва улар орқали хўжаликларнинг ер тузилганлик даражасини кўрсатиш керак.

§ 4. Ер тузишни режалаш ва ташкил этиш

Ер тузиш давлат органлари, маҳаллий ҳокимиятлар ёки манфаатдор ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар ташаббуси асосида давлат ер тузишни лойиҳалаш институти «Ўздаверлойиҳа» томонидан ажратиладиган бюджет (давлат бюджети, маҳаллий бюджет) маблағлари ҳисобига ўтказилади.

Ер участкаларини тузиш, тубдан яхшилаш ва муҳофаза этиш билан боғлиқ ер тузиш лойиҳаларини ишлаш ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар маблағлари ҳисобига бошқа ер тузиш ташкилотлари томонидан ҳам ўтказилиши мумкин. Лойиҳалар манфаатдор томонлар иштирокида тузилади ва тасдиқлангандан кейин жойларга (натурага) кўчирилади, яъни, ер участкаларининг ва алмашлаб экиш далаларининг чегаралари белгилар билан ажратилади.

Ер тузиш лойиҳаларида кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар зиммасига юкланади.

Ер тузиш ташкилотлари лойиҳаларни ҳаётга тадбиқ этишга ёрдам беришади ва муаллифлик назоратини олиб боришади. Ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар зарурият туғилганда лойиҳаларга аниқлик ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида таклифлар киритиши мумкин.

Лойиҳа ташкилотлари кўзда тутилган тадбирларнинг иқтисодий ва экологик самарадорлиги учун жавобгардирлар. Улар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

махсус рухсатномасиз ер тузиш лойиҳаларининг амалга оширилишини назорат қилиш, унинг натижалари тўғрисида маъмуриятга ахборот бериш ва ердан фойдаланишни ва ерни муҳофазалашни яхшилаш бўйича таклифлар киритиш;

лоийҳалардаги ерларни мелиорациялаш, қишлоқ хўжалик объектларини, хўжалиқдаги ички йўлларни жойлаштириш, ноқишлоқ хўжалик эҳтиёжлари ва бошқа асослар бўйича ер ажратишлар билан боғлиқ ўзгаришларни келишиш;

эскирган ер тузиш чизмалари ва лойиҳаларини қайта тузиш ёки такомиллаштириш тўғрисида таклифлар киритиш.

Ер тузишни режалаштиришда қуйидагиларни бажариш зарур:

ер тузиш бўйича лойиҳа-қидирув ишлари рўйхатини белгилаш;

ишлар таркибини аниқлаш ва ҳажмини натурал ва қиймат

кўрсаткичлар бўйича баҳолаш;

ер тузиш тадбирларини молиялаш манбааларини асослаш;

бажариладиган ишлар ҳажми ва таркиби ўзгариши билан боғлиқ ер тузишнинг лойиҳа хизматини кадрлар билан таъминлаш йўлларини белгилаш.

Лойиҳа-қидирув ишлари рўйхатини белгилашда улар комплекс тарзда, ягона технологик ва ахборот боғлиқлигида, аниқ кетма-кетлик тартибида бажарилиши зарурлигини ҳисобга олиш керак. Шунинг учун ҳам улар таркибига қуйидагиларни киритиш керак:

лоийҳаларни тузишга тайёргарлик ишлари, шу жумладан аэрофотогодезик ишлар, ер устидан тасвирга олиш, учиш аппаратларидан тасвирга олиш ишлари, план-харита материалларига тузатишлар киритиш, тупроқ ва геоботаник изланишлари, ерларни баҳолаш ва кадастр ишлари, ерларни рўйхатга олиш ва график ҳисобини олиб бориш, бошқа қидирув ва изланиш ишлари;

туманларнинг комплекс ер тузиш чизмаларини ва бошқа ердан оқилона фойдаланишни ташкил этиш ва уни муҳофазалаш бўйича лойиҳа олди ҳужжатларини тайёрлаш;

хўжаликлараро ер тузиш ва ноқишлоқ хўжалик мақсадлари учун ер ажратиш лойиҳаларини тузиш, қишлоқ

хўжалигида ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчиларни ташкил этиш ва тартибга солиш бўйича ишлар;

саноат ва бошқа ноқишлоқ хўжалик корхоналари ва ташкилотларининг қишлоқ хўжалигидаги ёрдамчи хўжаликларида ер тузиш, лойиҳаларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш бўйича ишлар билан бирга хўжаликларда ички ер тузиш;

ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш билан боғлиқ ишчи лойиҳаларни тузиш бўйича ишлар;

ердан фойдаланишда махсус тартиб ва шароитларга эга ҳудудлар чегараларини белгилаш (маъмурий-ҳудудий ташкилотлар, аҳоли яшаш жойлари, табиатни муҳофаза қилишга ажратилган ҳудудлар);

бошқа ишлар.

Ер тузиш ишларининг келажақдаги ҳажмлари ва тартибини режалаштиришда қуйидаги услубий қоидаларга таянилади.

Ер тузишда фойдаланиладиган планлар ва хариталарни янгилаш, асосан, аэрофототасвирлаш усулида ҳар 8-15 йилда хариталарнинг ҳар хил туманлардаги эскириш даражасига қараб амалга оширилади, уларга тузатиш киритиш (корректировка) эса - нисбатан қисқа муддатларда (1 йилдан - 5 йилгача), ер тузиш лойиҳаларини ишлашда ердан фойдаланиш бўйича аниқ ахборот билан таъминлаш мақсадида амалга оширилади. Шунинг учун план-харита материалларини янгилаш ҳажми ҳар йили ўртача ер тузиш ўтказилган ҳудуд майдонининг 8,7% ташкил этади

$\left[100 + \left(\frac{8+15}{2} \right) = 8,7\% \right]$, ҳар йилги тузатиш киритиш ҳажми эса - $33,3\%$ лойиҳа ишлари олиб борилаётган ҳудудни ташкил этади $\left[100 + \left(\frac{1+5}{2} \right) = 33,3\% \right]$.

Лойиҳалаш олди ер тузиш ҳужжатларини (туман ер тузиш чизмаларини) тузиш бўйича ишларни режалаштиришда уларнинг асосан 15 йилгача бўлган муддатга, беш йиллик даврлар бўйича навбатларга бўлиниб ишланиши ҳисобга олинади. Агар 5 йил ичида Ўзбекистоннинг барча туманлари (164 та) шундай ҳужжатни олиши керак бўлса, йилига ўртача 35 туман учун ер тузиш чизмаларини ишлаш керак бўлади.

Хўжаликлараро ер тузиш бўйича ишлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

саноат, транспорт ва бошқа ноқишлоқ хўжалик мақсадлари учун ерларни олиш ва ажратиш;

ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчилар ерларидаги камчиликлар ва ноқулайликларни тугатиш лойиҳаларини ишлаш;

қишлоқ хўжалигида ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларни ташкил этиш (чегараларини белгилаш ва тиклаш) лойиҳасини ишлаш;

бошқа турдаги ишлар.

Ноқишлоқ хўжалик мақсадларига ажратиладиган ерлар майдони олдинги 10-15 йилда ушбу мақсадлар учун ерларнинг олиниш даражасини таҳлил қилиш (мутахассисларнинг экспертлик баҳоларини ҳисобга олган ҳолда) ёрдамида аниқланади. Туман ер тузиш чизмаларини тузиш бўйича ишлар қийматини ҳисоблашда қуйидаги босқичлар ҳисобга олинади: тайёргарлик ишлари, чизмани ишлаш, ҳужжатларни тайёрлаш. Хўжаликлараро ер тузиш бўйича тайёргарлик ишлари, ҳудуддаги дала изланишлари, лойиҳани тузиш, чегараларни белгилаш (тиклаш) баҳоланади. Хўжаликларда ички ер тузиш бўйича ишлар қийматига тайёргарлик ишлари, лойиҳани тузиш, лойиҳани жойига (натурага) кўчириш, лойиҳани амалга ошириш, ер турлари контурлари (бўлаклари) майдонларини ҳисоблаш харажатлари киради.

Хўжаликларда ички ер тузиш лойиҳаларини амалга ошириш асосан 4-10 йилга, яъни, алмашлаб экишга ўтиш даврига тенглигини ҳисобга олсак, амалда шунча вақтдан кейин хўжалиқда янги лойиҳа ишланиши ёки эскиси тузатилиши керак бўлади. Хўжаликларда ички ер тузиш албатта эски лойиҳаларга тузатишлар киритиш ишлаб чиқаришнинг динамик ривожланиши жараёнини ва ҳудудни нормал боғлаш имконини бермайдиган, янги ташкил этилган қишлоқ хўжалик корхоналарида ва хўжаликларда ўтказилиши керак.

Ишчи лойиҳалаш биринчи навбатда қуйидаги лойиҳаларини ўз ичига олади:

қишлоқ хўжалик ерларини тубдан яхшилаш ҳамда янги ерларни ўзлаштириш лойиҳалари;

ерларни рекультивациялаш ва кам унумли ерларни унумдор тупроқ қатлами билан қоплаш;

эрозияга қарши тадбирлар;

ерларни яхшилаш ва муҳофаза этиш билан боғлиқ бошқа лойиҳалар.

Ер тузиш ишларининг йиллик режалаштириладиган ҳажми бўйича йиғма маълумотлар 4.5 жадвалда келтирилган (В.В.Косинский томонидан олинган)

4.5 жадвал

Ер тузиш лойиҳаларини (ишлаш) бўйича ишлар таркиби ва ҳажми (ўртача бир йилда)

Иш турлари	1988-1991й			1996-2000й		
	млн сўм	%	одам-ой	минг га	млн сўм	%
Хўжаликлараро ер тузиш - жами	11,38	9,5	311100	52055	19,17	6,3
Шу жумладан:						
Ноқилоқ хўжалик мақсадларига ер ажратиш			16100	755,0	1,16	0,4
Қишлоқ хўжалик ер эгаликларини ташкил этиш			172500	7500,0	12,45	4,1
Ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчилар ерларини тартибга келтириш	2,60	2,2	122500	43800,0	5,56	1,8
Хўжаликларда ички ер тузиш			66150	109433,0	70,46	23,3
Хўжаликларда ички ер тузиш лойиҳаларини амалга оширишга ёрдам бериш	1,93	1,6	29000	109433,0	32,6	10,8
Чекка шимол районларидаги буғучилик- овчилик хўжаликларида ер тузиш	3,50	2,9	3333	20770	3,55	1,1

4.5 жадавалнинг давом

Саноат корхоналарининг қишлоқ хўжалигидаги ёрдам-чи хўжаликларида ер тузиш	0,58	0,5	751	1242,5	0,8	0,3
Туман ер тузиш чизмаларини ишлаш	5,15	4,3	30827,0	125999,0	21,04	6,9
Махсус тартибда						

фойдалани-ладиган ҳудудлар чегарала-рини белгилаш			2911	37349,0	3,1	1,0
Сув ҳимоя минтақаларини ва кичик дарёлар қирғоқлари-даги ҳимоя полосаларини белгилаш бўйича лойиҳавий тавсиялар ишлаш, км	1,33	1,1	939	12048,0	1,0	0,3
Лойиҳаларни ишлаш учун тайёргарлик ишлари - жами	65,72	54,7	166155		97,14	32,1
Шу жумладан:						
аэрофотогеодезик ишлар, ер устида тасвирга олиш		10,1	25406	57124,0	28,56	9,4
План-харита материалларини тузатиш (корректировка), учиш-тасвирга олиш ишлари	12,15					
Тупроқ изланишлари		8,3	35061	95733,0	23,93	7,9
Геоботаник изланишлар		11,9	53486	28602,0	14,30	4,7
Ер баҳолаш ва ер кадастри ишлари		2,8	12717	6800,5	3,40	1,1
Ерларни рўйхатга олиш (инвентаризация)	10,0	11,6	20629	28162,0	14,08	4,6
Ерларнинг график ҳисобини олиш	14,32	7,3	14798	20201,4	10,10	3,3
Ишчи лойиҳаларини (бир босқичли) тузиш - жами	3,35					
Шу жумладан:						
Янги ерларни ўзлаштиришни ва захини қочиришни талаб этмайдиган қишлоқ хўжалик ерларини тубдан яхшилаш		2,4	4058	5540,4	2,77	0,9
Ерларни рекультивациялаш ва кам унумли ерларни унумдор тупроқ қатлами билан қоплаш	14,0	7,2	12392		12,1	4,0
	8,8					
	2,9					
	8,6	2,1	5709	1460,0	4,10	1,4
	2,52	0,8	1330	100,5	1,3	0,4
	0,92					

4.5 жағвалнинг давоми

Эрозияга қарши тадбирлар	3,31 1,85	2,8 1,5	30,99 2254		4,3 2,4	1,4 0,8
Бошқа ишчи лойиҳалар						
Ер тузиш бўйича бошқа ишлар	19,3 6	16,1	99827		41,78	13,8
Жами:	100	120,15	723385	302,74		100

Назорат саволлари:

1. Ер тузиш самарадорлиги турларини ажратиш асосида қандай белгилар ётади?
2. Ер тузишнинг мутлоқ (абсолют), нисбий, ҳисобланган (лойи-ҳавий) ва ҳақиқий самарадорликлари бир-бирларидан нимаси билан фарқ қилади?
3. Ер тузишнинг халқ хўжалигидаги самарадорлигини баҳолашда қандай кўрсаткич асосий (мезон) ҳисобланади, нима учун?
4. Самарадорликни баҳолашда самара ва харажатларни солиштириш қандай амалга оширилади?
5. Самарадорликни баҳолашда қандай кўрсаткичлар умумий (умумлаштирувчи) ҳисобланади?
6. Ер тузиш самарадорлигини баҳолашда миллий даромад қийматининг индексли занжирли тарқалишининг кетма-кетлик тартиби қандай?
7. Ер тузишни ташкил этиш нималарни ўз ичига олади?
8. Келажақдаги ер тузиш ишлари ҳажми қандай режалаштирилади?

V боб

Хўжаликлараро ер тузиш иқтисоди

§ 1. Хўжаликлараро ер тузишнинг мазмуни ва ижтимоий-иқтисодий характери

Хўжаликлараро ер тузиш ерларни қайта тақсимлаш, рационал ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчиларни шакллантириш, қишлоқ хўжалиги ва ноқишлоқ хўжалик мақсадлари учун ерларни олиш ва ажратиш, корхоналар ва фуқароларни ер билан таъминлаш, уни ижарага беришнинг асосий механизми ҳисобланади.

Ер тузиш пайдо бўлган даврдан бошлаб унинг бош вазифаси ерларни бўлиш ва чегаралаш, яъни, ер мулкларни чегараларини ва майдонларини ўзгартириш ва белгилаш, ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатлар бериш бўлиб келди.

Бу ишлар чегаралаш деб аталди ва ҳозирги вақтгача улар мазмунан ер тузишнинг асосий вазифаси бўлиб қолмоқда.

Ер мулкларни чегаралари ва майдонлари ер эгасининг ерга бўлган ҳуқуқлари таъсири тарқаладиган ҳудудни белгилайди. Уларни белгилаш ва мустаҳкамлаш асосан техник ва ҳуқуқий фаолият ҳисобланади.

Шу билан бир қаторда, хўжаликлараро ер тузишда янги корхоналар, ташкилотлар, фуқаролар ер эгаликлари ва ердан фойдаланишлари ташкил топади ва эскидан мавжудлари ерлари тартибга солинади. Бу эса хўжаликни қуриш ва юритишга, унинг иқтисодиётига таъсир этувчи мос ташкилий-ҳудудий шароитлар яратади. Шунинг учун ҳам хўжаликлараро ер тузиш маълум иқтисодий мазмунга эга.

Ер тузишнинг бу турининг ижтимоий-иқтисодий характери қатор сабаблардан келиб чиқади.

1. Хўжаликлараро ер тузишнинг бош мақсади рационал ер эгаликларини ва ердан фойдаланувчиларни яратиш, яъни, ўзларининг ўлчамлари (жойлашган ўрни, майдони, шакли, ички тузилиши, ер турлари таркиби, чегаралари) билан ҳудудни ташкил этишнинг ишлаб чиқаришни ва унинг тармоқларини жойлаштиришнинг, ерлардан фойдаланиш ва уни муҳофаза этишнинг юқори самарадорлигини таъминлайди, аҳолининг иқтисодий манфаатларини кўрсатади.

2. Хўжаликлараро ер тузишда янги ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчиларни ташкил этиш ёки мавжудларининг ерларини тартибга солиш ажратилган ҳолда эмас, балки, ердан фойдаланишнинг мавжуд умумий тизимида кўриб чиқилади, сабаби, ҳаттоки битта янги хўжаликни ташкил этиш ҳам, бир гуруҳ хўжаликларга ва катта ҳудудга таъсир этиши мумкин. Бундай вазият, хусусан, йирик гидротехник иншоотларни ва сув омборларини қуришда, саноат, транспорт ва бошқа ноқишлоқ хўжалик корхоналарини ташкил этишда юзага келади. Бунда ерни олиш теварақда жойлашган барча хўжаликлар иқтисодига сезиларли таъсир этади.

3. Хўжаликлараро ер тузишда ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчилар ерларидаги камчиликлар (ерларнинг полоса-полоса бўлиб жойлашуви, бошқалар ерларига ўткир бурчакли қирра бўлиб кириб туриши, бошқалар ерида майда бўлақлар тарзида жойлашиши, шаклининг чўзилиб кетиши, чегаралар нотекислиги, нораціонал ер майдонлари) тугатилади. Бу эса ердан фойдаланиш самарадорлигини сезиларли даражада оширади.

4. Хўжаликлараро ер тузиш усуллари ёрдамида жойларда маъмурий-ҳудудий бўлинмалар, кам сонли халқлар ва этник гуруҳлар яшайдиган ва хўжалик фаолиятини олиб борадиган жойлардаги махсус ҳуқуқий тартибга эга ерлар ҳудудлари, махсус табиатни муҳофаза қилиш, рекреацион ва қўриқхона тартибидаги ҳудудлар ҳамда шаҳарлар, поселкалар ва қишлоқ аҳоли яшаш жойлари чегаралари белгиланади. Бу эса ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш шароити ва тартибига ҳамда жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий вазиятга сезиларли таъсир этади.

5. ҳар хил мақсадлардаги ер фондларини (ерларни қайта тақсимлаш, кўчириш ва бошқ.) ташкил этиш кўплаб ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар манфаатларига таъсир этади ва аксарият ҳолларда ишлаб чиқариш самарадорлигини ва ўлчамларини белгилайди.

Хўжаликлараро ер тузишнинг қишлоқ хўжалиги ва ноқишлоқ хўжалик ер эгаликларини (ердан фойдаланувчиларни) ташкил этиш билан боғлиқ икки тури мавжуд. ҳамма вазиятда ҳам у ўз ичига қуйидагиларни олади:

янги ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчиларни ташкил этиш ва мавжудлари ерларининг жойлашувидаги ноқулайликларни тугатиб тартибга солиш лойиҳаларини тузиш; жойларда ер участкаларини ажратиш;

ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни тайёрлаш.

Хўжаликлараро ер тузишнинг ижтимоий-иқтисодий характер-рини ҳисобга олиб, қишлоқ хўжалик корхоналари ва фуқаролар ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчилари ерларини ташкил этиш ва тартибга солиш лойиҳаларида қуйидаги масалалар ечилади:

ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг ерлари майдони ва чегаралари, хўжаликнинг мақсадга мувофиқ ихтисослиги, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг мумкин бўлган ҳажми, сув, иссиқлик, электр энергияси, газ ва алоқа билан таъминланиш шароитлари белгиланади;

ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратизим объектларини жойлаштириш аниқланади;

ердан фойдаланишнинг махсус шароитлари ва тартиби белгиланади;

ер солиғи ва ижара ҳақини аниқлаш учун бошланғич маълумотлар тайёрланади.

Мавжуд қишлоқ хўжалиги ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларининг ерларини тартибга солиш, қишлоқ хўжалик корхоналарини қайта ташкил этишда, улар ерларининг бир қисмини маҳаллий маъмурият ихтиёрига беришда, фермер ва деҳқон хўжаликларини, қишлоқ хўжалик ширкатларини ташкил этиш учун ер ажратишда ҳамда қуйидагиларни тугатиш мақсадида ўтказилади:

ер турларининг нораціонал таркибини;

чегаралардаги ва жойлашувдаги камчиликларни;

ҳудуд чегараларининг экологик нотўғри жойлашувини.

Ноқишлоқ хўжалик мақсадлари учун ерларни олиш ва ажратиш лойиҳалари ўз ичига қуйидагиларни олади:

ажратилаётган ер участкасининг жойлашувини, майдонини ва чегараларини асослаш;

олинаётган ерларнинг таркибини ва қийматини аниқлаш;

ишлаб чиқаришни, аҳоли тизимини, ҳудудни ташкил этиш, ерни ва атроф муҳитни муҳофаза этиш учун ер ажратишнинг салбий оқибатларини тугатиш бўйича тадбирлар ишлаш;

ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларга тўланадиган зарарлари миқдорини, қишлоқ ва ўрмон хўжаликлари ишлаб

чиқаришлари зарарлари миқдорини ҳисоблаш ва асослаш, уларни қоплаш йўллари аниқлаш;

бузилган ерларни рекултивациялаш ҳамда олинаётган ернинг устки унумдор қатламини қириб олиш, сақлаш ва фойдаланиш талаблари ва техник шароитларини белгилаш;

янги ташкил этилаётган корхоналарнинг ҳимоя минтақаларини белгилаш;

ердан фойдаланишнинг махсус шароитлари ва тартиби бўйича тавсиялар тайёрлаш;

ер солиғининг миқдорини белгилаш учун бошланғич маълумотлар тайёрлаш;

лойиҳада кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш навбатини, ажратилган ер участкаларидан фойдаланишга ўтиш тартибини аниқлаш.

Ноқишлоқ хўжалик мақсадлари учун каттароқ майдонлар олинганда лойиҳа таркибида мавжуд ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларни қайта ташкил этиш бўйича тавсиялар ишланади.

Хўжаликлараро ер тузиш лойиҳаларида ер эгаликлари (ердан фойдаланувчилар ерлари) ўлчамлари асосланиши зарур бўлган асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

§ 2. Қишлоқ хўжалик корхоналари ер эгаликлари (ердан фойдаланувчилар) ерларининг оптимал ўлчамлари

Янги қишлоқ хўжалик корхоналарини ташкил этишда ва мавжудларини қайта ташкил этишда ажратилаётган ерлар майдони оптимал бўлиши катта аҳамиятга эга.

Амалиёт кўрсатадики, оптимал майдонларни аниқлаш асосида ишлаб чиқаришни ва ҳудудни уларни ҳисобга олмасдан тўғри ташкил этиш мумкин бўлмаган, хўжаликни оқилона тузиш ва юритиш талаблари ётади. Уларнинг энг аҳамиятликларини санаб ўтамиз:

1. Ишлаб чиқаришнинг асосий шароитлари ва омиллари - ер, моддий ресурслар, ишчи кучи - аниқ нисбатларда ва балансланган бўлиши керак. Масалан, хўжалиқда чорва моллари бош сонининг ўсишига мос равишда озуқага бўлган талаб ҳам ўсади, ем-хашак экинлари майдони кенгаяди, чорвачилиқда ишловчилар сони ва асосий ишлаб чиқариш фондлари ҳажми ўсади, бу эса ўз навбатида хўжалик ўлчамларининг каттаришига ёки унинг ихтисослиги, молларни

сақлаш усуллари ва озиқлантириш турларининг, ер турлари таркиби ва нисбатининг ўзгаришига олиб келади.

2. Хўжаликнинг асосий ишлаб чиқариш йўналиши, унинг ихтисослиги ва тузилиши албатта тупроқ унумдорлигини, ерларнинг маданийлаштирилиш даражасини, ерларни яхшилаш ва кейинчалик трансформациялаш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши керак. Демак, Республикамизнинг суғориладиган текислик ҳудудларида деҳқончилик хўжаликлари юқори самара беради, тоғ олди, адир минтақаларида асосан ғаллачиликка асосланган лалми деҳқончилик хўжаликлари, тоғлик ҳудудларда боғдорчилик ва узумчилик хўжаликлари, чўл ва саҳро ҳудудларида чорвачилик хўжаликлари яхши натижа беради.

3. ҳар қандай хўжаликнинг турғун ривожланиши фақат кенгайтирилган қайта ишлаб чиқариш асосидагина мумкин. Қишлоқ хўжалик корхонасида тупроқ унумдорлигини доимий ошириб бориш учун шароит яратилиши керак, акс ҳолда экинлар ҳосилдорлиги ва ерлар унумдорлигининг, ўғитлардан, экинларни ҳимоялаш воситаларидан, қишлоқ хўжалик техникасидан фойдаланиш самарадорлигининг ўсишига эришиш мумкин эмас. Бундан ташқари капиталнинг доимий айланишини ва маълум хўжаликнинг кейинги ривожланишини ва истеъмол фондлари ўсишини таъминловчи жамғармани таъминлаш керак.

4. Хўжалик, ҳар хил турдаги харажатларни камайтириш учун, имкон борица бир бутун ер массивида жойлашуви, тўғри шаклга эга бўлиши, чегаралари рационал шаклда, экологик асосланган ҳолда жойлашган ва хўжалик маркази ер участкаси марказига яқин жойлашган бўлиши керак.

5. Ер майдони ўлчами ва ташкилий-ишлаб чиқариш тузилиши бўйича хўжаликни бошқаришга қулай ва барча тармоқлари мос тартибдаги ер турларининг зарур майдонлари билан таъминланган бўлиши керак.

6. Хўжаликнинг ер майдони бўйича ўлчамларини белгилашда ҳар қандай қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига қуйиладиган комплекс талабларни (мавсумийлик, деҳқончилик ва чорвачилик тармоқларининг технологик боғлиқлиги, агрономик, зоотехник, биологик, экологик, қурилиш-лойиҳалаш, санитария-гигиена шароитлари ва чеклашлари) ҳисобга олишнинг аҳамияти катта.

Қишлоқ хўжалик корхоналари ер эгаликлари (ердан фойдаланувчилар) ўлчамлари кўплаб шароит ва омиларга боғлиқ. Уларнинг асосийлари қуйидагилар ҳисобланади:

хўжаликнинг ишлаб чиқариш йўналиши (ихтисослиги), тармоқларининг таркиби ва бир-бири билан боғлиқлиги;

тупроқ унумдорлигини, ер турларининг маданий-техник ва мелиоратив аҳволини, уларнинг бўлакларга (контурларга) бўлинишини, ер массивининг бўлакларга бўлинганлигини, хўжалик марказларидан, асосий йўللардан узоқлигини ва ш.ў. тавсифловчи табиий шароити;

хўжаликларнинг меҳнат ресурслари билан таъминланиши, маъмурий-бошқарув ходимларининг малакавий даражаси ва таркиби, механизатор кадрлар ва бошқа ишчиларнинг мавжудлиги, ишчи кучини ташқаридан жалб этиш имконияти, айниқса ишларнинг энг қизғин давларида;

асосий ва айланма ишлаб чиқариш фондларининг, биринчи навбатда қишлоқ хўжалик мақсадлари учун, пул-моддий воситаларнинг мавжудлиги, банк кредитларини жалб этиш имконияти;

бошқа шароитлар (йўл тармоқларининг, транспорт воситаларининг мавжудлиги ва аҳволи, аҳоли яшаш шароити ва ш.ў.).

Хўжалик ихтисослиги унинг ўлчамларига ва ер турлари таркибига тўғридан-тўғри таъсир этади. Масалан, сабзавотчилик хўжаликлари ишлаб чиқаришда кўп меҳнат талаб қилинганлиги сабабли, бошқа шароитлар бир хил бўлганда майдони бўйича пахтачилик хўжаликларидан анча кичик бўлади. Агар деҳқончиликка ихтисослашган хўжаликларда қишлоқ хўжалик ерлари таркибининг асосий қисмини ҳайдалма ерлар ташкил этса, чорвачилик хўжаликларида - яйловлар ва пичанзорлар, боғдорчилик ва узумчилик хўжаликларида эса дарахтзорлар ташкил этади.

Қишлоқ хўжалик корхоналари ўлчамларига, ер турлари таркиби ва ихтисослигига уларнинг маҳсулот сотиладиган бозорга нисбатан жойлашган ўрни ҳам таъсир этади. Шаҳар атрофидаги хўжаликлар биринчи навбатда картошка, сабзавот, мева, гўшт, сут, яъни, узоқ масофага ташиш қийин бўлган ва аҳолининг талаби катта бўлган маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга ихтисослашади. Шунинг учун улар майдонлари бўйича катта бўлмайди, уларда эрта сабзавотлар, резаворлар, кўкатлар, гуллар, қўзиқоринлар етиштириш учун иссиқхона

хўжаликлари ривожлантирилади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи саноат корхоналари хом ашё минтақаларида (қанд, спирт, ёғ ва бошқа заводлар), асосан, уларга зарур хом ашёларни ишлаб чиқарувчи хўжаликлар жойлаштирилади.

Қулай табиий шароитлар, юқори тупроқ унумдорлиги, яхши маданийлашган ерлар майдон бирлиги ҳисобига кўп миқдорда маҳсулот етиштириш имконини беради. Шунинг учун ишлаб чиқарадиган маҳсулотлари ҳажми тенг бўлган хўжаликлардан яхши ерларга эга бўлганларининг майдонлари, оғир табиий шароитларда жойлашганларига нисбатан кичик бўлади. Бундан ташқари, юқори унумли ерларга эга хўжаликлар, асосан, интенсив ва кўп товар маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликлар ҳисобланади, сабаби, сифати яхши ерлар юқори даромадди, меҳнатни кўп талаб этувчи экинлар экилганда юқори натижа беради.

Хўжаликнинг меҳнат ресурслари билан таъминланиши ишчиларнинг бандлигини ва зарур иш ҳажмини ўз кучи билан бажариш имкониятини аниқлайди. Сўзсиз, меҳнатга яроқлилар сони ўсиши билан хўжаликнинг ва ер майдонининг ўлчамларини катталаштириш ёки ишлаб чиқаришнинг интенсивлигини ошириш имконияти пайдо бўлади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида асосий ишлаб чиқариш фондларнинг мавжудлиги, уларнинг аҳволи, меҳнатнинг электр қуввати билан қуролланиш ва моддий-техника базасининг ривожланиш даражалари айниқса бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий вазиятнинг ўзгаришига яхшироқ мослашиш, ресурсларни қайта тақсимлаш ва ишлаб чиқаришни қайта ташкил этиш имконини беради. Бошқа шароитлари бир хил бўлганда, юқори унумли қишлоқ хўжалик техникаси ва автотранспорт билан таъминланган, ривожланган йўл тармоғига, замонавий алоқа воситаларига эга хўжаликлар пул маблағлари етишмаслиги сабабли унумдорлиги паст, машина ва механизмларни сотиб ёки ижарага олишга мажбур, айрим ҳолларда эса қўл меҳнати билан ишлайдиган хўжаликларга нисбатан катта ўлчамларга эга бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, ер эгалигининг (ердан фойдаланувчи) шундай ер майдонини оптимал деб ҳисоблаш керакки, бунда хўжаликнинг белгиланган ишлаб чиқариш йўналишида унинг максимал самарадорлигини, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза этишни таъминласин.

Ер эгаликларининг ҳисоблаб топилган (бошланғич) оптимал ўлчамини аниқлаш учун ҳар хил усуллардан фойдаланилади. Уларнинг асосийлари қуйидагилар:

ўхшашлик;
иқтисодий-статистик;
ҳисоб-конструктив;
иқтисодий-математик.

Ўхшашлик усулини қўллашда оптимал ўлчамлари белгила-наётган хўжалиқниқига ўхшаш табиий ва иқтисодий шароитларда ишлаётган ва бир хил ихтисосликка эга, илғор қишлоқ хўжалиқ корхоналари тажрибалари ўрганилади.

Чуқурроқ асосланган натижаларга эришиш учун бу усул иқтисодий-статистик усул билан тўлдирилади. Шу мақсадда ўрганилаётган минтақада (вилоятда) жойлаштирилган, белгиланган ишлаб чиқариш туридаги барча (ёки кўпчилик) хўжалиқларнинг иқтисодий фаолиятлари натижалари бўйича маълумотлар танланади. Статистик гуруҳлаш ёрдамида ер эгалари (ердан фойдаланувчилар) ер майдонларининг хўжалиқ самарадорлиги нисбий кўрсаткичларига (рентабеллик, ялпи ва товар маҳсулотлари ҳажми, 100 га қишлоқ хўжалиқ ерлари ҳисобига олинган ялпи даромад ва фойда, фондлар қайтиши ва бошқ.) таъсири таҳлил этилади. Оптимал сифатида корхоналар ер эгаликларининг юқорида келтирилган кўрсаткичлари юқорилари тан олинади.

Статистик маълумотлардан ишлаб чиқаришнинг натижавий кўрсаткичларининг (y) хўжалиқ ўлчамларига (x) боғлиқлигини кўрсатувчи ишлаб чиқариш функцияларини тузиш учун ҳам фойдаланилади. Бунда кўпроқ иккинчи даражали парабола тенгламаларидан фойдаланилади:

$$y = a_0 + a_1x + a_2x^2$$

бунда a_0, a_1, a_2 - энг кичик квадратлар усулидан фойдаланиб олинган, нормал тенгламалар тизимини ечиш йўли билан аниқланадиган тенглама коэффициентлари (Практикум по экономико-математическим методам и моделированию в землеустройстве /Под ред. С.Н.Волкова, Л.С.Твердовской.-М.:Агропромиздат, 1991 с.69-91).

Ер эгалиги ўлчамининг оптимал қиймати (x_{opt}) биринчи

ҳосилани ($\frac{dy}{dx}$) нолга тенглаш ва олинган тенгламани ечиш орқали аниқланади:

$$\frac{dy}{dx} = a_1 + 2a_2x_{opt}$$

$$\text{бундан } a_1 + 2a_2x_{opt} = 0; \quad x_{opt} = -\frac{a_1}{2a_2}$$

Тенгламанинг оптимум нуқтасидаги натижанинг экстремал қиймати (y_0) қуйидаги ифода ёрдамида аниқланади:

$$y_0 = a_0 - \frac{a_1^2}{2a_2}$$

Бу қиймат агар $a_2 < 0$ бўлса максимал ва $a_2 > 0$ бўлса минимал бўлади.

Масалан, бир гуруҳ ғаллачилик хўжалиқлари учун В.Н.Хлыстун томонидан қуйидаги ялпи маҳсулот етиштиришнинг қишлоқ хўжалиқ ерлари майдонига боғлиқлиги аниқланган:

$$y = 0,34 + 0,31x - 0,0045x^2$$

бунда x - қишлоқ хўжалиқ ерлари майдони, минг га ;

y - ялпи маҳсулот қиймати, 100 гектарга минг сўм.

Ялпи маҳсулот ҳажмини максимал қийматига ($a_2 < 0$)

$$x_{opt} = -\frac{0,31}{2(-0,0045)} = \frac{0,31}{0,009} = 34,4 \text{ минг га}$$

бўлганда эришилади ва y 100 гектарга 5,68 минг сўмни ташкил этади:

$$y_0 = 0,34 - \frac{(0,31)^2}{4(-0,0045)} = 5,68$$

ҳисоб-конструктив усули хўжалиқ ресурсларини баланслаш имконини ва ечимларини ишлаш билан биргаликда хўжалиқнинг оптимал ўлчамига яқинлашишга ёрдам беради. Аниқроқ тасавурга эга бўлиш учун уни қўллашни бузоқларни

бўрдоқига боқишга ихтисослашган фермер хўжалиги мисолида кўрамиз.

Бошланғич маълумотлар: бузоқлар бош сони - 50 та; фермага олингандаги ёши 6 ой, тирик вазни - 140 кг; боқиш даврида бир кеча - кундузда оғирлигининг ошиши - 900 г; боқиш даври тугашидаги ёши - 16 ой; боқидан кейинги тирик вазни - 420 кг.

Бузоқларни боқиш давридаги ем-хашакка бўлган талабни аниқлаш бўйича ҳисоб-китоблар 5.1 жадвалда келтирилган. Ундан кўринадики, умумий талаб омухта емлар бўйича 270 ц, силослар - 697 ц, илдиш мевалар - 203 ц, яшил озуқалар - 1598 ц ва бузоқларнинг тагига тўшаладиган хашаклар - 360 ц ташкил этади.

Яйлов даврида бузоқларни яшил озуқалар билан таъминлаш, уларни ойлар бўйича етиштириш ва бузоқларни озиклантириш ҳажмини белгилаш учун яшил конвейер ишлаб чиқилади. (5.2 жадвал). Бунда яйловда боқиш даври узунлиги, яйловлардан яшил озуқалар олинишининг қўлланилаётган тизими, экилаётган экинлар таркиби ҳисобга олинади.

Яйловларнинг талаб этиладиган майдони қуйидаги ифода ёрдамида аниқланади:

$$\Pi_{\text{я}} = \frac{B_{\text{т}}}{y_{\text{я}} a_i} 100,$$

бунда $B_{\text{т}}$ - яйловлардан максимал яшил озуқа чиқишига мос, яйловда боқиш даврининг i -ойидаги яшил озуқага бўлган талаб, ц;

5.1 җадвал

Қорамол бузоқларини боқиш бўйича фермер ҳўжалиги учун ем-хашакка ва моллар тагига тўшаладиган материалларга бўлган талабни аниқлаш, ц

Чорва моллари турлари ва гуруҳлари	Ўрта -ча йил -	Омухта емлар		Силос		Илдиз мевалар		Яшил озуқалар		Пичан		Хашаки сомон		Тагига тўшаладиган сомон	
	лик бош сони	1 бошга	хам-маси	1 бошга	хам-маси	1 бошга	хам-маси	1 бошга	хам-маси	1 бошга	хам-маси	1 бошга	хам-маси	1 бошга	хам-маси
Қорамол бузоқлари 6-12 ой	50	3,5	175	10,0	500	3,0	150	26	1300	6	300	7	350	5	250
Сигирлар	2	13,6	27,2	30	60	26,0	52,0	60	120	14	28	15	30	14	28
Отлар	2	10,3	20,6	5,1	10,2	-	-	46	92	3,1	6,2	46	92	7,3	14,4
Боқувдаги чўчқалар	2	6,0	12,0	1,9	3,8	-	-	1,0	2	-	-	-	-	6	12
Қўйлар	5	1,0	5,0	1,4	7,0	0,2	1,0	16,0	80	0,9	4,5	0,5	2,5	1	5
Тухум қилади-ган товуқлар	10	0,22	2,2	-	-	-	-	0,15	1,5	-	-	-	-	-	-
Бройлер жўжалари	20	0,18	3,6	-	-	-	-	0,10	2,0	-	-	-	-	-	-
Жами		-	245,6	-	581,0	-	203	-	1597,5	-	338,7	-	474,5	-	309,6
Суғурта жам-фармаси талаб - жами		10%	24,6	20%	116,2	-	-	-	-	15%	50,8	15%	71,2	-	-
			270,2		697,2		203		1597,5		389,5		545,7		309,6

5.2 жадвал

Яшил конвейерни ҳисоблаш

Кўрсаткичлар	Майдони, га	Ҳосилдорлик, 1 га ц	Ялпи маҳсулот, ц	Шу жумладан ойлар бўйича				
				V	VI	VII	VIII	IX
Талаб этиладиган ем-хашак			1598	196	345	356	356	345
Ем-хашак олинади-ган манбаалар:								
Маданий			100	15	30	25	20	10
яйловлар:	5,8	200	1160	174	348	290		
%	0,1	150	20	20				
ц	0,3	200	60			60		
кузги жавдар	0,6	200	120				120	
кўп йиллик ўтлар	0,8	300	230					230
бир йиллик ўтлар			1590	194	348		352	346
маккажўхори			100	100	100	100	100	100
жами								
ем-хашак билан таъминлаш, %								

u_y - яйловларнинг умумий ҳосилдорлиги, га ц;

a_i - яйловлардан молларни боқиш даврининг i -ойида олинадиган яшил массанинг максимал фоизи.

Мазкур ҳўжалик учун:

$$P_y = \frac{345 \cdot 100}{200 \cdot 30} = 5,8 \text{ га}$$

Маданий яйловлардан яйлов алмашлаш тизимида фойдаланиш мақсадга мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг 15% майдонини яйловларнинг тикланиши учун қолдириб, аниқласак

$$P_y = \frac{5,8 \cdot 100}{(100 - 15)} = 6,8 \text{ га тенг бўлади.}$$

Ем-хашак балансини тузиш учун ҳайдалма ерлардаги ем-хашак экинлари майдонларини аниқлаш керак (5.3 жадвал). Бизнинг мисолимизда u 30,4 га тенг. Бунда тавсия этилаётган алмашлаб экиш схемалари ва товар экинлари майдони таркиби (кўрилаётган ҳўжалиқда кузги буғдой ва картошка) ҳисобга олинади.

5.3 жадвал

Ем-хашак экинлари майдонларини аниқлаш

Ем-хашак турлари	Талаб (ишлаб чиқариш)	Экинлар	Ҳосилдорлик, га ц	Ҳисобланган майдон, га
Омухта емлар	270			
	175	арпа	30	5
	125	нўхат	25	5
жами	300			
Силос	697			
	672	силосбоп	160	4,2
	128	кўп йиллик ўтлар	160	0,8
жами	800			
Илдиз мевалар	203			
	240	илдиз мевалар	400	0,6
Пичан	390			
	385	кўп йиллик ўтлар	55	7
	25	яйлов алмашиш тизими бўйича мол боқишдан чиқарил-ган яйловлардан олинадиган пичан	25	1
жами	410			
Озуқа сомон	546			
	200	арпа*	40	5
	175	нўхат*	35	5
жами	375			
Молларнинг тагига	310			
тўшаладиган сомон	300	кузги дон	60	5
	1598			
	1590	яшил озуқа учун ем-хашак экинлари (яшил конвейер тизимидаги)		18
Яшил озуқалар				
ҳайдалма ерларда экиладиган ем-ха-шак				30,4

экинларининг умумий майдони, га				
---------------------------------------	--	--	--	--

*Сомон ва омукта емлар бир майдондан олинади.

Ем-хашак экинлари майдонларини тахлил этиш шуни кўрсатадики, хўжаликда умумий майдони 35 га, далаларининг ўртача майдони 5 га тенг бўлган 7 далали алмашлаб экишни ташкил этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Экинларнинг алмашиш тартиби ва нимага мўлжалланганлиги 5.4 жадвалда кўрсатилган.

Фермер хўжалигининг умумий майдони қишлоқ хўжалик ерлари, томорқа ерлар, ферма ҳамда йўллар тагидаги майдонлар ва ҳудуддаги бошқа ер турлари майдонларидан ташкил топади.

Томорқа ерлари майдони асосан ҳаракатдаги ер қонунларига биноан, маҳаллий маъмурият қарори билан аниқланади ва хўжаликнинг жойлашган ҳудуди, табиий-тарихий ва иқтисодий шароитларига боғлиқ бўлади.

5.4 жадвал

Экинларнинг алмашиш тартиби

Дала тартиб рақами, экинлар ва уларнинг нима мақсадга мўлжалланганлиги	Майдони, га
1. Хўжаликнинг ички заруратларига пичан учун экиладиган кўп йиллик ўтлар	5
2. Хўжаликнинг ички заруратларига пичан учун экиладиган кўп йиллик ўтлар	2
кўп йиллик ўтлар:	
яшил озукча учун	0,3
уруғлик учун	0,3
силос учун	0,8
сотиладиган пичан учун	1,0
яшил озукча учун бир йиллик ўтлар	0,6
3. Яшил озукча учун кузги жавдар	
Сотиладиган дон учун кузги буғдой	4,9
4. Илдиш мевалар	0,6
Сотиладиган картошка	4,4
5. Нўхат	5
6. Яшил озукча учун маккажўхори	0,8
Силосбоплар	4,2
7. Кўп йиллик ўтлар билан аралаштириб	

--	--

Ишлаб чиқариш иморатлари, бинолари ва иншоотлари, фермалар, хўжалик ҳовлилари тагидаги ерлар майдонлари қурилиш учун қабул қилинган намунавий лойиҳалар асосида ҳамда бир хил ихтисосликка ва ўхшаш тузумга эга мавжуд хўжаликлар маълумотлари бўйича тахминан белгиланади.

Масалан, фермер хўжаликлари учун қорамол бузоқлари фермасини қуришнинг намунавий лойиҳалари маълумотлари бўйича ферманинг 1 бош - ўрин ҳисобидаги майдони 0,008 га ташкил этади. Демак, 50 бош бузоқ учун ферманинг тахминий майдони 0,4 га тенг бўлади.

Йўллар тагидаги ерлар майдони ҳудуднинг аниқ шароитларига, унинг бўлакларга бўлинишига, ўрмон билан қопланишига, ер турларининг мустақил ишлов бериладиган бўлакларининг (контурларининг) ўртача майдонига ва ш.ў. боғлиқ бўлади. Биринчи ҳисоб-китобларда уни қишлоқ хўжалик ерлари майдонининг 1 фоизи миқдорида қабул қилиш мумкин.

ҳисоб-конструктив усули билан топилган хўжалик ерлари экспликацияси 5.5 жадвалда берилган. Ундан кўриниб турибдики, умумий ҳисобланган майдон бу мисолда 42,9 га ташкил этади.

5.5 жадвал

Қорамол бузоқларини бўрдоқига боқиш бўйича фермер хўжалиги ерлари экспликацияси

Ер турлари	Майдони	
	га	%
ҳайдалма ерлар	35,00	81,6
Маданий яйловлар	6,80	15,9
Жами қишлоқ хўжалик ерлари	41,80	97,5
Томорқа ерлар	0,25	0,6
Шу жумладан уй-жой қурилиши тагида	0,02	0,05
Йўллар	0,42	1,0
Ишлаб чиқариш иморатлари тагидаги ерлар	0,40	0,9
Умумий ер майдони	42,89	100

Иқтисодий-математик усулни қишлоқ хўжалик корхоналарининг оптимал ўлчамларини аниқлашда қўллаш, белгиланган мезон бўйича барча мумкин бўлган ечимлардан энг яхшисини танлаш имконини беради. Бунинг учун

белгиланган ишлаб чиқариш йўналишидаги қишлоқ хўжалик корхонаси ер эгалигининг мақсадли функция ва чеклашларни ўз ичига олган математик модели тузилади. Тайёрланган модель компьютерга киритилади ва махсус дастур бўйича ишлов берилганидан кейин тайёр натижа босмага чиқарилади. (Землеустройство крестьянских хозяйств /Под ред. В.Н.Хлыстуна, С.Н.Волкова,-М.: Колос, 1995. С 79-105; Практикум по экономико-математическим методам и моделированию в землеустройстве /Под ред. С.Н.Волкова, Л.С.Твердовской.-М.: Агропромиздат, 1991. С 145-154).

§ 3. Янги ташкил этилаётган корхонанинг рақобатбардошлигини ва иқтисодий самарадорлигини баҳолаш

Ер тузиш самарадорлигини баҳолашга халқ хўжалиги бўйича ёндашув биринчи навбатда, янги хўжаликни ташкил этишнинг ёки мавжуд хўжаликнинг ишлаб чиқаришини ва ҳудудини қайта тузишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган бўлишини талаб этади. У рақобатбардош бўлиши, реал иқтисодий вазиятда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни амалга ошириши керак. Шунинг учун хўжаликлараро ер тузиш лойиҳасида қишлоқ хўжалиги учун ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчиларни ташкил этишда қуйидаги имкониятларни берадиган кўрсаткичлар тизими аниқланади:

хўжаликнинг ер тузишгача бўлган ишлаб чиқариш фаолияти натижаларини лойиҳавий натижалар билан ёки кенгайтирилган қайта ишлаб чиқаришни таъминловчи назорат меъёрий даражаси билан солиштириш;

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига ҳудудни тўла ташкил этиш бўйича тадбирларнинг таъсирини баҳолаш, хўжаликнинг оптимал ўлчамини ва унинг ерини тузишнинг энг яхши ечимини танлаш;

лойиҳанинг охириги танланган ечимини корхона ҳудудининг тузилишини, ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражасини ва лойиҳавий таркибини тавсифловчи сонли материاللлар билан таъминлаш.

Янги ташкил этилаётган ёки ери тузилаётган хўжалик бўйича ялпи, товар ва соф маҳсулотлар, фойдалар ва уларнинг ер майдонига, ишга яроқлилар сонига, режалаштирилаётган капитал харажатларга, ишлаб чиқариш фондларига нисбати

ҳисоблаб топилади. Бу эса ердан, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражасини, капитал сарфлар ва ишлаб чиқариш фондлари самарадорлигини баҳолаш имконини беради.

Баҳолашнинг умумлашган кўрсаткичи сифатида хўжаликнинг, кутилаётган фойданинг маҳсулотнинг тўла таннархига нисбати сифатида аниқланадиган рентабеллик даражасини ёки унинг йиллик ўртача асосий ва айланма фондлар баланс қийматларига нисбати сифатидаги фойда меъёрини аниқлаш керак.

$$N_p = \frac{m'}{C + V} \cdot 100 \quad \text{ёки} \quad N_n = \frac{m'}{\Phi_{ac} + \Phi_{ai}} \cdot 100$$

бунда N_p - ишлаб чиқаришнинг рентабеллик даражаси, %; m' - фойда; $C + V$ - маҳсулотнинг тўла таннархи; N_n - фойда меъёри, %; Φ_{ac} , Φ_{ai} - асосий ва айланма фондларнинг йиллик ўртача баланс қиймати.

Олинаётган натижаларни хўжаликнинг ер тузишгача даврдаги шундай натижалари ёки ишлаб чиқаришнинг ижтимоий зарур самарадорлигини таъминловчи меъёрий даража билан солиштириб, таклиф этилаётган хўжаликни ташкил этишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қатъий хулосага келиш мумкин.

Ер тузиш лойиҳасида маълум капитал харажатлар (K) кўзда тутилган тақдирда, уларнинг самарадорлиги намунавий услубиятга асосан қуйидаги ифода ёрдамида E_c коэффиценти ҳисобланиб баҳоланади.

$$E_c = \frac{\Delta CM}{K}$$

бунда E_c - капитал харажатлар самарадорлигини кўрсатувчи

коэффициент;

ΔCM - соф маҳсулот (ялпи даромад) ўсиши.

Агар капитал харажатлар самарадорлиги коэффиценти меъёрий даражадан ($E_m = 0,07$ қишлоқ хўжалиги тармоқлари бўйича) юқори бўлса, улар халқ хўжалиги нуқтаи назаридан самарали ҳисобланади.

Янги фермер хўжалигини тузиш билан боғлиқ аниқ мисолни кўрайлик. Унинг оптимал майдонини, ишлаб чиқариш тизимини, ер турлари таркибини, мавжуд пул маблағлари ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш йўналишларини белгилаш, унинг рақобатбардошлигини баҳолаш керак.

Фермер хўжаликлари етарлик даражада моддий-техник таъминотига, кредитларга, ҳуқуқий кафолатларга эга бўлишса, юқори самарали ишлаб чиқаришни ташкил этишлари ва хўжалик юритишнинг кўп укладли тизимида ўз ўринларини топиши мумкин.

ҳозирги даврдаги айрим фермер хўжаликлари самарадорлик кўрсаткичларининг пастлигига нафақат қийин иқтисодий шароитлар, балки, уларнинг нооптимал ўлчамлари, балансланмаган экинлар таркиби, асосий фондлар билан ёмон таъминланганликлари ва чорвачиликнинг паст даражада ривожланганлиги ҳам сабаб бўлмоқда. Бу яна бир марта қишлоқ хўжалик мақсадлари учун ер ажратишда нооптимал ўлчамлардаги хўжаликларни ташкил этиш мумкин эмаслигини, хўжаликлараро ер тузиш лойиҳалари зарур иқтисодий ҳисоб-китоблар билан асосланиши зарурлигини кўрсатади.

§ 4. Қишлоқ хўжалик корхоналарини қайта ташкил этишда ерларни олишнинг оқибатларини баҳолаш

Йирик қишлоқ хўжалик корхоналарини ташкил этишда, уларнинг ҳудудларида фермер, деҳқон хўжаликларини, қишлоқ хўжалик ширкатларини ташкил қилишда олиниши мумкин бўлган ерлар майдонини аниқлаш масаласи келиб чиқади. Бунда ерларни олишнинг иқтисодий нуқтаи назардан мақсадга мувофиқлигини асослаш, унинг оқибатларини баҳолаш, кўриладиган зарар миқдорини минимумга тушириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга имкон берадиган ташкилий-ҳудудий шароит яратиш керак. Эсдан чиқармаслик керакки, юқорида кўрсатилган ишлар ер эгаликларининг жойлашган ўрнини ўзгартиради, унинг ўлчамларини, ҳайдалма ерлар ва яйловлар майдонларини қисқартиради, мавжуд ер турларининг ва алмашлаб экишнинг ташкил этилишини, экинлар майдонлари таркибини ва ишлаб чиқаришни бошқаришни, хўжаликдаги ички алоқаларни бузади.

Ерларни олиш имкониятини баҳолашда, корхонани қайта ташкил этишда ва унинг чегараларида янги ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларни ташкил этишда, ундаги ишлаб чиқаришнинг пасайиш даражасини тавсифловчи кўрсаткичлардан фойдаланиш керак. Бу муолажа, агар у қуйидагиларга олиб келсагина иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

хўжаликнинг озуқа базасининг сезиларли даражада ёмонлашувига (ем-хашак экинлари, яйлов ва пичанзорлар майдонлари қисқариши натижасида), натижада мавжуд чорва молларининг хўжаликда етиштирилган озуқа билан таъминланмаслигига;

хўжалик иқтисослигини белгилайдиган товар экинлари майдонининг кескин қисқаришига, (бунда у асосий даромад манбаини йўқотади ва ишлаб чиқариш йўналишини ўзгартиришга мажбур бўлади, бу эса уни узоқ муддатта рақобатбардош қилмай қўяди);

ҳудуднинг мавжуд ташкил этилишининг анча ўзгаришига, алмашлаб экишнинг бузилишига, ирригация ва мелиорация тармоқларининг бузилишига, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратизим объектларининг йўқолишига ёки тугатилишига;


комплекс мелиоратив, эрозияга қарши ва табиатни муҳофаза қилишга қаратилган тадбирларни зарур ҳажмда амалга ошириш имкониятининг йўқлигига ва натижада - тупроқ унумдорлигининг кескин пасайишига ва ерларнинг бузилишига;

хўжалик ташкилий-ишлаб чиқариш таркибининг, ишлаб чиқаришни бошқариш тизимининг, меҳнатни ташкил этишнинг, хўжаликдаги ички ишлаб чиқариш алоқаларининг унинг кейинчалик самарали фаолият кўрсатиши мумкин бўлмаган даражада кескин бузилишига, олиб келиши.


Хўжаликларни қайта ташкил этишда, янги ер эгаликларини ташкил этишда ёки мавжудларини тартибга солишда ер тузишни лойиҳалаш ишларнинг белгили тартибда кетма-кет бажарилишини назарда тутади.

1. Хўжаликни қайта ташкил этишгача ҳудудни, ернинг ҳудудий ва ишлаб чиқариш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, комплекс баҳолашни амалга ошириш. Бу баҳолаш қуйидагилар учун асос бўлиб хизмат қилиши керак:

4 чизма. Фермер хўжаликларига ер ажратилганидан кейин



алмашлаб экишларни ташкил этишнинг ҳар хил ечимлари



5 чизма. ҳайдалма ерларни олишнинг деҳқончилик ялпи маҳсулотига ва соф даромадига таъсири

ер учун тўловларни аниқлашда ахборот тайёрлаш;
 ернинг меъёрий, танлов ва кимовиди савдоси учун бошланғич қийматини баҳолаш;
 қайта тақсимлашга ёки олишга мўлжалланган ер участкаларининг сифат тавсифларини баҳолаш ва жойлашган ўрнини асослаш;
 махсус ҳуқуқий тартибга ва фойдаланиш шароитларига эга ер участкаларини аниқлаш;
 ерни ундан олишда ҳамда унинг ҳудудда фермер ёки бошқа хўжаликлар ташкил этилганда ишчиларнинг қишлоқ хўжалик корхонаси таркибидан чиқиши натижасида хўжаликка етказиладиган иқтисодий зарарни ҳисоблаш;

ишлаб чиқариш бўлинмалари ер майдонларини, ишлаб чиқариш марказларини жойлаштириш, ер турларини ва алмашлаб экишни ташкил этиш, уларнинг майдонларини тузишни ўз ичига оладиган хўжаликда ички ер тузиш ишларини ўтказиш (4 чизма).

2. Хўжалик ерларини комплекс технологик ва агроэкологик баҳолаш, ҳайдалма ерларни экинлар унумдорлиги (ҳосилдорлиги) бўйича баҳолаш ва ҳудуддаги дала ишланишлари асосида (ерлардан фойдаланишни оқилона ташкил этиш ва уларни муҳофаза қилиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда) қуйидаги тавсияларни ҳисобга олиб, хўжаликни қайта ташкил этиш лойиҳаси ишланади:

биринчи навбатда фойдаланилмаётган, нооқилона ва самарасиз фойдаланилаётган, яъни уларнинг олинishi ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир этмайдиган ерлар олинishi керак (5 чизма);

фермер хўжаликларини юритиш учун ер ажратилганда қолаётган ерлардан фойдаланишда ноқулайликлар яратмаслик керак;

кейинчалик хўжаликлараро бирлашиши ташкил этилаётган хўжаликларнинг ягона ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратизимни яратиш мақсадида уларга ер ажратиш, ҳудудда ихчам жойлашган бир бутун массивлар шаклида амалга оширилиши керак; уларнинг чегаралари ер тузиш талабларини ҳисобга олган ҳолда, ҳудудда мавжуд табиий элементлар, ирригация ва мелиорация тармоқлари, йўллар ва ихота дарахтлари полосалари бўйлаб лойиҳаланади;

хўжаликни қайта ташкил этиш ёки унинг ерларини олиш, ирригация ва мелиорация тармоқларининг ва ҳудудни эрозияга қарши ташкил этишнинг амалга оширилган элементларининг (ихота дарахтлари полосалари, ерларни эрозиядан муҳофаза қилишга мўлжалланган комплекс тадбирлар ёки гидротехник иншоотлар ва бошқ.) бузилишига олиб келмаслиги керак;

янги қишлоқ хўжалик корхоналари ва фермер хўжаликлари оптимал ўлчамларга эга бўлиши, уларнинг келажақдаги ривожланиши ташкилий-хўжалик нуқтаи назаридан чуқур асосланган ҳолда, танлов асосида тузилиши керак;

ажратилаётган ерлар сифати ва жойлашган ўрни бўйича хўжаликнинг белгиланган ихтисослигига мос келиши, уларнинг оқилона тузилишини ва ишлаб чиқаришнинг

олдинги даражасига нисбатан пасайиб кетишининг олдини олишни таъминлаши керак;

корхоналарни қайта ташкил этиш, янги ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчиларни ташкил этиш фақат ер тузиш лойиҳалари асосида, уларнинг техник, экологик, иқтисодий ва ижтимоий тавсифлар тизими бўйича мақсадга мувофиқлиги асосланган ҳолда амалга оширилиши керак.

3. Ер тузишни лойиҳалаш ишларини бажаришда қуйидаги кетма-кетлик ва услубиятдан фойдаланилади:

мустақил хўжалик тузиш учун қишлоқ хўжалик корхонаси таркибидан чиқишни хоҳлавчилар, уларнинг ер ва мулк пайлари ҳажми аниқланади;

бу шахслар томонидан белгиланган ихтисослик бўйича оптимал ўлчамдаги, ижарага олинadиган ерларни ҳисобга олган ҳолда фермер ва бошқа хўжаликлар тузиш, ер пайлари ва мулк улушларини бирлаштириш, мавжуд фондлар ва сотиб олиш, ишчилар малакаси ва уларнинг мустақил хўжалик юритиш имкониятлари аниқланади;

юқорида келтирилган шароитлар бўлмаганда ер пайлари жойларда ажратилмайди (қайта ташкил этилаётган хўжалик ҳисобида қолдирилади), хўжалик таркибидан чиқишни хоҳлавчиларга ер ва мулк пайларининг пул қийматлари (баҳоси) берилади;

ер ажратиш имконияти бўлса у танлов асосида, чуқур иқтисодий ва экологик асосланиб ажратилади;

жамоа хўжалигида қоладиган ерлар майдони, таркиби, меҳнатга яроқлилар сони, чорва моллари бош сони, мавжуд фондлар аниқланади;

чорва молларининг йиллик айланиши, яшил конвейер, озуқага бўлган талаб, ем-хашак экинлари майдонлари таркиби, мавжуд чорва моллари бош сонини ва уларнинг ўсиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ҳисобланади;

ерларни трансформациялаш кўзда тутилади ва уларнинг майдонлари аниқланади;

қайта ташкил этилаётган хўжаликнинг ташкилий-ишлаб чиқариш таркиби асосланади, ишлаб чиқариш бўлинмалари ва хўжалик марказлари жойлаштирилади;

ер турларини ва алмашлаб экишни ташкил этиш амалга оширилади;

алмашлаб экиш массивлари, дарахтзорлар ва яйловлар (пичанзорлар) ҳудудларини тузиш кўзда тутилади;

лойиҳанинг иқтисодий кўрсаткичлари ҳисобланади.

Агар ерларни қайта тақсимлашда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми сақланиб қолса, ишлаб чиқаришнинг умумий самарадорлиги ошса (янги тузиладиган фермер хўжаликлари натижалари билан), корхонанинг қайта ташкил этилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаш мумкин.

§ 5. Ер эгаликлари (ердан фойдаланувчилар) ерлари камчиликларини тугатишнинг иқтисодий самарадорлиги

Корхоналар, ташкилотлар ва фуқаролар ер эгаликлари ва ердан фойдаланишлари аксарият ҳолларда ишлаб чиқаришни юритишни қийинлаштирувчи ва ишлаб чиқариш фаолияти натижаларини пасайтирувчи жиддий камчиликларга эга бўлишади. Улардан энг кўп тарқалганлари:

ер эгаликлари (ердан фойдаланувчилар) ерларининг жойлашган минтақасига ва табиатни муҳофаза қилиш талабларига мос тушмаслиги тарзида намоён бўладиган нооқилона ўлчамлари, тузилиши ва ер турлари таркиби;

хўжалик ерларининг бошқа хўжаликлар ерлари билан бўлинганлиги, яъни, юкларни ташиш масофасининг ўсишига, бошқа хўжаликлар ҳудудидан ўтиш заруратига, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг сусайишига, харажатлар кўпайишига ва уларнинг самарадорлиги пасайишига олиб келадиган бир неча мустақил бўлаклардан ташкил топиши;

ер эгалиги чегаралари ичида транспорт харажатларининг ўсишига, бир-бировларининг ерлари орқали қатновларга, айрим ҳолларда ердан фойдаланишда камчиликларга ҳам олиб келадиган бошқалар ерларининг жойлашиши;

чегаралар нотекислиги ва уларнинг ҳудудни ички ташкил этишни қийинлаштирувчи, ер участкаларининг майдалашишига, шаклининг ёмонлашувига олиб келувчи ўткир бурчакли қирралари борлиги, бу техникадан фойдаланишни қийинлаштиради, ишлов берилмай, экилмай қоладиган майда ер бўлақларининг пайдо бўлишига, ерларнинг фойдаланишдан чиқиб қолишига олиб келади;

хўжалик ерлари бир қисмининг аҳоли яшаш жойларидан, ишлаб чиқариш марказларидан, чорвачилик фермаларидан уларга боришни қийинлаштирадиган, қўшимча йўллар қуришни талаб этадиган, транспорт харажатларини оширадиган, ишлаб чиқаришни ташкил этишни қийинлаштирадиган анча узоқлиги;

Бундан ташқари, ер эгаликлари (ердан фойдаланувчилар) ерларининг камчиликлари қаторига:

мазкур ер эгалиги чегарасида табиий ва сунъий тўсиқлар (дарёлар, жарликлар, батқоқликлар, темир ва автомобил йўллари, йирик каналлар ва ш.ў.) билан бўлинган ер бўлақларининг жойлашуvidан келиб чиқадиган топографик бўлақларга бўлиниши;

чегараларнинг бориш қийин бўлган ва ер рельефи, сувларининг оқиш шароити билан боғланмаган, тупроқ эрозияси хавфини туғдирувчи жойлашуvi ҳам киради.

Ер тузиш фанида қадимдан маълумки, ер эгаликлари камчиликларини белгилаш учун мезон ва уларни тугатиш учун асос бўлиб ташқи белгилар (ер массиви кўриниши эмас балки, уларнинг хўжалик фаолиятига ва ердан фойдаланишга салбий таъсирлари хизмат қилади.

Юқорида санаб ўтилган камчиликларни асосланган тарзда тугатиш учун, бир-бирлари билан боғлиқ ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар гуруҳи бўйича хўжаликлараро ер тузиш лойиҳаси ишланади. Бунда қуйидаги усуллардан фойдаланилади:

майдони тенг ва сифати бир хил ер участкаларини алмаштириш;

майдони тенг бўлмаган ва сифати ҳар хил ер участкаларини алмаштириш;

бир хўжалик ерини бошқа хўжаликка олиб бериш;

янги ер эгаликларини ва ердан фойдаланувчиларни ташкил этиш ёки мавжудларини қайта ташкил этиш.

Ер участкаларини алмаштиришда ерларни иқтисодий баҳолаш натижаларидан фойдаланиш керак. Масалан, агар бир хўжалик бошқасига ўртача 1 га ер ҳисобига 500 сўм даромад олинадиган 100 га ҳайдалма ерни берадиган бўлса, иккинчи хўжалиқдан олинадиган ер 1 га ҳисобига 400 сўм даромад берса, у биринчи хўжаликка $100 \cdot 500 / 400 = 125$ га ер бериши керак бўлади.

Тенг алмашишда умумий тарзда алмашинаётган ерлар нисбати қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$P_1 B_1 = P_2 B_2$$

бунда P_1, P_2 - биринчи ва иккинчи хўжаликларнинг алмаштириладиган ер участкалари майдони, га;

B_1, B_2 – ушбу ер участкаларининг ер баҳолаш бўйича баллари.

Икки хўжалик орасида бир хил ер участкаларини алмаштиришнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш 5.11 жадвалда келтирилган шаклда амалга оширилади. Ундан кўриниб турибдики, фақат хўжалик ерларинининг мустақил бўлақларини тугатиб, уни бир бутун массив ҳолига келтириш натижасида ер тузишдан кейин алмашинаётган ер участкаларидан олинадиган умумий соф даромад икки баравардан кўпроқ ўсади.

5.11 жадвал

Ер участкаларини алмаштириш самарадорлигини баҳолаш

Кўрсаткичлар	Ер тузишгача		Ер тузишдан кейин	
	1-хў-жалик	2-хў-жалик	1-хў-жалик	2-хў-жалик
Дон экинлари ҳосилдорлиги, 1 га ц	13,5	15,0	20,0	21,5
1 ц доннинг таннархи, сўм	8,4	9,2	6,7	7,4
Сотиш баҳоси, сўм	12,5	12,5	12,5	12,5
Соф даромад, сўм	55,4	49,5	116,0	109,6
Алмаштириладиган ерлар майдони, га	100	100	100	100
Ер участкасигача бўлган масофа, км	10,5	12,7	4,3	4,8
Транспорт харажатлари, сўм	129	164	104	120
юкларни ташиш учун ишчиларни ташиш учун	45	58	33	34
Механизациялашган дала ишларини бажариш таннархи, сўм	290	450	206	317
Барча майдонлардан олинадиган соф даромад, сўм	5540	4950	11600	10960

Ер тузишнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблашда лойиҳа бўйича ҳосилдорлик хўжалик бўйича олинган ўрта кўрсаткичга тенг қилиб олинади, ер тузишгача эса ҳар бир ер участкасидан олинган аниқ ҳосилдорлик кўрсаткичи қабул қилинади. Худди шундай йўл билан маҳсулот таннархи ҳам аниқланади.

§ 6. Ноқишлоқ хўжалик мақсадлари учун ер ажратишни иқтисодий асослаш

Ноқишлоқ хўжалик корхоналари, ташкилотлари ва муассасалари учун ерларни олиш ва ажратиш, уларнинг ерларини тартибга солиш хўжаликлараро ер тузиш лойиҳалари асосида олиб борилади. Йирик объектларни қуришга ерларни олиш учун материаллар тайёрлашда уларни лойиҳалаш бошлангунча иқтисодий ва экологик омилларни, объектларнинг жойлашадиган ўринларини танлашни ва уларнинг ўлчамларини ҳисобга олган ҳолда ер ажратишнинг мақсадга мувофиқлигини техник-иқтисодий асослаш ишлаб чиқилади.

Ноқишлоқ хўжалик мақсадларига ерларни олиш ва ажратиш лойиҳаси қуйидагиларни ўз ичига олади:

ажратиладиган ер участкасининг жойлашишини, майдонини ва чегараларини асослашни;

олинаётган ерларнинг таркибини ва қийматини аниқлашни;

ер ажратишнинг ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, аҳолига, ҳудудни ташкил этишга, ерларни ва атроф муҳитни муҳофаза қилишга салбий таъсирларини тугатиш бўйича тадбирларни танлашни;

ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларга тўланадиган зарарлари, қишлоқ ва ўрмон хўжаликлари ишлаб чиқаришлари зарарлари миқдорларини аниқлаш ва асослаш, уларни қоплаш йўллари кўрсатишни;

бузиладиган ерларни рекультивациялашнинг ҳамда олинадиган ер участкасининг унумдор тупроқ қатламини қирқиб олиш, сақлаш ва фойдаланишнинг техник шароитларини;

тузилаётган корхоналарнинг муҳофаза минтақаларини белгилашни;

ердан фойдаланиш шароитлари ва тартиби бўйича тавсияларни;

ер солиғи миқдорини белгилаш учун бошланғич маълумотларни;

лойиҳада кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш навбатини, ажратилган ер участкаларидан фойдаланишга ўтиш тартибини.

Ноқишлоқ хўжалик мақсадлари учун майдони катта ерларни олишда лойиҳа таркибида мавжуд ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчиларни қайта ташкил этиш бўйича тавсиялар ишланади.

Тасдиқланган лойиҳа натурага (жойларга) кўчирилади. Унинг асосида ердан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар тайёрланади ва берилади.

Давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларини вақтинча олиш ёки эгаллаб туришнинг, ҳамда ердан фойдаланувчилар ҳуқуқларини чеклаш (табиатни муҳофаза қилишга, табиий-қуриқхона ва соғломлаштиришга мўлжалланган ерлар атрофидаги санитария муҳофазаси округлари ёки муҳофаза минтақаларини белгилашдан бошқа ҳолларда) ёки корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва фуқаролар фаолияти натижасида улар ерларининг сифатлари ёмонлашуви келтирган зарарлари, бу зарарларни кўрган ердан фойдаланувчиларга тўла ҳажмда қопланиши керак (бузилган ишлаб чиқаришни тиклаш учун зарур даврдаги олинмаган фойдани ҳам қўшиб).

Ер участкаларини сотиш ёки сотиб олишда, ер эгаларининг йўқотиладиган фойдани қўшиб ҳисобланган зарарлари сотилаётган ёки сотиб олинаётган ер участкалари баҳосида ҳисобга олинади.

Зарарларни, олинмаган фойда билан бирга қоплаш ер участкалари ажратилаётган корхоналар, ташкилотлар, муассасалар томонидан ҳамда фаолияти улар ерлари сифатининг ёмонлашувига ёки ердан фойдаланувчилар ҳуқуқларининг чекланишига олиб келадиган корхоналар ва фуқаролар томонидан амалга оширилиши, қопланиши керак:

уй-жой бинолари, маданий-маиший мақсаддаги объектлар, ишлаб чиқариш ёки бошқа бино ва иншоотлари ёки уларни янги жойларга кўчириш билан боғлиқ харажатлар қиймати;

мева-резавор, муҳофаза ва бошқа дарахтзорлар, тугалланмаган ишлаб чиқариш қийматлари;

ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчиларда келиб чиқадиган қулайсизликлар келтириб чиқарадиган зарарлар (харажатлар);

ердан фойдаланиш ҳуқуқларининг чекланиши билан боғлиқ зарарлар (харажатлар);

бой берилган фойда;

олинадиган ёки вақтинча эгалланадиган ер участкасида жойлашган, ҳамда бу участкалардан ташқарида жойлашган уй биноларини, маданий-маиший йўналишдаги объектларни ва бошқа бино ва иншоотларни, агар улардан кейинчалик фойдаланиш мумкин бўлмаса, баҳолаш фойдали майдони, сигими, ҳажми ва механизациялаштириш даражаси бир хил бўлган янги бино, объект ва иншоотларни қуришнинг (намунавий лойиҳалар) смета қиймати бўйича амалга оширилади.

Ер участкалари ажратилган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар манфаатдор ердан фойдаланувчилар билан келишган ҳолда, улар участкаларида жойлашган бинолар, объектлар ва иншоотлар қийматларини қоплаш ўрнига ўз кучлари ва маблағлари билан (ҳамда жалб этилган ташкилотлар кучи билан) уларни янги жойларга кўчиришлари ёки янги бино ва иншоотларини қуриб беришлари мумкин.

Агар янги бинолар, объектлар ва иншоотларни қуришда уларни такомиллаштириш ёки кенгайтириш кўзда тутилса, қўшимча харажатларни қурилиш кимга мўлжалланган бўлса ўша ер эгалари тўлашади.

1992 йил 1 январгача давлат бюджети ҳисобига қурилган ва юридик шахслар эгаллигига берилмаган, уларнинг ерларида жойлашган ирригация - мелиорация объектлари, ер участкаларини олишда ёки вақтинча эгаллашда янги ердан фойдаланувчилар томонидан бу объектлар ҳудудида жойлашган маҳаллий бошқарув органларига ер олинган вақтидаги ирригация-мелиорация қурилишлари баҳолари бўйича қопланади. Кўрсатилган объектлар 1992 йил 1 январдан кейин бюджет маблағлари ҳисобига қурилган бўлса, қайси бошқарув органлари маблағларидан фойдананилган бўлса, ўша бошқарув органларига қопланади.

Агар ердан фойдаланувчилар ирригация-мелиорация объектларидан фойдаланиш жараёнида уларни такомиллаштириш ёки кенгайтириш учун харажатлар қилишган бўлса, ер участкаларини олишда ёки вақтинча эгаллаб туришда кўрсатилган харажатлар зарар кўрган ердан фойдаланувчиларга қопланиши керак.

Ерларни олиш ёки вақтинча эгаллаш натижасида суғориш, зах қочириш, эрозияга қарши ва селга қарши объектлар ва иншоотлар (тизимлар) ишлари қисман ёки тўла издан чиқса, зарарлар янги объектларни ва иншоотларни (тизимларни) қуриш ёки мавжудларини таъмирлаш

ишларининг смета қийматидан келиб чиқиб, лойиҳа-қидирув ишлари қийматини ҳам қўшиб, ерни олиш давридаги баҳолар ва меъёрлар бўйича аниқланади.

Сув манбааларини (қудуқлар, ҳовузлар, артезиан қудуқлари ва ш.ў.) баҳолаш, сув бериши ва сувининг сифати бир хил бўлган янги сув манбааларини қуриш ишларининг смета қиймати бўйича, лойиҳа-қидирув ишлари қийматини ҳисобга олган ҳолда, амалга оширилади.

Мева берувчи мева-резавор дарахтларини, ҳамда ихота ва бошқа дарахтларни баҳолаш кўчатларнинг баҳоси ва уларни ўтқазиш ва мевага киргунча ўстириш ёки шохлари бир-бирларига тегиш давридаги харажатлари бўйича олиб борилади (ерни олиш давридаги баҳолар бўйича).

Тугатилмаган қурилиш ва мевага кирмаган мева-резавор дарахтлари ердан фойдаланувчилар томонидан ҳақиқатда қилинган ишлар ва харажатлардан келиб чиқиб, ерни олиш давридаги баҳоларда баҳоланади.

Ердан фойдаланишдаги ноқулайликлар натижасида келиб чиқадиган зарарлар (харажатлар) (сув омборини тўлдиришда ҳосил бўладиган оролчалар, транспорт алоқаларининг бузилиши, ҳудуд коммуникацияларининг ажралиб қолиши ва ш.ў.) дамбалар, кўприклар, йўллар, бошқа иншоотларни қуриш, ҳамда қайиқлар, кемалар ва бошқа транспорт воситаларини сотиб олиш учун қилинган капитал харажатлар миқдори билан аниқланади.

Ернинг пасайган сифатини тиклаш учун зарур харажатлар (зарар) ўз ичига тупроқ, агрохимик ва бошқа махсус қидирув ва изланишларни ўтқазиш, ҳамда ернинг сифати тикланишини таъминловчи тадбирлар харажатларини олади ва лойиҳа ҳужжатлари бўйича аниқланади.

Ердан фойдаланиш ҳуқуқларининг чекланиши билан боғлиқ зарар (харажатлар) ўз ичига қурилиш, ирригация, мелиорация ва бошқа ишларни бажаришни, ишлаб чиқаришнинг пасайган ҳажмини тиклаш учун зарур материаллар ва жиҳозлар сотиб олишни олади.

Бой берилган фойда ердан фойдаланувчиларнинг ерни олиш ёки вақтинча эгаллаш натижасида кўрадиган зарарларининг бир қисми ҳисобланади. У олинаётган ер участкаларидан ердан фойдаланувчилар йиллик даромадининг бузилган ишлаб чиқаришни тиклаш учун зарур даврга тўхташи билан боғлиқ.

Бой берилган фойдани қоплаш, олинаётган ер участкаси ажратилган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан бузилган ишлаб чиқаришни тиклаш даврида йўқотилган даромад миқдорига тенг, бир марталик тўловлар тарзида амалга оширилади.

ҳар йилги даромад ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ҳажмининг 5 йилдаги ўртача натурал кўрсаткичлари ва ерни олиш давридаги баҳолар бўйича ҳисобланади. ҳар йилги даромад миқдори солиқ инспекциясининг маълумотларидан фойдаланиб ҳисобланади ва зарур ҳолларда келажак давр учун инфляциянинг қарор топган ўсиш даражасига мос равишда тузатишлар киритилади.

Бузилган ишлаб чиқаришни тиклаш давлари ер тузишни лойиҳалашда бузиладиган ва тикладиган ишлаб чиқаришнинг айрим турлари бўйича белгиланади.

Бой берилган фойдани ҳисоблашнинг келтирилган тартибидан яна ердан фойдаланувчилар ҳуқуқлари чекланганда ёки улар ерлари сифати пасайганда ҳам, агар бу чеклашлар (сифатининг пасайиши) йиллик даромаднинг ердан фойдаланувчилар ҳуқуқлари ва ерлар сифати тиклангангача бўлган даврда пасайишига олиб келса, уни ҳисоблаш учун фойдаланилади.

Бой берилган фойда йиллик даромадни бузилган ишлаб чиқаришни тиклаш даврига мос коэффициентга кўпайтириш ёрдамида ҳисобланади:

<i>Бузилган ишлаб чиқаришни тиклаш даври узунлиги</i>	<i>Йўқотиладиган йиллик даромадни ҳисоблаш коэффициенти</i>
1 йил	0,9
2 -«-	1,7
3 -«-	2,5
4 -«-	3,2
5 -«-	3,8
6-7 -«-	4,6
8-10 -«-	5,6
11-15 -«-	7,0
16-20 -«-	8,2
21-25 -«-	8,9
26-30 -«-	9,3
31 ва ундан юқори йил	10,0

Мева берадиган мева-резавор дарахтлари эгаллаб турган ерлар (боғлар, узумзорлар) олинганда, бой берилган фойда олинган ерлардаги даражага эришилгунча ўтадиган даврга тенг муддатга (ерни олиш ва янги ерлардаги дарахтлардан биринчи ҳосил олиш йилларини қўшиб) қопланади.

Ердан фойдаланишдаги ноқулайликлар келтириб чиқарган фойдани бой бериш (сув омборларини тўлдиришда оролчалар пайдо бўлиши, транспорт алоқаларининг бузилиши, ҳудуднинг коммуникациялар билан ажратиб ташланиши ва ш.ў.), ерлар олингандан кейинги (ноқулайликлар пайдо бўлгандан кейин) ва олингунгача бўлган транспорт воситаларидан фойдаланишнинг йиллик харажатлари фарқининг ўн баравари миқдорида ҳисобланади.

Зарарлар ноқишлоқ хўжалик мақсадлари учун қишлоқ хўжалик ерлари ажратилаётган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ёки кимнинг фаолияти қишлоқ хўжалик ерларининг сифати пасайишига, фойдаланишда чеклашларга олиб келса, ҳамда атрофида ҳимоя, санитария ва муҳофаза минтақалари белгиланган объектлар, ташкилотлар, муассасалар ва корхоналар томонидан қопланади (бундан минтақалар табиатни муҳофаза қилиш, табиий-қўриқхона ва соғломлаштириш мақсадларидаги ерларда белгиланган ҳоллар мустасно).

Қишлоқ хўжалиги зарарлари - бу қишлоқ хўжалиги ерларини қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлмаган мақсадлар учун олиш, ҳамда корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар фаолияти натижасида улардан фойдаланишни чеклашлар келтириб чиқарган зарарлардир. Улар унумдор ерларнинг фойдаланишдан чиқиши ёки унумдорлигининг пасайиши тарзида намаён бўлади ва айрим ҳудудлар, минтақалар, мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги салоҳиятини сақлаш мақсадида қопланади.

Зарарлар олинадиган ерларнинг унумдорлиги даражасигача (кадастр баҳолари бўйича) тупроқ унумдорлигини кўтариш ва уларда маданийлаштириш бўйича тадбирларни ўтказишни ҳисобга олган ҳолда, олинадиган ерлар майдонига тенг янги ерларни ўзлаштиришнинг қиймати миқдорида қопланади. Ноқишлоқ хўжалик заруратлари учун олинадиган ерлар ўрнига янги ерларни ўзлаштириш қиймати ҳажми вазирлар маҳкамаси томонидан белгиланган меъёrlардан келиб чиқиб аниқланади. Улар

мамлакатимизнинг ҳар хил минтақалари учун, олинаётган ерлар тупроқлари турларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади. ҳаммаси бўлиб 13 та шунақа минтақалар ажратилган.

Давлат ер ресурслари қўмитасига зарурат туғилганда янги ерларни ўзлаштиришда қўлланиладиган жиҳозлар, материаллар ва қурилиш-жиҳозлаш ишлари баҳоларининг тасдиқланган меъёрларига йил чораклари бўйича давлат индекслаши маълумотларидан фойдаланиб, аниқлик киритиш ҳуқуқи берилган. Бундан ташқари, вилоятлар, Қорақолпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳокимиятларига Ер ресурслари қўмитаси тавсияси бўйича ноқишлоқ хўжалик мақсадлари учун олинган қишлоқ хўжалик ерлари ўрнига янги ерларни ўзлаштиришнинг, ерларни вақтинча эгаллашнинг ёки вилоят марказлари, Қорақолпоғистон Республикаси пойтахти ҳисобланган, ҳамда аҳолиси 100 минг одамдан кўп шаҳарлар, уларнинг шаҳар атрофи минтақалари ва айрим турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш учун мос тупроқ-иқлим шароитига эга махсус ҳудудлари ерлари сифатини пасайтиришнинг меъёрий баҳоларини ошириш бўйича юқори коэффициентларни (3 барабаргача) белгилаш ҳуқуқлари берилган.

Бу коэффициентлар қўлланиладиган ҳудудлар ва минтақалар чегаралари махсус ҳуқуқий мақомга эга ҳудудлар ва шаҳар атрофидаги яшил минтақалар учун белгиланган тартибда тасдиқланади.

Маҳаллий бошқарув органларига ҳам ҳар бир ер участкасининг сифатидан, майдонидан, жойлашган ўридан ва айрим турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришдаги аҳамиятидан келиб чиқиб, оширувчи ёки пасайтирувчи коэффициентларни белгилаш ҳуқуқи берилган, лекин бунда мазкур минтақа учун белгиланган ўртача меъёр сақланиши керак.

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар фаолияти таъсирида қишлоқ хўжалик ерлари сифати пасайиши ёки фойдаланишдаги чеклашлар келтириб чиқарган зарарлар, қишлоқ хўжалиги ерлари сифати пасайишига пропорционал (ерларнинг кадастр баҳолари бўйича) янги ерларни ўзлаштиришнинг меъёрий баҳосидан фоиз ҳисобида аниқланади.

Зарар миқдорини аниқлаш учун план-харита материалларидан, тупроқ изланишлари, ер кадастри ва ер мониторинги маълумотларидан фойдаланилади.

Қишлоқ хўжалик зарарлари қуйидаги ҳолларда қопланмайди:

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда ирригация-мелиорация тармоқларини қуриш учун ер ажратилганда;

табiiй яйловлар ва пичанзорлар балиқчилик хўжаликлари ҳовузларини, балиқларни урчитиш, ўстириш хўжаликларини ва балиқчилик корхоналарини қуриш учун ажратилганда;

аҳоли яшаш жойлари чегаралари ичида шахсий уй-жой қурилиши учун ер ажратилганда;

уларнинг белгиланган тартибда табиатни муҳофаза қилиш, табiiй-қўриқхона, соғломлаштириш, рекреацион ва тарихий-маданий мақсадларга мўлжалланган ерлар қаторига ўтказилиши сабабли ерлар олинганда;

бузилган қишлоқ хўжалик ерларини ва заҳарли саноат чиқиндилари ва радиоактив моддалар билан ифлосланган ерларни консервациялашда (белгили муддатга фойдаланиш тўхтатилганда).

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг зарарларини қоплаш учун бюджетга тушадиган маблағлар қуйидаги турдаги ишларни бажариш учун ишлатилиши мумкин:

қишлоқ хўжалиги учун янги ерларни ўзлаштириш;

жарликларни кўмиш ва қирғоқларни хавфсиз қияликлар шаклида текислаш, қияликларни ўзлаштириш;

ўзлаштириладиган ерларга йўллар қуриш;

қишлоқ хўжалик ерларини тубдан яхшилаш, бузилган ва ифлосланган қишлоқ хўжалик ерлари тупроқлари унумдорлигини тиклаш;

суғориш ва зах қочириш тизимларини қуриш ва таъмирлаш;

иҳота дарахтлари полосаларини яратиш;

ўғит учун торф тайёрлаш ва фойдаланиш;

топографик, геодезик, тупроқ, геоботаник ва бошқа ер ресурсларини ўрганиш, янги ерларни ўзлаштириш ва уларнинг унумдорлигини ошириш, фойдаланилаётган қишлоқ хўжалик ерларини яхшилаш билан боғлиқ ишларни ўтказиш.

Ноқишлоқ хўжалик объектларини қуриш ва фойдаланишнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига салбий

таъсирини аниқлаш - хўжаликлараро ер тузишдаги энг мураккаб масалалардан биридир.

Аввало бу ер ажратиш турларининг кўп хиллиги билан боғлиқ. Ер муддатсиз ёки вақтинча фойдаланиш учун ҳар хил объектларни ва технологик участкаларни саноат майдончаларини, ҳар хил мақсадларга мўлжалланган тик қувур қудуқларни, чизиқли иншоотларни (электр тармоқлари, қувур ўтказгичлар, автомобил, темир йўллар ва ш.ў.), сув транспорти объектлари, аэродромлар ва учиш-қўниш полосалари, қазиб олувчи саноат объектлари (тоғ жинслари уюмлари, карьерлар, шахталар ва ш.ў.) шлаклари йиғиладиган жойлар ва кул тепалар, чиқиндиҳоналар ва қабристонлар, атом ва иссиқлик электростанциялари, сув омборлари ва ш.ў. жойлаштириш учун ажратилади.

Тилга олинган объектлар ҳар хил ўзига хос табиий шароитига ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши йўналишига эга минтақаларда жойлашиши мумкин.

Бундан ташқари, ноқишлоқ хўжалик мақсадлари учун ҳар қандай ер ажратишга агроландшафтларга кенглик ва вақт бўйича доимий ўзгариб туриб таъсир этувчи жараён сифатида, техноген бузилишлар ҳажми тоғ жинслари уюмлари майдонларидан ўнлаб маратоба катта бўлишини, бу жараён кўп йиллар давом этишини ва ҳар хил даражадаги жадалликда содир бўлишини кўзда тутган ҳолда қараш керак. Масалан, сув омборлари учун ер ажратиш унинг меъёрий сатҳига сувга тўлдирилиши билан тугалланади, қирғоқларини мустаҳкамлаш ишлари, ер ости сувлари кўтарилиши ва ерларнинг шўрланиши эса шу вақтдан бошланади ва аста секин кучайиб боради. Тупроқ қатламининг атмосферага ташланадиган саноат чиқиндилари билан ифлосланиши ноқишлоқ хўжалик объектининг ишга туширилишидан бошланиб, кейин объектнинг хизмат муддати даврида ҳар хил жадалликда давом этиши ёки чиқиндисиз технологиялар жорий этилиши натижасида тугаши мумкин.

Шундай қилиб, ерларни ноқишлоқ хўжалик мақсадлари учун ажратишнинг салбий оқибатлари сифатида объектни қуриш учун изланишлар бошланганидан ундан фойдаланиш давригача ерлардан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш шароитида юз берган барча ноқулай сон ва сифат ўзгаришларни тузатиш керак. ҳозирги вақтда салбий натижаларни бундай комплекс тарзда ҳисобга олиш, бу

муаммо аллақачон пайдо бўлганига қарамасдан амалиётда ўтказилмайди.

Ўзбекистон қонунларида ер мониторингини ташкил этиш кўзда тутилган. Бундай мониторинг аниқ фаолият кўрсатувчи кузатувлар тизимидан, антропоген таъсирлар натижасида ер фонди аҳволидаги ўзгаришларни аниқлаш ва баҳолашдан иборат бўлиши керак. Бу маълумотлар асосида ноқишлоқ хўжалик объектларини жойлаштириш бўйича зарур башоратлар ва амалий тавсиялар ишланади.

Мониторингни ташкил этиш олдидан «оқибатлар дарахти» деб номланадиган, ҳар бир ер ажратишнинг маълум табиий-қишлоқ хўжалик минтақалари агроландшафтларига таъсирини кўрсатувчи ҳужжат ишланади.

Назорат саволлари:

1. Хўжаликлараро ер тузишнинг иқтисодий-ижтимоий мазмуни нималардан иборат?
2. Ер эгаллиги (ердан фойдаланувчилар) ерларининг оптимал ўлчами нима?
3. Хўжаликнинг оптимал ўлчамини қандай усуллар билан аниқлаш мумкин?
4. Ташкил этилаётган қишлоқ хўжалик корхонаси рақобатбардошлигининг мезони нима?
5. Қишлоқ хўжалик корхоналарини қайта ташкил этишда ерларни олишнинг оқибатлари қандай баҳоланади?
6. Қишлоқ хўжалик корхоналаридан ер олишнинг мумкин бўлган ўлчамлари қандай ҳисобланади?
7. Ер эгалликлари ва ердан фойдаланувчилар ерларининг қандай камчиликлари мавжуд ва улар қишлоқ хўжалик корхонаси иқтисодиётига қандай таъсир этади?
8. Ерларнинг бошқа хўжаликлар ерлари билан бўлиниши, чўзилиб кетиши, хўжалик ерлари чегарасида бошқалар ерлари жойлашиши, чегараларнинг ўткир қирралари билан боғлиқ камчиликларни тугатиш самарадорликлари қандай кўрсаткичлар ёрдамида баҳоланади?
9. Ноқишлоқ хўжалик мақсадлари учун ер ажратишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва ер эгалари, ердан фойдаланувчилар зарарлари қандай аниқланади?

VI боб
Хўжаликларда ички ер тузиш иқтисоди
§ 1. Кўрсаткичлар тизимини яратиш услубияти

Хўжаликларда ички ер тузиш лойиҳаларини иқтисодий баҳолаш кўрсаткичлари тизимини аниқлашда қуйидагиларни ҳисобга олиш зарур:

меҳнат жараёнини ҳудудий ташкил этишдан бошлаб, хўжалик миқёсида ижтимоий зарур маҳсулотни такрор ишлаб чиқариш жараёнигача бўлган, ернинг ташкил этилишини ўз ичига оладиган, ишлаб чиқариш жараёнининг тузилиши ва босқичларини;

ишлаб чиқариш жараёнининг ҳар хил даражаларида (босқичларида) меҳнат предмети, асосий ишлаб чиқариш воситаси ва ишларни бажариш учун кенглик асос сифатида қатнашадиган ернинг аҳамиятини;

ер тузиш лойиҳаларининг ҳар хил таркибий қисмлари ва элементлари бўйича асосланиши керак бўлган асосий масалалари таркибини.

Агар, ҳар бир қишлоқ хўжалик корхонаси ишлаб чиқариш жараёнини босқичлар, даражалар, таркибий қисмларга ажратсак, у умуман ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш тармоқлари ва айрим ишлаб чиқариш жараёнларидан ташкил топади.

Ишлаб чиқаришнинг мақсади, умуман, хўжалик ишлаб чиқариш дастури ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш талаблари асосида аниқланадиган жамият учун зарур маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам жамият учун зарур маҳсулотни ишлаб чиқариш вақти, қишлоқ хўжалик корхонасидаги қайта ишлаб чиқариш вақти (даври) билан мос келади ва ўз ичига унинг барча босқичларини (ишлаб чиқариш, тақсимлаш, алмаштириш ва истеъмол қилиш) олади.

Ишлаб чиқариш тармоқлари фаолияти натижасида тайёр маҳсулот яратилади, уни ишлаб чиқаришга сарфланган вақт эса тармоқнинг ишлаш даврига, яъни, мазкур тармоқда тайёр маҳсулотни олиш учун зарур, бир-бирлари билан боғлиқ маълум ишчи кунлар сонига мос келади.

Айрим ишлаб чиқариш жараёнларини бажариш аниқ маҳсулотни ишлаб чиқариш билан боғлиқ эмас, балки унда ишлаб чиқариш жараёни ва меҳнат жараёни бир-бирларига мос тушмайдиган қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади. Шунинг учун ҳам экиш, экинларни парвариш қилиш, ҳосилни йиғиб олиш ишлари битта майдонда амалга оширилишига ва бир технологиянинг таркибий қисмлари бўлишига қарамасдан вақти бўйича дон, пахта ва ш.ў. етиштириш даврига мос келмайди.

Ишлаб чиқаришнинг ҳар бир қисмига ўзининг ер тузилиши шакли мос келади. Умуман ишлаб чиқаришга - ишлаб чиқариш бўлинмаси ер массиви, айрим ишлаб чиқариш жараёнига ёки жараёнлар гуруҳига - дала, суғориш участкаси (6.1 жадвал)

6.1 жадвал

ҳар хил даражаларда ҳудудни ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш шакллари орасидаги боғлиқлик

Ишлаб чиқариш жараёни даражалари	Ишлаб чиқаришнинг таркибий қисмлари	Ишлаб чиқариш фаолияти турлари	Ишлаб чиқариш вақти	Жамоат ташкилоти шакли	Ташкил этиш шакли (элементи)	Ернинг асосий вазифаси
----------------------------------	-------------------------------------	--------------------------------	---------------------	------------------------	------------------------------	------------------------

Меҳнат жараёни	Техноло- гик жа- раённинг айрим иш-лаб чиқа-риш опера- цияси	Ишлаб чи-қариш опе- рациясин и бажариш	Ишлаб чиқа- риш опера- цияси- ни ба- жариш -нинг ишчи вақти	Звено, ишчи гуруҳ, вақтин- ча отряд	Ишчи участка, суғориш участка- си, дала, айрим контур	Меҳнат предмет и, ишларн и бажари- ш учун кенглик асос
Айрим маҳсулот- ларни иш-лаб чиқа-риш жа-раёни	Корхона тармоғи	Тармоқда тайёр маҳ- сулотни иш-лаб чиқариш жараёни (деҳқончи- лик, боғ- дорчилик сабзавотчи- лик ва	Тармо- қ нг иш даври (ишлаб чиқа- риш даври)	Ишлаб чиқари- ш бригада- си, фер-мау- цех	Алмашла- б экиш, ер турлари (боғ, маузум-зор, пи- чанзор, яйлов, ёки ер турлари массив- лари)	Асосий ишлаб чиқари- ш воситал а-ри (меҳ-нат пред- мети ва бир вақтнинг ўзида

6.1 жадвалнинг давомиди

		бошқ.)				меҳнат қуроли)
Умуман ишлаб чи-қариш жараёни (маҳсулот- ларни иш-лаб чиқа- риш, тақ- симлаш, айирбош- лаш ва истеъмол)	Умуман корхона	Жамият учун зарур маҳсулот- ни ишлаб чиқариш жараёни	Такро- р ишлаб чиқа- риш даври	Ташки- лот, бўлин- ма, иш- лаб чи- қариш участ- каси	Ер эгали- ги (ердан фойдал- а-ниш)	Асос ва ишлаб чиқари- шнинг кенглик базиси

Ишлаб чиқариш даражаси ўзига мос инфратизимни талаб этади. Шу билан бир қаторда, инфратизимнинг бир хил

элементлари, ишлаб чиқаришнинг ҳар хил таркибий қисмларига хосдир. Суғориш шароитида, масалан, хўжаликка сув ажратилади, уни олиш ва тақсимлаш учун эса сувни ажратиш иншоотлари, умумхўжалик магистрал каналлари, коллектор-дренаж тармоқлари хизмат қилади.

ҳар бир бригада ўзининг сув ажраттичи билан таъминланади, бригадалар ер массивларини, алмашлаб экиш массивларини сув билан таъминлаш хўжалиқдаги ички гуруҳ каналлари орқали амалга оширилади. Далаларни ва суғориш участкаларини суғориш учун, вақтинчалик ва ўқ ариқлардан, эгатлардан фойдаланилади. Худди шундай тартиб йўл тармоқларига ва ҳудудни ташкил этишда жойлаштирилладиган инфратизимнинг бошқа элементларига ҳам тааллуқлидир.

Демак, бутун хўжаликнинг ишлаб чиқаришига (такрор ишлаб чиқаришга) хизмат кўрсатиш учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларини топшириш жойлари, бригада қишлоқлари, ишлаб чиқариш марказлари билан боғловчи магистрал йўллар тармоғидан фойдаланилади. Асосий йўллар яна бригадалар хўжалик марказларини ўзаро ва фермалар, қишлоқ хўжалик ерлари, алмашлаб экиш массивлари билан ҳам боғлайди.

Дала йўллари тармоғи автомашиналар ва қишлоқ хўжалик техникасининг дала ишларини бажариш, дарахтзорларни парваришлаш, пичан ўриш ва ш.ў. даврлардаги қатновларига мўлжалланган.

Ишлаб чиқариш жараёнини дифференциялашдан (таркибий қисмларга ажратиш) келиб чиқиб, ернинг аҳамияти ва ундан фойдаланиш характериға боғлиқ ҳолда, ҳудудни ташкил этиш самарасини ҳам аниқлаш керак:

жамият учун зарур маҳсулотни ишлаб чиқаришда ва чорвачилик тармоқларида (ер кенглик базис);

деҳқончилик тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқаришда (ер асосий ишлаб чиқариш воситаси);

айрим ишлаб чиқариш жараёнларини бажаришда (ер-меҳнат предмети ёки ишлар учун кенглик базис).

Шу сабабли, хўжаликларда ҳудудни ички ташкил этишнинг асосий самараси қуйидагилардан иборат:

ишлаб чиқариш бўлинмаларини, хўжалик марказларини ва магистрал йўлларни жойлаштиришда - ишлаб чиқаришнинг йиллик харажатлари ва ҳар хил зарарларнинг (қурилиш, йўлларни қуриш учун) камайишидан;

ер турларини ва алмашлаб экишни ташкил этишда - соф даромаднинг ўсишидан;

алмашлаб экиш массивлари, дарахтзорлар, яйловлар ва пичанзорлар ҳудудларини ташкил этишда - ишлаб чиқариш жараёнларини бажариш учун харажатларни тежашдан ва ишлаб чиқариш зарарларини камайтиришдан (техниканинг далалардаги айланиш полосалари, ишланмай қоладиган учбурчаклар ва бошқа ерлар майдонларини камайтириш ҳисобига).

Кўрилатган иқтисодий самарани табақалаш асосида ҳар хил даражадаги ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратизимлар элементларини яратишга сарфланадиган капитал харажатлар самарадорлигини ҳисоблаш тавсия этилади. Масалан, ерларни трансформациялашда капитал харажатлар янги ўзлаштирилган ёки юқори интенсивликда фойдаланиладиган ерларда соф даромаднинг ўсиши ҳисобига, алмашлаб экиш массивлари ҳудудларини ташкил этишда - дала шийпонларини ва йўлларни қўриш учун қилинадиган харажатлар эса, ишлаб чиқариш харажатларини тежаш ва ш.ў. ҳисобига қопланади.

Кўриниб турибдики, ер тузишнинг асосий самараси соф даромаднинг ўсиши ва соф даромаднинг ўсишига олиб келадиган ишлаб чиқариш харажатларининг камайтириши билан боғлиқ. Бу ўсишга қўшимча капитал маблағлар (К) ҳисобига амалга ошириладиган тадбирлар ёки қўшимча ишлаб чиқариш харажатларини (С) талаб этадиган, ёки қўшимча харажатларсиз амалга ошириладиган ташкилий хўжалик ишлари натижасида эришилади.

Лойиҳанинг самарадорлигини баҳолашда юқорида айтиб ўтилган соф даромад ўсишининг (ΔCD) келтирилган харажатларга нисбатидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

$$\frac{\Delta CD}{C + KE_m} \rightarrow \max$$

бу ерда E_m - капитал маблағлар самарадорлигининг меъёрий коэффициент.

ҳудудни ташкил этиш ҳисобига олинган соф даромад ўсишларининг мос лойиҳалаш ва қидирув ишлари харажатларига, капитал харажатларга, ишлаб чиқаришнинг йиллик харажатларига нисбатлари уларнинг самарадорликларини баҳолаш имкониятини беради.

§ 2. Хўжаликларда ички ер тузиш лойиҳаларини иқтисодий асослаш

Ер тузиш лойиҳалари комплекс характерга эга бўлганликлари сабабли, уларни асослаш анча мураккаб иш ҳисобланади. Бунда иқтисодий баҳо албатта экологик ва ижтимоий баҳолар билан келиштирилган бўлиши керак, сабаби, кўрсатилган жабҳаларда йўл қўйилган ҳар қандай хато сўзсиз иқтисодий натижаларга таъсир этади. Бундан ташқари, ер тузиш лойиҳаларини инженерлик (техник) ва ишлаб чиқариш (технологик) масалаларини ечмасдан тузиш мумкин эмас.

Шундай қилиб, хўжаликларда ички ер тузиш лойиҳаларини иқтисодий асослаш қуйидаги қисмларни ўз ичига олади:

инженерлик-технологик (техник-иқтисодий);
ишлаб чиқариш-технологик (агроиқтисодий);
иқтисодий;
ижтимоий-иқтисодий.

Техник-иқтисодий асослаш, асосан, лойиҳада яратилган ҳудудни ташкил этишнинг кенглик шароитларини ва ернинг технологик хусусиятлари тавсифларини (ерларнинг рельефи, тупроқнинг механик таркиби, тўсиқлар мавжудлиги, маданий-техник аҳволи, контурлар йириклиги ва ш.ў.) баҳолаш учун хизмат қилади.

Ер тузишни лойиҳалаш жараёнида техник-иқтисодий асослаш агрегатлар ҳаракатининг ишчи йўналишларидаги мумкин бўлган қияликлар, полосалар орасидаги участкаларнинг кенгликлари, ишлаб чиқариш бўлинмаларига бириктириладиган ер массивларининг тавсия этилган ўлчамлари, алмашлаб экиш массивларининг, далаларнинг, суғориш далаларининг оптимал майдонлари, молларни ҳайдашнинг мумкин бўлган масофалари бўйича илмий асосланган меъёрлардан фойдаланишга асосланади. Лойиҳанинг техник кўрсаткичлари ер тузишни лойиҳалаш меъёрлари қандай эътиборга олинганлиги, ердан фойдаланишнинг кенглик шароитлари мавжуд ҳолатига нисбатан қандай яхшиланганлиги, мумкин бўлган ечимларнинг (вариантларнинг) ютуқлари ва камчиликлари қандай эканлиги тўғрисида хулоса чиқариш имконини беради.

Агроиқтисодий асослаш кўзда тутилган ҳудудни ташкил этишни ишлаб чиқаришни кенгайтириш талабларига мослаш учун керак. Мос кўрсаткичлар охир-оқибатда ҳар хил турдаги баланслар тизимидан иборат бўлади: ишчи кучи, ем-хашак,

ўғитлар, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, чорва молларининг йиллик айланиши. Маълум кўрсаткичларда ўз ифодасини топадиган ишлаб чиқаришни ва унинг тармоқларини жойлаштириш, хўжаликнинг ташкилий-ишлаб чиқариш тузилиши, алмашлаб экишни жорий этиш масалалари ҳам ечилади.

Иқтисодий ва ижтимоий-иқтисодий асослашдан мақсад - ҳудудни ташкил этишнинг энг яхши ечимини аниқлаш, кўзланаётган лойиҳавий ечимларнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш, лойиҳа самарадорлигини тавсифловчи йиғма қиймат кўрсаткичларини беришдир.

Ундан кейин, ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва уни оқилона ташкил этиш билан боғлиқ кутилаётган натижалар талаб этиладиган харажатлар билан солиштирилади.

Хўжаликларда ички ер тузиш лойиҳалари тузилишини ва юқорида келтирилган назарий ҳулосаларни ҳисобга олган ҳолда, хўжаликларда ички ер тузиш лойиҳасининг таркибий қисмларини иқтисодий баҳолашнинг кўрсаткичлари тизимини тузиш мумкин (6.2 жадвал).

**Хўжаликларда ички ер тузиш лойиҳаси таркибий қисмларини баҳолашнинг
асосий кўрсаткичлари тизими**

Техник-иқтисодий кўрсаткичлар	Агроиқтисодий кўрсаткичлар	Иқтисодий кўрсаткичлар	Ижтимоий- иқтисодий кўрсаткичлар
1	2	3	4
<i>1. Аҳоли яшаш жойларини, ишлаб чиқариш бўлимлари ер массивларини ва ишлаб чиқариш марказларини жойлаштириш</i>			
1.Аҳоли яшаш жойлари сони, вазифаси ва аҳоли сони	1.Хўжалиқда ва унинг бўлинмаларида ишлаб чиқаришнинг ихти- сослашиши ва кон- центрациялашиши	1.Аҳоли яшаш жойларини, чорва-чилик биноларини, омборхона иморатларини, силос иншоотлари-ни ва ш.ў. қуриш учун қолдиқ қий- матлари ҳисобга олинган капитал харажатлар	1.Ишчи ва хизматчи- ларнинг уй-жой ва маданий-маиший гурмуш шароитларини яхшилаш.
2.Аҳоли яшаш жой-лари ерлари эксп-ликацияси, аҳоли яшаш жойлари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини топшириш жойлари орасидаги масофа	2.Хўжалиқда ва унинг бўлинмаларида экин майдонлари таркиби	2.Амортизация ажратмаси ва эксплуатация харажатлари	2.Ишлаб чиқаришни ташқил этиш ва бошқаришни яхшилаш
3.Хўжаликнинг иш-лаб	3.Чорва	3.Уй-жой ва ишлаб чиқариш қурилишлари тагидаги	3.Эстетик, санита- рия-гигиена ва

жойлаш-тириш 7. Ишлаб чиқариш марказларини жой-	7.Чорвачилиқда меҳ-нат сарфи ва ишчи	экинларни экиш билан боғлиқ маҳсулотнинг ўсиши 6.Капитал харажатлар самарадорлиги коэффициенти	
---	--	--	--

6.2жагвалнинг давоми

1	2	3	4
лаштириш тавсифи (сони, жойлашган ўрни, шамолнинг асосий йўналишига, рельефга нисбатан, жойлашиши, майдони	кучи билан таъминланиш		
<i>II. Асосий йўлларни ва бошқа умумхўжалик аҳамиятига эга инженерлик объектларини жойлаштириш</i>			
1.Асосий йўлларнинг турлари (тоифалари), майдони ва узунлиги, йўл йўналиши бўйича максимал нишаблиги 2.Йўл	1.Йўлларнинг кентлиги ва конструктив хусу- сиятлари, йўл қопла- малари турлари, йўл иншоотлари материали 2.Асосий йўлларнинг йиллик ўртача юк	1.Йўлларни, йўл иншоотлари-ни, сув манбааларини қуриш учун капитал харажатлар 2.Амортизация ажратмаси ва эксплуатация харажатлари	1.Транспорт алоқаларининг яхшиланиши 2.Қишлоқ хўжалик техникаси, машина-лари

иншоотлари-нинг тавсифи	ўтказиш имконияти		ҳаракати, маҳсулотларни ташиш, сув олиб келиш учун ишчилар вақтининг тежалиши
3.Сув билан таъминлаш манбаалари турлари, сони, сув захираси	3.Сув истеъмоли баланси	3.Йўллар эгаллайдиган майдонлардан олинмайдиган маҳсулот билан боғлиқ зарар	3.Капитал харажатларнинг қопланиш даври

6.2 жагвалнинг давоми

1	2	3	4
<i>III. Ер турларини ташкил этиш</i>			
1.Ерлардан турлари бўйича фойдаланиш	1.Ерларни трансформациялаш	1.Ерларни қишлоқ хўжалиги учун ўзлаштириш, трансформациялаш, яхшилаш, дарахтзорларни барпо этиш	1.Дехқончилик тармоқларида ялпи даромаднинг ўсиши
2.Ер турларининг жойлашуви ва сифа-ти тавсифи, улар-нинг контурларга (бўлакларга) бўлиниши	2.Ер турлари майдонлари баланси	2.Ерларни ўзлаштириш натижа-сида ялпи маҳсулотнинг ўсиши	2.Бир ишчи ҳисобига истеъмол фондининг ўсиши
3.Ер турларини	3.Яшил озуқа баланси (яшил конвейер чизма-си)	3.Йиллик ишлаб чиқариш	3.Тармоқда меҳ-

яхши-лаш ва трансформациялаш, ўзлаштиришнинг ҳажми, навбати ва турлари 4.Ишлаб чиқариш бригадалари бўйича ерлар экспликацияси	4.Ем-хашак экинлари майдонларини ҳисоблаш	харажатлари 4.Ерларни трансформациялаш, яхшилаш ва дарахтлар экиш ҳисобига соф даромаднинг ўсиши 5.Соф даромаднинг бошқа ўсишлари ва камайишлари (қишлоқ хўжалик техникасидан фойдаланиш яхшиланиши, қишлоқ хўжалиги фойдалани-	натни ташкил этиш ва бошқаришни яхшилаш 4.Атроф муҳитни муҳофаза этиш ва табиий ландшафт-ларни яхшилаш 5.Капитал харажатларнинг қопланиш даври
---	---	---	--

6.2 жагвалнинг гавоми

1	2	3	4
		шидан ерларнинг чиқарилиши, капитал маблағларнинг боғланиб қолиши) 6.Капитал харажатлар самарадорлиги коэффиценти	

IV. Алмашлаб экишни ташкил этиш

1.Алмашлаб экишнинг турлари, сони ва май-	1.Экинларнинг режалаштирилаётган ҳосил-дорлигини	1.Хўжалик тупроқлари бўйича экинларни яхши жойлаштириш, экинларнинг	1.Деҳқончилик ялпи даромадининг
---	--	---	---------------------------------

донлари	асослаш	яхши экинлар билан алмашинишини таъминлаш, экинларни жамлаш билан боғлиқ маҳсулотнинг ўсиши	кўпайиши
2.Алмашлаб экишлар-нинг тупроқ, рельеф бўйича жойлашиши, хўжалик марказлари-дан узоқлиги.	2.Экинларнинг алмашиш тартиби	2.Қўшимча маҳсулот учун меъёрий бевосита харажатлар	2.Бир ишчи ҳисо-бига истеъмол фондининг ўсиши
3.Алмашлаб экишлар-ни ишлаб чиқариш бригадаларига бирик-тириш	3.Деҳқончилик маҳсулотлари баланси	3.Бевосита харажатларни қуйи-дагилар ҳисобига тежаш: меҳ-натни кўп талаб қиладиган ва кўп юк чиқадиган экинларни хўжалик марказларига яқин жойлаштириш; ҳайдалма ерларнинг контурларга бўлинишини ва сифатини ҳисобга олиш; гумуснинг камчиликсиз балансини сақлаш	3.Деҳқончиликда меҳнатни ташкил этиш ва бошқариш шароитини яхши-лаш

6.2 жағвалнинг давоми

1	2	3	4
	4.Ем-хашак баланси	4.Иш ҳақи фондини тежаш	4.Деҳқончилик маҳ-сулотлари сифати-нинг яхшиланиши
	5.Тупроқда гумус баланси	5.Соф даромаднинг ўсиши	

	6.Минерал ўғитларга, оҳакка, гипсга, органик ўғитларни солишга бўлган талаб 7.Деҳқончиликда меҳ-нат сарфи ва ишчи ку-чи билан таъминлан-ганлик		
V. Алмашлаб экиш массивлари ҳудудини ташкил этиш <i>а) Алмашлаб экиш далаларини, ишчи ёки суғориш участкаларини жойлаштириш</i>			
1.Алмашлаб экиш далалари, ишчи ёки суғориш участкалари майдонлари	1.Алмашлаб экиш далаларининг майдонлари ва ерлари сифатини ҳисобга олган ҳолда тенглиги	1.Қишлоқ хўжалик техникасининг унумдорлиги ошиши натижасида далаларга механизация ёрдамида ишлов бериш учун харажатларни қуйидагилар ҳисобига тежаш: ишчи йўналишлар бўйича нишабликларни пасайтириш, ишчи масофаларни узайтириш, массивлар шаклини яхшилаш, бефойда айланишлар ва кириб-чиқишлар келтирадиган зарарларни	1.Ишлаб чиқариш операцияларини бажаришда меҳнат шaroитларининг яхшиланиши

6.2 жагвалнинг давоми

1	2	3	4
		камайтириш; ташкилий ва техник	

2.Алмашлаб экиш далалари, ишчи ва суғориш участкалари бўйича ерлар экспликацияси	2.Лойиҳаланган алмашлаб экишга ўтиш режаси	сабабларга кўра техниканинг бекор туришини қисқартириш; ишлаб чиқариш жараёнларини бажаришда қишлоқ хўжалик техникасининг иш куни ичидаги бекор юришларини камайтириш 2.Маҳсулотнинг қуйидагилар ҳисо-бига ўсиши (зарарнинг олдини олиш): шудгорланмай, экилмай қоладиган, ортиқча йўллар, мол ҳайдаладиган йўллар, марзалар ва ариқлар майдонларини қисқарти-риш; дала ишларини яхши агро-муддатларда ўтказиш; агротехник тадбирларни амалга ошириш, ишчи нишабликларни пасайтириш 3.Агротехник тадбирларни амалга ошириш учун қўшимча йиллик харажатлар	2.Далада маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхши-лаш, овқатланишни тўғри ташкил этиш.
3.Алмашлаб экиш далаларининг сифати ҳамда ишчи, суғориш ва бошқа участкалар тупроғининг эрозияга учраш, шўрланиш даражаси, тошлар билан ифлосланиши,	3.Эрозияга қарши агротехник тадбирлар ҳажми		3.Дала ишларини, қишлоқ хўжалик техникасининг ҳа-ракатини тезкор бошқариш шарой-тларининг яхши-ланиши

6.2 жағвалнинг давоми

1	2	3	4
кислоталашганлиги, намланиш шароити, механик таркиби, нишабликлари бўйича тавсифи 4.Алмашлаб экиш да-лалари, ишчи, суғо-риш ва бошқа участ-каларнинг шакллари ва уларнинг хўжалик марказларидан узоқлиги тавсифи	4.Қишлоқ хўжалик экин-ларини етиштиришнинг технологик карталари 5.Қишлоқ хўжалик тех-никасидан фойдаланиш бўйича операцион-техно- логик карталар	4.Эрозияга қарши ва бошқа техникаларни сотиб олиш учун қўшимча капитал харажатлар	4.Кунлик иш унум- дорлигининг, иш меъёрининг ўсиши, меҳнат ҳақининг ошиши, натурал гулловларнинг ўсиши
<i>б) дала йўллари, ихота дарахтлари полсаларини, дала шийпонларини, далада сув билан таъминлаш манбааларини ва гидротехник иншоотларни жойлаштириш.</i>			
1.Дала йўллари турлари, майдонлари ва узунлиги, йўллар йўналишлари	1.Дала йўллари кенлиги, йўл қопламаси турлари, йўл иншоотлари тайёрланган материал	1.Дала йўллари, йўл иншоотла-рини, дала шийпонларини, далада сув билан таъминлаш манбаалари-ни, гидротехник иншоотларини қуриш, ихота	1.Транспорт қатнаш шароити-нинг яхшиланиши.

бўйича максимал нишабликлар 2.Йўл иншоотлари	2.Ихота полосалари	полосаларини барпо этиш учун капитал харажатлар 2.Амортизация ажратмаси ва	2.Атроф муҳитни
---	--------------------	---	--------------------

6.2 жагвалнинг давому

1	2	3	4
тавсифи 3.Ихота полосалари турлари, майдони ва узунлиги, полосалар йўналишлари бўйлаб максимал нишаблик 4.Дала шийпонлари сони, жойлашиши ва майдони	гузилиши ва кенглиги, дарахт навларининг жой-лашуви, ихота полоса-лари ҳимоясидаги майдон 3.Деҳқончиликда ишчи кучи баланси 4.Далада сув истеъмоли баланси	эксплуатация харажатлари 3.Инфратизим элементлари эгаллаб турган майдонлардан олинмаган маҳсулот (зарар) 4.Харажатларни тежаш ва зарар-ларнинг олдини олиш: йўллар бўйича, юклар ва ишчиларни та-шиш учун транспорт харажатлар-ини қисқартириш ҳисобига; йўл йўқлиги сабабли кўриладиган зарарни қисқартириш ҳисобига; ихота полосалари бўйича,	муҳофаза этиш ва табиий ландшафт- ларнинг яхшилани-ши 3.Қишлоқ хўжалик техникасини сақ-лаш ва ишчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш шароитини яхши-лаш 4.Иш жойига бориш-келишга сарфланадиган вақтнинг тежалиши

		ҳимоя-ланадиган майдонларда ҳосилнинг ўсиши ҳисобига; дала шийпонлари бўйича, ишчи кучини ташиш учун харажатлар-нинг пасайиши ҳисобига; сув манбаалари бўйича, сувни олиб келиш харажатлари камайиши	
--	--	--	--

6.2 жагвалнинг давоми

1	2	3	4
5.Дала сув манбаала-рининг турлари ва сони, уларнинг сув бериш имконияти (захираси) 6.Гидротехник иншо-отларнинг вазифа-лари ва тавсифлари	5.Инженерлик иншоот-ларининг гидротехник тавсифлари баланси	ҳисобига; гидротехник иншоотлар бўйича зарарларнинг олдини олиш ҳисобига	5.Сувни олиб келиш вақтининг тежалиши 6.Капитал хара- жатларнинг қоп- ланиш даври
<i>VI. Пичанзорлар ва яйловлар ҳудудларини ташкил этиш.</i>			

1.Пода ва отарлар участкалари майдо-ни, улар жойлашиши тавсифи	1.Яйлов алмашиш ва пичанзор алмашишлари тартиби (схема)	1.Яйловларни ўраш ва мол ҳайда-ладиган йўлларни қуриш учун капитал харажатлар	1.Яйловда моллар-ни боқишнинг яхшиланиши
2.Навбат билан боқиш участкаларининг сони ва майдони	2.Фермалар бўйича яшил озуқалар баланси	2.Амортизация ажратмаси ва эксплуатация харажатлари	2.Пичанзорларни бригадаларга бириктириш ва улардан оқилона фойдаланиш

6.2 жағвалнинг давоми

1	2	3	4
3.Бригада ва пичанзор алмашиш участкалари майдонлари	3.Навбат билан боқиш участкалари сонини ва майдонини ҳисоблаш	3.Қуйидагилар ҳисобига олинади-ган қўшимча маҳсулот қиймати: яйлов алмашиш ва пичанзор алмашиш тизимларини жорий этиш; ўтларнинг босиб ташланиши ва меъёрдан ортиқ едирилишининг олдини олиш; молларни ҳайдаш масофаларининг қисқариши	3.Молларни яйлов-га ҳайдаб бориш вақтининг тежа-лиши
4.Йўллар ва		4.Йўллар, ёзги лагерлар,	

моллар ҳайдаладиган йўллар-нинг кенглиги, узун- лиги ва майдони 5.Ёзги лагерлар сони, жойлашиши ва майдони		моллар йўллари билан банд майдонлар-дан маҳсулот олинмаслиги билан боғлиқ зарар 5.Капитал харажатлар самарадор-лиги коэффициенти	
---	--	--	--

VII. Дарахтзорлар (боғлар, узумзорлар ва бошқ.) ҳудудларини ташкил этиш.

1.Кварталлар ва бўлакчалар майдони	1.Дарахтлар турлари ва навларини жойлаштириш тартиби (схемаси)	1.Дарахтзорларни яратиш ва та-комиллаштириш учун капитал харажатлар	1.Атроф муҳитни муҳофаза этишнинг ва табiiй ланд- шафтларнинг яхшиланиши
--	--	---	---

6.2 жагвалнинг давоми

1	2	3	4
2.Бригада участкалари майдони 3.ҳар хил турлар ва навлар	2.Маҳсулотни етиштириш ва тақсимлаш 3.Ишчи кучи баланси	2.Дарахтларни парваришлаш, эрозияга қарши тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ ишлаб чиқаришнинг йиллик харажатлари 3.Бўлакчалараро ва квартал- лараро йўллар, ихота	2.Дарахтларни пар-варишлашда меҳ-нат шароитининг яхшиланиши 3.ҳосилни

эгаллаб турган майдонлар		полосалари, яшиклар тайёрлаш, саралаш ва идишларга жойлаш пунктлари, бригада ҳовлилари билан банд майдонлардан маҳсулот олинмаслиги натижасида кўриладиган зарар	йиғиб олиш вақтининг тежалиши
4.Йўллар узунлиги ва майдони, йўл йўналиши ва дарахтлар қаторлари бўйича максимал ни- шабликлар 5.Бригада ҳовлилари сони ва майдони	4.Дала йўллари кенглиги	4.Капитал харажатлар самарадорлиги коэффициенти	

Юқорида келтирилган кўрсаткичларга янада аниқлик киритиш ва улардан амалий фойдаланиш кейинги бўлимларда аниқ мисоллар билан кўрилади.

Назорат саволлари:

1. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг босқичлари ва таркибий қисмлари қандай?
2. Ишлаб чиқаришни ва ҳудудни ташкил этиш шакллари бир-бирлари билан қандай мослашади ва ташкил этишнинг ҳар бир даражасида ернинг асосий роли қандай?
3. Хўжаликларда ички ер тузиш лойиҳаларини баҳолашнинг иқтисодий кўрсаткичлари тизимини яратишда нима назарий асос бўлиб хизмат қилади?
4. Хўжаликларда ички ер тузиш лойиҳаларини асослашнинг қандай турлари мавжуд?
5. Хўжаликларда ички ер тузиш лойиҳасини таркибий қисмлари ва элементлари бўйича асослашнинг кўрсаткичларини санаб беринг.

VII боб

Ер тузиш ечимларини иқтисодий асослаш

§ 1. Ишлаб чиқариш бўлимларини ва хўжалик марказларини жойлаштириш

Лойиҳанинг бу қисмида қуйидаги масалалар ечилади:

хўжалик ҳудудида жойлашган барча аҳоли яшаш жойларининг келажакдаги ривожланишини ва хўжаликдаги мовқеини белгилаш ёки аниқлаш;

хўжаликнинг ташкилий-ишлаб чиқариш тузилишини, ишлаб чиқариш бўлимларининг турларини, сонини, ўлчамларини, уларнинг ер массивларининг ва чегараларининг жойлашишини асослаш;

хўжалик ишлаб чиқариш марказларини (умумхўжалик ва бригадалар ҳовлилари, чорвачилик фермалари, ёрдамчи корхоналар) жойлаштириш.

Бу масалалар асосан ташкилий-ҳудудий характерга эга бўлиб, биринчи навбатда ишлаб чиқаришни ташкил этишга, аҳолига ва корхона иқтисодиётига тааллуқлидир. Аммо, улар ер эгалиklarининг (ердан фойдаланувчилар) ўзига хос хусусиятларидан, кенглик шароитларидан, ерлари сифати ва жойлашишидан, ҳудуднинг ташкил этилишидан ажратилган ҳолда ечилиши мумкин эмаслиги учун, улар хўжаликларда ички ер тузиш лойиҳаларининг ажралмас таркибий қисмлари ҳисобланади.

1. Иқтисодий асослаш кўрсаткичлари.

ҳудудни ташкил этишни такомиллаштириш, асосан, капитал харажатлар (аҳоли яшаш жойларини, чорвачилик фермаларини, энергия, иссиқлик, газ, сув таъминотлари объектларини ва бошқ. қуриш учун) билан боғлиқ. Шунинг учун бундай ҳолатда ер тузиш самарадорлиги тўғридан-тўғри қилинган инвестициялар (харажатлар) самарадорлиги билан аниқланади.

Капитал харажатларнинг умумий ҳажми қуйидаги харажатлардан ташкил топади:

янги уй-жой ва маданий-маиший қурилишлари, ҳудудни инженерлик жиҳозлаш (сув ўтказгичларни, оқова сувини чиқаргичларни, электр тармоқларини ва ш.ў. қуриш) учун;

янги чорвачилик бинолари, ҳар хил омборхоналар, устахоналар, гаражлар ва ш.ў. билан ишлаб чиқариш қурилишлари учун;

аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш, меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида иморатларни таъмирлаш ёки қайта жиҳозлаш учун.

Уй-жой, ишлаб чиқариш, маданий-маиший қурилишлар ва ҳудудни инженерлик жиҳозлаш қиймати ҳаракатдаги намунавий лойиҳалар асосида аниқланади.

Уй-жой қурилиши учун харажатлар, 100% янги қурилганда, умумий яшаш майдонидан 1 одамга тўғри келадиган яшаш майдони, 1 м^2 яшаш майдонининг қурилиш баҳоси ва аҳолининг умумий сонидан (N) келиб чиқиб аниқланади. Агар, қишлоқ жойларда бир одамга 18 м^2 яшаш майдони тўғри келиши керак десак, 1 м^2 қурилиш баҳоси эса 300 сўмни (1990 й. баҳоларида) ташкил этса, қишлоқдаги уй-жой қурилишининг умумий баҳоси (A)

$$A = 5,4 \text{ N га тенг бўлади.}$$

Аҳоли яшаш жойларини қуриш ва ободонлаштириш харажатларини аниқлаш учун умумлаштирилган меъёрлар қуйидаги манбаалардан олиниши мумкин, масалан, В.Я. Заплетин, Н.А. Кузнецов, М.А. Сулинларнинг китобидан (Внутрихозяйственное землеустройство. Методические указания по размещению производственных подразделений, хозяйственных центров, угодий и севооборотов в колхозе (совхозе), ЛСХИ. Пушкин, 1980. С 5-6). Бу маълумотларга қурилиш материаллари баҳоларининг ўзгарганлиги сабабли аниқлик киритилган (7.1 жадвал).

Йирик қишлоқларни қуришда юқорида кўрсатилганларга қўшимча оқова сувларни чиқазиш, радиолаштириш, телефонлаштириш тармоқ-лари, асфальтлаш ва ш.ў. харажатлари ҳисобга олиниши мумкин.

Кичик қишлоқларда (ижарачилар, оилавий фермерлар, деҳқон хўжаликлари, пудратчи жамоаларга мўлжалланган) биринчи навбатда уй-жой қурилиши ва инфратизимнинг ҳаётий зарур элементлари баҳоланади.

Янги бино ва иншоотларни қуриш, агар улар унумдор ерларни эгалласа, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг камайишига олиб келади. Бу зарар 1 га ердан олинадиган соф даромаднинг қурилишлар ерлари майдонига кўпайтмаси сифатида аниқланади.

7.1 жадвал

Аҳоли яшаш жойларини (аҳолиси 200 дан 5000 одамгача бўлган) қуриш ва ободонлаштириш учун харажатларни ҳисоблашга тавсия этилаётган ифодалар

Харажатлар турлари	ҳисоблаш ифодалари
Уй-жой қурилиши	$A_1 = 5,4 \text{ N}$
Маданий-маиший қурилиши	$A_2 = 257,22 + 1,15 \text{ N}$
Инженерлик жиҳозлаш ва ободонлаштириш:	$A_3 = 49,5 + 0,16 \text{ N}$
сув таъминоти	$A_4 = 10,4 + 0,58 \text{ N}$
газ таъминоти	$A_5 = 59,2 + 0,18 \text{ N}$
электрлаштириш	$A_6 = 32,0 + 0,011 \text{ N}$
кўкаламлаштириш	$A_0 = 408,32 + 7,48 \text{ N}$
ҳамма харажатлар:	

Қишлоқ қурилишидаги қишлоқнинг аҳоли яшайдиган қисмининг умумий майдони тахминан қуйидаги ифода ёрдамида аниқланади:

$$S = aN + S_{np} n$$

бунда S_{np} - томорқа ерлари майдони, га;

n - қишлоқда яшайдиган оилалар сони;

a - қишлоқда 1 одам ҳисобига умумий фойдаланиладиган ерлар (жамоа ерлари, кўкаламзорлар) майдонини кўрсатувчи коэффициент.

Аҳолиси 200 одамдан кўп бўлган қишлоқлар учун (МҚТО Гипросельхозстрой институти маълумотлари бўйича) қишлоқлар қурилишида одамлар яшайдиган қисмининг умумий майдони қуйидаги ифода ёрдамида ҳам аниқланиши мумкин:

$$S = 4,9 + 1,24 \frac{N}{C} S_{np}$$

бунда C- оила аъзоларининг ўртача сони, одам.

Кичик қишлоқлар учун аҳоли яшайдиган қисмининг умумий майдони қуйидаги ифода ёрдамида аниқланади:

$$S = 0,0045N + S_{np} \frac{N}{C}$$

Ишлаб чиқариш марказларининг майдонларини ҳисоблашда ва қурилишини баҳолашда 7.2 жадвалдаги

маълумотлардан фойдаланиш мумкин (P - фермадаги моллар бош сони).

7.2 жадвал

Ишлаб чиқариш марказларини қуриш учун харажатлар ва улар майдонини аниқлаш учун меъёрлар

Фермалар ва иншоотлар турлари	Сигими	Қурилиш баҳо-сини ҳисоблаш ифодаси, минг сўм	Майдонини аниқлаш ифодаси, га
Сут фермаси	200-1600 бош	$A_1 = 372,6 + 2,66P$	$S_1 = 0,38 + 0,008P$
Қорамол бузоқ-ларини ўстириш ва боқиш бўйича ферма	1000-10000	$A_2 = 255,6 + 0,45P$	$S_2 = 1,6 + 0,0088P$
Ғунажинларни ўстириш бўйича ферма	3000-6000	$A_3 = 0,62 + 0,97P$	$S_3 = 0,76 + 0,0021P$
Репродуктив чўчқа фермаси	400-2400	$A_4 = 395,3 + 4,14P$	$S_4 = 0,6 + 0,0126P$
Бўрдоқчилик чўчқа фермаси	2000-20000	$A_5 = 324,9 + 0,25P$	$S_5 = 5,25 + 0,00015P$
Жун-гўшт йўналишидаги қўй фермаси	3000-5000	$A_6 = 851,6 + 0,018P$	$S_6 = 0,32 + 0,00098P$
Гўшт йўналишидаги парран-дачилик фермаси	125-100 минг	$A_7 = 511,6 + 0,00468P$	$S_7 = 4,2 + 0,000019P$
Қишлоқ хўжалик техникаларини таъмирлаш ва сервис хизмати кўрсатиш бўйича устахона	25-200 трактор 5-25 автомобил	$A_8 = 45,7 + 1,39P$ $A_9 = 90,2 + 1,12P$	$S_8 = 6,9 + 0,001P$ $S_9 = 0,08P$

Автогараж			
-----------	--	--	--

Ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларини қайта жиҳозлаш ва таъмирлаш учун капитал харажатлар махсус тайёрланган смета-молия ҳисоб-китоблари асосида белгиланади. Умумлаштирилган баҳолаш учун бу қиймат объект баланс қийматининг 30 % миқдорида, жиҳозларни тўла алмаштиришда эса - 40 % миқдорида белгиланиши мумкин.

Агар ишлаб чиқариш марказларини кенгайтириш, такомиллаштириш ёки қайта жиҳозлаш бўйича ишлар мавжуд фондларни тугатиш билан боғлиқ бўлса, фондларнинг қолдиқ қиймати (сотишдан тушган қийматни чиқариб ташлаб) мос капитал харажатларга қўшилади. Қолдиқ қиймат баланс қиймати ва ҳисобланган амортизация ажратмаси фарқи сифатида аниқланиши ҳам мумкин.

Фермер хўжаликлари, кичик корхоналар, қишлоқ хўжалик ширкатлари ва жамоалари бўйича ишлаб чиқариш қурилишлари учун капитал харажатлар миқдорини ҳисоблашда 7.3 жадвал маълумотларидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Йиллик харажатлар таркибига қуйидагилар киради:

амортизация ажратмаси ва бинолар, иншоотлар, жиҳозлар ва бошқа асосий фондлардан фойдаланиш билан боғлиқ харажатлар;

ишчиларни ва юкларни ташиш учун транспорт харажатлари;

маъмурий-бошқарув ходимларининг иш ҳақи, лойиҳани амалга оширишда ўзгарадиган умумишлаб чиқариш ва умумхўжалик харажатларининг бошқа элементлари;

ишлаб чиқаришнинг йириклаштирилиш ва ихтисослаштирилиш даражасининг ўзгариши билан боғлиқ қўшимча ишлаб чиқариш харажатлари.

Амортизация ажратмаси иморатлар турлари ва материаллари, уларнинг хизмат муддатлари, жиҳозлари турларига боғлиқ ҳолда белгиланадиган амортизация меъёрлари бўйича аниқланади. Улар янги объектлар бўйича смета қийматидан, мавжуд бинолар ва иншоотлар бўйича (шу жумладан, фойдаланилмаётган) баланс қийматидан фоиз ҳисобида аниқланади. Масалан, енгиллаштирилган ғишт деворли, томи темир-бетон қурилмалари билан ёпилган бинолар учун амортизация ажратмасининг умумий меъёри - 4,7%, ёғочдан ва ҳар хил ёғоч-тахта материалларидан қурилган бинолар учун эса - 7,1 % тенг.

7.3 жадвал

**Фермер хўжаликларида индустриал конструкциялардан
фойдаланиб чорвачилик фермаларини қуришнинг техник-
иқтисодий кўрсаткичлари**

Фермалар номлари	Йиллик маҳсулот чиқиши, ц		Ферма- нинг баҳоси	1 бош ўрни баҳоси	Ферма майдони, га	
	сут	гўшт	мин г сўм	минг сўм	ҳам- маси	1 бош ҳисо- бига
Моллар сони қайта тикла-надиган ва бузоқлари боқи- ладиган, сигирлар боғлаб боқиладиган сут фермаси:	660	48	65,0	2,03	0,12	0,010
12 сигир учун (32 бош-ўрин)	990	72	130, 3	2,80	0,18	0,010
18 сигир учун (46 бош-ўрин) озуқа ишлаб чиқариш билан 24 сигир учун (50 бош-ўрин)	1320	20	220, 0	4,40	0,82	0,034
Моллар бош сони қайта тикланмайдиган 50 сигирни боғлаб боқишга мўлжаллан-ган сут фермаси	3000	50	225, 0	4,50	1,0	0,02
Моллар бош сони қайта тикланмайдиган, ҳайдаб боқиладиган сут фермаси:	3000	50	275, 0	5,50	0,7	0,014
50 бош учун	6000	100		5,30	1,9	0,019
100 бош учун	9000	150		4,50	1,9	0,013
150 бош учун	-	284,5	530, 0	1,1	1,2	0,009
Йилига 130 бош қорамолни бўрдоқига боқиш учун бино	1110	100,7	680, 0	0,75	0,12	0,002
Қорамоллар бузоқларини боқиш учун ферма (2 сигир, 46 бузоқ) Йилига 500 бош	-	574	136, 0	0,45	0,9	0,0018

чўчқани бўрдоқига боқиш бўйича ферма (210 бош-ўрин)			36,0			
			95,4			

Эксплуатация (фойдаланиш) харажатлари таркибига объектларни жорий таъмирлаш, электр энергияси, иситиш, сақлаш, жиҳозларга хизмат кўрсатиш (техник ходимлар иш ҳақи) ва бошқ. учун қилинадиган харажатлар киради. Улар ҳам янги қурилаётган ва мавжуд иморатлар ва иншоотлар қийматларидан (баҳоларидан) фоиз ҳисобида аниқланади. Умумлаштирилган ҳисоб-китоблар учун бу кўрсаткични 5 % тенг қилиб олиш мумкин.

Аҳоли яшаш жойлари ва ишлаб чиқариш марказларининг хўжалик ҳудудида жойлашган ўринларининг ва сонининг ўзгариши билан транспорт харажатлари ҳам ўзгаради. Улар ўз ичига ҳосил ва ем-хашакларни даладан қишлоқларга, ҳар хил юкларни қишлоқдан далаларга (уруғлик ва кўчатлар, органик ва маъданли ўғитлар ва бошқ.) олиб келиш, сотиладиган маҳсулотларни сотиш жойига олиб бориш, юкларни қишлоқлар орасида ташиш, одамларни иш жойларига олиб бориш ва олиб келиш харажатларини олади.

Ташиш харажатлари ташиш масофасига, юклар ҳажмига ва турларига, транспорт воситалари турларига боғлиқ. Юкларни ташишнинг қабул қилинган меъёрларини таҳлил қилиш натижасида юкларни ташиш харажатлари миқдорини аниқлаш имконини берадиган қуйидаги ифодалар олинди (7.4 жадвал).

Одамларни иш ўринларига олиб бориш ва орқага олиб қайтиш харажатлари (Z_p) қуйидаги ифода ёрдамида ҳисобланади:

$$Z_p = D \cdot n \cdot R \cdot \frac{2}{E} \cdot C_T$$

бунда D - дала ишлари давридаги барча ишларни бажариш учун меҳнат сарфи, одам-кун (13 илова);

n - бир кунда бир одамнинг қатновлари сони;

R - қатновларнинг ўртача масофаси, км;

E - бир машинада ташиладиган одамлар сони;

C_T - машинанинг 1 км юришининг баҳоси, сўм.

Масалан, хўжалик ҳайдалма ерлари майдони 3000 га бўлиб, 1 га ҳайдалма ерга сарфланадиган ўртача меҳнат сарфи

10 одам-кунга тенг бўлса $D=30$ минг одам-кун, бўлади, $R=6$, $n=2$, $E=20$, $C_T=0,15$ сўм бўлганда, ишчиларни ташиш харажатлари

$$30000 \cdot 2 \cdot 6 \cdot \frac{2}{20} \cdot 0,15 = 5400 \text{ сўмга тенг бўлади.}$$

7.4 жадвал

Юкларни ташиш қиймати (20 км гача бўлган масофалар учун), 1 т учун сўм

Транспорт турлари	Юклар класслари			
	I (дон, гўнг, илдиш мевалар)	II (полиэ, сабзавот, кў-катлар, пахта)	III (силос, сут автодис-терналарда)	IV (пичан, со-мон, босилган яшил ўтлар)
Автомобил транспорти (устма-уст босиб юкланадиган юк-лардан ташқари 5 т ортиқ оғир-ликка эга юклар)	0,22 + 0,07R	0,25 + 0,09R 0,31 + 0,17R	0,36 + 0,12R 0,41 + 0,24R	0,44 + 0,14R 0,50 + 0,28R
Тракторларда юк ташиш Юкини ўзи ағдаради-ган автомобилларда ташиладиган устма-уст босиладиган юклар				
7 т гача	0,07 + 0,08R	устма-уст босиладиган барча класслардаги юклар		
7 т оғир	0,06 + 0,08R	устма-уст босиладиган барча класслардаги юклар		

Ишлаб чиқариш бўлинмаларининг сони ўзгариши билан боғлиқ ҳолда умумишлаб чиқариш ва умумхўжалик харажатлари ҳам сезиларли даражада ўзгаради.

Улардаги энг кўп қисмини йиллик маъмурий-бошқарув, ёрдамчи ходимлар ва мутахассисларнинг меҳнат ҳақи фонди ташкил этади. Бу фонд штатлар жадвали, бандлар сони ва мансаб маошлари миқдоридан келиб чиқиб ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришни йириклаштириш ва ихтисослаштиришнинг ҳар хил даражаси маҳсулот таннархига ва меҳнат сарфига сезиларли таъсир этади. Ихтисослашган йирик бўлимларда ишлаб чиқаришни тўла механизациялаш, меҳнатни илмий асосда ташкил этиш, машина ва механизмлар мажмуини қўллаш, малакали кадрларни тайёрлаш ва бунинг ҳисобига меҳнат унумдорлигини ошириш имкониятлари бор. Маҳсулот турлари бўйича таннархлар фарқи (уларни ишлаб чиқариш ҳажмини ҳисобга олган ҳолда) яхши ечим бўйича ишлаб чиқариш харажатларининг тежалишини кўрсатади.

Сут ва чўчқачилик фермаларида ишлаб чиқаришнинг йириклаштирилиши натижасида ишлаб чиқариш харажатларининг камайишини В.Я. Заплетин томонидан таклиф этилган ифодалар ёрдамида тахминан аниқлаш мумкин. Демак, сутчилик фермалари учун 1 бош ҳисобига меҳнат сарфларининг баҳоси қуйидагига тенг:

$$a_K = 77 + \frac{2210}{P_K},$$

бунда P_K - сигирлар бош сони.

Чўчқачилик фермалари учун бу кўрсаткич:

$$a_C = 6,44 + \frac{20}{P_C} \text{ га тенг,}$$

бунда P_C - чўчқа гўшти етиштириш ҳажми, йилига минг ц.

Масалан, 100 бош сигирга мўлжалланган сут фермасининг умумий харажатлари

$$\left(77 + \frac{2210}{100}\right) \cdot 100 = 9910 \text{ сўмни, } 100 \text{ бошга мўлжалланган икки}$$

фермада эса - 19820 сўмни ташкил этади. 200 сигирга мўлжалланган сут фермасида харажатлар

$$\left(77 + \frac{2210}{200}\right) \cdot 200 = 17610 \text{ сўмга тенг бўлади, яъни, улар биринчи}$$

ечимга нисбатан 2210 сўмга кам.

Деҳқончилик тармоқларида йириклаштиришнинг самарадорлиги маҳсулотлар таннархларини табақалаш ва

экинларнинг жамланиш даражаси учун тузатишлар киритиш йўли билан ҳисобланиши мумкин:

$$C_n = C_o \cdot K_k$$

бунда C_n - бўлинмадаги таннарх (ишлаб чиқариш харажатлари);

C_o - хўжаликдаги таннарх;

K_k - ишлаб чиқариш бўлинмасида экинлар майдонларига боғлиқ ҳолда таннарх ўзгаришини тавсифловчи коэффициент.

Технологик карталарни таҳлил қилиш натижалари бўйича K_k нинг айрим экинлар бўйича қуйидаги қийматлари олинди (7.5 жадвал).

7.5 жадвал

Экинларни жамлаш даражасига боғлиқ ҳолда маҳсулот таннархининг ўзгариши коэффициенти ҳисоблаш учун ифодалар

Э к и н л а р	ҳисоблаш ифодалари
Кузги дон экинлари	$K_k = 0,93 + \frac{19,12}{P_c}$
Баҳорги дон экинлари ва донли дуккакдилар	$K_k = 0,86 + \frac{33,25}{P_c}$
Картошка, сабзавот	$K_k = 0,80 + \frac{42,23}{P_c}$
Қанд лавлагиси, илдиз мевалар	$K_k = 0,91 + \frac{23,11}{P_c}$
Маккажўхори	$K_k = 0,86 + \frac{33,47}{P_c}$
Кунгабоқар	$K_k = 0,96 + \frac{11,16}{P_c}$
Бир йиллик ўтлар	$K_k = 0,90 + \frac{17,53}{P_c}$
Кўп йиллик ўтлар	$K_k = 0,90 + \frac{20,72}{P_c}$

$\cdot P_c$ - экин эгаллаб турган майдон, га.

Деҳқончиликда тармоқларни йириклаштириш самарадорлиги бўйича ҳисоб-китоблар мисоли 7.6 жадвалда келтирилган. Ундан кўриниб турибдики, II ечимда қишлоқ хўжалик экинларини жамлаш ҳисобига деҳқончиликдаги умумий ишлаб чиқариш харажатлари $169,2 + 326,9 - 465,1 = 31$ минг сўмга камаяди.

Энди ишлаб чиқариш бўлимлари ва хўжалик марказларини жойлаштириш бўйича айрим намунавий ечимларни кўриб чиқамиз.

2. Янги қурилишни, аҳоли яшаш жойлари ва ишлаб чиқариш марказларини жойлаштиришни баҳолаш.

Хўжаликда ер тузиш лойиҳаси бўйича сигирлар бош сонини 800 гача етказиш, 2100 га ҳайдалма ва 300 га ем-хашак олинадиган ерларга эга бўлиш кўзда тутилган. Хўжаликда иккита аҳоли яшаш жойлари (аҳолиси 300 ва 400 одамга тенг) бор ва уларнинг ҳар бири ёнида 300 сигирга мўлжалланган сут фермалари жойлашган.

Лойиҳада 2 ечим кўзда тутилган. Биринчиси 800 ва 1300 га ҳайдалма ерга эга бўлган ва сут фермаларини 400 бош сигиргача кенгайтиришни кўзда тутган иккита ишлаб чиқариш бўлинмасини ташкил этишни кўзда тутди.

Иккинчисида фақат 800 сигирга мўлжалланган сут фермаси билан аҳоли яшаш жойини ривожлантириш кўзда тутилган.

Икки ечимда ҳам чорвачилик маҳсулотлари қиймати ва моллар бош сони тенг бўлганлиги сабабли, таҳлилда фақат капитал харажатлар (K) ва ишлаб чиқаришнинг йиллик харажатлари (C) ўзгаради. Баҳолаш мезони сифатида келтирилган харажатлар минимумидан фойдаланиш керак, яъни, $KE_m + C \rightarrow \min$ ($E = 0,07$ - капитал харажатлар самарадорлигининг коэффициенти).

Лойиҳанинг асосий иқтисодий кўрсаткичларининг ҳисобланиши 7.7 жадвалда кўрсатилган. Олинган маълумотлардан кўриниб турибдики, асос қилиб I ечимни қабул қилиш керак.

Дехқончилик тармоқларини йириклаштириш самарадорлигини ҳисоблаш.

Э к и н л а р	Экинларнинг парвариш-лаш учун меъёрий харажатлар, сўм	I ечим						II ечим		
		1 бўлим			2 бўлим			бирлаштирилган бўлим		
		Май-дони, га	Таннархнинг ўз-гариши ва коэффициент	Умумий ишлаб чиқариш харажатлари, сўм	Май-дони, га	Таннархнинг ўз-гариши ва коэффициент	Умумий ишлаб чиқариш харажатлари, сўм	Май-дони, га	Таннархнинг ўз-гариши ва коэффициент	Умумий ишлаб чиқариш харажатлари, сўм
Кузги дон экинлари	144	200	1,03	28840	300	0,99	41580	500	0,97	67900
Баҳорги дон экинлари ва донли	125	200	1,05	26250	300	0,99	37125	500	0,94	58750
Дуккакдилар	600	100	1,14	68400	100	1,14	68400	200	1,03	123600
Қанд лавлагиси	300	100	1,19	35700	100	1,19	35700	200	1,03	61800
Маккажўхори	50	200	1,0	10000	200	1,0	10000	400	0,95	19000
Кўп йиллик ўтлар	90	-	-	-	100	1,08	9720	100	1,08	9720
Бир йиллик	250	-	-	-	100	1,07	26750	100	1,07	26750

ўтлар Кунгабоқар Картошка	800	-	-	-	100	1,22	97600	100	1,22	97600
Жами:	-	800		169190	1300		326875	2100		465120

7.7 жадвал

**Ишлаб чиқариш бўлимлари ва хўжалик марказларини
жойлаштиришни иқтисодий асослаш, минг сўм**

К ў р с а т к и ч л а р	I ечим			II ечим
	I ишлаб чиқа-риш бўлими	II ишлаб чиқариш бўлими	ҳам- маси	Деҳқон- чилик цехи
Капитал харажатлар				
Янги қурилиш ва қиш-лоқларни ободонлашти-риш учун харажатлар ($A_o = 408,32 + 7,481N$)	2652,6	3544,7	6197,3	5645,0
Аҳоли яшаш жойлари-даги сақлаб қолинади-ган иморатлар қиймати	1400,1	3310,0	4710,1	3310,0
400 бошга мўлжаллан-ган чорвачилик ферма- сини қуриш баҳоси ($372,6 + 2,66P$)	1436,1	1436,1	2873,2	2500,6
Ишлаб чиқариш имо-ратларининг сақлаб қо-линадиган қиймати	434,2	953,1	1387,3	953,1
Уй-жой ва ишлаб чиқа-риш қурилишига қў- шимча капитал харажатлар	2254,9	718,2	2973,1	3881,9
Ишлаб чиқаришнинг йиллик харажатлари				
Аҳоли яшаш жойлари тагидаги майдонни ҳисоблаш, га ($S_1 = 4,9 + 1,24 \frac{N}{C} S$)	18,2	23,5	42,3	37,4
Ишлаб чиқариш мар-казлари тагидаги май-донни ҳисоблаш, га ($S_2 = 0,38 + 0,008P_1$)	3,6	3,6	7,2	6,8
Мавжуд аҳоли яшаш				

жойлари ва ишлаб чи- қариш марказлари эгал-				
---	--	--	--	--

7.7 жаdвалнинг давоми

лаб турган майдон, га	20,1	24,0	44,1	24,0
Қўшимча қурилишлар учун ажратиладиган ерлардан	0,8	1,1	1,9	7,1
олинмайдиган соф даромад ($0,35\Delta S$)	67,6	21,5	89,1	116,5
Амортизация ажратмаси (3%)	112,7	35,9	148,6	194,1
Фойдаланиш (эксплуата-ция)	5,2	6,9	12,1	13,4
харажатлари (5%)	1,1	1,5	2,6	3,0
Транспорт харажатлари: юкларни ташиш учун	16,0	18,0	34,0	20,0
ишчиларни ташиш учун				
Маъмурий-бошқарув ходимларининг йиллик иш ҳақи	44,8	52,1	96,9	63,8
фонди	33,0	33,0	66,0	63,8
Ишлаб чиқариш йириклаштириш	11,8	19,1	30,9	-
дара-жасининг	248,2	132,0	385,2	417,9
пасайиши ҳи-собиға	-	-	593,3	689,6
соф даромаднинг камаиши - ҳаммаси				
шу жумладан: чорвачиликда ($2210 + 77P_k$)				
деҳқончиликда				
Жами йиллик харажатлар				
Келтирилган харажатлар				

Янги хўжаликлар ташкил қилинганда, бир ёки икки
жойда уй-жой ва ишлаб чиқариш қурилишлари

масаласини ечишда, уй-жой ва ишлаб чиқариш фондлари бўлмаганда бошқа иқтисодий вазият юзага келади (7.8 жадвал). Бу вазиятда ишлаб чиқаришни йириклаштириш ҳисобига капитал харажатларнинг ва ишлаб чиқаришнинг йиллик харажатларининг нисбий кам миқдорини таъминловчи II ечим яхши ҳисобланади.

7.8 жадвал

**Янги уй-жой ва ишлаб чиқариш қурилишлари
ечимларини
иқтисодий асослаш, минг сўм**

К ў р с а т к и ч л а р	I ечим			II ечим
	I ишлаб чиқариш бўлими	II ишлаб чиқариш бўлими	ҳам-маси	Деҳқон-чилик цехи
Капитал харажатларга талаб -ҳаммаси	4089,2	4981,3	9070,5	8145,6
Шу жумладан:				
Уй-жой қурилиш учун	26,52	3544,7	6197,3	5645,0
Ишлаб чиқариш қурилиши учун	1436,6	1436,6	2873,2	2500,6
Ишлаб чиқаришнинг йиллик харажатлари-ҳаммаси	369,9	454,9	824,8	703,6
Шу жумладан:				
хўжалик марказлари	7,8	9,5	17,3	15,5
майдони-дан	122,7	149,5	272,1	244,4
олинмайдиган соф даромад				
амортизация ажратмаси	204,5	249,1	453,6	407,3
фойдаланиш (эксплуатация)	5,2	6,9	12,1	13,4
харажатлари	1,1	1,5	2,6	3,0
транспорт харажатлари	16,0	18,0	34,0	20,0
юкларни ташиш учун				
ишчиларни ташиш учун				
иш ҳақи фонди	12,6	20,5	33,1	-
ишлаб чиқаришни	-	-	1459,7	1273,8
йириклаш-тириш				
даражаси пасайиши ҳи-собиға соф даромад				

камаиши				
Келтирилган харажатлар				

Юқорида кўрсатилганидек, иккала ечимда ҳам моллар бош сони ва тупроқлар сифати бир хил, шунинг учун уларни солиштиришда қўшимча маҳсулот қиймати ҳисобга олинмайди. Шунга қарамасдан ер тузиш йилидаги моллар бош сонидан лойиҳадагиси кескин ўзгариши мумкин. Шу сабабли лойиҳани ишлашда пул маблағларни қаерга йўналтириш (фермаларни техник қайта қуrolлантиришга, такомиллаштиришга, қайта жиҳозлашга ёки янгидан қуришга), чорвачиликнинг қандай маҳсулдорлигига эришиш кераклиги ва ш.ў. масалалар келиб чиқади. Буларнинг ҳаммаси юқорида келтирилган кўрсаткичларни ер тузиш ечимларининг самарадорлигини баҳолаш ва хўжаликка улар бўйича тавсиялар бериш имкониятини берадиган кўрсаткичлар билан тўлдиришни талаб этади.

3. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш, такомиллаштириш ва техник қайта қуrolлантириш учун капитал харажатлар самарадорлигини баҳолаш.

Хўжаликда капитал маблағлардан фойдаланишнинг учта йўли бор:

ишлаб чиқаришни фермадаги моллар бош сонини кўпайтирмасдан эски жиҳозларни алмаштириш асосида замонавийлаштириш, бу эса маҳсулот таннархининг пасайишига олиб келади;

моллар бош сонини хўжаликнинг имкониятлари ҳисобига аста-секин тўлатиб бориб, бир вақтнинг ўзида моллар бош сонининг ўсиши ва ишлаб чиқариш харажатларининг камаиши шароитида фермаларда ишлаб чиқаришни кенгайтириш, такомиллаштириш ва техник қайта қуrolлантириш;

янги фермаларни қуриш ва моллар бош сонини наслчилик хўжаликларидан маҳсулдор молларни сотиб олиш ҳисобига тўлдириш.

Агар маҳсулот сифатининг яхшиланишини ҳисобга олмасак (сутнинг ёғлилик даражасининг кўтарилиши, жуннинг сифати ва ш.ў.), ер тузиш самарадорлигини 7.9 жадвалда кўрсатилган усул билан аниқлаш мумкин. Ер тузиш нуқтаи назаридан ҳар қандай ечим бошқасига ўзгариши мумкин (фермаларнинг ҳар хил жойлашиши, ишлаб чиқариш бўлимлари сони, ем-хашак базасини ташкил этиш билан).

ҳисоб-китоблар кўрсатадики, берилган шароитларда мустақил бригадаларни ташкил этиш ва унчалик катта бўлмаган 200 бош молга мўлжалланган фермани қуришни кўзда тутган лойиҳанинг III ечими устиворликка эга.

7.9 жадвал

**Капитал харажатларнинг мутлоқ самарадорлиги
кўрсаткичларини ҳисоблаш**

К ў р с а т к и ч л а р	Ер тузиш йилиг а	Лойиҳа бўйича		
		Замона- вийлаш- тириш	Кенгайти- риш ва такомил- лаштириш	Янги қурили- ш
Трактор-далачилик (ем-хашак етиштирувчи) бригадалари сони	1	1	1	2
Лойиҳавий даврдаги сигирлар бош сони	400	400	500	400 + 200
Қурилиш учун нисбий капитал харажатлар, 1 бошга сўм*	-	1077	1362	3281
Қурилиш ва тақомиллаштириш учун харажатлар (техника ва жиҳозлар баҳосини қўшиб), минг сўм	-	430,8	681,0	656,2
Подани яратиш учун харажат-лар, минг сўм (1 бошга 840 сўм)	-	-	-	168,0
Жами йиллик харажатлар, минг сўм	-	430,8	681,0	824,2
Йиллик ўртача 1 сигирдан олинадиган сут, кг	4000	4000	4000	4000
Сигирларнинг ўртача	400	400	450	600
	480,0	480,0	540,0	720

Йиллик бош сони	144,0	144,0	162,0	216,0
Сут сотиш ҳажми, йилига минг сўм (1 ц 30 сўм)	972	778	778	972/639
Гўшт сотиш ҳажми, минг сўм (100 кг сутга 3 кг)	388,8	311,2	350,1	516,6
Ишлаб чиқариш харажатлари, 1 бошга минг сўм	235,2	312,8	351,9	419,4
Умумий ишлаб чиқариш хара-жатлари, минг сўм	-	77,6	116,7	184,2
Соф даромад, минг сўм	-	0,18	0,17	0,21
Соф даромаднинг ўсиши, минг сўм	-	-	-	-
Капитал харажатлар самарадорлиги коэффиценти	-	-	-	-
Гўнг чиқишининг кўпайиши, т	-	-	-	-

7.9 жадвалнинг давоми

(1 сигирга 9 т)				
Органик ўғитлари бериш ҳисобига олинадиган қўшимча деҳқончилик маҳсулотлари баҳоси, минг сўм (1 т гўнг учун 7 сўм)	-	-	450	1800
	-	-	3,2	12,6

* ҳисоблаш учун ушбу ифодадан фойдаланилади $(2,66 + \frac{372,6}{P}) \cdot K$, ечимлар бўйича $K_1 = 0,3$; $K_2 = 0,4$; $K_3 = 1$.

Бу вазиятда капитал харажатлар самарадорлиги коэффиценти 0,21 га тенг. Бу ечимнинг устунлигини 7.10 жадвал маълумотлари ҳам кўрсатиб турибди.

7.10 жадвал

**Капитал харажатларнинг нисбий самарадорлиги
кўрсаткичларини ҳисоблаш, минг сўм**

К ў р с а т к и ч л а р	Ер тузи- ш йилиг а	Лойиҳа бўйича		
		Замона- вийлаш- тириш	Кенгайти- риш ва такомил- лаштириш	Янги қури- лиш
Бир марта қилинадиган харажатлар	-	430,8	681,0	824,2
Ишлаб чиқаришнинг йиллик харажатлари -	21,4	55,8	78,1	94,8

ҳаммаси				
Шу жумладан:				
Янги қурилишлар	-	-	0,7	0,7
эгаллайдиган	-	12,9	20,4	24,7
майдонлардан				
йўқотиладиган соф	-	21,5	34,1	41,2
даромад	8,7	8,7	9,2	10,1
Амортизация ажратмаси				
Фойдаланиш	12,0	12,0	13,2	18,1
(эксплуатация)				
харажатлари				
Транспорт харажатлари	0,7	0,7	0,5	-
Маъмурий-бошқарув	-	34,4	56,7	73,4
ходимла-рининг иш ҳақи				
фонди				
Ишлаб чиқаришни				
йириклаш-тириш				
даражаси пасайиши ҳи-				
собиға соф даромад				
камаиши Йиллик ишлаб				
чиқариш харажатларининг				
кўпайиши				
<i>7.10 жагвалнинг давому</i>				
Моллар бош сонининг				
ўсиши, маҳсулот	-	77,6	116,7	184,2
таннархининг камаиши	-	64,6	104,4	131,1
ҳисобиға соф даромаднинг				
ўсиши	-	1,20	1,12	1,41
Келтирилган харажатлар				
Келтирилган				
харажатларнинг 1 сўми				
ҳисобиға соф даромаднинг				
ўсиши				

Агар ечимлар бўйича ишлаб чиқариш марказларини жойлаштиришда моллар бош сони ўзгарадиган бўлса, ҳамда натижада, маҳсулот қиймати ҳам ўзгарса, яхши ечимни танлаш мезони келтирилган харажатларнинг 1 сўми ҳисобиға соф даромаднинг максимал ўсиши бўлади. Сўзсиз, у ёки бу ечимни танлаш ҳўжалиқда мавжуд пул-моддий воситалар ва бошқа ресурсларга боғлиқ бўлади. Шунинг учун олдиниға мавжуд ресурсларни ҳисобға олган ҳолда ҳўжалик тармоқларининг оптимал таркибини

топиш масаласи ечилади, кейин эса ишлаб чиқариш бўлимлари ва ҳўжалик марказларини жойлаштиришнинг ечимлари ишланади.

§ 2. Асосий (магистрал) йўллари жойлаштириш

Қўшимча капитал харажатларни талаб этадиган йўл тармоқларини жойлаштириш ечимларининг иқтисодий таҳлили йўл ва йўл иншоотларини жойлаштириш ва қуришнинг кўзда тутилган чизмаси техник нуқтаи назардан асосланиб бўлингандан кейин амалға оширилади. Улар ўзларининг ўлчамлари бўйича транспорт воситалари ҳаракати жадаллиги ва кутилаётган юк айланишиға мос бўлиши керак. Хўжаликларда ички ер тузиш лойиҳаларида, асосан, йўллари жойлаштиришни иқтисодий асослашнинг умумлаштирилган ҳисоб-китоблари қилинади. Бу жойлаштириш ҳар хил ишлаб чиқариш жараёнларига ва ҳўжалик ҳудудини ташкил этишға таъсир этади. Аниқроқ асослаш ишчи лойиҳаларда смета-молия ҳужжатларини тайёрлаш вақтида бажарилади.

Йўллари лойиҳалашда қуйидаги иқтисодий кўрсаткичлар ҳисобға олинади:

йўл ва йўл иншоотларини қуриш учун капитал харажатлар;

ишлаб чиқаришнинг йиллик харажатлари ва йўллари қуриш, фойдаланиш, ишлаб чиқаришға хизмат кўрсатиш шароитларининг ўзгариши билан боғлиқ зарарлар;

капитал харажатларнинг иқтисодий самарадорлиги коэффиценти (қопланиш даври).

Одатда капитал харажатларнинг мутлоқ самарадорлиги коэффиценти катта бўлган ечим қабул қилинади. Бу коэффицент маълум меъёрий даражадан ҳам катта бўлиши керак:

$$E_a = \frac{C_x - C_a}{K} \rightarrow \max, E_a \geq E_m,$$

бунда E_a ва E_m - капитал харажатларнинг

ҳисобланган мутлоқ ва меъёрий
самарадорликлари коэффицентлари;

C_x ва C_l - лойиҳалашгача ва лойиҳа бўйича

ишлаб

чиқаришнинг йиллик харажатлари ва йўлларни
қуриш, улардан фойдаланиш, ишлаб чиқаришга
хизмат кўрсатиш шароитларининг ўзгариши
натижасида кўриладиган зарар;

Капитал
К - йўл ва йўл иншоотларини қуриш учун
харажатлар.

Агар E_a қиймати меъёрий қопланиш муддатидан
катта бўлса (транспорт ва алоқа тармоқлари учун у 0,05
га тенг), ички йўлларни қуриш учун сарфланадиган
капитал харажатлар самарали ҳисобланади ва хўжалик
ҳудудида уларни жойлаштиришнинг бу ечими кўриб
чиқиш учун қабул қилинади.

Ҳар бир ечим бўйича капитал харажатлар
миқдорини ҳисоблаш учун йўлларнинг узунлигини,
техник тоифаларини ва 1 км узунлигининг йўллар
қопламаси конструкцияси турларига боғлиқ бўлган
нисбий капитал харажатларини билиш керак.
Кўрсатилган қийматларни бир-бирига кўпайтириб,
йўлларнинг умумий қурилиш баҳоси аниқланади. Унга
йўл иншоотларини қуриш (кўприклар, ўтиш жойлари, сув
қочирадиган ва сув ўтказадиган иншоотлар ва бошқ.)
харажатлари қўшилади. Шу йўсинда йўлларни ва йўл
иншоотларини такомиллаштириш учун харажатлар ҳам
ҳисобланади. Ишлаб чиқаришнинг йиллик харажатлари
ва зарарлари қиймати (С) қуйидаги ифода ёрдамида
аниқланади:

$$C = C_1 + C_2 + C_3 + C_4 + C_5,$$

бунда C_1 - йўл ва йўл иншоотларининг қурилиш
баҳосидан
амортизация ажратмаси;

C_2 - уларни сақлаш ва таъмирлаш учун йиллик
харажатлар (эксплуатация харажатлари);

C_3 - юкларни ташиш харажатлари;

C_4 - йўлларни қуриш учун олинадиган қишлоқ
хўжалиги ерларидан олинмайдиган маҳсулот (соф
даромад);

C_5 - йўл йўқлиги натижасида маҳсулот
исрофгарчилиги тупроқларнинг жипслашиши,
ўсимликларнинг топталиши, маҳсулотларнинг
табiiй ташишдаги бузилиши ва ш. ў. келтириб
чиқарадиган).

Амортизация ажратмаси ва йиллик фойдаланиш
(эксплуатация) харажатлари капитал харажатлар
миқдорига ва йўлларнинг техник тавсифига боғлиқ
бўлади. Хўжаликларда ички ер тузиш лойиҳаларида
йўллар ва йўл иншоотларини қуриш, улардан
фойдаланиш ва уларни такомиллаштириш билан боғлиқ
капитал ва ишлаб чиқаришнинг йиллик
харажатларининг нисбий меъёрларидан фойдаланиш
мумкин (Волков С.Н. Экономическая эффективность
внутрихозяйственного землеустройства. Учебн. пособие.
- М.: МИИЗ, 1990. С 52-53). Яхшиланган қопламалар
учун юкларни ташиш харажатлари

$$C_3 = (0,22 + 0,04 R) W,$$

$$\text{ўрта қопламалар учун} \quad C_3 = (0,22 + 0,07 R) W,$$

$$\text{ёмон қопламалар учун} \quad C_3 = (0,22 + 0,10 R) W \text{ га}$$

тенг

бунда, W - ташиладиган юкларнинг I класга ўтказиб
ҳисобланган

ҳажми, т;

R - юкларни ташиш масофаси, км.

Маҳсулотларни автомобил транспорти билан
ташишнинг умумий тарифлари асосида олинган юкларни
I класга ўтказиш коэффицентлари II клас учун 1,24; III -
1,66; IV - 2 га тенг қилиб қабул қилиниши мумкин.

Йўлларни қуриш учун олинадиган қишлоқ хўжалик
ерларидан маҳсулот олинмаслиги натижасида
кўриладиган зарар (C_4) йўл учун ажратиладиган ер
полосаси кенлиги ва узунлигига боғлиқ. Йўл тагидаги
майдонни ва 1 га ердан олинадиган ялпи маҳсулотни (ер
турлари, экин майдонлари таркиби, маҳсулотни сотиш

баҳоси ва унумдорликка боғлиқ) билган ҳолда, C_4 нинг қатъий қиймати аниқланади.

Худди шундай усул билан йўллар эгаллаб турган майдондан олинмайдиган соф даромад миқдори ҳам аниқланади. Бундай соф даромад ялпи маҳсулот ва қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш учун сарфланадиган ўртача ишлаб чиқариш харажатлари орасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Йўлсизлик натижасида маҳсулотлар исрофгарчилигини (C_5) қуйидаги асосий элементларга бўлиш мумкин:

маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайишига олиб келувчи, дала йўллари атрофидаги машиналар юриб, босиб ташланган ер участкаларида экинларнинг пайҳон бўлиши натижасида ҳосилдор ерлар майдонларининг камайиши (P_1);

дала йўлларида туташ ерларнинг экинларни чанг босиши натижасида унумдорлиги пасайиши (P_2);

йўллар йўқлиги ёки уларнинг камлигидан қишлоқ хўжалик техникаси ва транспорт воситаларининг далалар бўйлаб қатновлари натижасида келиб чиқадиган тупроқларнинг жипслашуви сабабли ҳайдалма ерлар унумдорлигининг пасайиши (P_3);

ишлаб чиқариш технологиясининг бузилиши, дала ишларининг вақтида бажарилмаслиги, маҳсулотнинг ўз вақтида олиб кетилмаслиги, маҳсулотларни ташишдаги исрофгарчиликларнинг ўсиши ва маҳсулот сифатининг пасайиши сабабли маҳсулот таннархининг ўсиши (P_4);

Ёғингарчилик даврида транспорт воситалари далалар чеккасидаги ўйдим-чуқур бўлиб қолган жойларни айланиб ўтишда экинларни босиб ўтиши аниқланган. Бунда экинларнинг пайҳон этилган полосасининг ўртача кенлиги 4,5 м, айрим участкаларда эса - 20 м ва ундан ҳам каттароқ бўлади (Дороги местного значения / Под. ред. Г.А.Кузнецова. - М.: Агропромиздат, 1986. С. 190-191). Агар бу полосада олинадиган маҳсулотларнинг 30 % йўқотиладиган бўлса, қопламасиз дала йўлининг 1 км ҳисобига маҳсулотнинг камайиши

$$0,3W \frac{4,5 \cdot 1000}{10000} = 0,135W \text{ га тенг бўлади}$$

бунда W - қиймат кўринишида маҳсулотнинг чиқиши (соф

даромаднинг), 1 га сўм.

Экинларнинг зарарланиши сабабли маҳсулотнинг умумий камайиши қуйидагига тенг бўлади:

$$P_1 = 0,135WL,$$

бунда L - қопланмаган дала йўллари узунлиги, км.


7.11 жадвал

Тупроқлар жипслашишини камайтириш натижасида олинадиган қўшимча фойда, 1 га сўм

Дала бўйлаб ҳаракатларнинг ўртача масофасини қисқар-тириш (хизмат кўрсатиш минтақаси радиусини камайтириш), км	ҳосилдорлик, 1 га озуқа бирлиги				
	100 0	200 0	3000	4000	5000
0,1	0,02	0,08	0,26	0,58	1,08
0,2	0,03	0,16	0,51	1,15	2,17
0,3	0,04	0,24	0,76	1,72	3,26
0,4	0,06	0,33	1,01	2,29	4,35
0,5	0,07	0,41	1,26	2,86	5,44
0,6	0,08	0,49	1,52	3,44	6,52
0,7	0,09	0,57	1,77	4,01	7,62
0,8	0,10	0,65	2,02	4,58	8,72
0,9	0,11	0,73	2,27	5,15	9,82
1,0	0,12	0,81	2,52	5,72	10,92

Ёзда қуруқ об-ҳавода дала йўллари ёнида жойлашган экинзорларда чанг қоплаган полоса пайдо бўлиб, унинг кенлиги 200-250 метргача боради. Уларда дон экинларининг ҳосилдорлиги 5-30% пасаяди. Маҳсулотнинг ўртача камайишини 17,5 %, чанг билан қопланадиган полоса кенлигини 225 м деб олиб, чанг босиш натижасида маҳсулотнинг (соф даромаднинг) умумий камайишини аниқлаймиз.

$$P_2 = 0,175W \frac{225 \cdot 1000}{10000} L = 3,938WL$$



6 чизма. Йўл тармокларини жойлаштириш чизмаси

а - ер тузиш йилига;

б - ер тузиш лойиҳаси бўйича, I ечим;

в - шунинг ўзи II ечим

Π_1 ва Π_2 лар қийматларини бир-бирига қўшсак

$\Pi_{1,2} = \Pi_1 + \Pi_2 = 0,135 \text{ WL} + 3,938 \text{ WL} = 4,073 \text{ W L}$
бўлади.

Йўлсизлик сабабли тупроқларнинг жипслашиши натижасида ҳайдалма ерлар унумдорлигининг пасайишини М.Э.Каинг маълумотлари бўйича аниқлаш мумкин (7.11 жадвал).

Умумлаштирилган ҳисоб-китобларни бажаришда далалар бўйлаб қатновларнинг ўртача масофасининг қисқаришини ечимлар бўйича далаларнинг ўртача шартли энлари орасидаги фарқ сифатида аниқлаш мумкин.

Ишлаб чиқариш технологиясининг бузилиши, дала ишларининг ва маҳсулотларни олиб кетишнинг ўз вақтида бажарилмаслиги, деҳқончиликда меҳнатни ташкил этиш шароитининг ёмонлашиши (Π_4) натижасида маҳсулот таннарининг жами ўсишини А.К.Славицкий томонидан таклиф этилган хўжаликдаги ички йўллارни қуриш самарадорлиги кўрсаткичига тенг қилиб қабул қилиш мумкин. Ортиқча намланган минтақалар учун у 16-20 % (ўртача 18%), анча намланган - 12 - 16 (19), кам намланган 8 -12% (ўртача 10%) тенг (Указания по инвентаризации и паспортизации внутрихозяйственных дорог и разработке схем их развития в колхозах, совхозах и других сельскохозяйственных предприятиях Нечерноземной зоны РСФСР. - М.: МСХ РСФСР, 1981. С. 14).

Аниқ мисолни кўриб чиқамиз. Ортиқча намланадиган минтақада жойлашган хўжаликда йўлсизлик ва қопланмаган дала йўллариининг сифати ёмонлиги сабабли дала ишларини олиб бориш (айниқса қор-ёмғир ва кучли жала қуйиб турган даврларда), юklarни ташиш оғирлашади. Хўжаликда ички ер тузиш лойиҳасини тузишда хўжаликдаги ички йўллار тармоғини ривожлатиришнинг икки ечими ишланди: (7.12 жадвал, 6 - чизма).

Уларнинг биринчисида 4,3 км узунликдаги хўжалик марказини қишлоқ хўжалик маҳсулотларини топшириш жойлари ва сут фермалари билан боғловчи асфалт-бетон қопламали магистрал йўллари ҳамда ҳайдалма ерлар ва ем-хашак олинадиган ерларга хизмат қилиш учун 7 км

кўтарилган ва шағал билан мустаҳкамланган тупроқ йўлларни қуриш кўзда тутилган. Яна дарё устида темир-бетон кўприк қуриш ҳам кўзда тутилган.

Иккинчи ечим бўйича хўжалиқдаги ички йўллар тармоғини жойлаштириш чизмаси ўзгаради. 6 км асфальт-бетон ва 5,4 км шағал билан мустаҳкамланган тупроқ йўллари қуриш кўзда тутилган.

Ер тузиш йилига ва лойиҳа бўйича йўлларнинг жойлашиши ва техник ҳолати тавсифи 7.12 жадвалда кўрсатилган

7.12 жадвал

Йўл тармоғини жойлаштиришнинг техник тавсифи

Йўллар	Узунли- ги, км	Таши- лади- ган юк- лар, т	Бир кеча- кундузда ав- томобилла р ҳаракати жадаллиги	Тои- фаси	Ер қў- тарма- си кенг- лиги, м	Юри- ш қисм и кенг- лиги, м	Ажрати- ладига ер по- лосаси, м
Ер тузишгача							
Кўтарилм а-ган тупроқ йўллар	13,0	12600	100 дан кам	хўжа - ликда ички III-с	8	3,5	12
I ечим							
Кўтарилган , қўшимчала р билан мус- таҳкамлан- ган тупроқ йўллар							
асфальт- бе-тон	7,0	3600	100-200	-//-	8	3,5	12
магист-рал йўллар	4,3	9000	200-1000	I-с	10	6	19
Жами	11,3	12600	-	-	-	-	-
II ечим							
Кўтарилган ,							

қўшимчала р билан мус- таҳкамлан- ган тупроқ йўллар	5,4	3000	100-200	III-с	8	3,5	12
асфальт- бе-тон	6,0 11,4	9600 12600	200-1000 -	I-с -	10 -	6 -	19 -
магист-рал йўллар Жами							

Иккала ечимнинг иқтисодий кўрсаткичларини ҳисоблаш учун 7.13 жадвалда келтирилган меъёрлардан фойдаланилади.

7.13 жадвал

Йўлларни жойлаштиришни иқтисодий асослаш учун бошланғич маълумотлар ва меъёрлар

Кўрсаткичлар	Ер тузиш йилига	Ечимлар	
		I	II
Йўллар тагидаги майдон- ҳаммаси	15,6	16,6	17,9
Шу жумладан:			
дала йўллари	15,6	8,4	6,5
магистрал йўллар	-	8,2	11,4
Йўл иншоотлари	-	15 м кўприк (темир- бетон)	-
Қурилиш учун нисбий капитал харажатлар, минг сўм			
1 км кўтарилган, қўшимчалар билан	-		25,17
мустаҳкамланган дала	-	25,17	124,37
тупроқ йўллари	-	124,37	
1 км хўжалиқдаги ички асосий (магистрал) асфальт- бетон йўлларни	-	1,0	-
1 м темир-бетон кўприкни			
Қурилиш баҳосидан %	9,0		9,0
ҳисобида амортизация	-	9,0	4,4
меъёри:	-	4,4	-
дала йўллари		1,3	
асфальт-бетон йўллари			
темир-бетон кўприклар			

Йиллик фойдаланиш (эксплуатация)	0,8	-	-
харажатлари, 1 км йўлга минг сўм:	-	-	0,7
дала йўллари	-	0,7	1,15
кўтариш, қўшимчалар билан мустаҳкамлашган	0,35	1,15	0,35
дала йўллари асфальт-бетон йўллари	2,5	0,35	2,5
1га ҳайдалма ердан соф даромад, минг сўм	0,7	2,5	0,7
Хўжалик ҳудудида юкларни та-шишнинг ўртача масофаси, км		0,5	
Дала бўйлаб ҳаракатларнинг ўртача масофаси, км			

I ечим бўйича йўллари қуришга сарфланадиган капитал харажатлар миқдори: қўшимчалар билан мустаҳкамланган тупроқ йўллари бўйича

$$K_1 = 25,17 \cdot 7 = 176,19 \text{ минг сўмга тенг}$$

асфальт-бетон йўллари бўйича $K_2 = 124,37 \cdot 4,3 = 534,79$ минг сўмга тенг.

Темир-бетон кўприк қуришни ҳисобга олсак ҳаммаси бўлиб 725,98 минг сўм (176,19 + 534,79 + 15,0) капитал маблағ талаб этилади. Шу усулда II ечим бўйича ҳам ҳисоб-китоблар қилинади.

Ер тузиш йилига, йўллари қуриш ва фойдаланиш билан боғлиқ йиллик ишлаб чиқариш харажатлари қандай ҳисобланишини кўриб чиқамиз.

Дала йўллариининг бошланғич баҳоси уларнинг узунлиги 13 км ва 1 км қуриш харажати 10 минг сўм бўлганда 130 минг сўмга тенг бўлади.

Амортизация сарфлари меъёрини 9 % ва 1км йўлдан фойдаланиш билан боғлиқ сарфларни 0,8 минг сўм деб қабул қилсак, қуйидагиларга эга бўламиз:

$$C_1 = 13000 \cdot 0,09 = 11700 \text{ сўм (амортизация);}$$

$$C_2 = 800 \cdot 13 = 10400 \text{ сўм (фойдаланиш сарфлари).}$$

12600 т (I классга ўтказилган) юк айланишида ва ташишнинг ўртача масофаси 2,5 км бўлганда транспорт харажатлари қуйидагидек бўлади:

$$C_3 = (0,22 + 0,1 \cdot 2,5) \cdot 12600 = 5922 \text{ сўм}$$

Йўллари тагидаги 15,6 га майдондан олинмайдиган соф даромад (зарар)

$$C_4 = 350 \cdot 15,6 = 5460 \text{ сўмга тенг бўлади.}$$

Шуни эсдан чиқармаслик керакки, ечимларни бир-бирлари билан солиштириш учун қабул қилинган асосий натижавий кўрсаткичлар (экинлар ҳосилдорлиги, юк айланиши, 1 га ер турларидан олинадиган соф даромад ва бошқ.) ва ер тузиш йилидаги кўрсаткичлар бир хил бўлиши керак. Бу ишлаб чиқаришни интенсификациялаш таъсирини ажратган ҳолда, фақат йўл тармоғини жойлаштиришнинг самарасини аниқлаш имконини беради.

Кейин йўлсизликдан кўриладиган зарар ҳисобланади, шу жумладан:

экинларнинг пайхон бўлиши ва чанг билан қопланишидан кўриладиган зарар

$$P_{1,2} = 4,073WL = 4,073 \cdot 350 \cdot 13 = 18532 \text{ сўм;}$$

Тупроқларнинг жипслашиши сабабли ҳайдалма ерлар унумдорлигининг пасайиши (P_3), ҳосилдорлик 1 га дан 4000 озуқа бирлигига тенг ва автомобиллар ва бошқа техникаларнинг далалар бўйлаб ҳара-катининг ўртача масофасининг қисқариши 0,2 км бўлса, 7.11 жадвалга асосан ҳайдалма ерлар майдони 907 га бўлгани учун $1,15 \cdot 907 = 1043$ сўмга тенг бўлади;

йўлсизлик сабабли маҳсулот таннархининг ўсиши (P_4), ўртача ишлаб чиқариш харажатлари 1 га 300 сўмга тенг ва хизмат кўрсатиладиган ер массивининг майдони 1300 га бўлганда $0,18 \cdot 300 \cdot 1300 = 70200$ сўмга тенг бўлади.

Натижада жами кўриладиган зарарлар миқдори $18532 + 1043 + 70200 = 89775$ сўмга тенг бўлади.

Йўллари жойлаштиришни иқтисодий баҳолашнинг кўрсаткичлари 7.14 жадвалда келтирилган.

Олинган маълумотларга асосан I ечимни қабул қилишда

$$E_a = \frac{123257 - 60200}{725980} = 0,087 \geq 0,05$$

Агар II ечим қабул қилинса, изланаётган коэффицент

$$E_a = \frac{123257 - 67312}{882140} = 0,063 \geq 0,05$$

Хўжаликдаги ички йўллари қуришнинг яхши ечимини танлаш учун келтирилган харажатлар миқдорини ҳисоблаш керак:

$$60200 + 0,05 \cdot 725980 = 96499 \text{ сўм (I ечим)}$$

$$67312 + 0,05 \cdot 882140 = 111419 \text{ сўм (II ечим)}$$

I ечимда келтирилган харажатлар кам бўлганлиги учун у лойиҳалашга асос қилиб қабул қилинади.

§ 3. Ерларни қишлоқ хўжалиги учун ўзлаштириш, трансформациялаш ва яхшилашни иқтисодий баҳолаш

Ер турлари таркибини ва майдонларини оптималлаш, экологик ўзгармайдиган ва турғун агроландшафт яратиш, ерларни маданийлаш-тириш бўйича тадбирларни, маданий техник, сугориш, зах қочириш ишларини ўтказишни кўзда тутиладиган ишлар ерларни трансформациялаш ва яхшилаш йўли билан амалга оширилади.

Ер тузишни лойиҳалаш жараёнида ерларни трансформациялаш ва яхшилаш учун ўзининг табиий шароити бўйича яроқли объектларнинг орасидан энг кўп самара берадиганини танлаб олиш керак. Бунда, бироқ, табиатни муҳофаза қилиш ва экологик талабларга тўла риоя қилиш ва қишлоқ хўжалигида фойдаланишга улардан фойдаланиш атроф муҳит ўзгаришига олиб келадиган ерларни киритмаслик керак.

Юқорида санаб ўтилган тадбирларни иқтисодий асослаш капитал харажатлар самарадорлигини баҳолашни кўзда тутуди, сабаби, мелио-ратив ва маданий-техник ишларни амалга ошириш анча капитал (бир марта сарфланадиган) харажатларни талаб қилади. Лойиҳалашнинг бу босқичида ерга асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида қаралади, шунинг учун ҳам самара ялпи маҳсулот ҳажмининг кўпайиши ва соф даромаднинг ўсиши билан аниқланади. Ерларни трансформациялаш ва

яхшилашнинг яхши ечимини танлаш имконини берадиган умумий кўрсаткич сифатида соф даромаднинг ўсиши ва унинг капитал харажатларга нисбатидан фойдаланилади.

Самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоблаш белгиланган ишлар турига ва уларни молиялаш манбааларига боғлиқ. Тадбирлар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

янги ерларни ўзлаштириш;

қишлоқ хўжалик ерларини мелиорациялаш ва трансформациялаш;

табиий яйловларни яхшилаш ва маданий яйловлар яратиш;

эрозияга қарши тадбирлар.

7.14 жадвал

Йўлларни жойлаштиришни иқтисодий баҳолаш кўрсаткичлари*

Й ў л л а р	Капитал харажатлар, минг сўм			Ишлаб чиқаришнинг йиллик харажатлари ва зарарлар, сўм					
	йўл- ларни қури- ш учун	йўл иншо- отларни қуриш учун	ҳам- маси	аморт изаци я	фойдалани- ш (эксп- луатация) харажатлар и	транс- порт хаража- т-лари	йўллар таги- даги майдон- лардан олин- майдиган маҳсулот	йўлсиз- лик са- бабли кў- риладига н зарар	ҳам- маси
Ер тузишгача									
Кўтарилмаган тупроқ йўллар	-	-	-	11700	10400	5922	5460	89775	123257
I ечим									
Кўтарилган, қў- шимчалар билан мустаҳкамланган тупроқ йўллар	176,19	-	176,19	15857	4900	1422	2940	-	25119
Асфальт-бетон магистрал йўллар	534,79	15,0	725,98	40243	9845	4302	5810	-	60200
II ечим									
Кўтарилган, қўшимчалар билан мустаҳкамланган тупроқ йўллар	135,92	-	135,92	12233	3780	1185	2275	1043	20516
Асфальт-бетон магистрал йўллар	746,22	-	746,22	32834	6900	3072	3990	-	46796
Жами	882,14	-	882,14	45067	10680	4257	6265	1043	67312

* Ер тузишгача дала йўллари қуриш учун бошланғич капитал харажатлар 1 км 10 минг сўм ҳисобида қабул қилинган

Янги ерларни ўзлаштириш жараёнида қишлоқ хўжалиги ерларига табиатни муҳофаза қилиш аҳамиятига эга бўлмаган чакалзорлар ва тўқайлар, жарликлар ва ўпқонлар эгаллаб турган ерлар, рекультивацияланган карьерлар, саноат усулида фойдали қазилма бойликлар қазиб олинган ерлар, торф қазиб олинган ерлар, батқоқликлар, қумликлар, кераксиз йўллар ва каналлар тагидаги ерлар, ишлаб чиқариш марказлари ҳудудларидаги бўш ерлар ва бошқ. ўзлаштирилиб қўшилади. Бу ерлар ер тузишгача маҳсулот бермаганликлари сабабли, сарфланадиган капитал маблағлар ишлаб чиқаришга жалб этилган ерлардан олинадиган соф даромад ҳисобига қопланади:

$$E_a = \frac{CD}{K}$$

бунда E_a - капитал харажатлар самарадорлиги коэффиценти;

CD - ишлаб чиқаришга жалб этилган ерлардан олинадиган

соф даромад;

K - капитал харажатлар миқдори.

Агар ерларни ўзлаштириш кўп вақт (1 йилдан кўп) талаб қиладиган бўлса, капитал харажатлар самарадорлигини қуйидаги ифода ёрдамида ҳисоблаш тавсия этилади:

$$E_a = \frac{1}{T}, \quad T = \frac{K}{CD} + 0,5 \cdot (t + 1)$$

бунда T - капитал харажатларнинг қопланиш даври, йил;

t - ишларни бажариш вақти, йил.

Ерларни рекультивациялашнинг ҳар хил йўналишларида соф даромад қийматига ерлар ҳайдалма ер учун ўзлаштирилганда 1 гектарига 50 сўмдан 110 сўмгача, боғлар учун ўзлаштирилганда 120 сўмдан 300 сўмгача, ўрмон хўжалиги мақсадларига ўзлаштирилганда 120 сўмдан 280 сўмгача ўзгарадиган экологик самарадорлик қиймати қўшилади.

Ерларни трансформациялаш ва яхшилашда (маданий яйловлар ва пичанзорларни яратишни ҳам қўшиб) улардан ер тузишгача маҳсулот олиб турилган бўлади. Масалан, чакалзорлашган пичанзорлар пичан берган, батқоқлашган ҳайдалма ердан ҳам қандайдир маҳсулот олинган. Ерларни трансформациялаш ва яхшилаш (суғориш, зах қочириш, оҳаклаш), ҳамда маданий техник ишларни (чакалалардан, майда дарахтлардан, тошлардан тозалаш) амалга ошириш натижасида бир томондан, тупроқ унумдорлиги ошади, бу қўшимча маҳсулот етиштирилишига олиб келади, иккинчи томондан - ишлаб чиқариш харажатлари ўзгаради. Масалан, кенглик шароитининг яхшиланиши натижасида далаларга механик ишлов бериш харажатлари камаяди, аммо суғориш (зах қочириш) тармоқлари ва ш.ў. бўйича амортизация ажратмалари ва фойдаланиш харажатлари ўсади. Шунинг учун ер тузиш самараси сифатида ерларни трансформациялашда соф даромаднинг ўсиши хизмат қилади ва капитал харажатлар у билан қопланади:

$$E_a = \frac{\Delta CD}{K}; \quad \Delta CD = CD_1 - CD_0,$$

бунда CD_0, CD_1 - ер тузишгача ва ундан кейин ерларни

трансформациялаш ва яхшилашдан олинадиган соф

даромад.


Ер турларини ташкил этиш учун капитал харажатлар самарадорлиги бўйича умумлаштирилган ҳисоб-китоблар учун зарур меъёрий кўрсаткичлар 1 иловада келтирилган.

Эрозияга қарши тадбирларнинг капитал харажатлари самарадорлигини баҳолашда соф даромад кўрсаткичига қўшиб, олди олинган зарар (тупроқларнинг

ювилиши ва жарликларнинг ўсишини тўхтатиш ҳисобига) ҳамда эрозияга қарши агротехникани амалга ошириш, эрозияга қарши иншоотлар ва ихота полосаларидан фойдаланиш билан боғлиқ қўшимча харажатларни ҳисобга олиш керак.

Ерларни трансформациялаш ва яхшилашнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш йўлларини уларнинг аниқ турлари бўйича кўриб чиқамиз (7.15 жадвал).

Келтирилган маълумотдан кўриниб турибдики, ерларни трансформациялаш ва яхшилаш учун капитал харажатлар самарадорлиги коэффиценти 0,07 - 0,49 орасида бўлади; шундай қилиб, сарфланган маблағлар меъёрлардан ошмаган вақтда қопланади. Бу коэффицентлардан хўжаликнинг меҳнат ва пул-моддий ресурслари чекланган вазиятларда керак



7 чизма. Хўжаликнинг ер турларини ташкил этиш

a - ер тузиш йилига; *b* - лойиҳа бўйича (яхши ечим) бўладиган тадбирларнинг бажарилиш навбатини белгилаш учун фойдаланилиш мумкин.

Биринчи навбатда энг кўп даромад келтирадиган тадбирлар (энг юқори самарадорлик коэффиценти

эга) амалга оширилади. Бизнинг мисолимизда аввало 12 га ерда дарахтларни суғуриш ва маданий ўтларни ўстириш ёрдамида маданий яйлов яратиш (капитал харажатлар самарадорлиги коэффиценти 0,49) мақсадга мувофиқ. Кейин чакалакзорни тозалаш ва уни пичанзорга айлантириш ($E_a = 0,29$) керак ва ш.ў

Майда контурлик шароитида мелиоратив ишлар ерларнинг айрим контурлари бўйича эмас, балки таркибига ҳар-хил - ортиқча намланган, ботқоқлашган, ўрмон билан қопланган ва бошқа ерлар кирган объектлар бўйича ўтказилади. Бундан ташқари, мелиорациялаш ишларининг, ҳудудни ташкил этишнинг, ердан мақсадли фойдаланишнинг ҳар-хил ечимлари бўлиши мумкин. Ишлар ечимларининг энг яхшисини танлаш учун капитал харажатлар самарадорлигининг нисбий кўрсаткичларидан фойдаланилади.

Қўшимча капитал харажатлар ҳудудни ташкил этиш билан боғлиқ ҳар хил йиллик ишлаб чиқариш харажатларига ҳамда махсулот етиштириш ва соф даромад ўсишининг бир хил бўлмаслигига олиб келишини ҳисобга олган ҳолда, лойиҳавий ечимларнинг нисбий самарадорлигини таҳлил этишда ва энг яхши ечимни танлашда қуйидаги мезондан фойдаланилади:

$$\mathcal{E} = \frac{CD}{C + KE_m} \rightarrow \max,$$

бунда, C - ишлаб чиқаришнинг йиллик харажатлари;

E_m - капитал харажатлар самарадорлигининг меъёрий

коэффиценти;

$\mathcal{E}$ - келтирилган харажатлар бирлигига соф даромад қанча олиншини кўрсатувчи кўрсаткич.

Ерлардан фойдаланишни ташкил этиш уларни трансформациялаш ва яхшилаш бўйича ечимларни таққослаш услубиятини мисолда кўрамиз (7 - чизма). Мелиорация объекти сифатида 305 га майдонга эга ҳайдалма ерлар орасида батқоқликлар, чакалакзорлар,

пичанзорлар бўлган ер участкаси танланган. ҳайдалма ерлар контурининг ўртача майдони ер тузиш йилига ишлов бериладиган йўналиши узунлиги 200 м кам бўлган 4,9 га ташкил этади. Қониқарсиз маданий техник ахволдаги кичик контурли ортиқча намланган ерлар борлиги ишлаб чиқариш самарадорлигини анча пасайтиради.

7.15 жадвал

**Ерларни трансформациялаш ва яхшилашнинг иқтисодий самарадорлигини
ҳисоблаш**

Трансфор- мациялаш- гача ер турлари	Май- дони, га	Унум дор- ли- ги, ц	1 га олинади- ан маҳ- сулот қиймати, сўм	Ишлаб чиқа- риш хара- жат- лари, 1 га сўм	Соф даро- мад, 1 га сўм	Трансфор- мация- лашдан кейинги ер тури	Нисбий капитал хаража- тлар, 1 га сўм	Унум дор- лик, 1 га ц	1 га оли- нади- ган маҳсу- лот қий- мати, сўм	Ишлаб чиқа- риш харажат- лари, 1 га сўм	Соф даро- мад, 1 га сўм	Қў- шим- ча соф даро- мад, 1 га сўм	Қўшим ча соф даро- мад - ҳам- маси, сўм	ҳам- ма капи- тал хара- жат- лари, сўм	Сама- ра- дор- лик коэф- фи- циен- ти
Чакалакзо- р	10,5	-	-	-	-	пичанзо- р	270	40	160	82	78	78	819	2835	0,29
Ботқоқлик	4,2	-	-	-	-	маданий яйлов	2120	250	375	230	145	145	609	8904	0,07
Ўрмонга айланаётга н яйлов	12,0	60	90	40	50	маданий яйлов	350	200	300	78	222	172	2064	4200	0,49
ҳайдалма ерлар	25,3	40	60	30	30	ҳайдалм а ер	1800	40*	560	314	246	216	5465	4554 0	0,12
Тошлоқ ҳайдалма ерлар	10,0	40	560	230	330	тоза ҳайдалм а ер	150	40	560	200	360	30	300	1500	0,20
	62,0	-	-	-	-		-	-	-	-	-	-	12633	6360 9	0,20
Жами						-									

*ҳайдалма ерлар унумдорлиги дон экинлари ҳосилдорлиги бўйича аниқланади. Аниқ ҳисоб-китобларда мазкур ҳўжаликнинг экин майдонлари таркиби ҳисобга олинади.

Ер тузиш лойиҳасида икки ечим ишланган. Биринчисида барча ерлар ҳайдалма ерларга ўзлаштирилади, ерларни маданийлаштириш ва шамол эрозиясига қарши тадбирларни бажариш кўзда тутилади. 2 ечимда 105 га майдонда кўп йиллик маданий яйловларни, 200 га ҳайдалма ерларни яратиш, ерларнинг захини қочириш ва маданий техник ишларни ўтказиш лойиҳаланади.

Ерларни ўзлаштиришга сарфланадиган капитал маблағларнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш 7.16 жадвалда келтирилган. Ундан кўриниб турибдики, 1 ечим бўйича ерларни ўзлаштириш ва мелиорациялаш ҳисобига соф даромаднинг ўсиши 54,8 минг сўмни, II ечим бўйича эса - 31, 0 минг сўмни ташкил этади. Капитал харажатлар самарадорлиги коэффиценти мос равишда 0,27 ва 0,2 га тенг, яъни I ечим яхшироқ. Нисбий самарадорлик тўғрисидаги маълумотлар 7.17 жадвалда келтирилган.

7.16 жадвал

**Ерларни қишлоқ хўжалиги учун ўзлаштириш,
трансформациялаш ва яхшилашнинг иқтисодий
самарадорлигини ҳисоблаш**

К ў р с а т к и ч л а р	Ер тузиш йилига	Ер тузиш лойиҳаси бўйича	
		I ечим	II ечим
Ер массивининг умумий майдони, га	305,0	305,0	305,0
Шу жумладан:			
ҳайдалма ерлар	131,7	305,0	200,0
кўп йиллик маданий	-	-	105,0
яйловлар	74,3	-	-
пичанзорлар	85,8	-	-
чакалакзорлар	11,0	-	-
батқоқлик	2,2	-	-
бошқа ерлар			
Ерларни			
трансформациялаш ва	-	148,6	123,1
яхшилаш учун капитал			
харажатлар, минг сўм	-	487	404
Нисбий капитал			
харажатлар,	52	5	6

1 га сўм Мустақил ишлов бериладиган ер контурлари сони ҳайдалма ерлар контурининг			
--	--	--	--

7.16 жадвалнинг давоми

ўртача майдони, га	4,9	61,0	48,5
Ишлов бериш йўналиши	200 м гача	1000 м	600-1000
узунлиги класс, м		катта	
Ерларнинг энг узоқ	2,9	1,1	1,1
контур-лари орасидаги			
масофа, км			
Деҳқончилик ялпи			
даромади-нинг қиймати	76260		131455
(ем-хашак қий-мати билан		207095	
бирга), минг сўм	45920		70150
Ишлаб чиқариш	30340	122000	61305
харажатлари, минг сўм		85095	
Соф даромад, минг сўм	-		30965
Соф даромаднинг ўсиши,		54755	
минг сўм	-		4,0
Капитал харажатларнинг		2,7	
қопланиш даври, йил			
Ишларни бажариш вақти,	-	1	1
йил			
Лойиҳани амалга ошириш			
вақ-тини ҳисобга	-	3,7	5,0
олгандаги капи-тал	-	0,27	0,20
харажатларнинг қопланиш			
даври, йил			
Капитал харажатлар			
самара-дорлиги			
коэффиценти			

7.17 жадвал

**Капитал харажатларнинг нисбий самарадорлиги
кўрсаткичларини ҳисоблаш, сўм**

К ў р с а т к и ч л а р	Ер тузиш йилига	Ер тузиш лойиҳаси бўйича	
		I ечим	II ечим
Ишлаб чиқаришнинг йиллик харажатлари - ҳаммаси	24217	49684	44020
Шу жумладан:			
амортизация ажратмаси ва	-	6731	5583
капитал таъмирлаш	-	4082	33,86
жорий таъмирлаш ва	-	37560	31945
иншо-отлардан			
фойдаланиш			
агротехник чораларни			
амалга ошириш			
фойдасиз айланишлар ва			

7.17 жаdвалнинг давоми

юришлар билан боғлиқ харажатлар	5693	1278	1701
техниканинг фойдасиз кўчи-рилишлари учун харажатлар	905	33	40
техниканинг техник ва таш-килий сабабларга кўра туриб қолишлари билан боғлиқ ишлов	17619	-	1365
бериш учун қўшимча харажатлар	-	25467	19803
Ишлаб чиқаришнинг қўшимча харажатлари	-	60086	52637
Келтирилган харажатлар	-	1,42	1,16
Келтирилган харажатларнинг 1 сўми ҳисобига олинадиган соф даромад			
Келтирилган харажатлари-нинг 1 сўмига соф	-	0,91	0,59
даромаднинг ўсиши			

Йиллик ишлаб чиқариш харажатларини ҳисоблаш учун 1 иловада келтирилган меъёрлардан, ҳисоблаш усуллари 4-5 параграфларда тушунтирилган - қишлоқ хўжалик техникасидан фойдаланиш бўйича харажатлар кўрсаткичларидан фойдаланилди. Келтирилган харажатларнинг 1 сўмига тўғри келадиган соф даромад ечимлар бўйича 1,42 ва 1,16 сўмларга тенг бўлди, бу эса I ечимнинг устунлигини кўрсатиб турибди.

§ 4. Алмашлаб экиш тизимини иқтисодий-экологик асослаш

Алмашлаб экишни ташкил этишда ҳар хил йўналишларда таъсир этадиган кўплаб омилларни ҳисобга олиш керак. Масалан, деҳқончиликнинг иxtисослашишига экинларнинг биологик хусусиятлари, алмашлаб экишни улар билан тўлатиш имконияти, айрим экинлар массивларини ҳудудий ажратиш зарурати халақит беради. Экинларни жамлаш, бир хил бўлмаган тупроқ қатламларида, майда қишлоқлар мавжудлигида, кўп тармоқли хўжаликларда қийинлашади. Шудгорлаш, экиш, йиғиш-транспорт мажмуалари ва гуруҳлари асосида агрегатларнинг жамланиб гуруҳ бўлиб ишлашини жорий этиш, алмашлаб экиш массивларини ва далаларини йириклаштиришга имкон туғдирса, ижара, жамоа ва оила пудратларини қўллаш эса уларни кичрайтиришга олиб келади. Шунинг учун алмашлаб экишни жорий этиш ҳар томонлама асосланган бўлиши керак.

Алмашлаб экишни лойиҳалаш экинлар таркибини, уларнинг хўжалик ҳудудида ва хўжалик марказларига нисбатан жойлашишини, деҳқончиликда меҳнатни ва ҳудудни ташкил этишни белгилайди. Буларнинг барчаси деҳқончилик ялпи маҳсулотлари ҳажмига ва жорий харажатларга тўғридан-тўғри таъсир этади. Бундай вазиятда мезон сифатида соф даромаднинг умумий

ўсишининг максимал қийматидан фойдаланиш яхши натижа беради:

$$\Delta CД = \sum \Delta ЯМ_i - \sum \Delta X_j + \sum \Delta Э_j \rightarrow \max$$

бунда $\Delta ЯМ_i$ - алмашлаб экишни ташкил этишнинг ҳар хил

ечимларида ўзгарадиган i омили бўйича деҳқончилик

ялпи маҳсулоти қийматининг ўсиши;

ΔX_j j турдаги харажатлар ёки зарарларнинг ўсиши;

$\Delta Э_j$ j турдаги харажатнинг тежалиши.

Алмашлаб экишни ташкил этишдаги асосий талаб - табиий шароитларни, шу жумладан, ерларнинг унумдорлик ва ҳудудий хусусиятларини (тупроқ унумдорлиги, уларнинг эрозияга учраш даражаси, ерларнинг хўжалик марказларидан узоқлиги, контурлашиши, ер турлари шакли ва ш.ў.) қатъий ҳисобга олиш ҳисобланади.

Алмашлаб экишни лойиҳалашда тупроқ унумдорлигини ошириш учун энг қулай шароит яратиш керак. Бу турғун иқтисодий ўсишни ва тупроқ унумдорлигини ошириб қайта тиклашни таъминлайди. Ернинг унумдорлик хусусиятларидан фойдаланиш даражасини баҳолаш учун қуйидаги кўрсаткичлар ҳисобланади:

гумус баланси ва тупроқ унумдорлигини тиклаш учун харажатлар;

хўжалик ерлари сифатини, алмашлаб экиш массивлари ва қишлоқ хўжалик экинларининг унумдорлигини, ҳар хил ерларда жойлашишини ҳисобга олган ҳолда, деҳқончилик маҳсулотларининг ялпи қиймати.

Ерларнинг ҳудудий хусусиятлари қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш бўйича харажатларга тўғридан-тўғри таъсир этади. Демак, алмашлаб экишларни

иқтисодий асослашда бу кўрсаткични ҳам ҳисоблаш керак.

Тупроқда гумус балансини ҳисоблаш лойиҳанинг ҳаётга тадбиқ этилиш йилида унинг сарфланиши (камайиши) ва тикланишини (қўшилиши) аниқлашдан иборат бўлади. Агар гумуснинг инфильтрация натижасида сарфланиши ва уни экиладиган материаллар билан бирга келадиган органик моддалар ва тупроқдаги организмлар фаолиятлари маҳсулотлари ҳисобига қопланади деб фараз қилсак, гумус балансининг асосий бандлари қуйидагилардан иборат бўлади:

тупроқ эрозияси жараёнида гумуснинг эриган қор ва кучли ёмғир сувлари билан ва дефляция жараёнида чиқиб кетиши;

гумуснинг минераллашиши (қишлоқ хўжалик экинлари ҳосили билан азотнинг олиб кетилиши);

ўсимлик қолдиқларининг чириши ва дуккакли экинлар томонидан азот йиғилиши ҳисобига тупроққа органик моддаларнинг қўшилиши;

органик ўғитларни бериш натижасида гумус йиғилиши.

Эрозия жараёнида гумус чиқиб кетишини ҳисоблашни ювиладиган ва шамолда учиб кетадиган тупроқлар ҳажмидан ва улардаги гумус миқдори фоизидан келиб чиқиб, мазкур ҳудуд шароитларига ва эрозия турига мос ифодалар ва илмий изланишлар натижалари асосида ўтказиш керак.

Гумуснинг эрозия жараёнида чиқиб кетишининг умумлаштирилган ҳисоб-китобларини олиб боришда қуйидаги ифодадан фойдаланиш мумкин:

$$B_э = 0,0132 \cdot p \cdot S_i \cdot K_э$$

бунда p - тупроқдаги гумус миқдори, бирнинг бўлаклари ҳисобида;

S - ер сатҳидан оқадиган сув ҳажми, 1 га м³;

i - сув йиғиладиган майдон нишаблиги, град.;

$K_э$ - экинларнинг эрозия хавфлилиги коэффиценти;

0,0132 - ўтказиш коэффициентлари.

Масалан, шудгор учун $K_s = 1$, $p = 0,04$, $S = 500 \text{ м}^3 \text{га}$,

$i = 3^\circ$ бўлганда, $B_s = 0,79 \text{ т}$ 1 га бўлади. $K_s = 0,3$ ёки 0,08

бўлганда, гумус мос тарзда 1 га 0,79 ва 0,06 т камаяди.

ҳисоблашлар ҳажмини қисқартириш учун биз азотнинг ҳосил билан олиб кетилишини, унинг дуккакли экинлар томонидан йиғилишини ва ўсимлик қолдиқлари чириши натижасида тўпланишини ҳисобга олиб, гумуснинг минераллашишини кўрсатувчи коэффициентларни ҳамда K_s қийматини ҳисоблаб топдик (7.18 жадвал).

7.18 жадвал

Қишлоқ хўжалик экинларининг гумусни олиб чиқиб кетиши

Экинлар	Гумуснинг олиб чиқилиши (-), йиғилиши (+), 1 ц маҳсулотда т	Эрозия хавфи коэффициенти
Кузги буғдой	0,024	0,30
Баҳорги буғдой	-0,029	0,50
Арпа	-0,023	0,50
Нўхат	-0,002	0,35
Дон учун	-0,015	0,85
маккажўхори	-0,0029	0,85
Қанд лавлагиси	-0,0027	0,75
Картошка	-0,006	0,75
Кунгабоқар	-0,067	0,50
Зиғир-тола		
Силос учун	-0,0059	0,60
маккажўхори		
Маккажўхорисиз,	-0,0029	0,45
силосбоплар		
Сабзавотлар	-0,0035	0,85
(помидорлар)		
Пичан учун бир	-0,0045	0,35
йиллик ўтлар	+0,025	0,08
Пичан учун кўп		(фойдаланиш-

йиллик ўтлар	-3,0	нинг 1 йилида)
Шудгор (1 га т)		1,0
Яшил озуқа учун бир	-0,0045	0,35
йиллик ўтлар		
Яшил озуқа учун кўп	+0,0062	0,01
йиллик ўтлар		(фойдаланиш-нинг 2 йилида)

Маълумки, тупроқдан 1 т гумус олиб чиқиб кетилганда унинг ўрнини қоплаш учун ўртача 10 т гўнг солиш керак бўлади. Агар 1 т гўнгнинг баҳоси 1 сўмдан 3 сўмгача бўлишини, органик ўғитлар таъсири ҳисобига соф даромаднинг ўсиши эса 3-7 сўмга тенг бўлишини ҳисобга олсак, 1 т гўнгнинг умумий баҳоси ўртача 7 сўмга, 10 т эса 70 сўмга тенг бўлади. Бу кўрсаткичлардан тупроқ унумдорлигини қайта тиклаш шароитининг қийматини баҳолашда фойдаланиш мумкин.

7.19 жадвалда лойиҳаланаётган алмашлаб экишларнинг бир ечимида тупроқ унумдорлигини қайта тиклаш шароити қандай эканлиги кўрсатилган. Келтирилган усул экинлар майдонлари таркиби ечимларини солиштириш ва иқтисодий таҳлил этишда, ерларни трансформациялашни асослашда ва ш.ў. фойдаланилиши мумкин.

7.19 жадвал

Лойиҳаланаётган алмашлаб экишда гумус баланси

Экинлар	Майдони, га	Режала - наётган ҳосилдорлик, 1 га т	Гумус олиб чиқилиши - шимеъери, 1 ц т	Гумуснинг олиб чиқиб кетилиши			
				ҳосил билан, 1 га т	эрозия жараёнида, 1 га т	ҳам-маси, 1 га т	барча майдонлардан, т
Пичан учун кўп йиллик ўтлар	100	50	+0,025	+1,25	-0,06	+1,19	+119
Яшил озуқа учун кўп йил-	100	200	+0,006	+1,24	-0,01	+1,23	+123

лик ўтлар	200	40	2	-0,96	-0,24	-1,20	-240
Кузги буғдой	100	300	-0,024	-0,87	-0,67	-1,54	-154
Қанд			-0,0029				
лавлагиси	100	200	-1,18	-0,47	-1,65	-165	
Силос учун	100	30	-0,0059	-0,69	-0,40	-1,99	-109
маккажўхори	100	20	-0,023	-0,04	-0,28	-0,32	-32
Арпа			-0,002				
Нўхат							
Жами	800	-	-	-	-	-	-458

Лойиҳаланаётган алмашлаб экишлар ечимларини солиштиришда деҳқончилик ялпи маҳсулоти қийматини ҳисоблаш, бир хил интенсификация даражасида (мелиорацияланган ҳайдалма ерлар майдони тенг, ўғитлаш тизими, уруғчилик, техник жиҳозланиши ва ш.ў. бир хил) амалга оширилади. Бундай вазиятларда экинлар ҳосилдорлиги уларни хўжалиқдаги тупроқ турлари бўйича жойлаштиришга ва алмашлаб экишдаги олдинги йил экилган экинларга боғлиқ бўлади:

$$Y_{CK} = Y_{OK} \cdot \frac{B_{CK}}{B_{OK}} \cdot \frac{\sum_{K=1}^l K_K}{l},$$

бунда Y_{CK} - экиннинг алмашлаб экишдаги ҳосилдорлиги, 1 га ц;

Y_{OK} - экиннинг хўжалик бўйича ҳосилдорлиги, 1 га ц;

B_{CK} - алмашлаб экишнинг ушбу экин бўйича балли;

B_{OK} - хўжалиқда ҳайдалма ерларнинг ушбу экин бўйича балли;

K_K - олдин экилган экиннинг таъсирини ҳисобга олиш

коэффициенти (2 иловага қаранг);

l - ушбу экин билан бир вақтда банд алмашлаб экиш

далалари сони.

ҳисоблаш мисоли (қанд лавлагиси бўйича) 7.20 жадвалда берилган.

Худди шундай қилиб, алмашлаб экиш тартибидаги барча экинлар бўйича ҳисоблашлар бажарилади. Бизнинг мисолимизда ялпи маҳсулот қиймати I ечим бўйича 1005,6 минг сўмни, II ечимда - 910,5 минг сўмни, ер тузиш йилида солиштириш учун бир хил даражага келтирилган ҳосилдорлик ва баҳоларда - 878,4 минг сўмни ташкил этди.

Экинларни етиштиришнинг лойиҳавий харажатларини алмашлаб экишлар бўйича мос равишда тарқатиш (далалар, ишчи ва суғориш участкалари бўйича) ва ерларни хўжалиқда ички баҳолаш маълумотларини ҳисобга олиб, амалга ошириш тавсия этилади. Бир хил агротехника ва деҳқончилик интенсивлигида улар ҳосилдорлик, экинларнинг хўжалик марказларидан узоқлиги ва ерларнинг технологик хусусиятларига (контурлари, тошлоқлиги, тупроқнинг қувват сифими, ернинг рельефи ва ш.ў.) боғлиқ ҳолда бир бирларидан фарқ қилади.

Экинларни етиштириш учун харажатлар бўйича ерларни баҳолаш кўрсаткичлари (Z_{oi}) эталон шароитлардаги харажатларга (Z_{os}) нисбатан баҳолаш харажатлари (I_{oi}) индекси сифатида ифодаланади:

$$I_{oi} = \frac{Z_{oi}}{Z_{os}}$$

Эталон шароитлар ерларни баҳоланишнинг қуйидаги кўрсаткичларига мос келади:

тупроқларнинг қувват сифими ва ерларнинг контурлашиши баллари 100 га тенг;

текис рельеф;

тошлар йўқ;

экинларнинг минимал ҳосилдорлиги (ундан пастда техниканинг иш бажариш меъёрлари ўзгартирилмайди);

юклари ташишнинг эталон шароитлари.

Бундай шароитларда ишлар туркумини бажариш қулайлиги 100 балл, баҳолаш харажатлари эса минимал ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик экинларини i -алмашлаб экишда етиштириш учун харажатларнинг хўжаликдаги ички меъёри қуйидаги ифода ёрдамида ҳисобланади:

$$Z_{ni} = Z_x \frac{I_{oi}}{I_{ox}},$$

бунда Z_x -харажатларнинг хўжалик бўйича ўртача сарфланган ёки режалаштирилаётган даражаси, 1 га сўм;

I_{oi} ва I_{ox} - баҳолаш харажатларининг мос равишда алмашлаб экиш ва хўжалик ҳайдалма ерлари бўйича индекслари.

Масалан, хўжалик бўйича ўртача кузги буғдойни етиштириш учун харажатларнинг режалаштирилаётган даражаси 1 га 140 сўмни ташкил этсин ($Z_x = 140$). Хўжалик ҳайдалма ерлари ғаллага нисбатан индекси 1,11 ($I_{ox} = 1,11$), алмашлаб экишга эса - 1,25 ($I_{oi} = 1,25$) билан баҳоланган, яъни, алмашлаб экишда ишлаш шароити ёмонроқ. Демак, алмашлаб экишда кузги буғдойни етиштириш харажатлари қуйидагича аниқланади:

$$Z_{ni} = 140 \cdot \frac{1,25}{1,11} = 157,66 \text{ сўм 1 га}$$

7.20 жадвал

Алмашлаб экишнинг ҳар хил ечимлари бўйича жойлаштирилган қанд лавлагисининг ҳосилдорлигини ҳисоблаш

К ў р с а т к и ч л а р	I ечим	II ечим
Қанд лавлагисининг алмашлаб экишдаги майдони, га	200	200
Алмашлаб экишда далалар сони (I)	2	2
Хўжалик бўйича режалаштирилаётган ҳосилдорлик, 1 га ц ($Y_{ок}$)	300	300
Алмашлаб экиш балли ($B_{ск}$)	85	76
Алмашлаб экиш балли ($B_{ск}$)	80	80
Хўжалик ҳайдалма ерлари балли	силос учун	кузги буғдой

($B_{ок}$) Алмашлаб экишдаги олдинги экинлар:	маккажўхори кузги буғдой	кунгабоқар
I дала		
II дала	1,11	1,09
Экиннинг олдинги экинга муносабати-ни ҳисобга олиш коэффициенти (K_k):	1,09	0,88
I дала	1,10	0,985
II дала		
Ўртача қиймати	350,6	280,7
Режалаштирилаётган ҳосилдорлик, 1 га ц ($Y_{ск}$)	4,8	4,8
Сотиш баҳоси, 1 ц сўм		
Етиштирилган ҳосил баҳоси, минг сўм	336,6	269,5
Ялпи маҳсулот ўсишининг баҳоси ($\Delta ЯМ$)	67,1	-

Ерларни хўжалиқда ички баҳолаш ўтказилмаган бўлса, харажатларни табақалаштириш учун 3-5 иловада келтирилган маълумотлардан фойдаланиш мумкин.

Масалан, қуйидаги шароитлари билан тавсифланадиган, майдони бир хил икки даладаги 1 га ердан 200 ц ҳосил олинадиган картошканинг таннархини баҳолаш керак бўлсин.

Биринчи дала хўжалик марказидан 10 км узоқликда жойлашган, майдонлари 2 гектаргача бўлган контурлардан иборат; ернинг нишаблиги 1⁰гача, тупроқлари кулранг ўрмон тупроғи, қумоқ, кам тошли. Иккинчиси бригада марказидан 2 км узоқликда жойлашган, 10 гектардан 20 гектаргача бўлган контурлардан иборат. Ернинг нишаблиги 1⁰гача, тупроқлари кулранг ўрмон тупроғи, қумоқ, тошсиз.

Картошкани етиштириш учун бевосита харажатлар меъёри 653,54 сўмга тенг. Келтирилган шароитларда биринчи даладаги харажатлар:

$C_1 = 653,54 \cdot 1,49 \cdot 1,115 \cdot 1,01 = 1096,6$ сўм 1 га (5,48 сўм 1 ц)
тенг бўлади.

Бу ерда 1,49 - 1 га 200 ц ҳосилдорликда 10 км узоқлик учун тузатма (3 иловага қаранг); 1,115- контурлар майдони 2 гектаргача бўлганлиги учун тузатма (4 иловага қаранг); 1,01 - тошлоқлик учун тузатма (5 иловага қаранг).

Ернинг рельефи ва тупроқнинг нисбий қаршилиги учун тузатма бу мисолда 1 тенг.

Иккинчи далада картошка бўйича харажатлар қуйидагига тенг бўлади:

$C_2 = 653,54 \cdot 1,245 \cdot 1,049 = 856,95$ сўм 1 га (4,28 сўм 1 ц).

Шундай қилиб, иккинчи далада картошка таннархи 1,2 сўмга (21,9%) кам бўлади, бу ҳосилдорлик бир хил бўлганда 100 га майдондан қўшимча 24 минг сўмга яқин $[(1096,6 - 856,95) \cdot 100 = 23965]$ соф даромад олишни таъминлайди.

Алмашлаб экиш бўйича харажатларни ҳисоблаш 7.21 жадвалда келтирилган.

Алмашлаб экишни лойиҳалашнинг ҳар хил ечимлари қишлоқ хўжалик техникасидан фойдаланиш самарадорлигига таъсир этади. Экинларни жамлашда, техникадан механизациялаштирилган йиғим-транспортлардан йирик гуруҳлар ташкил этиб фойдаланилганда, машиналардан фойдаланиш самарадорлиги, ташкилий ва техник сабаблар бўйича туриб қолишларнинг қисқариши ҳисобига уларнинг унумдорлиги сезиларли ошади.

Техникани бир жойга жамлашда (далада, ишчи ёки суғориш участкасида) йиғим-теримда комбайнларга бириктирилган транспорт воситаларининг ишини тўғри ташкил этиш, техник таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш, бузилганда захирадаги машиналардан, техник қисмлардан ва ш.ў. фойдаланиш, имконияти пайдо бўлади.

Мавжуд маълумотлар бўйича, агрегатларнинг экинларни ва техникани жамлашга боғлиқ, техниканинг ташкилий ва техник сабаблар бўйича туриб қолишларини ҳисобга олиб, иш вақтидаги бажарадиган ишлари

ҳажмини қуйидаги ифода ёрдамида ҳисоблаш мумкин:

$$W = 0,01 \cdot W_H K_M (Q_1 - \frac{b}{P}),$$

7.21 жадвал

**Алмашлаб экишда экинларни етиштириш учун
харажатларни ҳисоблаш**

Э к и н л а р	Май- дони, га	Экинлар -ни етиш- тириш учун меъёрий харажат -лар	Харажатларнинг қуйидагиларга боғлиқ ҳолда ўзгариши коэффициентлари			1 га ҳисобиг а аниқлан - ган хара- жатлар, сўм	Барча ерлар учун умуми й хара- жатлар , сўм
			ҳосилдор -ликка ва хўжалик маркази- дан узоқ- лигига	ерлар -нинг конту рлаш у- вига	ерлар -нинг техно - логик хусу- сиятл арига		
Пичан учун кўп йиллик ўтлар	100	50,0	1,17	1,12	1,02	66,83	6683
Яшил озуқа учун кўп йил-лик ўтлар	100	61,5	1,17	1,12	1,02	82,20	8220
Кузги	200	140,0	0,96	1,07	1,04	149,56	14956
Бугдой	100	600,0	1,10	1,06	1,03	720,59	72059
Қанд	100	300,0	0,95	1,06	1,04	314,18	31418
лавлагиси	100	100,0	1,09	1,05	1,06	121,32	12132
Маккажўхор и	100	150,0	0,99	1,09	1,06	171,58	17158
Арпа Нўхат Алмашлаб экиш бўйича жами	800	-	-	-	-	-	177582

бунда W_H - агрегатларнинг ишлов бериш масофасига боғлиқ (14 илова) иш вақтидаги бажарадиган ишларининг меъёрий ҳажми;

K_M - маҳаллий шароитлар учун умумий тузатиш коэффициенти;

P - экинларни жамлаш даражасини тавсифловчи кўрсаткич, га (оддий вазиятларда дала майдонидан фойдаланиш мумкин, ($P=70$ дан 1500 гектаргача);

Q_1, Q_2, b - махсус коэффициентлар (7.22 жадвал).

Бу ифода қуйидаги шаклга ҳам эга бўлиши мумкин:

$$W = W_H \cdot K_M \cdot (1 - r), \quad r = 0,01 \left(Q_2 + \frac{b}{P} \right),$$

бунда r - иш вақтида техниканинг ташкилий ва техник сабаблар бўйича режасиз туриб қолиши натижасида вақт йўқотиш (қиймати 0 гача 1 гача).

Иш вақтида режасиз вақт йўқотишлар графиги ҳар хил турдаги техникалар учун 8 чизмада келтирилган.

7.22 жадвал

Иш вақтида бажариладиган ишлар ҳажмини ҳисоблаш учун фойдаланиладиган ифоданинг Q ва b коэффициентлари қийматлари

Машиналар ва агрегатлар номи	Коэффициентлар		
	Q_1	Q_2	b
Занжирли тракторлар:			
Т-130, Т-130М, Т-130Б	99,82	0,18	3070,75
Т-100М, Т-100МБ	99,92	0,08	2584,26
ДТ-54, Т-34, ДТ-75Б	99,73	0,27	3387,23
ДТ-54, ДТ-54А, ДТ-54В	99,88	0,12	2233,60
Гиддиракли тракторлар:			
Т-701, К-700А, К-700	99,90	0,10	2770,80
Т-150К	99,82	0,18	2246,62
МТЗ-80, МТЗ-82	95,59	4,41	1155,89
МТЗ-50, МТЗ-52	95,81	4,19	1117,65
Т-4СА, Т-40М	96,53	3,47	931,34
Т-38ХЧ, Т-25А	96,73	3,27	820,23

Йиғим-терим агрегатлари ва ўзиюрар комбайнлар: СК-5, СК-6, СКД-5(ўртача)	98,78	1,22	3543,11
--	-------	------	---------

7.22 жадвалнинг қавоми

СК-6	98,58	1,42	4107,39
КСК-100	98,43	1,57	4447,30
Е-301	99,06	0,94	2790,14
МТЗ-80 + ККУ-2А	95,11	4,89	2699,45
МТЗ-80 + ЛК-4Т	95,33	4,67	2208,60
Т-150К + КС-2,6	99,57	0,43	3150,69
ХН-3,6; Х-5,4	98,62	1,38	2118,17
СКО-2,4	99,78	0,22	828,61

Мисол тариқасида СК-6 «Колос» комбайнининг 200 ва 400 га далалардаги иш вақтида бажарадиган ишлари меъёрини ҳисоблашни кўрамиз. Маълумотномаларда кўрсатилганки, бу комбайнларнинг ЖВН-6 ўриш машинасидан кейин ўрилган донни янчиш бўйича иш вақтида бажарадиган ишлари меъёри, ғалла ҳосилдорлиги 1 га 26-30 ц ва дала узунлиги 1000 метрдан катта бўлганда 14,4 га тенг. Унда дала майдони 200 га ва $K_M=1$ бўлганда

$$W_1 = 0,01 \cdot 14,4 \cdot 1,0 \cdot \frac{98,78 \cdot 3543,11}{200} = 11,7 \text{ га},$$

дала майдони 400 га бўлганда эса

$$W_2 = 0,01 \cdot 14,4 \cdot 1,0 \cdot \frac{98,78 \cdot 3543,11}{400} = 12,9 \text{ га}.$$

Техниканинг иш бажариш меъёри дала ишларини бажариш муддатларига (Δ) таъсир этади, у қуйидаги ифода ёрдамида аниқланиши мумкин.

$$\Delta = \frac{P_k}{nWK_{CM}} + \frac{2Rl}{n \cdot \Pi_p}, \quad \text{ёки} \quad \Delta = \frac{Pk}{nWK_{CM}} + \frac{S_{\max} l}{n \cdot \Pi_p}$$

бунда P_k - экин майдони, га;

n - гуруҳдаги (мажмуадаги) асосий агрегатлар сони;

W- агрегатнинг иш вақтида бажарадиган иши ҳажми, га;

K_{CM} - иш куни коэффиценти;


S_{max} - энг узоқ далалар орасидаги масофа, км;

R- кўчиб ўтишларнинг ўртача масофаси, км
 $\left(R = \frac{S_{max}}{2}\right);$

l - экин билан банд далалар (ишчи ёки суғориш участкалари) сони;

n - агрегатлар ҳаракатининг транспорт тезлиги, с/км;

P_p - иш кунининг узунлиги, с.



Даланинг майдони

8 чизма. Режасиз вақт йўқотишларнинг дала майдонига боғлиқлиги.

a - дон комбайнлари;

b - гилдиракли тракторлар ва улар асосидаги агрегатлар;

v - занжирли тракторлар

Дала ишларини бажариш муддатларининг чўзилиши маҳсулотнинг камайишига ва сифатининг пасайишига олиб келади. Масалан, экиш ишларини бир кунга

кечиктириш маҳсулот етиштиришни ўртача 1,5%, йиғим теримни 2 %, кузги шудгорни - 2,5 %, шудгорлашни - 3%, экинларга ишлов беришни 1 % камайтиради. Шу билан бир қаторда, нооптимал муддатларда ишлов берилган ва ҳосил йиғилган майдонларда ҳосил исрофгарчилиги бир хил бўлмайди. Масалан, агар йиғим-терим 3 кунга кечиктирилса, биринчи кун йиғим терим ўтказилган массивда ҳосилнинг исрофгарчилиги - 2% га, иккинчи кунги массивда - 4%га ва 3 кунги массивда эса - 6%га тенг бўлади. Агар ҳар кунги исрофгарчилик бир хил ўсиб боради деб ҳисобласак, нооптимал муддатларда ишлов берилган барча майдонлардаги исрофгарчиликларнинг ўртача фоизи (П) қуйидаги ифода ёрдамида аниқланади:

$$П = \frac{П_1(1 + \Delta D)}{2}$$

бунда $П_1$ - ишларни бажаришнинг агротехник муддатлари бузилиши натижасида ҳосил исрофгарчилиги, кунига %;

ΔD - ишларни бажариш муддатининг оптимал муддатлардан фарқи, кун.

Масалан, агар ғалла йиғи-терими 5 кунга чўзилса, нооптимал муддатларда ишлов берилган барча майдонлардаги ҳосил исрофгарчилигининг ўртача фоизи 10 га эмас ($5 \cdot 2 = 10$), балки, 6 тенг бўлади $\left(П = \frac{2 \cdot (1+5)}{2} = 6 \right)$

Нооптимал муддатларда йиғилган майдонлар ва маҳсулот исрофгарчилиги қуйидаги ифодалар ёрдамида ҳисобланади:

$$P_n = W \cdot K_{CM} \cdot \Delta D_n$$

$$P_y = \frac{Y \cdot 3 \cdot П \cdot P_n}{100}$$

бунда Y - ғалланинг режалаштирилган ҳосилдорлиги, 1га ц;

3 - донларни сотиш баҳоси, 1ц сўм.

Дала ишларини бажариш муддатларини қисқартириш ҳисобига энг яхши ечимда олинган соф

даромаднинг ўсишини ҳисоблаш 7.23 жадвалда кўрсатилган. Ундан кўриниб турибдики, фақат ҳудудни ташкил этиш, деҳқончиликда меҳнатни тўғри ташкил қилиш учун энг қулай шароит яратиш, қишлоқ хўжалик техникаси унумдорлигини ошириш ва дала ишлари муддатларини қисқартириш ҳисобига қўшимча I ечим бўйича 60,5 минг сўм, иккинчи ечим бўйича - 71 минг сўм соф даромад олинади.

Агар иқтисодий асослашда фақат лойиҳаланаётган алмашлаб экишларнинг икки ечими таққосланаётган бўлса, дала ишлари муддатларининг каттаришини (ΔD) тахминан қуйидаги ифода ёрдамида ҳисоблаш мумкин:

$$\Delta D = \frac{P_k}{W_H П K_{CM}} \left[\frac{t_1 - t_2}{(1 - r_1) \cdot (1 - r_2)} \right] + \frac{S_{\max 1} l_1 - S_{\max 2} l_2}{n \cdot П_p},$$

бу ерда индекс қиймати ечим тартиб рақамини кўрсатади.

Кўрилаяётган мисолда $\tau_1 = 0,307$; $\tau_2 = 0,189$ демак,

$$\Delta D = \frac{1200}{14,4 \cdot 8 \cdot 1,5} \cdot \frac{0,307 - 0,189}{0,693 \cdot 0,811} + \frac{5,4 \cdot 10 - 6,5 \cdot 6}{8 \cdot 7} = 1,8$$

7.23 жадвал

Дала ишларини оптимал агротехник муддатларда бажариш ҳисобига олинadиган қўшимча маҳсулот қийматини тахминий ҳисоблаш

К ў р с а т к и ч л а р	Ер тузиш йилига	Ер тузиш лойиҳаси бўйича	
		I ечим	II ечим
Бошланғич маълумотлар*			
Донли экинлар майдони (P_K), га	1200	1200	1200
Алмашлаб экишлар сони	4	2	1
Донли экинлар экилган далалар (ишчи ёки суғо-риш участкалари) сони (l)	17	10	6
Даланинг ўртача	71	120	200

майdonи, га	8	8	8
Дон йиғувчи			
комбайнлар сони	4,5	5,4	6,5
Энг узоқ далалар			
орасидаги максимал			
масофа, км			

7.23 жадвалнинг давоми

ҳисобланган кўрсаткичлар			
Комбайннинг иш кунида бажарадиган иши ҳажми, га	7,0	10,0	11,7
Донни йиғиб олиш муддати, кун	15,7	11,0	9,2
Йиғим-терим муддати-нинг чўзилиши, кун	6,5	1,8	-
Кечикиб йиғилган майдон, га	546	216	-
Кечикиб йиғилган майдондаги ҳосил	7,5	2,8	-
исрофгарчилиги, %	23751	3508	-
Йўқотилган маҳсулот қиймати, сўм	2100	2100	2100
ҳайдалма ерларнинг умумий майdonи, га			
ҳайдалма ерлар майdonи	41564	6139	-
нига ҳисобланган маҳсу-лот			
исрофгарчилиги, сўм			
Шунинг ўзи, дала	124696	18417	-
ишла-рининг асосий турлари бўйича	-	106275	124692
(шудгор, экиш, йиғим-терим), сўм	-	45812	53742
Маҳсулот ўсиши, сўм	-	60463	70950
Қўшимча маҳсулот учун меъерий харажатлар (43,1 %), сўм			
Соф даромаднинг ўсиши, сўм			

* $K_{CM} = 1,5$; $n = 8$ км/с; $П_p = 7с$; $W_n = 14,4$ га; $K_m = 1$;

$У = 40$ ц 1 га, $З = 14,5$ сўм 1 ц

Амалда қишлоқ хўжалик техникасига бўлган талабни режалаш учун қуйидаги ифодадан фойдаланилади:

$$П = \frac{P_k}{W_n \cdot K_{CM} \cdot D_o},$$

бунда D_o - дала ишларининг оптимал муддатлари.
Бундан

$$D_o = \frac{P_k}{W_n \cdot K_{CM} \cdot П}$$

Демак ΔD_o қийматини тахминан қуйидагидек ҳисоблаш мумкин:

$$\Delta D = D_o \left[\frac{t_1 - t_2}{(1 - r_1) \cdot (1 - r_2)} \right] + \frac{S_{\max 1} l_1 - S_{\max 2} l_2}{n \cdot П_p}$$

Алмашлаб экишларни иқтисодий асослашнинг асосий кўрсаткичлари 7.24 жадвалда келтирилган

7.24 жадвал

Алмашлаб экишларни ташкил этиш ечимларини баҳолашнинг йиғма жадвали, минг сўм

К ў р с а т к и ч л а р	Ер тузиш йилига	Ер тузиш лойиҳаси бўйича	
		I ечим	II ечим
Олдин экилган қишлоқ хўжа-лик экинларини ва тупроқ сифатини ҳисобга олган ҳол-да, деҳқончиликнинг ялпи маҳсулоти қиймати	878,4	1005,6	910,5
Ерларнинг унумдорлиги ва технологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда экинлар-ни етиштириш учун ишлаб чиқариш харажатлари	459,5	466,2	465,3
Тупроқ унумдорлигини	40,2	24,6	36,6

сақлаб туриш учун қўшимча ишлаб чиқариш харажатлари			
Меҳнатни ташкил этишни яхшилаш ва дала ишларида техника унумдорлигини оши-риш ҳисобига соф даромад-нинг ўсиши	-	60,5	71,0
Соф даромад	378,7	575,3	479,6
Соф даромаднинг ўсиши	-	196,6	100,9

Олинган маълумотлардан кўриниб турибдики, асос учун, ер тузиш йили билан солиштирилганда 196,6 минг сўмга соф даромаднинг ўсишини таъминлайдиган I ечим қабул қилиниши керак.

Агар алмашлаб экишларни ташкил этиш ечимлари бошқариш ходимлари ва хизматчилар сони бўйича бир-бирларидан фарқ қилса, юқорида санаб ўтилган кўрсаткичларга қўшимча иш ҳақи фондининг ўсиши ёки тежалиши ҳисобланади.

§ 5. Алмашлаб экиш массивлари ҳудудларини ташкил этиш ечимларини нисбий баҳолаш

Алмашлаб экиш массивлари ҳудудини тузишда деҳқончиликда ишлаб чиқариш жараёнларини (тупроққа асосий ишлов бериш, экиш, ўсимликларни парваришlash, ҳосилни йиғиш) тўғри ташкил этиш, технологик жараёнларни максимал самарадорлик билан бажариш имконини берадиган шароитлар яратилади. Бунинг учун далалар, ишчи ёки суғориш участкалари ҳамда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратизимининг зарур элементлари (дала шийпонлари, зарарли кимёвий моддаларни, ўсимликларни ҳимоялаш воситалари ва минерал ўғитларни сақлаш учун майдончалар, дала йўллари, ихота дарахтлари полосалари, далада сув билан таъминлаш манбаалари) лойиҳаланади. Алмашлаб экиш массивлари

ҳудудларини ташкил этишда (деҳқончиликда ишлаб чиқариш жараёнларини ҳудудий ташкил этиш) ерга асосан қишлоқ хўжалик техникаси унумдорлигига таъсир этувчи ҳудудий операцион базис сифатида қаралади. Бундай таъсир ернинг ҳар хил нишаблиги, техника ўтиши учун тўсиқлар борлиги, массивлар шакли, ҳудуднинг бўлинганлик даражаси билан боғлиқ. Шу билан бир қаторда, ер меҳнат предмети сифатида ҳам қаралиши мумкин. Унинг меҳнат предмети сифатидаги хусусиятлари тупроқнинг механик таркибига, ҳайдаладиган қатлам чуқурлигига, намланиш шароитига боғлиқ; улар тупроқларнинг асосий ишлов беришдаги нисбий қаршилигини, шудгорлаш чуқурлигини аниқлайдилар. Тупроқларнинг физик ва агрономик хусусиятлари уруғларни экиш ва ўғитларни бериш меъёрларига, тупроқларга ишлов бериш тизимига таъсир этади. Бу эса ҳар хил машиналардан фойдаланиш, уларнинг ишчи органларини шароитга мослаш, агрегатлар ҳаракати тезликларини ўзгартиришни талаб этади. Ишлаб чиқариш операцияларини бажариш ва уларга тайёрланишга сарфланадиган вақт, демек дала агрегатларининг унумдорлиги ҳам шуларга боғлиқ.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш операцияларини бажаришда маълум ресурслар - ёнилғи ва мойлаш материаллари, техниканинг ейилиши, ишчилар меҳнати сарфланади. Бунда тайёр маҳсулот яратилмаса ҳам, тирик ва олдинги буюмга айлантирилган меҳнат бу маҳсулот қийматининг таркибида қатнашади, унинг қиймати ернинг юқорида санаб ўтилган хусусиятларидан келиб чиқиб аниқланади. Шунинг учун ишлаб чиқариш жараёнларини ҳудудий ташкил этишни иқтисодий асослашда асосий кўрсаткич харажатларнинг тежалиши ёки бу ишларни бажариш учун минимал ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобланади.

Булардан ташқари, ишчи жараёнларни ёки уларнинг бир-бирлари билан боғлиқ гуруҳларини тўғри ҳудудий ташкил этишда маҳсулот исрофгарчилигининг олди олинади. Бу ҳайдалмай ва экилмай қоладиган

майдонларнинг қисқариши, ишларни яхши агротехник муддатларда ўтказиш натижасида руёбга чиқади. Исрофгарчиликни тугатиш ўзининг иқтисодий мазмуни бўйича ишлаб чиқаришнинг ўсишига баробардир, айнан бу ўсишга эришишни таъминлайдиган тадбирлар капитал харажатларни талаб этмайди.

Алмашлаб экишлар ҳудудларини тузиш учун зарур ишлаб чиқариш инфратизими билан иш бошқача тус олади. Уларга йўллар, сув манбаалари, дала шийпонлари, тупроқ эрозияси тарқалган минтақаларда - ихота полосалари ва гидротехник иншоотлар (сув тўхтатувчи марзалар, оқимни парчалавчилар, марза-ариқлар ва ш.ў.) киради. Уларни қуриш учун капитал маблағлар зарур ва улардан фойдаланиш қўшимча жорий харажатлар (амортизация ажратмаси, эксплуатация харажатлари) билан боғлиқ. Бундан ташқари, ер билан ажралмас боғланган ишлаб чиқариш воситалари ҳисобланиб, ҳудудни ташкил этишнинг бу элементлари қишлоқ хўжалик экинларини экишга яроқли ерларни эгаллаб туришади, бу эса маҳсулот ёки улар эгаллаб турган ердан соф даромаднинг камайишига олиб келади.

Кўрсатилган иншоотларни қуриш учун зарур капитал харажатлар маҳсулот исрофгарчилигининг олдини олиш ва харажатларни тежаш ҳисобига қoplanади. Дала йўллари учун бу транспорт харажатларининг пасайиши ва йўлсизлик натижасида маҳсулот исрофгарчилигининг камайиши; сув манбаалари учун - сувни олиб келиш харажатларининг пасайиши; дала шийпонлари учун - ишчиларни ташиш, қишлоқ хўжалик машиналари, агрегатлари ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари қатнашлари билан боғлиқ харажатларнинг камайиши; гидротехник иншоотлар учун - тупроқлар ювилиши ва жарликлар ўсиши билан боғлиқ зарарларнинг олди олиниши; ихота полосалари учун - ҳимояланган майдондан олинадиган, қурғоқчиликдан, қаттиқ ва иссиқ шамоллардан кўриладиган зарарга тенг қўшимча маҳсулот қиймати.

Қўшимча маҳсулот тупроқларнинг озуқа, ҳаво, сув ва бошқа шароитларига таъсир этиб, ўсимликларнинг ўсиш шароитларини ўзгартирувчи операциялар ҳисобига олиниши мумкин. Уларга агротехник эрозияга қарши тадбирлар, ўсимликларни ҳимоялаш воситаларини, экинларни етиштиришнинг интенсив технологияларини, ўғитларни қўллаш киради, бу ишлаб чиқариш харажатларига таъсир этади ва қўшимча соф даромад ҳисобига қoplanади.

Қуйида алмашлаб экишлар ҳудудларини тузишни иқтисодий асос-лашнинг асосий кўрсаткичларини ҳисоблаш услубияти келтирилган.

1. Далаларни ва ишчи (суғориш) участкаларини жойлаштиришни баҳолаш

Алмашлаб экишда далалар ва ишчи (суғориш) участкалари сони биринчи навбатда уларнинг майдонига, шаклига, узунлиги ва энига, ишлов бериш йўналиши бўйича нишаблигига, айланиш полосалари майдонига, дала йўллари узунлиги ва уларнинг бажарадиган вазифаларига таъсир этади. Далалар ва ишчи (суғориш) участкалари жойлашишини баҳолаш учун (ихота полосалари ва эрозияга қарши мажмуанинг бошқа элементларини, дала шийпонларини, дала сув таъминоти манбааларини ва ш.ў. жойлаштириш таъсирисиз) дала алмашлаб экиши ҳудудини ташкил этишнинг икки ечимини кўриб чиқамиз (7.25 жадвал, 9 чизма)

Ишлов бериш йўналиши узунлигини, ишчи йўналишлар бўйича далалар нишабликларини ҳисоблаш услубияти ер тузиш адабиётларида аниқ баён этилган.

7.25 жадвал

**Далалар ва ишчи (суғориш) участкаларини
жойлаштиришни
баҳолаш учун бошланғич маълумотлар**

К ў р с а т к и ч л а р	Е ч и м л а р	
	I (ер тузишгача)	II (ер тузишдан кейин)
Массив майдони, га	272,4	272,4
Йўллар тагидаги ер, га	6,4	5,0
Соф ҳайдалма ерлар майдони, га	266,0	267,4
Ишчи участкалар сони	8	4
Ишчи участканинг ўртача майдони, га	33,2	66,8
Энг узоқ участкалар орасидаги масофа, км	3,6	3,2
Ўртача ишлов бериш йўналиши узунлиги, м	963	1130
даланинг узунасига	384	655
даланинг кўндалангига		
Ишчи йўналиш бўйлаб нишаблик, %	1,6	1,5
Айланиш полосаларининг умумий	5,5	3,3
майдони, га	5,8	4,2
Ишлов берилмай қоладиган учбурчаклар ва қирралар майдони, га	133,0	267,4
Массивнинг битта даласидаги ғалла майдони, га		

Айланиш полосаларининг умумий майдони далаларнинг эни ва узунлигидан келиб чиқиб белгиланади. Бизнинг ўтказган дала изланишларимиз шуни кўрсатдики, қишлоқ хўжалик техникасининг юриш қисми тупроқни қотириши ва ўсимликларни кесиши ва босиши натижасида маҳсулотнинг энг кўп исрофгарчилиги айланиш жойларида кузатилди, унинг тахминий кенглигини 5 м тенг деб қабул қилиш мумкин. Айланиш полосаларининг узунлиги алмашлаб экиш

ҳудудини ташкил этиш лойиҳасидан ўлчаб аниқланади. Унинг узунлигини тахминан ҳамма далалар кенгликлари йиғиндисини иккига кўпайтириш йўли билан аниқлаш мумкин.

Маҳсулот исрофгарчилигига ҳар хил турдаги экин экилмай қолади-ган ерлар ва ишлов берилмай қоладиган учбурчаклар ва қирралар майдони, ишлов беришга ноқулай, ишлов бериш масофаси қисқа (150 метргача), нотўғри шаклдаги мавжуд участкалар бўйича аниқланади.

Далалар ва ишчи (суғориш) участкалари жойлаштиришнинг ҳар хил ечимларини иқтисодий баҳолаш учун қуйидаги кўрсаткичлар аниқланади:

1. Қўшимча йўллар эғаллаб турган майдонлардан олинмайдиган маҳсулот (P_o), сўм:

$$P_o = B \cdot S_o$$

бунда B- 1 га ҳайдалма ердан олинадиган маҳсулот, сўм;

S_o - қўшимча йўллар тагидаги майдон, га.

Кўрилатган мисол учун $B = 520$ сўм, $S_o = 6,4 - 5,0 = 1,4$ га; демак,

$$P_o = 520 \cdot 1,4 = 728 \text{ сўм}$$

2. Айланиш полосалари ва қирралардаги деҳқончилик маҳсулотлари қийматининг пасайиши ($P_{ппк}$), сўм:


$$P_{ппк} = K_{ппк} \cdot B \cdot S_{ппк}$$

бунда $K_{ппк}$ - айланиш полосалари ва қирралардаги деҳқончилик

маҳсулотлари қийматининг пасайиш коэффиценти;

$S_{ппк}$ - айланиш полосалари ва қирралар майдони, га.

Ставрополь ўлкасидаги «Россия» колхозида А.Ю.Березуцкий билан бирга ўтказилган бизнинг изланишларимиз ва дала кузатувларимиз шуни кўрсатадики, агрегатларнинг айланиш полосасида даланинг ўртача ҳосилига нисбатан донли экинлар ҳосилдорлиги ўртача - 10%, қанд лавлагиси ва маккажўхори - 40-50%, кунгабоқар-20%, пахта - 60-80% камаяди. Кўп йиллик ўтлар ҳосилдорлиги амалий жиҳатдан ўзгармади (7.26 жадвал).



9 чизма. Алмашлаб экиш далаларини жойлаштириш
а - ер тузишгача; б- ер тузишдан кейин

Шунга яқин маълумотлар Г.И.Горохов
(Землеустроительное проектирование/ под ред.

С.А.Удачина, - М.: Колос, 1969 Изд. 5-е. С. 358) ва М.Э.Каинглар томонидан ҳам олинган эди.

Ҳисоб-китоблар экин майдонлари таркибини ҳисобга олган ҳолда ўтказилади. Бунда $K_{пшк}$ алмашлаб экишлардаги экинлар майдонига боғлиқ ўртача қиймат сифатида аниқланади.

Тахминий ҳисоблашларни бажаришда ғаллачилик йўналишидаги хўжаликларда $K_{пшк} = 0,2$ тенг деб қабул қилиш мумкин, чопиқ қилинадиган экинлар нисбати кўп бўлганда эса у 0,3 га тенг қилиб қабул қилинади.

Бу вазиятда $B = 520$ сўм, $K_{пшк} = 0,2$. Унда I ечим бўйича

$$П_{пшк} = 0,2 \cdot 520(5,5 + 5,8) = 1175 \text{ сўм,}$$

II ечим бўйича $П_{пшк} = 0,2 \cdot 520(3,3 + 4,2) = 780$ сўмни ташкил этади.

7.26 жадвал

Қишлоқ хўжалик экинларининг агрегатлар айланиш полосасидаги ва дала чеккасидан ҳар хил узоқликдаги ҳосилдорлиги, 1 га ц

Э к и н л а р	Дала чеккасидан масофа, м				
	5 метргача (айланиш полосаси)	5 -15	15-25	25-50	Далад а ўртач а
Кузги бугдой	28,2	28,5	30,6	35,5	30,5
Қанд лавлагиси	162,4	232,0	269,7	324,8	290,0
Маккажўхор и	19,2	37,5	36,6	37,2	31,0
Кунгабоқар	14,6	17,8	23,3	22,0	18,5
Пичан учун кўп йиллик ўтлар	40,7	41,0	40,9	42,0	41,6

3. Қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш учун харажатларнинг пасайиши (ўсиши).

Бу кўрсаткич қуйидагиларга боғлиқ ҳолда табақалаштирилади:

ишчи йўналишлар бўйича нишаблик қийматлари (P_y);

ишлов бериш йўналиши узунлиги;

иш куни давомида техниканинг участкадан - участкага ўтишлари сони;

дала ишларининг бажарилиш муддатлари, ташкилий ва техник сабаблар бўйича қишлоқ хўжалик техникаларининг тўхтаб туришларининг нисбий салмоғи билан аниқланадиган ишларни ташкил этиш даражаси.

Ер рельефининг дала алмашлаб экишларида узунасига ишлов бериш бўйича барча трактор ишлари мажмуасининг қийматига таъсирини баҳолаш учун Г.И.Горохов маълумотларидан фойдаланиш мумкин, уларга асосан бу қиймат ўртача 1 гектарига ишчи нишаблик ўсишининг ҳар бир фоизига 0,1 сўмга ўсади. Бундан ташқари ишчи нишабликнинг 1 % пасайиши ва намланиш шароитининг яхшиланиши ҳисобига қияликларда қўшимча ҳосил олинади. Дон экинлари бўйича у ўрмон-чўл минтақаларида 1 га 0,12-0,15 ц, чўл шароитида эса 1 га 0,08-0,1 ц ташкил этади.

P_y нинг қиймати қуйидаги ифода ёрдамида аниқланади:

$$P_y = 0,1 \Delta i_p S_M$$

бунда 0,1 - рельефга боғлиқ ҳолда қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш харажатларининг пасайишини ҳисобга олувчи коэффициент (1 га ишчи нишабликнинг 1 % пасайишига, сўм); Δi_p - лойиҳа ечимлари бўйича ишчи нишабликлар фарқи, %; S_M - лойиҳа ечимлари бўйича ҳайдалма ерларнинг соф майдони, га

Кўрилатган мисолда ишчи йўналишлар бўйича нишабликларнинг пасайиши ҳисобига ишлаб чиқариш харажатларининг тежалиши $0,1(1,6-1,5)267,4 = 2,67 \approx 3$ сўмга тенг бўлади.

Қияликларда намланиш шароитининг яхшиланиши ҳисобига қўшимча $B_y = (1,6-1,5) \cdot 0,15 \cdot 14 \cdot 267,4 = 56$ сўмга тенг маҳсулот олинади, бунда 0,15 намланиш шароитининг яхшиланиши ҳисобига кузги буғдой ҳосилига қўшимча миқдор, ишчи нишабликнинг 1 % пасайишига ц; 14- кузги буғдойнинг сотилиш баҳоси, 1 ц сўм.

Фойдасиз айланишлар ва кириб чиқишлар учун харажатлар нафақат ишлов бериш масофаси узунлигига, балки қишлоқ хўжалик техникаси турига ва далаларнинг узунасига ва кўндалангига бериладиган ишловлар ҳажмига боғлиқ бўлади. Уларнинг тахминий қийматлари М.А.Гендельман томонидан ҳисобланган (Землеустроительное проектирование/ Под ред. М.А.Гендельмана. - М.:Агропромиздат, 1986. С. 255).

Мавжуд маълумотларга математик ишлов бериш қишлоқ хўжалик техникасининг фойдасиз айланишлари ва кириб-чиқишлари билан боғлиқ харажатларнинг ишлов бериш масофасига қуйидагидек боғлиқлигини аниқлаш (барча турдаги ишлар учун ўртача) имконини берди, фоиз ҳисобида:

$$K_{\text{оэ}} = 4,42 + \frac{4134}{L},$$

бунда L- ишлов бериш масофаси, м

Қишлоқ хўжалик техникасининг бефойда айланиш ва кириб чиқишлари харажатларининг тежалиши қуйидаги ифода ёрдамида ҳисобланади:

$$P_{\text{оэ}} = 0,01 \Delta K_{\text{оэ}} C_m S_m,$$

бунда $\Delta K_{\text{оэ}}$ - ечимлар бўйича қишлоқ хўжалик техникасининг бефойда айланишлари ва кириб-чиқишлари билан боғлиқ харажатларнинг фарқи, %

C_m - механизациялаштирилган ишларни бажариш қиймати, 1 га сўм (хўжалик ҳисоботи маълумотлари ёки технологик карталар бўйича аниқланади).

ҳисоб китоблар учун 7.27 жадвал маълумотларидан фойдаланиш мумкин.

7.27 жадвал

Механизациялаштирилган ишларни бажариш қиймати (истикболли технологик карталар маълумотлари бўйича), 1 га сўм

Э к и н л а р	Механизация ишлари қиймати (C_m)	Барча бевосита харажатлар
Кузги буғдой	35,25	125,44
Зиғир	53,84	339,79
Қанд лавлагиси	106,81	506,04
ҳашаки лавлагиси	87,11	486,50
Силос учун маккажўхори	71,20	268,00
Яшил озуқа учун викасули аралашмаси	29,18	147,02
Арпа	24,49	113,39
Нўхат	40,02	121,69
Сули	39,38	124,50
Кузги жавдар	39,39	153,44
Картошка	125,62	692,16
Пичан учун беда	48,20	118,50
Ўртача алмашлаб экиш бўйича	58,37	266,37

Агар ҳисоблаш жараёнида узунасига ва кўндалангига бажариладиган дала ишлари ҳажмини ҳисобга олиш керак бўлса, фойдасиз айланишлар ва кириб-чиқишлар харажатларининг ўртача қиймати қуйидаги ифода бўйича ҳисобланади:

$$K_{\partial z} = K_{np} \left(4,42 + \frac{4134}{L_1} + K_{no} \left(4,42 + \frac{4134}{L_2} \right) \right)$$

бунда K_{np} ва K_{no} -узунасига ва кўндалангига

бажариладиган дала ишлари ҳажмини ҳисобга олувчи коэффицентлар

($K_{np} = 0,8$; $K_{no} = 0,2$ қилиб қабул қилиниши

мумкин ёки қўлланиладиган технологияга боғлиқ ҳолда белгиланади);

L_1 ва L_2 узунасига ва кўндалангига ишлов бериш масофаси, м.

Қишлоқ хўжалик техникасининг бефойда айланишлари ва кириб чиқишлари харажатларини ҳисоблашни юқорида келтирилган маълумотларидан келиб чиқиб бажарамиз. C_m қийматини ўртача даражада (58,37) қабул қиламиз. Демак, I ечим бўйича:

$$K_{\partial z} = 0,8 \cdot \left(4,42 + \frac{4134}{936} + 0,2 \cdot \left(4,42 + \frac{4134}{384} \right) \right) = 10,1\%;$$

II ечим бўйича:

$$K_{\partial z} = 0,8 \cdot \left(4,42 + \frac{4134}{1130} + 0,2 \cdot \left(4,42 + \frac{4134}{655} \right) \right) = 8,6\%$$

$$\Delta K_{\partial z} = 10,1 - 8,6 = 1,5 \%$$

Харажатларнинг тежалиши (II ечимда ишлов бериш масофаси узайиши ҳисобига олинадиган умумий самара)

$\Pi_{\partial z} = 0,01 \cdot 1,5 \cdot 58,37 \cdot 267,4 = 234$ сўмга тенг бўлади.

4. Қишлоқ хўжалик техникасининг бефойда юришлари билан боғлиқ харажатларни камайтириш.

Агар дала бир хил экин экилган бир неча ишчи (суғориш) участкаларидан иборат бўлса ёки алмашлаб экишда бир хил экинлар экилган далалар бўлса, ишларни бажаришда иш куни давомида қишлоқ хўжалик техникасининг даладан-далага ёки бир участкадан иккинчисига ўтишига тўғри келади.

Бу билан боғлиқ харажатларни қуйидаги ифода ёрдамида аниқлаш мумкин.

$$Z_{xo} = l \frac{S_{\max}}{2} n \cdot a \cdot c$$

бунда l - бир хил экинлар билан банд далалар сони;

n - биргаликда ишлайдиган агрегатлар сони;

а - мазкур экин бўйича механизация ишлари сони (6 илова);

$S_{\max}$ - энг узоқ далалар орасидаги масофа, км.

Таҳлил этилаётган ечимлар учун $c=0,6$ сўм/км, $n=2$ бўлганда, кузги буғдой етиштиришда қишлоқ хўжалиги техникасининг бефойда юришлари билан боғлиқ харажатлар, I ечимда $8 \cdot \frac{3,6}{2} \cdot 2 \cdot 9 \cdot 0,6 = 155,5$ сўмга, II ечимда

$$4 \cdot \frac{3,2}{2} \cdot 2 \cdot 9 \cdot 0,6 = 69,1 \text{ сўмга тенг бўлади.}$$

Қишлоқ хўжалик техникасининг бефойда юришлари билан боғлиқ харажатлар II ечим танланганда 155,5-69,1=86,4 сўмга камаяди.

5. Ташкилий ва техник сабаблар бўйича техниканинг туриб қолишларини қисқартириш ҳисобига ишлаб чиқариш харажатларини тежаш.

Олдин айтиб ўтилганидек, меҳнатни ҳар хил ташкил этиш дала ишларининг ҳар хил муддатларда бажарилишига олиб келади. Бироқ, айрим пайтларда дала ишларининг ҳисобланган муддатлари лойиҳанинг барча ечимлари бўйича оптимал муддатлардан кам бўлади. Бундай ечимларни таҳлил қилиш учун қўшимча етиштирилган соф маҳсулот кўрсаткичи яроқсиз бўлади. Бундай вазиятларда иқтисодий самара ёнилғи ва мойлаш материаллари сарфининг, амортизация ва фойдаланиш (эксплуатация) харажатларининг, меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларининг камайиши ҳисобига олинади.

Маълум турдаги дала ишларида ёнилғи ва мойлаш материаллари қийматининг пасайишини ($\mathcal{E}_{ГСМ}$) қуйидаги ифода ёрдамида аниқлаш тавсия этилади

$$\mathcal{E}_{ГСМ} = H_{ГСМ} \Pi_{ГСМ} W_{ДН} n \Delta D,$$

бунда $H_{ГСМ}$ - ёнилғи сарфи меъёри, 1 га кг;

$\Pi_{ГСМ}$ - 1 кг ёнилғи баҳоси, сўм.

Амортизация ажратмаларининг, қишлоқ хўжалик техникасини жорий таъмирлаш, сақлаш ва уларга техник

хизмат кўрсатиш харажатлари камайишини қуйидаги ифода ёрдамида ҳисоблаш тавсия этилади:

$$\mathcal{E}_a = H_a \cdot n \cdot \Delta D$$

бунда H_a - қишлоқ хўжалик машиналари ва тракторлардан

фойдаланишнинг меъёрий харажатлари, кунига сўм.

H_a қиймати қуйидаги кетма-кетлик тартибда аниқланади.

Масалан, СК-6 «Колос» комбайнининг йиллик ишлаши 140 соатни, унинг баланс қиймати эса 8484 сўмни ташкил этсин. Амортизация ажратмаси 16%; жорий таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш харажатлари- 6,5 %; сақлаш харажатлари 0,36% тенг; қиймат кўринишида 1 соатга ҳисоблаганда бу мос тарзда 9,70; 3,94; 0,22 сўмни, ҳаммаси эса соатига 13,86 сўмни, ёки 10 соатлик иш кунига 138,60 сўмни ташкил этади.

Меҳнат ҳақи фондининг дала ишларини бажариш муддатлари қисқариши ҳисобига тежалишини қуйидагидек ҳисоблаш мумкин:

$$\mathcal{E}_o = T_o K \Delta D,$$

бунда T_o - 1 одам кунининг ўртача ҳақи, сўм;

K - технологик операцияларни бажариш билан банд механизаторлар сони (ёрдамчи ишчилар ва ш.ў.);

ΔD - йиғим-терим муддатларининг ўсиши, кун.

Ер тузиш натижасида қишлоқ хўжалик техникасидан фойдаланиш билан боғлиқ харажатлар камайишининг тўла ҳисоб-китоби 7.28 жадвалда келтирилган.

7.28 жадвал

**Галла ўримида ташкилий ва техник сабаблар
бўйича техниканинг туриб қолишларини
қисқартириш ҳисобига харажатларни камайтириш**

К ў р с а т к и ч л а р	I ечим	II ечим
Иш кунда иш вақтининг режасиз исрофгарчи-лиги коэффициенти	0,278	0,145
Комбайнлар сони (n)	2	2
Комбайннинг кунлик иш меъёри, га	10,4	12,3
Ёнилғи сарфи меъёри ($H_{ГСМ}$), 1 га кг	8,2	8,1
Галла ўрими муддатларининг (ΔD) узайиши, кун	2,4	-

7.28 жадвалнинг давоми

Ёнилғи тежалиши ($\mathcal{E}_{ГСМ}$), сўм	129	-
Ишланган машина-кунлар сони ($n_{\Delta D}$)	4,86	-
Амортизация ва фойдаланиш (эксплуатация) харажатларининг ($\mathcal{E}_a$) камайтиши, сўм	65	-
Механизаторлар сони (K)	4	4
Қайта ишланган одам-кунлар сони, ($K_{\Delta D}$), одам-кун	9,6	-
Иш ҳақи фондининг тежалиши ($\mathcal{E}_o$), сўм	77	-
Галла йиғимида харажатларнинг тежалиши - ҳаммаси, сўм	871	-
Дала ишларининг асосий турларида харажатлар-нинг тежалиши (шудгорда, экишда, йиғишда), сўм	2613	-

1 кг ёнилғи нархи 0,3 сўмга, комбайнлардан фойдаланиш учун харажатлар меъёри кунига - 138,6 сўмга, 1 одам-кун ҳақи - 8 сўмга тенг деб қабул қилинди.

Далаларни ва ишчи (суғориш) участкаларини жойлаштириш ечимларини умумий баҳолаш 7.29 жадвалда келтирилган.

7.29 жадвал

**Далалар ва ишчи (суғориш) участкалари
жойлашишини
иқтисодий баҳолаш, сўм**

К ў р с а т к и ч л а р	Ер тузишгач а	Ер тузиш лойиҳаси бўйича
Қўшимча йўллар эгаллаган майдонлардан олинмаган маҳсулот (зарар)	728	-
Айланиш полосаларида, қирраларда деҳқончилик маҳсулотлари қийматининг пасайиши	1175	780
Намланиш шароитининг яхшиланиши натijasида маҳсулот қийматининг ошиши	-	56
Яхши ечимда маҳсулот қийматининг умумий ошиши	-	1179
Қўшимча маҳсулот учун меъёрий харажатлар	-	236
Соф даромаднинг ўсиши	-	943
Далаларга механик ишлов бериш харажатларининг тежалиши - ҳаммаси	-	2936

7.29 жадвалнинг давоми

Шу жумладан:		
Ишчи йўналишлар бўйича нишабликлар-нинг пасайиши ҳисобига	-	3
Ишлов бериш масофасининг узайиши ҳисобига	-	234
Техниканинг иш куни давомида участкадан участкага ўтиш вақтларининг камайтиши ҳисобига	-	86
Ташкилий ва техник сабаблар бўйича техниканинг бекор туриб қолишларининг қисқариши ҳисобига	-	2613
Соф даромаднинг ўсиши:	-	3879
ҳаммаси	-	14,5
1 га ҳайдалма ер ҳисобига ҳайдалма ерларнинг умумий майдонига (2100 га) ҳисоблаганда	-	30450

Олинган маълумотларидан кўриниб турибдики, фақат алмашлаб экиш ҳудудларини тартибга солиш ҳисобига хўжалик ҳар йили қў-шимча 30,45 минг сўмлик маҳсулот ($2100 \cdot 14,5 = 30,45$ минг сўм) олади.

2. Агротехник тадбирларнинг иқтисодий самарадорлиги.

ҳудудни ташкил этишнинг ҳар хил ечимлари агротехник тадбирлар (эрозияга қарши, қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш, органик ва минерал ўғитларни солиш ва ш.ў.) таркибини белгилайди.

Уларнинг энг самараликларини (айниқса деҳқончиликнинг прог-рессив тизимини тадбиқ этиш билан боғлиқ) танлаш, уларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш бўйича асосланган тавсиялар тайёрлаш учун мавжуд ечимларни жиддий ташкилий ва иқтисодий баҳолаш керак.

Агротехник тадбирларни амалга ошириш, асосан, қўшимча харажатлар билан боғлиқ. Бу биринчи навбатда эрозияга қарши тадбирларга ва ўғитларни беришга тааллуқли. Қўшимча харажатлар нафақат махсус техникани сотиб олиш ва шунга мос тарзда амортизация ва фойдаланиш (эксплуатация) харажатлари билан, балки, ҳажми ошиб борадиган маҳсулотни йиғиб олиш, ташиш, сақлаш, бирламчи қайта ишлаш билан ҳам боғлиқдир.

Шу билан бир қаторда, айрим тадбирлар янги харажатларни талаб этмайди (экиш, ўғитлаш, ҳосилни йиғиш муддатларининг ўзгариши) ва ҳаттоки, уларнинг тежалишига олиб келади. Масалан, қишлоқ хўжалик экинларининг касалликларга чидамли янги навларини тадбиқ этиш, эксплуатация харажатларининг камайишига олиб келиши мумкин, сабаби, бу вазиятда ўсимликларни кимёвий муҳофазалаш зарурати бўлмайди. Бу ерда, аммо, қўшимча маҳсулот олиниши билан боғлиқ харажатлар пайдо бўлади.

Шундай қилиб, агротехник тадбирлар самарадорлигини комплекс баҳолашда қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорликлари ўсиши қўшимча капитал

харажатлар ва ишлаб чиқаришнинг йиллик харажатлари ёки фақат йиллик ишлаб чиқариш харажатларининг ўсиши билан солиштирилади. Кўрсатилган вазиятларда мезон ҳар хил бўлади.

1. Капитал харажатлар билан боғлиқ бўлмаган тадбирлар бўйича рентабеллик кўрсаткичидан фойдаланилади:

$$\frac{CD}{IX} \rightarrow \max,$$

бунда CD - қўшимча соф даромад, 1 га сўм;

IX - экинларни етиштириш учун ишлаб чиқариш

харажатлари, 1 га сўм.

ҳисоблашлар тартиби 7.30 жадвалда келтирилган. Ундан кўриниб турибдики, истиқболли технологияни тадбиқ этишнинг II ечимда соф даромад кўп бўлса ҳам, сарфланган маблағлар самарадорлиги I ечимда юқори (80,3 %).

7.30 жадвал

Янги технологияларни жорий этиш самарадорлиги

К ў р с а т к и ч л а р	Намунавий технология (назорат)	Истиқболли техно-логия (лойиҳа)	
		I ечим	II ечим
Маҳсулот чиқиши:			
1 га ц	25	30	32
1 га сўм	350	420	448
Ишлаб чиқариш харажатлари, 1 га сўм	236	233	251
	9,44	7,77	7,84
1 ц маҳсулот таннархи, сўм	114	187	197
1 га соф даромад, сўм	48,3	80,3	78,5
Рентабеллик даражаси, %			
Меҳнат сарфи, одам-соат:	19	18	20
1 га	0,76	0,60	0,62
1 ц			

Соф даромаднинг ўсиши (ΔCD) назорат (базавий) ечимига нисбатан ҳам аниқланиши мумкин. Бундай вазиятда у қуйидаги ифода бўйича ҳисобланади:

$$\Delta CД = \mathcal{E}_k + \mathcal{E}_{mc} + \mathcal{E}_u,$$

бунда $\mathcal{E}_k$ -қўшимча маҳсулот олиш ҳисобига соф даромаднинг

ўсиши, 1 га сўм;

$\mathcal{E}_{mc}$ -маҳсулотнинг сифати яхшиланишидан олинадиган

иқтисодий самара, 1 га сўм;

$\mathcal{E}_u$ -ишлаб чиқариш харажатларининг камайишини

(кўпайишини) тавсифловчи қиймат, 1 га сўм.

2. Капитал харажатлар билан боғлиқ тадбирлар бўйича энг яхши ечимни танлаш учун мезон келтирилган харажатлар минимуми бўлади.

$$C + KE_m \rightarrow \min,$$

бунда C - экинларни етиштириш учун ишлаб чиқариш

харажатлари, 1 га сўм;

K - янги техникани сотиб олиш учун нисбий капитал

харажатлар, 1 га сўм;

E_m - капитал харажатлар самарадорлигининг меъёрий

коэффициенти ($E=0,07$).

Агар, масалан, янги техникани сотиб олиш учун нисбий капитал харажатлар экинларни етиштиришнинг истиқболли технологиясининг I ечим бўйича 1 га 80 сўмни, II ечими бўйича эса 1 га 40 сўмни ташкил этса, келтирилган харажатлар мос равишда 1 га $233 + 80 \cdot 0,07 = 238,6$ ва $251 + 40 \cdot 0,07 = 253,8$ сўмга тенг бўлади.

Бу ҳисоблар ҳам I ечимнинг устунлигини кўрсатади. Хўжаликларда ички ер тузиш лойиҳаларидаги эрозияга қарши агротехник тадбирларнинг ҳар хил турларининг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда соф даромаднинг ўсиши, ҳамда қўшимча маҳсулот чиқишини таъминлайдиган қўшимча йиллик ишлаб чиқариш

харажатлари ва капитал харажатлар ҳажми ҳисобланади (7.31 жадвал).

Олинган маълумотлардан кўриниб турибдики, белгиланган тадбирлар ҳисобига қўшимча 33,7 минг сўмга тенг соф даромад олинади, йиллик ишлаб чиқариш харажатларини 1196 сўмга

7.31 жадвал

Тупроқларга эрозияга қарши ишлов беришнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш

Ишлар тури	Иш бирлигининг харажатлари, 1 га сўм	Иш бирлигига қўшимча харажатлар, 1 га сўм	Қор эриши олдидан тупроқнинг 1,5 м қатламида нам йиғилиши, га м ³	Асосий ва қўшимча маҳсулотнинг ўсиши, 1 га сўм	Қўшимча маҳсулотнинг харажатлари, 1 га сўм	Соф даромаднинг ўсиши, 1 га сўм	Физик иш хажми, га	ҳамма майдонлардан соф даромаднинг ўсиши, сўм	Меҳнат сарфи, 1 га одам-соат	Металл сиғими, 1 га кг	Капитал харажатлари, 1 га сўм
Намунавий техноло-гия (анъанавий шудгор, назорат)	7,55	-	-	-	-	-	1000	-	3,38	34,53	10,47
Истиқболли техно-я:	8,09	0,54	1300-1400	28,20	5,64	22,02	100	2202	3,61	36,30	10,97
чуқур шудгорлаш	8,88	1,33	1200-1250	28,20	5,64	21,23	320	6794	3,70	39,30	11,88
чуқурчалар қилиб шудгорлаш											
устки қатламни ағдармасдан чуқур шудгорлаш	8,45	0,90	1300-1400	32,90	6,58	25,42	300	7626	3,61	36,30	10,92
узилган эгатлар олиб шудгорлаш	8,25	0,70	1260-1300	28,20	5,64	21,86	280	6121	3,60	38,87	12,49
қорни ушлаш ва қор эришини тартибга солиш	0,25	0,25	500-1000	14,00	2,80	10,95	1000	10950	0,25	3,24	0,69
Соф даромаднинг ўсиши, сўм								33693			
Қўшимча йиллик харажатлар, сўм								1196			
Эрозияга қарши тех-никани сотиб								1892			

олиш учун капитал харажатлар, сўм											
---	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

*Мисол сифатида Марказий - Қора тупроқ минтақасининг хўжаликларидан бирининг ер
массиви олинган

кўпайтириш ва 1892 сўмлик эрозияга қарши техника сотиб олиш талаб этилади.

Шуни эсдан чиқармаслик керакки, агротехник тадбирлар эрозияга қарши мажмуанинг бошқа элементлари ва ҳудуднинг белгиланган ташкил этилиши билан чамбарчас боғлиқдир. Шунинг учун уларни иқтисодий асослашда ҳимоя дарахтларини, гидротехник иншоотларни, алмашлаб экишни ва ш.ў. жойлаштириш ҳисобга олинади.

3. Иҳота дарахтлари полосаларини жойлаштиришни иқтисодий асослаш

Иҳота полосаларини жойлаштиришни иқтисодий асослашда қуйидаги кўрсаткичлар аниқланади:

дарахтлар полосаларини экиш ва уларни парваришлаш учун бир марталик капитал харажатлар;

дарахтлар полосаларининг агроиқлимий таъсири ҳисобига соф даромаднинг ўсиши;

дарахт полосалари, ҳамда улар ёнидаги айланиш полосалари тагидаги майдонлардан маҳсулот олинмаслиги натижасида соф даромаднинг камайиши.

Асосий мезон сифатида ҳимоя дарахтлари қийматининг 1 сўмига олинadиган соф даромаднинг максимал ўсишидан фойдаланилади.

Экиш ва парваришлаш харажатлари ўрмон полосаларининг турига, уларнинг тузилишига, асосий дарахтлари турларига, хўжаликнинг жойлашган минтақасига боғлиқ бўлади. Содалаштирилган ҳисоб китоблар учун 1 га 400 сўм олишимиз мумкин.

Экинларнинг сояда қолиши ва асосий шамолларнинг келиш бурчагини ҳисобга олган ҳолда ўрмон полосаларининг агроиқлимий таъсири ҳисобига олинган соф даромад қийматини қуйидаги ифода ёрдамида баҳолаш мумкин (Россиянинг марказий туманлари шароитлари учун С.Н.Волков ва В.В.Никитин томонидан ҳисобланган):

ўрмон полосаларининг кенглиги 7,5 м бўлганда

$$y = 4hL(50t - 10^{2-0,173h})m;$$

ўрмон полосалари кенглиги 12 м бўлганда

$$y = 4hL(50t - 10^{2-0,146h})m;$$

ўрмон полосалари кенглиги 15 м бўлганда

$$y = 4hL(50t - 10^{2-0,128h})m;$$

бунда h - ўрмон полосалари баландлиги, м;

L - ўрмон полосалари узунлиги, км;

t - ўрмон полосаларининг сояси таъсиридаги майдонларда ҳосилнинг камайишини ҳисобга оладиган коэффициент;

m - ўрмон полосалари йўналишларига боғлиқ

асосий

шамоллар таъсирининг ўзгаришини ҳисобга

олувчи

коэффициент (7.32 жадвал)

7.32 жадвал

t ва m коэффициентларининг ўрмон полосаларининг ҳар хил йўналишларидаги қиймати


Ўрмон полосалари йўналишлари	t	m
ЖШҚ 90°	0,883	1,0
ЖШҚ 75°	0,836	0,91
ЖШҚ 60°	0,785	0,85
ЖШҚ 45°	0,691	0,66
ЖШҚ 30°	0,602	0,46
ЖШҚ 15°	0,574	0,35
ЖШҚ 0°	0,532	0,25

Масалан, агар кенглиги 7,5 м узунлиги 8 км ўрмон полосалари тизими ЖШҚ 90° йўналишида жойлаштирилган бўлса, баландлиги 10 м, t=0,883, m=1,0 бўлганда, уларнинг агроиқлимий таъсири қуйидагига тенг бўлади:

$$y = 4 \cdot 10 \cdot 8 \cdot (50 \cdot 0,883 - 10^{2-0,173 \cdot 10})1,0 = 13533 \text{ сўм.}$$

Ўрмон полосалари ва дала йўллари йўқ жойларда машиналарнинг айланиш полосалари тагидаги майдонлардан маҳсулот олинмаслиги ёки камайиши натижасида олинмаган соф даромад олдин қилинган тавсияларга асосан ҳисобланади.

Лойиҳалашнинг икки ечимини кўриб чиқамиз (10 чизма). Бошланғич маълумотлар ва ҳисобланган кўрсаткичлар 7.33 жадвалда келтирилган.



↑ асосий шамол йўналиши
.....иш
полосалари
10 чизма. Иҳота полосаларини жойлаштириш

7.33 жадвал

Иҳота ўрмон полосаларини жойлаштиришнинг самарадорлигини ҳисоблаш

К ў р с а т к и ч л а р	I ечим	II ечим
Бошланғич маълумотлар		
Ўрмон полосалари майдони, га	8,25	8,62
Ўрмон полосалари узунлиги, км - ҳаммаси	11,0	11,5
узунасига (ЖШҚ 0°)	3,0	7,5
кўндалангига (ЖШҚ 90°)	8,0	4,0
Ўрмон полосалари баландлиги (h), м	10	10
Айланиш полосаларининг майдони, га	3,75	4,0

Ўрмон полосаларининг сояси таъсиридаги май-донларда ҳосилнинг камайиши коэффициенти (t):	0,532 0,883	0,532 0,883
узунасига кўндалангига Ўрмон полосаларига асосий шамолларнинг таъсир бурчаги ўзгариши коэффициенти (m):	0,25 1,0	0,25 1,0
узунасига кўндалангига		
ҳисобланган кўрсаткичлар		
Ўрмон полосаларини яратиш баҳоси (экиш + парваришlash, 1 га 400 сўм), сўм Ўрмон полосаларига асосий шамолларнинг ке-лиш бурчаги ва сояда ўсимликлар ўсишининг	3300	3448

7.33 жадвалнинг давоми

қийинлашишини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг агроиқлимий таъсиридан олинадиган соф даромад, сўм:		
ҳаммаси	16502	14188
асосий ўрмон полосалари бўйича	2969	7422
ёрдамчи ўрмон полосалари бўйича	13533	6766
Ўрмон полосалари билан банд майдонлардан олинмайдиган соф даромад (1 га 350сўм)	2888	3017
Айланиш полосалари майдонларидан олинмайдиган соф даромад (1 га 0,3·350 сўм)	394 13220	420 10751
Соф даромаднинг ўсиши, сўм	4,0	3,12
Ўрмон полосалари қийматининг 1 сўми ҳисобига соф даромаднинг ўсиши, сўм		

ҳисоб китоблар кўрсатишича, ўрмон полосаларини жойлаштириш нуқтаи назаридан I ечим яхши ҳисобланади. Дарахтлар бўйи 10 метрга етганидан кейин ўрмон полосалари хўжаликка ҳар йили 13 минг сўмдан ортиқ даромад келтиради.

§ 6. Дарахтзорлар ва ем-хашак олинадиган ерлар ҳудудларини ташкил этишни баҳолашнинг ўзига хос хусусиятлари

Дарахтзорлар ҳудудини ташкил этиш ўз ичига қуйидаги масалаларни ечишни олади:

тур ва навларни жойлаштириш;

кварталлар, бригада участкалари, кўчатхоналарни жойлаштириш;

дала йўллари, ўрмон полосаларини, сув манбааларини, ёрдамчи хўжалик марказларини жойлаштириш;

Дарахтзорлар ҳудудларини ташкил этишни иқтисодий асослашда қуйидаги кўрсаткичлар ҳисобланади:

қўшимча кварталлар орасидаги ва кварталлар ичидаги бўлакчалар орасидаги йўллар, ёрдамчи хўжалик марказлари (бригада ҳовлилари, маҳсулотлар жойланадиган идишлар сақланадиган майдончалар, заҳарли кимёвий моддалар тайёрланадиган жойлар), ўрмон полосалари тагидаги ерлардан олинмайдиган маҳсулот;

ишчи йўналишлар бўйича нишабликларнинг пасайиши ва ишлов бериш масофасининг узайиши ҳисобига харажатлар тежалиши ҳисобга олинган, боғларга механизмлар билан ишлов бериш харажатлари;

қўшимча маҳсулот қиймати (боғларни муҳофазалавчи ўрмон полосаларининг ижобий таъсири ҳисобига шамол таъсирида мевалар тўкилишининг олдини олиш ҳамда тупроқнинг сув эрозиясига қарши курашиш мақсадида, боғлар ва узумзорлар қатор ораларини кўп йиллик ўтлар билан қоплаш);

ўрмон полосаларини яратиш, йўлларни кўтариш, мустаҳкамлаш ва қуриш, ёрдамчи хўжалик марказларини қуриш ҳамда шуларга мос амортизация ва эксплуатация харажатлари билан боғлиқ йиллик харажатлар.

Боғлар ҳудудларини ташкил этиш ечимларининг энг яхшисини танлаш мезони - келтирилган харажатлар минимуми ҳисобланади. Лойиҳа ечимлари бўйича турлар ва навларнинг жойлашиши ўзгарса, қўшимча маҳсулот олиншини ва уларга мос ишлаб чиқариш харажатларини аниқлаш мумкин бўлса, соф даромад ва унинг келтирилган харажатларга нисбати ҳисобланади. Уларнинг максимал нисбати ҳудудни ташкил этишнинг энг яхши ечимини кўрсатади.

Агар, дарахтзорлар ҳудудларини ташкил этиш эрозияга қарши тадбирлар мажмуасини лойиҳалаш билан тўлдирилса, унинг самарадорлигини ҳисоблаш амалга оширилади.

Яйловлар ҳудудларини ташкил этиш жараёнида яйлов алмашишни жорий этиш, пода ва сурувлар участкаларини, навбат билан ўтлатиладиган участкаларни, ёзги лагерларни, пода йўллари ва яйловлардаги сув таъминоти манбааларини жойлаштириш билан боғлиқ масалалар ечилади. Суғориш ҳамда бошқа мелиоратив ва маданий техник ишларни олдиндан ўтказиш зарур бўлган туманларда яйловлар ҳудудини ташкил этиш, ёмғирлатиб суғориш техникаси тури, суғориш ва зах қочириш тармоқларининг турлари ва жойлашиши, яйловларни яратиш усуллари ва уларни парваришлаш билан боғланади.

Яйловлар ҳудудини ташкил этишнинг ҳар хил ечимларини тавсифловчи бошланғич кўрсаткичлар 7.34 жадвалда келтирилган. Ишланган ечимларни баҳолашнинг асосий кўрсаткичлари бўлиб капитал харажатлар, йиллик харажатлар ва ишлаб чиқариш зарарлари, келтирилган харажатлар миқдори хизмат қилади.

7.34 жадвал

Яйловлар ҳудудини ташкил этиш ечимлари тавсифи.

Кўрсаткичлар	Ер тузиш	Ер тузиш лойиҳаси бўйича
--------------	----------	--------------------------

	йилига	I ечим	II ечим
Яйловларнинг умумий майдони, брутто, га	280,4	280,4	280,4
Моллар ҳайдаладиган йўллар, ёзги лагерлар, суғориш жой-лари майдони, га	-	12,2	9,3
	-	-	2,2
Шу жумладан ёзги лагерлар			
Яйловларнинг соф майдони, нетто, га	280,4	268,2	271,1
Навбат билан қамаб ўтлатиладиган участкалар сони	-	72	60
Четан деворлар узунлиги, км:	-	20	18,1
	-	14,4	13,2
доимий кўчма	250	250	250
Яйловлар маҳсулдорлиги, 1га ц	3,3	3,3	0,3
Фермагача бўлган масофа (ёзги лагергача), км	400	400	400
Сигирлар бош сони			

Капитал харажатларнинг умумий миқдори яйловларни ўраш, моллар ҳайдаладиган йўлларни, ёзги лагерларни, суғориш жойларини қуриш харажатларидан ташкил топади. Ёмғирлатиб суғоришда суғориш тармоқларини барпо этиш, ёмғирлатиш техникасини ва бошқ. сотиб олиш учун сарфланадиган капитал харажатлар ҳам ҳисобга олинади.

Ишлаб чиқаришнинг йиллик харажатларига амортизация ажратмаси ва эксплуатация (фойдаланиш) харажатлари ҳамда яйловлардан нооқилона фойдаланиш ва уларни моллар гуруҳларига нооқилона бириктириш натижасида келиб чиқадиган ҳар хил зарарлар киради. Уларга аввало молларнинг узоққа ҳайдалиши натижасида маҳсулдорлигининг пасайиши киради. Қатор муаллифлар маълумотлари бўйича, сигирлар 1 км ҳайдалса 0,1 кг сут олишга сарфланадиган қувватга тенг қувват сарфланади. Агар сигирларни суғориш ва соғиш фермада амалга оширилса, бу ишларни кунига 3 марта бажариш

сигирларни 4 км ҳайдашга олиб келади (эрталаб яйловга ҳайдаш, кейин сигирларни пешинда фермада соғиш ва яна яйловга ҳайдаш). 180 кунлик яйловда боқиш даврида фермагача масофа 1 км ва сутнинг нархи 1 кг 30 тийин бўлганда, 1 сигир ҳисобига маҳсулот камайиши 21,6 сўмга $(0,1 \cdot 4 \cdot 180 \cdot 0,3)$ тенг бўлади. Подада 400 бош сигир ва ҳайдаш масофаси 3 км бўлганда умумий зарар миқдори 25,9 минг сўмга тенг бўлади.

Ёзги лагерлар ва моллар ҳайдаладиган йўллар тагидаги майдонлардан олинмайдиган соф даромад (зарар), ҳўжалиқда 1 га ердан олинадиган ўртача соф даромад миқдоридан келиб чиқиб аниқланади. Агар магистрал (асосий) моллар ҳайдаладиган йўллар четан деворлар билан ажратилмаган бўлса ёки молларни яйловларга ҳайдаш дала йўллари орқали амалга оширилса, атрофдаги экинларни моллар топташи ва ейиши аниқ. Бунда қорамоллар ҳаракати йўналиши бўйлаб 25-30 м, қўй-эчкилар ҳаракати йўналишлари бўйлаб эса 35-40 м кенгликдаги экинлар тўла йўқотилади.

Масалан, ер тузиш йилига молларни ҳар кунги яйловга ҳайдаш кенглиги 6 м бўлган дала йўли бўйича амалга оширилган бўлсин. Яйловгача бўлган масофа 3,3 км ва 1 га ҳайдалма ердан олинадиган соф даромад 350 сўмга тенг бўлганда, сигирларни ҳайдашда уларнинг экинларни ейишидан кўриладиган зарар $[(30 - 6) \cdot 3300 \cdot 350] \div 10000 = 2772$ сўмга тенг бўлади.

Илмий текшириш институтлари маълумотлари бўйича, яйлов алмашишни жорий этиш, молларни кичик участкаларда навбат билан қамаб ўтланиш ва меъёрида боқиш, яшил ўтларни истеъмол қилиш умумий ҳажмининг 20-25%, оқсил моддалар ҳажмининг 54 %, сут соғишнинг 25%, қорамоллар бузоқларининг ўсиши 25-30% ошишига олиб келади (Землеустроительное проектирование/ Под ред. М.А.Гендельмана. - М.: Агропромиздат, 1986. С. 294).

Яшил озуканинг 1 ц сотиб олиш баҳоси 0,9 сўм, яйловлар ҳосилдорлиги 1 га 250 ц ва уларнинг

майдонлари 280,4 га бўлганда бу 15,8 минг сўмлик қўшимча маҳсулот беради $(280,4 \cdot 4 \cdot 250 \cdot 0,25 \cdot 0,9 = 15,8)$.

7.35 жадвал

Яйловлар ҳудудларини тузиш ечимларини баҳолаш, минг сўм

Кўрсаткичлар	Ер тузиш йилига	Ер тузиш лойиҳаси бўйича	
		I ечим	II ечим
Капитал харажатлар:			
ҳаммаси	-	46,3	82,5
ўраш учун	-	28,0	25,5
молларни ҳайдаш йўлларини қуриш учун	-	18,3	10,6
ёзги лагерни қуриш учун	-	-	46,4
Ишлаб чиқаришнинг йиллик харажатлари ва зарарлари: амортизация ва эксплуатация (фойдаланиш) харажатлари (14%)	-	6,5	11,6
молларни узоққа ҳайдаш натижа-сида	25,9	25,9	-
маҳсулдорликнинг камайиши моллар ҳайдаладиган йўллар ва ёзги лагерлар тагидаги майдон-лардан олинмайдиган маҳсулот (зарар)(0,35P)	-	4,3	3,3
моллар ҳайдаладиган маҳсус йўл-лар бўлмаганда экинлар ейилиши ва топталишидан кўриладиган зарар $[0,35 \cdot 3000(25 - 6) \div 1000]$	2,8	-	-
яйлов алмашиш, молларни меъёр-ли ва қамаб боқиш йўқлиги сабабли кўриладиган зарар $(280,4 \cdot 250 \cdot 0,25 \cdot 0,9)$	15,8 44,5	- 36,7	- 14,9
ҳамма зарар ва харажатлар	-	7,8	29,6
Йиллик зарарлар ва харажатларнинг камайиши	-	0,17	0,36
Капитал харажатлар самарадорлиги коэффициенти	43,7	39,7	20,7
Келтирилган харажатлар			

7.35 жадвалдан кўриниб турибдики, яйловалмашиш ва қамаб боқишни жорий этиш билан яйловлар ташкил этиш ва доимий ёзги лагер қуришни кўзда тутган II ечим яхши бўлади.

Пичанзорлар ҳудудини ташкил этиш самарадорлиги пичанзоралмашиш жорий этиш, бригада ва пичанзоралмашиш участкаларини ташкил этиш, йўллар ва сув манбааларини лойиҳалаш билан боғланади. Амалиёт кўрсатадики, пичанзоралмашлашни жорий этишда пичанзорлар маҳсулдорлиги 30-40% ошади. Пичанзоралмашлаш участкаларини ва йўлларни тўғри жойлаштириш, пичанзорларга механизмлар ёрдамида ишлов бериш харажатларини сезиларли даражада камайтиради ва уларнинг майдонларини кўпайтиради.

Шунинг учун пичанзорлар ҳудудларини ташкил этишни иқтисодий асослашда қуйидаги кўрсаткичлар аниқланади:

пичанзоралмашишлар бўлмаганда маҳсулот йўқотилиши;

қўшимча йўллар эгаллаган майдонлардан олинмайдиган маҳсулот (зарар);

ишчи нишабликларнинг пасайиши ва ишлов бериш масофаларининг узайиши ҳисобига пичанзорларга механизмлар билан ишлов бериш харажатларининг тежалиши.

Лойиҳанинг ҳамма таркибий қисмлари ва элементлари асосланганидан кейин хўжалиқда ички ер тузишнинг умумий самарасини тавсифловчи йиғма жадвал тайёрланади (7.36 жадвал). Ундан кўриниб турибдики, хўжалик бўйича ер тузиш йилининг кўрсаткичлари билан солиштирилганда соф даромаднинг ўсиши 359,4 минг сўмни ташкил этади, шу жумладан:

лойиҳа ишлари қийматининг 1 сўмига - 36,4 сўм;

келтирилган харажатларнинг 1 сўмига - 2,1 сўм;

қўшимча жорий харажатларнинг 1 сўмига - 0,41 сўм.
7.36 жадвал

Хўжаликда ички ер тузиш лойиҳасининг иқтисодий самарадорлигини комплекс баҳолаш, минг сўм

Кўрсаткичлар	Лойиҳа самарадор-лиги баҳоси
Ялпи маҳсулот қийматининг ўсиши: ҳаммаси	325,9
деҳқончиликда	264,0
чорвачиликда	61,9
Ялпи маҳсулот қийматининг қуйидагилар	

7.36 жагвалнинг давоми

ҳисобига ўсиши:	
янги ерларни ўзлаштириш, ерларни трансформациялаш ва яхшилаш	119,6
хўжалик тупроқлари бўйича экинларни табақалаштириб жойлаштириш	19,5
экинлар таркибини такомиллаштириш ва ўсим-ликларнинг энг яхши экинлардан кейин экилишини таъминлаш	10,5
йўллар, айланиш полосалари майдонларини ҳайдалмай ва экилмай қолган майдонларни қисқартириш	21,7
эрозияга қарши агротехник тадбирларни ўтказиш	30,4
ўрмон полосаларининг агроиқлимий таъсири маҳсулот исрофгарчилигининг олдини олиш ва унинг сифатини яхшилаш:	18,4
а) дала ишлари муддатларини қисқартириш, меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига	22,7
б) тупроқларнинг жипслашувини пасайтириш ҳисобига	5,2
в) эрозия жараёнларини тўхтатиш ҳисобига	8,2
г) молларни ҳайдаш масофасини қисқартириш ҳисобига	1,5
Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш	52,6
Бошқа тадбирлар	15,6
Ялпи маҳсулот қийматининг ўсиши:	
режали капитал харажатлар ва қўшимча харажатлар натижасида	172,5
	56,7

қўшимча жорий харажатлар ҳисобига капитал харажатлар талаб этмайдиган тадбирлар натижасида	96,7
Қўшимча маҳсулот учун меъёрий харажатлар	65,2
Қўшимча ишлаб чиқаришнинг жорий харажатлари	45,7
Ишлаб чиқаришнинг жорий харажатлари тежалиши:	144,4
ҳаммаси	128,3
деҳқончиликда	16,1
чорвачиликда	
Ишлаб чиқаришнинг жорий харажатлари тежалиши:	
тупроқ унумдорлигини тиклашнинг яхши	

7.36 жагвалнинг давоми

шароитлари ҳисобига	21,3
ернинг ҳудудий ва унумдорлик ҳусусиятларини ҳисобга олиш ҳисобига	53,3
ишлаб чиқаришни жамлашнинг (йириклаштириш-нинг) оптимал даражаси ҳисобига:	
а) деҳқончиликда	9,5
б) чорвачиликда	14,3
транспорт алоқаларини яхшилаш ҳисобига далаларга механизмлар билан ишлов бериш харажатларининг пасайиши ҳисобига	5,5
умумишлаб чиқариш ва умумхўжалик харажатларининг (маъмурий-бошқарув ходимлари иш ҳақи фонди) қисқариши ҳисобига	31,5
бошқа тадбирлар ҳисобига	7,2
Ишлаб чиқаришнинг жорий харажатлари тежалиши:	1,8
режали капитал харажатлар ҳисобига ташкилий-хўжалик тадбирлари ҳисобига	21,6
Соф даромаднинг ўсиши:	122,8
ҳаммаси	359,4
деҳқончиликда	293,8
чорвачиликда	65,6
Шу жумладан қуйидагилар ҳисобига:	
режали капитал харажатлар ва қўшимча	113,8
	45,4

харажатлар	200,2
қўшимча жорий харажатлар	512,85,5
капитал харажатлар талаб этмайдиган тадбирлар	0,22
Капитал харажатлар - ҳаммаси	
Хўжалиқда ички ер тузиш лойиҳасини ишлаш қиймати	36,4
Капитал харажатлар самарадорлиги коэффиценти	2,1
Соф даромаднинг 1 сўмига нисбатан ўсиши: лойиҳа ишлари қийматининг келтирилган харажатларнинг қўшимча жорий харажатларнинг	0,41

Шундай килиб корхонада ишлаб чиқариш самарадорлиги фақат унинг ҳудудини қайта ташкил этиш ва қайта қуриш ҳисобига ишлаб чиқаришнинг интенсивлик даражаси ўзгармаганда ва келтирилган баҳоларда ўртача 30% кўпроқ ўсди.

Назорат саволлари:

1. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқариш бўлинмаларини ва хўжалик марказларини жойлаштиришни иқтисодий асослашда фойдаланиладиган кўрсаткичларни санаб беринг.
2. Хўжалиқда аҳоли яшаш жойлари ва ишлаб чиқариш марказларини жойлаштириш, янги қурилиш самарадорлиги қандай баҳоланади?
3. Мавжуд ишлаб чиқаришларни кенгайтириш, қайта кўриш ва технологик қайта қурулантириш учун капитал харажатлар самарадорлиги қандай баҳоланади?
4. Хўжалик ҳудудида йўлларни жойлаштириш ечимларини таҳлил этишда қандай кўрсаткичлар қўлланилади?
5. Хўжалиқда алмашлаб экишнинг энг яхши тизимини танлаш усули қандай?
6. Дала ичида ҳудудни ташкил этишни нисбий баҳолаш қандай амалга оширилади?

7. Агротехник тадбирларнинг иқтисодий самарадорлиги нималардан иборат?

8. Ўрмон полосаларини ҳудудий жойлаштириш ечимлари қандай баҳоланади?

9. Дарахтзорлар ва ем-хашак олинадиган ерлар ҳудудларини ташкил этишнинг самарадорлигини баҳолаш ва иқтисодий асослашнинг ўзига хос хусусиятлари қандай?

10. Хўжалиқда ички ер тузиш лойиҳасининг самарадорлигини комплекс баҳолашнинг асосий кўрсаткичларини санаб беринг.

VIII боб

ҳар хил табиий минтақаларда ер тузиш ечимларини иқтисодий асослаш

§ 1. ҳудудни эрозияга қарши ташкил этиш самарадорлигини баҳолаш

Хўжаликда ички ер тузиш лойиҳаларида белгиланган эрозияга қарши тадбирлар ўзига қуйидаги турлардаги муҳофаза чораларини олади: ташкилий-хўжалик, агротехник, ўрмон мелиоратив ва гидротехник.

Муҳофазаланаётган ҳудудда кўрсатилган комплекснинг барча элементлари бир-бирлари билан тўлдирилиши керак. Масалан, экин майдонларининг ҳар хил таркиби, алмашлаб экишларнинг ҳар хил турлари ҳар хил эрозияга қарши агротехникани талаб этади. Агар баҳорги қор эриши даврида кўп йиллик ўтлар ва кузги ғалла экинларининг эрозияга қаршилигини ерларни ёриш (тирмалаш) ҳисобига ошириш мумкин бўлса, шудгорда эса тупроққа чуқур ишлов бериш, чуқурчалар қилиш, микролиманлар қуриш, эгатлаш ва ш.ў. талаб этилади.

Мелиоратив ва гидротехник тадбирлар капитал харажатлар талаб этганлиги учун уларни иқтисодий асослаш, капитал харажатларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашни тақоза этади. Бундан ташқари, айрим тадбирлар самарадорлиги хўжалик бўйича ҳудудни эрозияга қарши ташкил этишни баҳолаш билан боғланади.

Иқтисодий ҳисоблашларда қўшимча қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

ерларнинг олди олинган ювилиши;

эрозия жараёнларининг тўхташи, намланиш шароитининг яхшиланиши, қулай микроиқлим яратилиши ҳисобига қияликларда маҳсулот етиштиришнинг кўпайиши;

эрозияга қарши тадбирлар мажмуасини амалга ошириш билан боғлиқ қўшимча харажатлар.

Ташкилий-хўжалик чоралари орасида асосий ўринни, алмашлаб экишлар эгаллайди. Тупроқнинг сув эрозияси ривожланган туманларда ўрта ва кучли даражада ювилган участкалардаги тупроқни ҳимояловчи алмашлаб экишларни асослаш масаласи келиб чиқади. Уларнинг асосий мақсади - эрозия жараёнларининг олдини олиш ва тупроқ ҳосилдорлигини тиклаш.

Тупроқни ҳимоя қилувчи алмашлаб экишларни иқтисодий асослашда иккита асосий кўрсаткичдан фойдаланилади:

ҳар хил даражада ювилган участкаларда экинларнинг жойлашти-рилишини ҳисобга олган ҳолда аниқланадиган деҳқончилик маҳсулот-лари қиймати;

ювилган тупроқдаги озуқа моддалари ўрнини қоплаш учун зарур қўшимча ўғитлар миқдорини сотиб олиш ва ерга солиш учун харажатлар.

Деҳқончилик маҳсулотларининг қийматини ҳисоблашда қишлоқ хўжалик экинларига, уларнинг ҳосилдорлигига таъсир этадиган тупроқ эрозиясининг таъсири ҳар хил бўлишини ҳисобга олиш керак. Масалан, кузги жавдар ҳосилдорлиги ўртача ювилган тупроқларда ювилмаган тупроқларга нисбатан 35-45% пасайса, қанд лавлагисиники- 50-60%, кўп йиллик ўтларники эса фақат 5-10% пасаяди. Бу маълумотлар айрим минтақаларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади (7 илова).

Ўғитларни сотиб олиш ва тупроққа солиш харажатларини аниқлаш учун бошлангич асос, ювиладиган тупроқларнинг ҳисобланган ҳажми ҳисобланади. У эриган қор ва кучли ёмғир сувларининг оқиши натижасида қишлоқ хўжалик экинлари тагидаги эрозияга учраш хавфи ҳар хил даражадаги ерлардан ювилган тупроқлар ҳажмидан (M_K) ташкил топади ва қуйидаги ифода бўйича ҳисобланади:

$$M_K = K_K M$$

бунда М- эрозияга учраш хавфи бор ерларнинг ҳар хил тоифаларида, экин экилмаганда (шудгор) эриган қор ва кучли ёмғир сувлари таъсирида ювилган тупроқлар (1 га т);

нишаблигини K_K - алмашлаб экиш ҳудудининг ўртача ҳисобга оладиган экинларнинг эрозия хавфи коэффициенти.

8.1 жадвал

Алмашлаб экиш экинларининг алмашиш даврида (ротациясида) тупроқлар ювилишининг ўртача миқдорини ҳисоблаш*

Қишлоқ хўжалик экинлари ва бўш шудгор	Майдони, га	Шудгорда ва қишлоқ хўжалик экинлари тагида ерларнинг ҳар хил эрозияга учраш хавфи тоифаларида тупроқлар ювилиш-шининг йиғма интенсивлиги, йилига 1 га т					Ротация даври-да тупроқлар ювилишининг ўртача миқ-дори, 1 га т	Барча майдон-лардан туп-роқлар юви-лишининг ўр-тача миқдори, т
		I	II	III	IV	V		
Бўш шудгор	100	2,9	9,9	19,1	38,7	63,1	12,8	1280
Дуккакдилар	160	1,9	6,5	12,2	24,8	40,4	8,3	1328
Кузги ғалла	400	0,3	0,9	2,0	16,0	5,7	1,7	680
Қанд лавлагиси	160	2,1	6,9	13,3	27,1	44,2	8,6	1376
Баҳорги ғалла	400	2,0	6,5	13,0	25,5	41,7	8,4	3360
Бир йиллик ўтлар	80	2,0	6,5	22,6	25,5	41,7	5,2	416
Силос учун маккажўхори	160	2,0	6,5	12,5	25,4	41,7	8,4	1344
Кўп йиллик ўтлар	240	0,02	0,1	0,2	0,4	0,6	0,1	24
Жами	1700	-	-	-	-	-	-	9808
ҳайдалма ерлар майдони:	-	388	770	444	68	30	-	-
га	-	22,8	45,3	26,1	4,0	1,8	-	-
%								

*ҳисоблаш йўли: 1 га қанд лавлагиси тагидаги тупроқлар ювилишининг ўртача
миқдори
 $(2,1 \cdot 22,8 + 6,9 \cdot 45,3 + 13,3 \cdot 26,1 + 27,1 \cdot 4,0 + 44,2 \cdot 1,8) \div 100 = 8,6$ т тенг бўлади.

Баҳор даврида (март-май) тупроқни эриган сувлар ювиб кетишидан фақат кузги ғалла экинлари ва кўп йиллик ўтлар ҳимоялайди, шунинг учун шудгордаги тупроқ ювилиши, шудгорланиб экилмай қолдирилган ердагидек бўлади. Ёз даврида ҳамма экинлар тупроқни эрозиядан сақлайди.

Эрозия хавфи ҳар хил тоифадаги ерларда экинлар тагидаги туп-роқларнинг йил давомида ювилиши тўғрисида олинган маълумотлар асосида алмашлаб экиш ҳудуди бўйича ювилишнинг ўртача қиймати аниқланади (8.1 жадвал).

Ювиладиган озуқа моддаларини тиклаш учун органик ва минерал (маъданли) ўғитларнинг қўшимча миқдорини тупроққа солиш керак. Шунинг учун азот, фосфор ва калий моддаларининг ювилиши тўғрисидаги маълумотлар ўғитларнинг аниқ турлари бўйича (сульфат аммоний, суперфосфат, калий тузи) қайта ҳисобланади ва уларни тупроққа солиш харажатларини ҳисобга олган ҳолда баҳоланади.

Айтайлик, 1700 га ҳайдалма ерга эга алмашлаб экишни ташкил этишнинг икки ечими ишланган. Биринчиси 10 далали алмашлаб экишни жорий этишни кўзда тутди. Иккинчи ечим иккита алмашлаб экишни ўз ичига олади, шу жумладан: 5 далали тупроқни ҳимоя қилувчи алмашлаб экиши, майдони 500 га (1-3 далалар кўп йиллик ўтлар; 4 - кузги ғалла; 5- баҳорги донли экинлар) ва 8 далали дала алмашлаб экиш, майдони 1200 га (1 дала - шудгор; 2 - кузги ғалла; 3 - қанд лавлагиси; 4 - баҳорги ғалла; 5 - дуккакдилар; 6 - кузги ғалла; 7 - силос учун маккажўхори; 8 - баҳорги ғалла).

Уларга мос иқтисодий асослаш кўрсаткичлари 8.2 жадвалда келтирилган.

8.2 жадвал

Ювилган ерларда тупроқни ҳимоя қилувчи алмашлаб экишни ташкил этиш самараси

Кўрсаткичлар	I ечим	II ечим
Тупроқлар ювилиши:		

алмашлаб экиш ҳудудидан, т	9808	7927
1 га ҳайдалма ердан, т	5,8	4,7
Гумусга айлантириб ҳисобланган умумий ювилиш:	490	396
ҳаммаси, т	0,29	0,23
1 га ҳайдалма ердан, т		
Тупроқни тиклаш учун қўшимча ўғитлар миқ- дорини сотиб олиш ва тупроққа солиш учун		

8.2 жадвалнинг давоми

харажатлар, минг сўм	980,8	792,7
Эрозияга учраган ерларда экинларнинг ҳар хил жойлаштирилишига боғлиқ маҳсулот қиймати, минг сўм	1435,8	1644,2
Харажатлар ажратилгандан кейинги маҳсулотнинг қолган шартли баҳоси, минг сўм	455,0	851,5
Иқтисодий самара: ҳаммаси, минг сўм	-	396,5
1 га ҳайдалма ер	-	233
ҳисобига, сўм		

ҳисоблашлар кўрсатадики, тупроқни ҳимоя қилувчи алмашлаб экишни жорий этиш 396,5 минг сўм ёки 1 га 233 сўм миқдорида иқтисодий самара беради, бу эса донли экинлар ҳосилдорлигининг гектарига 4-5 ц ўсишига баробардир.

Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигининг ошиши ва тупроқлар йўқотилишининг олдини олиш, ҳамда агротехник, мелиоратив ва гидротехник эрозияга қарши тадбирлар самарадорликларини ҳисоблаш учун зарур бошқа иқтисодий кўрсаткичлар 8.3, 8.4 жадвалларда келтирилган.

8.3 жадвал

Эрозияга қарши тадбирларнинг иқтисодий самарадорлиги*

Кўрсаткичлар	Донли экинлар ҳосилининг ўсиши, 1 га ц	Тупроқ йўқотили- шини камайтириш, 1 га т

Тупроқни чуқур ҳайдаш	1,8	3,2
Ағдармасдан чуқур ҳайдаш	1,6	2,2
Саёз (юзаки) юмшатиш	2,2	0,5
Далаларга контурлар бўйича ишлов бериш	2,0	2,5
Тирмалаш:		
ҳайдалма ерларни	1,8	5,0
кўп йиллик ўтлар майдонини	4,5**	10,0
ҳайдалма экинлар қатор ораларида узилган эгатлар олиш	1,2	4,0
Экинларни полоса-полоса қилиб жойлаштириш	3,2	10,0
Кучли эрозияга учраган ерларни ўтлоқлаштириш	5,0**	66,7
Яшил тўсиқлар яратиш	1,2	5,0

8.3 жадвалнинг давоми

Далаларни ҳимояловчи ўрмон полосаларини яратиш	1,6**	6,0
Оқимларни тартибга солувчи ғовлар, террасаларни (зинапоё шаклидаги) яратиш	3,2**	28,0
Яйловларни тубдан яхшилаш	17,8**	26,0
Яйловларни юзаки яхшилаш	20,0**	4,5
Яйловларни тирмалаш	1,0**	2,0

*В.Л.Дмитренко, Д.П.Сириченко китобидаги маълумотлар асосида ҳисобланган («Экономико-математическая оценка комплекса проти-возрозионных мероприятий». -Донецк: УкрНТИ, 1992. С. 32).

** Озуқа чиқишининг кўпайиши, ц озуқа бирлиги

8.4 жадвал

Эрозияга қарши комплекс элементларининг иқтисодий ва сув тўхтатиш бўйича тавсифлари (1 га ҳисобига)

Т а д б и р л а р	Тадбирлар ўлчам бирлигини бажариш учун ресурс-ларнинг меъёрий сарфи			Ушлан-диган оқар сув	Тадбир-ларни ўтказиш - дан оли-
	меҳнат	модди	механизац		

	одам-кун	й, сўм	ия ишлари, шартли га	ҳажми, м ³	надиган соф даро-мад, сўм
Агротехник:					
Тупроққа чуқур ишлов бериш (ҳайдаш, юмшатиш)	0,26	3,74	1,3	0,2	27,54
Тупроқнинг сўриш им-кониятини яхшилаш (ёриш, чуқурчалар қи-лиш)	0,32	2,38	0,9	0,3	15,08
Тупроқларга сувни уш-лайдиган юзаки ишлов бериш (эгат олиш, мар-залар олиш)	0,30	1,12	0,25	1,2	25,98
Микролиманлар қуриб шудгорлаш	0,28	3,75	1,30	0,58	35,84
Шудгорни ўйиб чиқиш	0,27	0,73	0,25	0,25	26,40
Қорни тўплаш ва қор эришини тартибга					

8.4 жадвалнинг давоми

солиш	0,07	0,05	0,10	0,1	39,94
Экинларни қиялик йўналишига кўндаланг экиш	0,24	0,95	0,22	0,27	18,36
Органик ва маъданли ўғитларни солиш	0,20	1,0	0,80	0,1	44,52
Ўтлоқлаштириш	1,5	36,2	2,0	0,27	37,80
Ўрмон мелиоратив:					
сувларни тартибга со-лувчи ўрмон	2,3	90,0	0,25	2,0	128
полосала-ри тупроқларни ҳимоя-ловчи	2,3	89,2	0,25	1,6	108
полосалар, жарликлар ва	2,5	97,0	0,25	1,7	183

чуқур-ликлар ёнидаги ўрмон полосалари қияликлардаги ва ювилган ерлардаги дарахтзорлар	1	26,0	0,25	1,7	44,8
Гидротехник: Сувни тўхтатадиган ғовлар (узунасига, м)	0,005	0,25	0,05	0,012	0,95

Эрозияга қарши тадбирлар комплексини лойиҳалаш кўп ечимлилиқ хусусиятига эга бўлгани учун унинг оптимал таркибини ва ҳажмини ҳисоблашда иқтисодий-математик усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ (Практикум по экономико-математическим методам и моделированию в землеустройстве/ Под ред. С.Н.Волкова, Л.С.Твердовской. - М.: Агропромиздат, 1991. С. 183-193).

§ 2. Суғориш ва зах қочириш бўйича мелиорация ишлари ўтказилаётган туманларда ер тузиш лойиҳаларини асослаш

Ерлар мелиорацияланаётган туманларда ер тузиш ечимларини иқтисодий асослаш биринчи навбатда мелиоратив тармоқларни жойлаштириш ва қуриш, мелиорациялаш йўлларини танлаш, суғориладиган туманларда эса - суғориш усуллари ёки ёмғирлатиб суғориш техникаси турлари билан боғлиқ.

Суғоришнинг (ер устидан узунасига ва кўндалангига суғориш, ёмғирлатиб суғориш) ва зах қочиришнинг (очиқ ва ёпиқ тармоқлар) ҳар хил усуллари, сув режимини икки ёқлама тартибга солиш ўзларига мослаб ҳудудни ташкил этишни талаб этади, бу эса ерларни қайта қуриш билан боғлиқ капитал харажатлар ва ишлаб чиқаришнинг йиллик харажатлари миқдори таъсир этади. Шунинг

учун бундай вазиятда ер тузишнинг иқтисодий кўрсаткичи сифатида қуйидагилардан фойдаланилади:

мелиорацияланган ерларда маҳсулотнинг ўсиши;

ҳудудларни тузиш ва мелиорация билан боғлиқ капитал харажатлар миқдори (К);

ҳудуднинг ташкил этилишини ўзгартириш ва мелиоратив тармоқлардан фойдаланиш заруратидан келиб чиқадиган ишлаб чиқаришнинг йиллик харажатлари миқдори (С);

мелиорацияланган ерларни яратиш учун сарфланган капитал харажатлар натижасида олинadиган қўшимча соф даромад (ΔD);

капитал харажатларнинг қопланиш муддати (Т);

капитал харажатлар самарадорлиги коэффиценти ($E = 1/T$).

Маҳсулотнинг ўсиши қиймат кўринишидаги қўшимча маҳсулотнинг лойиҳа бўйича чиқиши билан унинг мелиорациялашгача бўлган миқдори орасида фарқ сифатида аниқланади. Бунда қуйидаги маълумотлардан фойдаланилади: мелиорацияланган ер турлари майдони (ҳайдалма ерлар, ем-хашак олинadиган ерлар, боғлар) брутто ва нетто; каналлар, йўллар, жонли деворлар (бутасимонлардан), инженерлик иншоотлари тагидаги майдонлар; ердан фойдаланиш коэффиценти (нетто майдонининг брутто майдонига нисбати).

Лойиҳани тузиш вақтидаги ялпи маҳсулотни ҳисоблаш учун мелиорацияланадиган ер турларининг унумдорлиги тўғрисидаги ҳақиқий маълумотлар олинади. Унинг лойиҳавий қиймати мелиорацияланган ер турларининг режалаштирилаётган ҳосилдорликларидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Капитал харажатлар таркибига қуйидаги харажатлар киради:

мелиоратив тармоқларни қуриш;

маданий-техник ишларни бажариш (ерларни буталар ва майда ўрмон дарахтларидан тозалаш, тупроқ уюмларини кесиш, тошларни йиғиш, ер юзасини текислаш ва ш.ў. билан бирга);

ёмғирлатиб суғориш ва бошқа, мелиорацияланган ерларга ишлов бериш учун зарур техникаларни сотиб олиш;

инженерлик объектларини қуриш (насос станциялари, қувурлар, ёзги лагерлар, молларни ҳайдаш учун йўллар, бригадаларнинг ишлаб чиқариш марказлари ва ш.ў.);

яйловларни ўраш, кўчма электр ғовларини сотиб олиш ва ш.ў.;

ерларни бирламчи маданийлаштириш, тупроқ ётқизиш, дарахтлар-ни, ўрмон полосаларини экиш ва ш.ў.

Ишлаб чиқаришнинг йиллик харажатларига биринчи навбатда асосий фондлар қийматидан амортизация ажратмаси (улар тасдиқланган меъёрлар бўйича аниқланади) ва фойдаланиш (эксплуатация) харажатлари киради. Кейингиси суғоришларни бажариш, насос станцияларидан фойдаланиш (электр қуввати, ёнилғи ва мойлаш материаллари баҳоси, хизматчилар иш ҳақи), суғориш ва зах қочириш тармоқларини, ёмғирлатиб суғориш техникасини, ғовларни жорий таъмирлаш, экинлар ва яйловларни парваришлаш, электр ғовлари учун аккумуляторларни сотиб олиш, каналларни тозалаш харажатларини ўз ичига олади.

Қўшимча соф даромадни аниқлаш учун мелиорацияланган ер турларини яратишгача бўлган ишлаб чиқаришнинг йиллик харажатларини ҳисобга олиш керак; улар ер турларига боғлиқ ҳолда хўжаликнинг ҳисобот маълумотлари бўйича аниқланади. Агар мелиорациялашгача табиий ер турларида харажатлар ҳисобланмаган бўлса, уларга мос йиллик харажатлар 0 тенг деб ҳисобланади.

Суғориладиган маданий яйловларга айлантириладиган ҳайдалма ерларда йиллик харажатлар яшил озуқа учун етиштириладиган бир йиллик ёки кўп йиллик ўтларнинг ўртача таннархи, пичанзорларда - пичан таннархи бўйича аниқланади.

Қўшимча соф даромад қўшимча маҳсулот қиймати ва мелиорацияланган ерларни яратишгача сарфланадиган харажатлар айирилган лойиҳа бўйича озуқа етиштиришнинг йиллик харажатларининг фарқидан иборат бўлади. Капитал харажатларнинг қопланиш даври қуйидаги ифода ёрдамида аниқланади:

$$T = \frac{K}{\Delta D}; \quad (1)$$

$$T = \frac{K}{\Delta D} + 0,5 \cdot (n + 1), \quad (2)$$

бунда T - капитал харажатларнинг қопланиш даври, йил;

K - капитал харажатлар миқдори, минг сўм;

ΔD - қўшимча соф даромад, минг сўм;

n - яйловларнинг барча майдонидан режадаги маҳсулотни олишгача лойиҳаланаётган тадбирларни амалга ошириш учун зарур йиллар сони.

(1) ифода бўйича ишлар бажарилган йилдан бошлаб маҳсулот олина бошлайдиган мелиорацияланган ерлардаги капитал харажатларнинг қопланиш муддати аниқланади, (2) ифода - агар тадбирларни амалга ошириш учун бир йилдан кўп вақт талаб этилса ишлатилади. Қопланиш даври белгиланган меъёрдан ошмаслиги керак.

Мелиорацияланган ерлар ҳудудларини ташкил этишнинг ечимларини ишлашда капитал харажатларнинг йиллик меъёрий самарасини ва йиллик ишлаб чиқариш харажатларини ўзида мужассамлаштирадиган келтирилган харажатларни ҳисоблашдан фойдаланиб, уларнинг нисбий иқтисодий самарадорлиги аниқланади. Энг яхши ечим келтирилган харажатлар (Π_p) миқдори кам бўлган ечим ҳисобланади. Келтирилган харажатлар қуйидаги ифода ёрдамида ҳисобланади:

$$\Pi_p = C + E_m K \rightarrow \min$$

бунда E_m - капитал харажатлар самарадорлигининг меъёрий коэффиценти.

8.5 жадвалдан кўриниб турибдики, лойиҳа бўйича капитал харажатлар самарадорлиги коэффиценти 0,17 тенг, бу меъёрий қийматдан ($E_m = 0,07$) катта. Шунинг учун кўрилатган лойиҳани иқтисодий асосланган деб ҳисоблаш мумкин.

Мелиорацияланган ерлар ҳудудларини ташкил этиш ечимларини асослашда 4 бобнинг 3 бандида келтирилган усулдан фойдаланиш керак.

8.5 жадвал

Ерларни мелиорациялаш ва яхшилашнинг иқтисодий самарадорлиги (умумлаштирилган ҳисоблаш)

К ў р с а т к и ч л а р	Ер тузиш йилига	Ер тузиш лойиҳаси бўйича
Майдони, га	650	624
ҳосилдорлик, 1 га ц озук бирлиги	15	50
Ялпи ҳосил, ц озук бирлиги	9750	31200
Сулини сотиш баҳоси, сўм	50	50
Мелиорацияланган ерлардан олинган ялпи маҳсулот қиймати, минг сўм	487,5	1560,0
Ишлаб чиқаришнинг йиллик харажатлари, минг сўм	268,1	748,8
Соф даромад, минг сўм	219,4	811,2
Қўшимча соф даромад, минг сўм	-	519,8
Капитал харажатлар, минг сўм	-	2496,0
Ишларни бажариш муддати, йил	-	2
Капитал харажатларнинг қопланиш муддати, йил	-	6
Капитал харажатлар самарадорлиги коэффиценти	-	0,17

§ 3. Алмашлаб экишларни ташкил этиш бўйича намунавий ечим

1. Махсус ва ихтисослаштирилган алмашлаб экишларни иқтисодий асослашнинг ўзига хос хусусиятлари

Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, товар экинлари майдонларини кўпайтириш заруратини келтириб чиқаради, бу эса ихтисослаштирилган алмашлаб экишларни ташкил этишни тақоза этади. Улар ўзларининг турлари бўйича дала (масалан, асосий майдонларини пахта, дон экинлари, картошка ёки каноп эгаллайдиган алмашлаб экишлар) ёки махсус (тамаки, шоли, сабзавот ва ш.ў.) алмашлаб экишларга бўлинади.

Ихтисослашган алмашлаб экишлар турлари улардаги алмашлаб экиш йўналишларини тавсифловчи ва аниқ ишлаб чиқариш йўналишига эга: ғаллачилик, пахтачилик, канопчилик, картошкачилик, сабзавотчилик, товар экинларига қараб белгиланади. Етакчи экин, асосан, нафақат, етиштириш, агротехника ва машиналар тизими учун махсус шароитларни талаб этади, балки, меҳнат сиғими ва юк сиғими билан ҳам ажралиб туради.

Махсус ва ихтисослашган алмашлаб экишларни ташкил этишнинг мақсадга мувофиқлиги иқтисодий асосланган бўлиши керак. Етакчи экинларни жойлаштириш учун жудаям мос келадиган ерлар хўжалик марказларидан анча масофада, хўжалик ҳудуди бўйлаб ҳар жойда, тарқоқ жойлашган бўлиши мумкин. Шунинг учун махсус ва ихтисослашган алмашлаб экишларни ташкил этишда етакчи экинларни жамлаш самарасини, ернинг ҳудудий ва унумдорлик хусусиятларини ҳисобга олувчи, сифати ва экинларни етиштириш учун харажатлари бўйича ҳар хил ерлардан олинадиган маҳсулот билан солиштириш керак. Шундай қилиб, алмашлаб экишни жорий қилиш қуйидаги шарт бажарилсагина иқтисодий асосланган бўлади

$$\sum \mathcal{E}_i > \sum \mathcal{Z}_j$$

бунда $\mathcal{E}_i$ - махсус ёки ихтисослашган алмашлаб экишларда етакчи экинлар майдонларини жамлаш самараси;

3_j - алмашлаб экишларни жойлаштириш билан

боғлиқ қўшимча харажатлар ва зарарлар.

Махсус (ихтисослашган) алмашлаб экишларни жорий этиш ечимларини таҳлил этишда қуйидаги кўрсаткичлар ҳисобланади:

ҳар хил унумдорликка эга ерларда етакчи экинларни жойлаштиришдаги деҳқончилик маҳсулотлари қиймати;

экинларнинг хўжалик марказларига нисбатан, ерларнинг ҳудудий ва унумдорлик хусусиятлари бўйича жойлаштирилишига боғлиқ экинларни етиштириш харажатлари;

экинларни жамлаш натижасида ҳосилни йиғиш ва далаларга механизмлар билан ишлов бериш харажатларининг тежалиши ва қўшимча маҳсулот қиймати.

Етакчи экинларни етиштириш учун жуда мос келадиган ерлар жойлашган бўлишлари мумкин: а) хўжалик марказлари ёнида - ихчам ер массиви шаклида; б) хўжаликнинг ёки ишлаб чиқариш бўлимининг бутун ҳудуди бўйлаб - майда ер бўлаклари шаклида; в) хўжалик ёки бўлим марказидан анча узоқда - ихчам ер массиви шаклида.

Этирозсиз, биринчи вазиятда махсус ва ихтисослашган алмашлаб экишларни хўжалик марказлари атрофидаги ерларда ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Экинларни жамлаш самарасига харажатларни минималлаш қўшилади, айниқса, агар етакчи экинларни етиштириш учун кўп меҳнат талаб этилса ҳамда унинг маҳсулоти кўп ва ташишга қулайсиз бўлса, харажатлар тежалиши сезиларли бўлади. Бундай вазият биринчи навбатда фермалар ёнидаги сабзаёт ва озуқа алмашлаб экишлари, картошка ва қанд лавлагиси билан бойитилган алмашлаб экишлар учун характерлидир.

Иккинчи вазиятда қуйидаги лойиҳавий ечимлар бўлиши мумкин:

етақчи экинлари яхши ерларда жойлашган мустақил алмашлаб экишларни ташкил этиш;

етақчи экинларни бир алмашлаб экиш ичида ярим далаларда жойлаштириш;

етақчи экинларни бир алмашлаб экиш ичида бутун далаларда жойлаштириш.

Яхши ерларда қанд лавлагиси алмашлаб экишини жойлаштиришнинг мақсадга мувофиқлигини қанд заводининг хом-ашё минтақасида жойлашган ва қанд лавлагисининг катта майдонига эга хўжалик мисолида баҳолаймиз.

Ер тузиш лойиҳаси бўйича хўжалик дон, қанд лавлагиси, ем-хашак, сут ва гўшт етиштиришга ихтисослашган. Ер тузиш йилида умумий ер майдони 2851,4 га, шу жумладан, қишлоқ хўжалик ерлари 2518,5 га ва ҳайдалма ерлар 2339 га ташкил этади. Хўжалик ҳудудида бир аҳоли яшаш жойи (130 оила, 334 одам, шулардан 144 таси ишга яроқли) жойлашган.

Хўжалик ҳудудининг асосий тупроқлари - ишқорланган ва типик қора тупроқлар. Енгил ва ўрта ювилган ерлар 21%, эрозия хавфи бор ерлар эса - 50% кўпроқ ҳайдалма ерларни эгаллаган, шунинг учун эрозияга қарши тадбирлар тизими зарур.

Алмашлаб экишларни лойиҳалашда 2 ечим кўриб чиқилди. Уларнинг биринчисида хўжаликнинг эрозияга кам учраган ва нишаблиги катта бўлмаган яхши ерларининг 525,2 га майдонида экинлар алмашилиши: 1 дала - бўш шудгор; 2 - кузги буғдой; 3 - қанд лавлагиси; 4 - гречиха бўлган дала алмашлаб экиши лойиҳаланган. Аҳоли яшаш жойи ва чорвачилик фермаси ёнида 204,1 га майдонда кўп йиллик ўтларни экиш учун суғориладиган участка ва 75,6 га майдонда озуқа алмашлаб экиши (1 - дала кўп йиллик ўтлар; 2 - яшил озуқа учун кузги дон экинлари + такрорий экин - яшил озуқа учун маккажўхори; 3 - илдиз мевалар; 4 - бир йиллик ўтлар, тагига кўп йиллик ўтлар экилади) ташкил этилган.

Қолган ҳудудда (1542,4 га) дала алмашлаб экишини жорий этиш кўзланган: 1дала - бўш шудгор +

дуккаклилар; 2-3 - кузги ғалла; 4 - силос ва яшил озуқа учун маккажўхори; 5 - арпа; 6 - нўхат; 7 - кузги ғалла; 8 - жавдар + баҳорги дон экинлари).

Иккинчи ечимда 204,1 га майдонда суғориладиган участка ва 75,6 га озуқа алмашлаб экиши бўлиб, қолган ҳудудда 2067,5 га майдонда 10 далали алмашлаб экиш (1 дала - бўш шудгор+пичан учун бир йиллик ўтлар; 2 - кузги буғдой; 3 - кузги жавдар + рапс; 4 - қанд лавлагиси + илдиз мевалар; 5 - арпа; 6 - силос ва яшил озуқа учун маккажўхори + яшил озуқа учун бир йиллик ўтлар; 7 - нўхат; 8 - кузги ғалла; 9 - кузги ғалла; 10 - баҳорги дон экинлари) жорий этилади.

Ечимларни кўрсаткичлар тизими бўйича солиштириш 8.6 жадвалда келтирилган. Ундан кўриниб турибдики, бу вазиятда қанд лавлагиси алмашлаб экишини жорий этишда асосий иқтисодий самара қанд лавлагиси майдонларини унумдорлиги юқори бўлган ерларда яхши жойлаштириш ҳисобига олинади. Агар алмашлаб экишнинг қанд лавлагиси бўйича ўртача балли II ечимда 87 тенг бўлса, I ечимда у 98 баллга тенг. Алмашлаб экишлар жойлаштирилишининг юқоридагиларга мос чизмаси 11 чизмада кўрсатилган.

8.6 жадвал


Алмашлаб экишда қанд лавлагиси майдонларини жойлаштириш самарадорлиги, минг сўм

Кўрсаткичлар	I ечим	II ечим
Деҳқончилик ялпи маҳсулоти қийматининг ўсиши	53,2	-
Қўшимча маҳсулотнинг меъёрий харажатлари	13,3	-
Йиллик харажатларнинг ўсиши: транспорт харажатлари ҳисобига	2,4	-
техниканинг бефойда юришлари ҳисобига	0,6	-
агрегатларнинг бефойда айланишлари		

8.6 жадвалнинг давоми

ва кириб-чиқишлари ҳисобига	0,3	-
бригадирлар иш ҳақи фонди ҳисобига	3,6	-

Далаларга механизмлар ёрдамида ишлов бериш ва ҳосилни йиғиб олиш харажатларининг тежалиши	-	4,6
Яхши ечимда соф даромаднинг ўсиши:	28,4	-
ҳаммаси	12,1	-
1 га ҳайдалма ерга, сўм		



1 о

- озуқа алмашлаб экиши

1 л

- қанд лавлагиси алмашлаб экиши

11 чизма. Алмашлаб экишлар жойлашиши

Бу хўжалиқда алмашлаб экишда картошкани бутун далаларда жойлаштириш имкони бўлмади, бу ҳайдалма ерлар массивининг агротехник жиҳатдан бир хил эмаслиги билан боғлиқ эди. Шунинг учун хўжалиқда, экинлар алмашиши қуйидагидек бўлган 6 далали

картошка алмашлаб экиши лойиҳаланди: 1 дала - баҳорги донли экинлар, тагига кўп йиллик ўтлар экилади; 2-3 - кўп йиллик ўтлар; 4 - кузги ғалла; 5 - 6 - картошка + силосбоп экинлар. У хўжалик марказидан 2,5 км масофада жойлашган. Мос иқтисодий кўрсаткичлар 8.7 жадвалда кўрсатилган.

8.7 жадвал

Картошка экиладиган майдонларни жойлаштиришнинг ҳар хил ечимлари нисбий самарадорлиги

Кўрсаткичлар	Экинларни жойлаштириш	
	бир далада	иккита ярим далада
Ерларни картошка бўйича иқтисодий баҳолаш балли	80	93
Хўжалик тупроқлари бўйича картошкани яхши жойлаштириш ҳисобига соф даромаднинг ўсиши, минг сўм	- 190	66,4 95
Экинларнинг жамланиш даражаси, га		
Экинларнинг жамланиш даражасига боғлиқ ҳолда харажатларнинг ўзгариш фоизи	1,022	1,228
Картошка етиштириш учун ҳисобланган харажатлар, 1 га сўм	613,2	736,8
Картошка етиштириш учун харажатларнинг тежалиши, минг сўм	23,5	-
Яхши ечимда соф даромаднинг ўсиши, минг сўм	-	42,9

Бизнинг В.Е.Туринге билан биргаликда олган маълумотларимизга асосан картошка етиштиришда 1 баллнинг соф даромад бўйича баҳоси 26,9 сўмга тенг бўлди. Демак, 190 га майдондан картошка иккита даланинг ярмида жойлаштирилганда $(93-80)29,6 \cdot 190 = 66,4$ минг сўмлик қўшимча соф даромад олинади. Шу билан бир қаторда, картошка етиштириш учун меъёрий харажатлар 1 га 600 сўм ва унинг майдонининг ҳар хил жамланишида I ечимда моддий пул

воситалари $(736,8-613,2)190 = 23,5$ минг сўмга тежалади. Шундай қилиб, картошкани иккита ярим далада жойлаштиришнинг умумий самараси йиллига 42,9 минг сўмга ёки 1 га картошка майдони ҳисобига 225,8 сўмга тенг бўлади.

Ерларни экинлар бўйича иқтисодий баҳолашнинг 1 балли баҳосини ва уларни етиштириш харажатларининг экинларнинг жамланиш даражасига боғлиқлигини билиб, у ёки бу лойиҳа ечими келтириб чиқарадиган тупроқ унумдорлигининг ўзгаришларини аниқлаш мумкин. Масалан, юқорида келтирилган мисолда харажатлар орасидаги фарқ 1 га 123,6 сўмга $(736,8-613,2 = 123,6)$ тенг, бу тупроқ унумдорлигининг 4-5 балга ўзгариши билан баробардир $(123,6 \div 26,6 = 4,5)$. Демак, картошкани 84-85 ва ундан паст баллик ерларда жойлаштириш ҳамда уни битта далада жамлаш уларни иккита ярим далаларда жойлаштиришга қараганда мақсадга мувофиқ бўлмайди.

Меҳнат кўп талаб этадиган ва кўп юк чиқардиган экинлар майдонларини махсус алмашлаб экишларда жамлаш, уларни хўжалик марказларига, чорвачилик фермаларига ва магистрал йўлларга яқинлаштириш, ҳаттоки, унумдорлиги паст тупроқларда ҳам аҳамиятга эга (ерлар сифатининг фарқи кам бўлганда). Бунда алмашлаб экишни ўзлаштиришнинг биринчи йилларида минерал ва органик ўғитларнинг юқори миқдорларини йўналтирилган тарзда солиш йўли билан тупроқлар унумдорлигини тенглаштириш бўйича тадбирлар кўзда тутилади.

Узоқдаги ерларда етакчи экинлари бор алмашлаб экишларни жорий этиш, агар транспорт харажатлари ва ишлаб чиқаришнинг бошқа харажатларининг ўсиши, экинларни яхши ерларда жойлаштириш ва уларни жамлаш билан боғлиқ соф даромаднинг ўсишидан кам бўлсагина иқтисодий самарали бўлади.

Қатор хўжаликларда кўп меҳнат сарфи (қувват сифимли) ва кам юк чиқиши (пахта, тамаки, ялпиз, каноп ва бошқ.) билан ажралиб турадиган экинлар экилади. Бундай экинлари бор алмашлаб экишларни ишчи кучини

ташиш харажатларини камайтириш ва ишчиларнинг иш ўринларига ва орқага юришларининг вақтларини тежаш мақсадида хўжалик марказларига яқин жойларга жойлаштириш керак. Бунда, агар махсус алмашлаб экиш пиёда бориб келиш мумкин бўлган масофада (1,5-2 км) жойлашган бўлса, хўжалик амалий жиҳатдан ишчи кучини ташишга харажат қилмайди.

ҳар хил шаклдаги ер массивларида хўжалик марказидан пиёда бориш мумкин бўлган радиусда жойлашган ҳайдалма ерлар майдони миқдори 8.8 жадвалда кўрсатилган.

8.8 жадвал

Пиёда бориш мумкин бўлган минтақада жойлашган алмашлаб экишлар майдони*

Ер майдонинининг геометрик шакли	Хўжалик марказининг жойлашган ўрни				
	Массивнинг огирлик марказида	Айлана радиусининг ёки квадрат ярим диагоналининг ўртасида	Тўртбурчакнинг томонларида ёки катта томонининг ўртасида	катта-сининг	кичи-гининг
Айлана Квадрат Тўғри тўртбурчак: к: 1:2 1:4 1:10 Тўғри бурчакли учбурчак: 1:1 1:2 1:4 1:5	944-1679	669-1189	300-533	-	-
	805-1609	557-990	378-672	228-405	-
	756-1345	-	454-807	189-336	-
	467-830	-	378-672	118-210	-
	204-363	-	-	52-92	-
	724-1288	-	-	112-200	112-200
	601-1069	-	-	135-240	70-123
	380-675	-	-	111-197	36-64
	311-554	-	-	95-170	30-52
	1:5	-	-	-	-

*Йўлларнинг эгрилиги коэффициенти 1,3 га тенг деб қабул қилинган. 1:2, 1:4 ва ш.ў. шаклнинг узун томонининг қисқа томонига нисбатини билдиради.

Кўп қувват талаб этадиган экинлар бўйича махсус алмашлаб экишларни жорий этиш ишчиларни иш ўринларига олиб бориш ва орқага олиб қайтиш ҳам ва умуман, транспорт харажатларининг жами миқдорини 6-20% камайтириш имконини беради. Унинг аниқ қиймати хўжалик марказларининг ҳайдалма ерлар массивларига нисбатан жойлашишига, унинг шаклига, ҳар хил табиий тўсиқлар билан бўлинганлигига, йўл тармоқларининг аҳволига боғлиқ бўлади.

Жойнинг мураккаб рельефида, ҳайдалма ерлар массивлари бўлак-бўлак бўлиб жойлашганда ва улар катта узунликка эга бўлганларида йиллик харажатларнинг тежалиши анча ўсади.

Қувват кўп талаб этадиган экинлари бор айрим махсус алмашлаб экишлар, ҳаттоки, дала алмашлаб экишида юк чиқиши уларга нисбатан кам ёки тенг экинлар экилганда ҳам, самаралироқ бўлади.


Агар экин майдонлари таркибида, юқорида кўрсатилган кўп қувват талаб этадиган экинлардан ташқари, интенсив кўп юк чиқадиغان экинлар (қанд лавлагиси, сабзавотлар, картошка ва бошк.) кўп бўлса, уларни узоқдаги ерларда жойлаштириш маҳсулотларни ва гўнгни ташиш бўйича ишларнинг қимматлашишига олиб келади, мустақил махсус алмашлаб экишларни жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлмайди. Бундай вазиятларда кўп меҳнат талаб этадиган экинларни ишлаб чиқариш бўлими ҳудудида жойлашадиган битта алмашлаб экишга киритиш ёки хўжалик маркази атрофидаги ерларда кўп юк чиқадиغان экинлар учун мустақил алмашлаб экиш ташкил этиш керак.

Тупроқ қатлами бир хил бўлганда битта дала ёки дала алмашлаб экишини ва қувват сифими катта экинлар учун махсус алмашлаб экишларни жорий этиш масаласи ишчилар ва юкларни ташишнинг йиллик харажатларини солиштириш йўли билан ечилади. Шу мақсадда дала ва

махсус алмашлаб экишларда меҳнат сарфи ва юк ташиш ҳажмининг нисбатлари ҳар хил бўлган ечимларни таҳлил этиш асосида биз энг яхши лойиҳавий ечимни танлаш имконини берадиган боғлиқликни ҳисоблаб топдик (12 чизма) .

Масалан, махсус ва дала алмашлаб экишларидаги меҳнат сарфларининг нисбати 3:1 ва юклар оғирлиги нисбати 1:2, 1:1 ва ундан ҳам кичик бўлганда, икки алмашлаб экишни: дала ва махсус, жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Бошқа ҳар қандай нисбатларда битта алмашлаб экишдан фойдаланган яхши.

Кўп қувват талаб этадиган экинлар учун алмашлаб экишларни жорий этишнинг мақсадга мувофиқлигини эфир ёғи хўжалик-заводларидан бирининг мисолида кўрамиз. Ер тузиш йилидаги ва лойиҳа бўйича хўжалик ерлари майдони ва таркиби 8.9 жадвалда келтирилган.



Махсус ва ихтисослашган алмашлаб экишларда юклар миқдорининг нисбати:

— 2 алмашлаб экишда;
- - 1 алмашлаб экишда

12 чизма. Транспорт харажатларининг алмашлаб экиш таркибига боғлиқлиги (махсус ва дала алмашлаб экишларида умумий меҳнат сарфининг нисбати: а-10:1; б-5:1; в-3:1; г-2:1)

ҳайдалма ерлардан учта алмашлаб экиш тизимида фойдаланиш кўзда тутилган:

шалфейли, майдони 756 га (1 дала - кузги арпа; 2-3 - шалфей; 4 - кузги буғдой; 5 - шивит + кунгабоқар; 6-7 - дон учун маккажўхори; 8 - силос учун маккажўхори);

ялпизли, суғориладиган, майдони 406 га (1 дала - кузги буғдой; 2-3 - ялпиз; 4 - кузги буғдой; 5 - хашаки илдиш мевалар + сабзавот; 6-8 - беда);

тупроқни ҳимояловчи, майдони 175 га (1 дала - кузги арпа; 2 - кузги буғдой; 3-4 - экспарцет).

Бундан ташқари, ферма ёнидаги участка ва ўтлоқлаштириладиган участкалар мавжуд (13 чизма).

Мустақил ялпизли ва шалфейли алмашлаб экишларни жорий этиш хўжаликда фақат транспорт харажатларидан 6,7 минг сўмни тежашни таъминлайди, бу 1 га ҳайдалма ер хисобига 5 сўмни ташкил этади.

8.9 жадвал

«Роза Молдавий» совхоз заводи ерлари майдони ва таркиби

Ер турлари	Ер тузиш йилига		Ер тузиш лойиҳаси бўйича	
	га	%	га	%
ҳайдалма ерлар	1895,39	62,41	1393,22	45,88
Ййловлар	144,52	4,76	96,82	3,19
Боғлар	43,28	1,43	220,23	7,25
Узумзорлар ва резаворлар	1,30	0,04	51,01	1,68
Тутзорлар	1,27	0,04	1,27	0,04
Янғоқзорлар	60,33	1,99	78,57	2,59
Атиргуллар	165,21	5,44	176,72	5,81
Лаванда	333,62	10,98	512,63	16,88
Жами қишлоқ хўжалик	2644,94	87,09	2530,47	83,32


ерлари	28,58	0,94	86,16	2,84
Ўрмонлар	40,12	1,32	65,75	2,16
Йўллар	323,34	10,65	354,60	11,67
Бошқа ерлар	3036,98	100,0	3036,98	100,0
ҳамма ерлар				

Барча ҳайдалма ерларни битта трактор-далачилик бригадасига, 177 га атиргулни ва 513 га лавандани - иккита эфир ёғи бригадасига, 51 га узумзорни, 78 га ёнғоқзорни ва 34 га боғни - боғ-узумчилик бригадасига, 187 га боғни - иккита боғдорчилик бригадасига бириктириш кўзда тутилган. Лойиҳа бўйича 1000 бош қорамол (шу жумладан 400 бош сигир), 1200 бош чўчқа, 1750 бош қўй, 2000 бош парранда боқиш кўзланган. Эфир ёғли экинлар яхши асал беришини ҳисобга олиб, 200 асал ари оиласи ҳажмида асаларичилик ҳам кўзда тутилган.

Атиргул майдонлари 12 кварталга бўлинган иккита массивда жойлаштирилган; лаванда эса учта участкада (27 квартал) жойлаштирилган.

2. Озуқа алмашлаб экишларини иқтисодий асослаш

Фермалар ёнидаги озуқа алмашлаб экишлари, асосан, чорва моллари бош сони кўп ва ҳайдалма ерлари майдонлари катта



I/	Атиргул
I	Лаванда
I М	Ялпизли алмашлаб экиш
II ш	Шалфейли алмашлаб экиш
III пз	Тупроқни ҳимояловчи алмашлаб экиш
■	Эфир ёғи заводи

13 чизма. Совхоз заводда алмашлаб экишларни ташкил этиш.

бўлган хўжаликларда лойиҳаланади. Одатда уларни фермага ҳажми катта, ширали озукаларни ташиш харажатларини қисқартириш, ёз даврида яшил ўтлардан тўғридан-тўғри далада, молларни ҳайдаб боқиш йўли билан фойдаланиш учун озук акинларига сифати, майдони ва жойлашган ўрни бўйича мос ерлар ажратиб, чорвачилик фермалари ёнида жойлаштирилади.

Бошқа ҳудудларда таркибига дағал хашак (пичан, сомон) ҳамда асосий товар акинлари киритилган дала алмашлаб экишлари ташкил этилади.

Қўйлар ва ёзда узоқ яйловларда сақланадиган қорамоллар бузоқлари учун пичанзор-яйлов алмашлаб экишлари жорий этилади, улар отарлар ва ёзги лагерлар ёнида жойлаштирилади.

Озуқа алмашлаб экишларини жорий этиш иқтисодий асосланган бўлиши керак, сабаби, қатор вазиятларда транспорт харажатларининг тежалиши, дала алмашлаб экишдан қиммат баҳо асосий акинлардан олдин экиладиган қишлоқ хўжалик акинларининг: кўп йиллик ва бир йиллик ўтлар, дуккаклилар чиқарилиши, ихтисослашган ем-хашак етиштирувчи бригадаларни ва звеноларни ташкил этиш ҳамда ишлаб чиқаришнинг жамланиш (йириклаштирилиш) даражасининг пасайиши билан боғлиқ қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг қўшимча зарарлари ва сарфларини қопламайди.

Озуқа алмашлаб экишларини иқтисодий асослашнинг асосий кўрсаткичлари:

ер участкаларининг сифатига ва олдин экилган акинларга нисбатан акинларнинг ҳар хил жойлаштирилишини ҳисобга олган ҳолда, ялпи маҳсулот қиймати;

ишлаб чиқаришнинг жамланиш (йириклаштирилиш) даражасининг пасайиши билан боғлиқ қўшимча харажатлар;

ишчиларни ва юкларни ташиш учун транспорт харажатлари;

трактор-агрегатларининг бефойда юришлари учун харажатлар.

Биринчи ва иккинчи кўрсаткичларни аниқлаш олдин кўриб чиқилган. Транспорт харажатларини ҳисоблашда ҳам юқорида (VII боб) келтирилган усулдан фойдаланиш мумкин.

Аниқроқ ҳисоблашларда юкларни ташиш учун транспорт харажатларини (Z_T) қуйидаги ифода бўйича аниқлаш мумкин:

$$Z_T = \sum Q_i C_i$$

бунда Q_i - i классдаги юклар ҳажми;

C_i - юклар класс ва ташиш масофасига боғлиқ 1 т/км баҳоси, сўм.

Юклар турлари ва миқдори ҳар бир алмашлаб экиш бўйича аниқланади; фақат далалардан қишлоқларга олиб бориладиган юклар ҳисобга олинади. ҳар бир алмашлаб экиш бўйича ўртача масофа аниқланади (унинг таркибидаги ҳайдалма ерлар массивлари майдонлари бўйича ўртача).

Мос жадваллар бўйича (8-11 иловалар), ўртача масофани ва юклар классларини ҳисобга олган ҳолда 1 т юкни ташиш баҳоси аниқланади.

Агар дала алмашлаб экишларида юк чиқиши бўйича ҳар хил акинлар жойлаштирилса, одамларни ташиш харажатларини қуйидаги ифода бўйича ҳисоблаш зарурати келиб чиқади:

$$A = DnS \frac{2}{E} C,$$

бунда A - ишчи кучини ташиш учун харажатлар, сўм;

D - деҳқончиликдаги барча ишлар учун меҳнат сарфи, одам-кун;

n - 1 одамнинг ўртача бир кунда қатновлари сони (асосан $n=2$);

S - ўртача масофа, км;

E - 1 машинада олиб келинадиган одамлар сони (масалан, 20);

C - машинанинг 1 км юришининг баҳоси, сўм (12 илова).

Озуқа ва дала алмашлаб экишларини лойиҳалашда далалар сони кўпаяди, демак, трактор агрегатларининг бефойда даладан далага ўтишлари учун харажатлар ўсади. Бироқ уларни ҳар хил бригадаларга бириктиришда (алмашлаб экиш - бригада) энг узоқ далалар орасидаги масофа қисқаради. Шунинг учун ечимларни солиштиришда трактор агрегатларининг бир даладан иккинчи далага ўтишдаги бефойда юришларининг харажатларини (T_p) уларни ишчи ҳолатдан транспорт ҳолатига ва яна ишчи ҳолатига ўтказишни ҳисобга олган ҳолда, қуйидаги ифода бўйича аниқлаш зарур:

Юкларни ташиш учун транспорт харажатлари

Ташиладиган юклар	Майдони, га	ҳосилдорлик, 1 га т	Юклар оғирли- -ги, т	Юклар клас- си	I ечим			II ечим		
					Ўртача масофа, км	т юкни ташиш баҳоси, сўм	Ташиш- нинг уму-ми баҳо-си сўм	Ўртача масофа, км	т юкни ташиш баҳо- си, сўм	Ташиш- нинг уму- мий баҳо- си, сўм
Озуқа алмашлаб экиши *										
Илдиз мевалар	24	30	720	1	2,0	0,30	216	4,5	0,42	302
Картошка	25	16	400	1		0,30	120		0,42	168
Маккажӯхори	131	25	3275	3		0,50	1638		0,70	2292
Пичан учун бир йиллик ўтлар	50	2,5	125	3		0,50	62		0,70	88
Яшил озуқа учун бир йиллик ўтлар	40	12	480	3		0,50	240		0,70	336
Пичан учун кўп йиллик ўтлар	40	2,5	200	3		0,50	50		0,70	70
Яшил озуқа учун кўп йиллик ўтлар	180**	14	252	3		0,50	1260		0,70	1764
Яшил озуқа учун кузги жавдар	24	10	240	3		0,50	120		0,70	168
Кузги ғалла сомони	66	2,7	178	4		0,50	107		0,85	151
Жами	540	-	8038	-		-	3813		-	5339
Дала алмашлаб экиши **										
Уруғлик ва озуқа учун дон	-	-	1168	1	5,5	0,47	549	4,5	0,42	490
Донли экинлар сомони	1150	2,5	2875	4		0,95	2731		0,85	2443
Пичан учун бир йиллик ўтлар	70	2,5	1700	3		0,78	1386		0,70	122
Давлаги барги	170	10,0	1700	3		0,78	1326		0,70	1190
	1390	-	5918	-		-	4742		-	4245

Жами Хўжалик бўйича ҳаммаси	-	-	-	-		-	8555		-	9584
-----------------------------------	---	---	---	---	--	---	------	--	---	------

*фақат I ечимда иккита алмашлаб экиш ажратилган; **ўтлар сенаж учун яшил ҳолида ташилади.

$$T_p = n \cdot a \frac{S_{\max}}{2} C \cdot 1,5$$

бунда n - ҳамма далалар бўйича механизация ишлари турларининг жами сони;

a - бирга ишлайдиган агрегатларнинг ўртача сони;

$S_{\max}$ - бригада массивидаги энг узоқ далалар орасидаги

масофа, км;

C - 1 трактор/км баҳоси, сўм.

Механизация ишлари турларининг сони технологик карталар бўйича белгиланади (6 иловага қаралсин). Бирга ишлайдиган агрегатлар сони далалар майдони ва хўжаликнинг жойлашган минтақасига, трактор маркаси ва турига, 1 трактор-км баҳосига (асосан 0,4 - 0,8 сўм) боғлиқ бўлади.

Максимал масофа алмашлаб экиш массивидаги агар уларнинг ҳар бири мустақил бригадаларга бириктирилган бўлса, энг узоқ далалар орасидан олинади. Битта бригадага иккита алмашлаб экиш бириктирилганда умумий массив ичидаги энг узоқ далаларни олиш керак.

Аниқ мисолни кўриб чиқамиз. Майдони 2080 га бўлган қишлоқ хўжалик корхонасида алмашлаб экишларни ташкил этишнинг икки ечими лойиҳаланган. I ечим иккита алмашлаб экишни жорий этишни кўзда тутади: дала (1540 га) ва озуқа (540 га). Биринчиси, даласининг ўртача майдони 220 га бўлиб ўз ичига қуйидагиларни олади: 1 дала - бўш шудгор (150) + пичан учун бир йиллик ўтлар (70); 2 - кузги буғдой; 3 - қанд лавлагиси (170) + тарик (50); 4 - баҳорги буғдой; 5 - нўхат; 6 - кузги жавдар; 7 - арпа. Иккинчисида: 1 дала - кўп йиллик ўтлар пичан учун (40) + яшил озуқа учун (50); 2 - сенаж учун кўп йиллик ўтлар; 3 - кузги жавдар яшил озуқа учун (24) + дон учун (65); 4 - илдиз мевалар (24) + картошка (25) + силос учун маккажўхори (41); 5 - маккажўхори яшил озуқа учун (25) + силос учун (65); 6 - бир йиллик ўтлар яшил озуқа учун (40) + пичан учун, тагига кўп йиллик ўтлар экилади (50). II ечим фақат битта алмашлаб экишни ташкил этишни кўзда тутади.

Юокларни ташиш учун транспорт харажатларини ҳисоблаш 8.10 жадвалда келтирилган. Ундан кўриниб турибдики, озуқа алмашлаб экишини жорий этиш белгиланган шароитларда ва баҳоларда харажатларнинг 1029 сўмга (10,7%) камайишини таъминлайди.

8.11 жадвал

Ишчиларни ташиш харажатларини ҳисоблаш

Кўрсаткичлар	I ечим		II ечим
	Озуқа алмаш-лаб экиши	Дала алмаш-лаб экиши	
ҳамма ишлар учун меҳнат сарфи (Δ), одам-кун	4027	11433	15460
Бир кунда бир одамнинг қатновлари сони (n)	2	2	2
Ўртача масофа (S), км	2,0	5,5	4,5
Бир машинада ташиладиган одамлар сони (E)	20	20	20
Автомобилларнинг юриш масофаси (A), км	1611	12576	13914
Машиналарнинг 1 км юри-ши ҳақи, сўм	0,20	0,20	0,20
Ишчиларни ташиш ҳақи, сўм	181	1887	2783

Ишчиларни ташиш харажатлари тўғрисидаги маълумотлар 8.11 жадвалда келтирилган.

Жадвалдан кўриниб турибдики, озуқа алмашлаб экишини жорий этиш ишчиларни ташиш харажатларини тежаш нуқтаи назаридан ҳам иқтисодий самара беради (181 + 1887 = 2068 < 2783 сўм).

Трактор агрегатларининг бефойда юришлари харажатлари 8.12 жадвалда келтирилган, икки ечимни баҳолашнинг йиғма кўрсаткичлари - 8.13 жадвалда келтирилган.

8.12 жадвал

Трактор агрегатларининг бефойда даладан-далага ўтишларининг харажатларини ҳисоблаш

Кўрсаткичлар	I ечим		II ечим
	Озуқа алмашла	Дала алмашла	

	б экиши	б экиши	
Алмашлаб экиш майдони, га	1540	540	2080
Алмашлаб экишдаги далалар сони	7	6	10
Механизация ишлари турларининг жами сони (n)	75	58	114

8.12 жадвалнинг давоми

Бирга ишлайдиган агрегатларнинг ўртача сони (a)	3	2	5
Энг узоқ далалар орасидаги масофа, км	4,2	2,5	6,0
1 трактор-км баҳоси (тракторлар турларига боғлиқ ҳолда), сўм	0,6	0,6	0,6
Трактор агрегатларининг бефойда даладан-далага ўтишларининг харажатлари, сўм	425	131	1539

8.13 жадвал

Озуқа алмашлаб экишини ташкил этиш самарадорлиги, сўм

Кўрсаткичлар	I ечим	II ечим
Қуйидагилар ҳисобига ялпи маҳсулот қийматининг ўсиши:		
Алмашлаб экишларни тупроқлар сифатини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш	12909	-
олдин экилган қишлоқ хўжалик экинларини ҳисобга олиб жойлаштириш	-	2650
ишлаб чиқаришнинг жамланиш даражаси пасайиши билан боғлиқ қўшимча харажатлар	1835	-
Транспорт харажатлари:	8555	9584
юкларни ташиш учун	2068	2783
ишчиларни ташиш учун		
Трактор агрегатларининг бефойда юришлари харажатлари	556	1539
Жами харажатлар	13004	13906
Яхши ечимдаги иқтисодий самара	11161	-

Шундай қилиб, ҳисоб-китоблар ушбу хўжалиқда озуқа алмашлаб экишини ташкил этишнинг мақсадга мувофиқлигини тасдиқлайди.

§ 4. Ишчи лойиҳаларда ер тузиш ечимларини асослаш

Ишчи лойиҳаларни тузиш ер тузиш лойиҳаларида кўзда тутилган тадбирларни пудратчи ташкилотлар ёрдамида ёки хўжалик йўли билан, босқичма-босқич, энг оқилона тарзда амалга ошириш имконини беради.

Ишчи лойиҳалари, асосан, хўжаликлараро ва хўжаликларда ички ер тузиш лойиҳаларини янада ойдинлаштириш учун қўшимча махсус қидирув ва изланишлар асосида тузилади.

Ишчи лойиҳаларининг асосий вазифалари:

ўзлаштириладиган ва яхшиланадиган ер участкаларининг жойлашган ўрнини ва чегараларини аниқлаш;

мелиоратив, ер текислаш, қурилиш-монтаж ва бошқа ишларни бажаришнинг экологик хавфсиз ва энг тежамли технологияларини ва уларни ташкил этиш тартибларини белгилаш;

ерлардан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш тартиби ва шароитларини аниқлаш;

ишларнинг ҳажмини, смета қийматини ва бажариш навбатини, қурилиш материалларига, машиналарга, механизмларга ва ишчи кучига бўлган талабни аниқлаш.

Ишчи лойиҳалар таркиби ва мазмуни кўзланган тадбирлар мажмуасидан келиб чиқиб, табиий ва иқтисодий шароитларга боғлиқ ҳолда белгиланади. Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза этиш билан қуйидаги лойиҳалар боғланган:

ерларни ўзлаштириш ва тубдан яхшилаш;

маданий-техник тадбирлар;

ерларни рекультивациялаш ва кам унумли ерларни унумдор тупроқ қатлами билан қоплаш;

эрозияга қарши тадбирлар;

дарахтларни экиш ва дарахтзорлар ҳудудларини тузиш;

йўл қурилиши;

мелиоратив тармоқларини қайта қуриш билан бирга, ерларни капитал текислаш;

алмашлаб экиш далалари ҳудудлари ичини ташкил этиш (далаларни агрохимик маданийлаштириш бўйича комплекс тадбирлар ёки эрозияга қарши агротехник тадбирларни амалга ошириш билан);

суғориладиган маданий яйловлар ва пичанзорларни яратиш ва улар ҳудудларини тузиш;

далаларни ҳимояловчи ўрмон (иҳота) полосаларини экиш;

селга қарши ва эрозияга қарши гидротехник иншоотларни қуриш;

дала ва яйлов сув таъминоти манбааларини жиҳозлаш;

қумликларни, жарликларни, чуқурликларни ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига яроқсиз бошқа ерларни ўрмон билан қоплаш.

Амалиёт кўрсатишича, ишчи лойиҳаларини капитал маблағлар сарфлашни талаб қиладиган, ерларни яхшилаш ва муҳофаза қилиш билан боғлиқ барча тадбирларга тузиш мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун улардаги ер тузиш ечимларини иқтисодий асослаш капитал харажатлар самарадорлигини баҳолаш билан боғлиқ бўлиши керак.

Ишчи лойиҳаларининг ҳар хил турларида иқтисодий асослашнинг тартиби, мазмуни ва кўрсаткичлари бир хил эмас.

Хусусан, мураккаб майдончали объектлар ва чизиқли объектларни ва иншоотларни ажратиш керак.

Ишчи лойиҳаларининг биринчи тури (ерларни ўзлаштириш, боғларни экиш ва ҳудудни ташкил этиш, ерларни мелиорациялаш ва бошқ.) кўпчилик ҳолларда икки босқичли бўлади; биринчи босқичда ҳудудни ташкил этишнинг бош чизмаси плани, иккинчисида - лойиҳанинг ўзи ёки ерларни ўзлаштириш учун ишчи ҳужжатлар тузилади (ўзлаштириш босқичлари бўйича). Бунда ҳудудни ташкил этишнинг бир неча ечими ишланади. Мезон сифатида капитал харажатлар самарадорлигининг (масалан, келтирилган харажатлар минимуми) нисбий кўрсаткичларидан фойдаланилади.

Агар ҳудудни янги ташкил этиш маҳсулот ишлаб чиқаришнинг кўпайишига олиб келса, асосий кўрсаткич келтирилган харажатларнинг 1 сўми ҳисобига соф даромаднинг ўсиши бўлади:

$$\frac{\Delta CД}{KE_{\text{м}} + C} \rightarrow \max$$

бунда К - капитал харажатлар ҳажми;

$E_{\text{м}}$ - капитал харажатлар самарадорлигининг меъёрий

коэффициенти;

С - ишлаб чиқаришнинг йиллик харажатлари.

Чизиқли объектлар ва иншоотлар (йўллар, каналлар, сув билан таъминлаш тармоқлари, ўрмон полосалари ва ш.ў.) учун ишчи лойиҳалар қурилиш материалларини, конструкцияларини, технологияларини ва ишларни бажариш усуллари, дарахтлар навларини ва ш.ў. танлаш масалаларини ечишни кўзда тутди. Уларни ишлаш бир босқичда амалга оширилади, ечимларни асослашда эса капитал харажатларнинг мутлоқ самарадорлиги (капитал харажатлар самарадорлиги коэффициенти $E = \Delta CД / K$, қопланиш муддати $T = K / CД$, $T = 1 / E$) кўрсаткичларидан фойдаланилади; яна мос меъёрий қийматлар билан солиштириш ўтказилади.

Ишчи лойиҳаларини иқтисодий асослаш кўрсаткичларини танлашда VII- бобда баён этилган услубиятдан фойдаланиш керак.

Назорат саволлари:

1. Қишлоқ хўжалик корхонаси ҳудудини эрозияга қарши ташкил этишнинг ҳар хил ечимларини қандай кўрсаткичлар бўйича баҳолаш мумкин?
2. Ювилган ерларда тупроқни ҳимоя қилувчи алмашлаб экишни жорий этиш зарурати қандай иқтисодий асосланади?
3. Интенсив зах қочириш ва суғориш мелиорацияси ўтказилаётган туманларда хўжалиқда ички ер тузиш лойиҳаларини иқтисодий асослашнинг асосий кўрсаткичларини санаб ўтинг.

**Ерларни қишлоқ хўжалиги учун ўзлаштириш,
трансфор-мациялаш ва яхшилашнинг умумлаштирилган
меъёрий харажатлари, 1 га сўм***

Тадбирлар	Нисбий капитал харажатлар	Қўшимча йиллик харажатлар			
		амортизация ажратмаси ва капитал таъмирлаш	жорий таъмирлаш ва фойдаланиш	агротех-ник тадбирлар	ҳам-маси
ҳайдалма ерларга ўзлаштириш:					
пичанзорларни	290	15	10	150	175
ййловларни	320	16	10	170	196
ўрмонларни	330	16	10	200	226
	330	16	10	200	226
чакалакзорларни ҳайдалма ерларга захини қочириб ўзлаштириш:	1770	88	53	150	291
пичанзорларни	1800	90	54	170	314
ййловларни	2180	109	64	200	373
ўрмонларни	1950	98	58	200	356
	2740	107	64	200	371
чакалакзорларни батқоқликларни					
Пичанзорга	200	11	7	60	78
ўзлаштириш:	270	14	8	60	82
ййловларни	270	14	8	60	82
ўрмонларни					
чакалакзорларни	1670	84	50	60	194
Пичанзорга	2000	100	60	60	220
захини қочириб	1950	97	58	60	215
ўзлаштириш:	2120	106	64	60	230
ййловларни					
ўрмонларни	170	8	5	50	63
чакалакзорларни	200	10	6	50	66
батқоқликларни	190	9	5	50	64
Ййловга					
ўзлаштириш:					
пичанзорларни					
ўрмонларни					

И Л О В А Л А Р

4. Суғориш усуллари (ер устидан суғориш, ёмғирлатиб суғориш) танлаш қандай иқтисодий баҳоланади?
5. Қуйидагиларни асослашда қандай кўрсаткичлардан фойдаланилади:
хўжалиқда махсус алмашлаб экишни ташкил этиш;
битта алмашлаб экиш ўрнига иккита экинлар табақалашти-
рилиб жойлаштириладиган алмашлаб экишни жорий этиш;
ферма ёнидаги ва лагер ёнидаги алмашлаб экишларни ажратиш?
6. Ишчи ер тузиш лойиҳаларида ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ тадбирлар самарадорлиги қандай кўрсаткичлар бўйича баҳоланади?
7. Ерларни ўзлаштириш ва тубдан яхшилаш самарадорлиги қандай аниқланади?
8. Хўжалиқда йўл қурилиши самарадорлиги қандай аниқланади?
9. Эрозияга қарши агротехник тадбирлар мажмуаси билан далалар ичида ҳудудни ташкил этиш самарадорлиги кўрсаткичларини санаб ўтинг.

чакалакзорларни Зах қочириш:					
<i>1 илованинг давоми</i>					
ҳайдалма	1490	74	45	-	119
ерларда	1310	66	39	-	105
ййловларда					
Ўрмон қоплаган	350	18	10	50	78
ййловларни тубдан яхшилаш					

Алмашлаб экишда оддинги йил экилган экинлар	Коэффициент К _к
<i>Кузги буғдой</i>	
Кўп йиллик ўтлар-кўп йиллик ўтлар-кўп йиллик ўтлар-кузги буғдой	1,06
Кўп йиллик ўтлар - кўп йиллик ўтлар - кузги экинлар - кузги буғдой	1,04
Кузги экинлар - дон учун маккажўхори - дуккакдиллар - кузги буғдой	1,05
Қанд лавлагиси - кузги экинлар - дон учун маккажўхори - кузги буғдой	0,96
Кунгабоқар - кузги экинлар - силос учун маккажўхори - кузги буғдой	1,05
Дон учун маккажўхори - кузги экинлар-кунгабоқар - кузги буғдой	0,97
Дон учун маккажўхори - кузги экинлар - қанд лавлагиси - кузги буғдой	0,92
Кузги экинлар - қанд лавлагиси - кузги экинлар - кузги буғдой	0,98
Кузги экинлар - маккажўхори - кунгабоқар - қора шудгор - кузги буғдой	1,09
Маккажўхори - кунгабоқар - банд шудгор - кузги буғдой	1,05
<i>Кунгабоқар</i>	0,86
Маккажўхори - кузги экинлар - қанд лавлагиси - кунгабоқар	1,06
	1,03
Кузги экинлар - маккажўхори - кузги экинлар -	0,89

2 илованинг давоми	
кунгабоқар	0,91
<i>Нўхат</i>	
Кузги экинлар - қанд лавлагиси - кузги ғалла - нўхат	0,97
Кузги экинлар - кузги ғалла - қанд лавлагиси - нўхат	0,94
Кузги экинлар - қанд лавлагиси - дон учун маккажўхори - нўхат	1,03
Кузги ғалла - кузги экинлар - силос учун маккажўхори - нўхат	1,06
<i>Қанд лавлагиси</i>	
Силос учун маккажўхори - қанд лавлагиси	1,11
Кузги буғдой - қанд лавлагиси	1,09
Кунгабоқар - қанд лавлагиси	0,88
Кўп йиллик ўтлар - қанд лавлагиси	0,96
<i>Дон учун маккажўхори</i>	
Кузги экинлар - қанд лавлагиси - дон учун маккажўхори	1,07
Кузги экинлар - кунгабоқар - кузги экинлар - дон учун маккажўхори	0,86
Қанд лавлагиси - кунгабоқар - кузги экинлар- дон учун маккажўхори	1,04
Кузги экинлар - кузги экинлар - дон учун маккажўхори	0,83

Экинла р	Ҳосил дор- лик, 1 га ц	Масофа, км									
		1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

Кузги буғдой	25	0,80	0,81	0,83	0,85	0,88	0,90	0,92	0,94	0,96	0,99	1,21
	30	0,88	0,89	0,92	0,94	0,96	0,98	1,01	1,04	1,06	1,09	1,33
	35	0,95	0,97	0,99	1,02	1,05	1,07	1,09	1,12	1,15	1,18	1,44
	40	1,01	1,03	1,06	1,08	1,11	1,14	1,17	1,20	1,23	1,26	1,53
Арпа	45	1,07	1,09	1,12	1,15	1,18	1,21	1,24	1,27	1,30	1,33	1,69
	25	0,96	0,97	0,99	1,01	1,04	1,06	0,08	1,10	1,12	1,15	1,34
	30	1,01	1,02	1,04	1,06	1,09	1,11	1,13	1,15	1,17	1,20	1,41
	35	1,06	1,07	1,10	1,12	1,15	1,17	1,19	1,21	1,23	1,26	1,48

3 илованинг давоми

Каноп	40	1,10	1,11	1,13	1,15	1,18	1,20	1,22	1,24	1,26	1,29	1,54
	45	1,13	1,14	1,16	1,18	1,21	1,23	1,25	1,27	1,29	1,32	1,58
	3	0,83	0,83	0,84	0,85	0,86	0,87	0,88	0,89	0,90	0,91	1,00
	4	1,00	1,01	1,02	1,03	1,04	1,05	1,06	1,08	1,09	1,10	1,20
Қанд лав- лагиси	5	1,18	1,19	1,20	1,21	1,22	1,23	1,24	1,25	1,26	1,27	1,39
	200	0,76	0,78	0,81	0,85	0,88	0,92	0,95	0,99	1,03	1,06	1,42
	300	0,94	0,96	1,01	1,05	1,10	1,14	1,18	1,28	1,32	1,28	1,76
	400	1,11	1,13	1,18	1,24	1,29	1,34	1,39	1,44	1,50	1,55	2,07
Картош ка	500	1,25	1,28	1,34	1,40	1,46	1,51	1,57	1,63	1,69	1,75	2,34
	100	0,95	0,96	0,98	1,01	1,03	1,05	1,07	1,10	1,12	1,14	1,36
	150	1,10	1,12	1,14	1,17	1,19	1,21	1,29	1,29	1,33	1,33	1,58
	200	1,23	1,25	1,28	1,31	1,34	1,37	1,40	1,43	1,46	1,49	1,76
Силос ва яшил озу-қа учун	200	0,75	0,76	0,78	0,79	0,81	0,83	0,85	0,86	0,88	0,90	1,07
	300	0,88	0,89	0,91	0,93	0,95	0,96	0,99	1,01	1,03	1,05	1,26
	400	1,01	1,02	1,05	1,07	1,10	1,12	1,14	1,17	1,19	1,22	1,45
	маккажў хори											
Пичан учун бир йиллик ўтлар	40	1,01	1,04	1,11	1,17	1,24	1,30	1,36	1,43	1,49	1,56	2,19
	60	1,09	1,13	1,20	1,27	1,34	1,40	1,47	1,54	1,61	1,68	2,37
	80	1,18	1,21	1,29	1,36	1,44	1,51	1,58	1,66	1,74	1,81	2,55
	йиллик ўтлар											
Пичан учун кўп йиллик ўтлар	40	0,98	0,99	1,01	1,03	1,05	1,07	1,09	1,11	1,13	1,15	1,36
	60	1,09	1,10	1,13	1,15	1,17	1,19	1,22	1,25	1,26	1,28	1,52
	80	1,14	1,15	1,18	1,20	1,23	1,25	1,27	1,29	1,32	1,34	1,59
	йиллик ўтлар											

4 илова

**1 га қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш
харажатларининг ерлар контурлашишига боғлиқ
ўзгариши коэффиценти***

Экинлар ва ер турлари	Майдони, га				
	2 гача	2-4	4-10	10-20	20-40
Кузги жавдар	1,193	1,143	1,107	1,078	1,051

Кузги буғдой	1,175	1,129	1,097	1,070	1,046
Арпа	1,133	1,098	1,073	1,053	1,035
Сули	1,199	1,147	1,110	1,080	1,052
Нўхат	1,211	1,155	1,116	1,086	1,055
Зигир-тола	1,096	1,071	1,053	1,039	1,025
Қанд лавлагиси	1,134	1,098	1,076	1,056	1,034

4 илованинг давоми

Картошка	1,115	1,084	1,065	1,049	1,029
ҳашаки лавлагиси	1,113	1,082	1,063	1,047	1,028
Силос ва яшил озуқа учун маккажўхори	1,160	1,117	1,089	1,065	1,039
Бир йиллик ўтлар	1,121	1,089	1,067	1,048	1,032
Кўп йиллик ўтлар	1,276	1,200	1,555	1,115	1,070
Тубдан яхшилланган пичанзор	1,201	1,146	1,113	1,084	1,051
Маданий яйлов	1,086	1,063	1,048	1,036	1,022
Суғориладиган маданий яйлов	1,172	1,125	1,097	1,072	1,044
Табиий пичанзорлар	1,108	1,078	1,061	1,045	1,027

* Контурлар майдони 40 га катта бўлганда қўшимча харажатлар
ҳисобга олинмайди

5 илова

**Тупроқларнинг механик таркиби, генетик тури,
тошлоқлиги ва ернинг рельефига боғлиқ ҳолда қишлоқ
хўжалик экинларини етиштириш учун харажатларнинг
ўзгариши коэффиценти
(ГИЗР маълумотлари бўйича)**

Тупроқ турлари ва уларнинг тавсифи	Тупроқ- ларнинг нисбий қаршилиг и	Экинлар						
		кузг и донл и экин -лар	баҳо рги донл и экин -лар	зигир - тола	қанд лавла -гиси	кар - то шк а	силос ва яшил озуқа учун мак- кажўхор и	бир йил- лик ўтлар
Ернинг нишаблиги, градус:								
1° гача	-	1,0	1,0	1,00	1,00	1,00	1,00	1,0
1-3°	-	0	0	1,04	1,02	1,02	1,02	0
3-5°	-	1,0	1,0	1,07	1,03	1,07	1,04	1,0
5-7°	-	2	2	1,14	1,05	1,12	1,08	2
7-9°	-	1,0	1,0	1,21	1,07	1,18	1,16	1,1
Тошлоқлик: йўқ	-	3 1,0	6 1,0					0 1,1

кучсиз	-	8	8	1,01	1,01	1,01	1,01	5
ўрта	-	1,0	1,1	1,14	1,02	1,04	1,03	1,2
кучли	-	9	3	1,20	1,04	1,04	1,06	0
Чимли- кулранг		1,0	1,0					1,0
		0	0					0
		1,0	1,0					1,0
		0	0					1
		1,0	1,0					1,0
		2	2					5
		1,0	1,0					1,1
		5	5					0

5 илованинг давоми

тупроқлар:								
қум ва	0,29-0,41	1,0	1,0	1,00	1,00	1,00	1,00	1,0
қумлоқ	0,42-0,47	0	0	1,01	1,01	1,01	1,02	0
енгил	0,48-0,53	1,0	1,0	1,01	1,01	1,01	1,03	1,0
қумоқ	0,54-0,59	1	1	1,02	1,03	1,03	1,03	1
ўрта қумоқ	0,60-0,65	1,0	1,0	1,03	1,03	1,05	1,05	1,0
оғир қумоқ		1	1					2
соз		1,0	1,0					1,0
Кулранг		2	2					3
ўрмон	0,29-0,41	1,0	1,0	1,00	1,00	1,00	1,00	1,0
тупроқлари:	0,42-0,47	3	3	1,00	1,01	1,01	1,01	4
қум ва	0,48-0,53			1,01	1,01	1,02	1,02	
қумлоқ	0,54-0,59			1,02	1,02	1,03	1,03	
енгил	0,60-0,65			1,03	1,03	1,03	1,05	
қумоқ ўрта		1,0	1,0					1,0
қумоқ		0	0					0
оғир қумоқ		1,0	1,0					1,0
соз	0,29-0,41	11,	11,	1,00	1,00	1,00	1,00	21,
Ишқорланга	0,42-0,47	01	01	1,01	1,01	1,01	1,01	02
н қора	0,48-0,53	1,0	1,0	1,01	1,01	1,02	1,02	1,0
тупроқлар:	0,54-0,59	2	2	1,01	1,02	1,03	1,03	5
қумлар	0,60-0,65	1,0	1,0	1,02	1,03	1,05	1,05	1,0
қумлоқ	0,65-0,71	3	3	1,03	1,05	1,06	1,07	6
енгил								
қумоқ								
ўрта қумоқ		1,0	1,0					1,0
оғир қумоқ		0	0					1
соз		1,0	1,0					1,0
		1	1					2
		1,0	1,0					1,0
		1	1					3

--	--	--	--	--	--	--	--	--

6 илова

**ҳар хил экинларни етиштиришдаги механизация
ишлари сони**

Экинлар	сони	Экинлар	сони
Қора шудгор	7	Кунгабоқар	9
Пахта	17	Картошка	12
Кузги буғдой	9	Бодринг	8
Сули, арпа	6	Помидор	7
Тамаки	9	Сўтаси пишмасдан	
Дон учун маккажўхори	11	йиғиш-тириладиган	
Хўраки полиз	10	маккажўхори	10
ҳашаки полиз	10	Кузги жавдар	8
ҳашаки илдиз мевалар	11	Баҳорги буғдой	6
Пичан учун бир йиллик ўтлар	12	Пичан учун кўп	11
Яшил озуқа учун бир йиллик	10	йиллик ўтлар	11
ўтлар	5	Уруғлик учун беда	12
Яшил озуқа учун кузги жавдар	11	Мева бераётган боғ	16
Яшил озуқа учун маккажўхори		Қанд лавлагиси	

7 илова

**ҳар хил даражада ювилган тупроқлардаги қишлоқ
хўжалик экинлари ҳосилдорлиги (Марказий-Қора
тупроқ минтақаси)****

Экинлар	Тупроқлар		
	кучсиз ювилган	ўрта ювилган	кучли ювилган
Кузги буғдой	90	60	40
Кузги жавдар	90	65	45
Баҳорги буғдой, сули	80	50	20
Арпа	85	45	30
Дон учун маккажўхори	70	40	15
Маккажўхори (силос, яшил озуқа)	75	40	25
Нўхат	85	60	50
Кунгабоқар	80	40	
Картошка, қанд лавлагиси	60	40	
Вика-сули	80	55	

Судан ўти	80	60	
Кўп йиллик ўтлар	90	90	

* 7-12 иловаларни тайёрлашда «Землеустроительное проектирование. Методические указания и задания для выполнения лабораторных работ и разработки курсового проекта на тему: «Внутрихозяйственное землеустройство колхоза» Ч.1-М.: МИИЗ, 1991. С. 124-128» китоби маълумотларидан фойдаланилди.

**«И.Г.Конопотин, Н.М. Матасова. Нормативные и справочные материалы к методическим указаниям по противоэрозионной организации территории сельскохозяйственных предприятий. - М.: ГУЗ, 1993. С.6) маълумотлари бўйича тузилди. Кўрсаткичлар ювилмаган ерларнинг ҳосилдорлигига нисбатан фоиз ҳисобида олинган.

8 илова

Автомобил транспортида ташиладиган юкларнинг номенклатураси рўйхати ва классификацияси

Юклар номи	Юклар классификацияси
Полиз экинлари (тарвуз, қовун, қовоқ) устма-устига	2
Нўхат ва дуккаклар халталарда	1
Шуларнинг ўзи тўқилган ҳолда	2
Кунжара, жом	2
Сабзавот кўкати панжараларда, халтачаларда, ящикларда	4
Шунинг ўзи устма-уст	

8 илованинг давоми

Галла (дон, уруғлик), сулидан, кунгабоқардан маккажўхори сўталаридан ва пахта уруғидан	1
Сули тўқилган ҳолда	2
Янги карам	2
Янги картошка	1
Омухта ем	2
Сўталардаги маккажўхори	2
Янги сут бидонларда, флягаларда, автоцистерналарда	3
Бошоқларнинг уни ва техник унлар	2
Ёввойи ва уй ҳайвонларининг сўйилган гўштлари (устма-уст)	1
Шуларнинг ўзи, бочкаларда, ящикларда	2
Гўнг	2
Нефть ва нефть маҳсулотлари бочкаларда	1

--	--

9 илова

5 т оғир бўлган юкларни ташиш таърифлари, 1 т сўм тийин *

Ташиш масофаси, км	Юклар классификацияси			
	1	2	3	4
1	0 - 29	0 - 36	0 - 48	0 - 58
2	0 - 36	0 - 45	0 - 60	0 - 72
3	0 - 43	0 - 54	0 - 72	0 - 86
4	0 - 50	0 - 62	0 - 84	1 - 00
5	0 - 57	0 - 71	0 - 95	1 - 14
6	0 - 64	0 - 80	1 - 07	1 - 28
7	0 - 70	0 - 87	1 - 17	1 - 40
8	0 - 76	0 - 95	1 - 27	1 - 52
9	0 - 82	1 - 02	1 - 37	1 - 64
10	0 - 86	1 - 10	1 - 47	1 - 76
20	1 - 34	1 - 67	2 - 24	2 - 68

9 илованинг давоми

30	1 - 74	2 - 17	2 - 91	3 - 48
40	2 - 48	2 - 67	3 - 57	4 - 28
50	2 - 46	3 - 07	4 - 11	4 - 92
75	3 - 21	4 - 01	5 - 36	6 - 42
100	3 - 96	4 - 95	6 - 61	7 - 92
100 км кейинги ҳар бир километр (тонна-километр) учун	+ 3,4 тийин	+ 4,3 тийин	+ 5,7 тийин	+ 6,8 тийин

* 9-12 иловалар маълумотларидан ер тузиш лойиҳаларини асослашдаги солиштириладиган ҳисоб-китоблар учун фойдаланиш тавсия этилади.

10 илова

Фақат ўзи ағдарадиган автомашиналар ва думперларда кўп тарқалган босиб юкланадиган юкларни ташиш таърифлари,

1 т/тийин

Ташиш масофаси, км	Ўзи ағдарадиган автомобил (автопоезд), думперларнинг юк кўтариши	
	7 т гача	7 т ошиқ
0,5 гача	11	9
0,5 - 1	15	13
1 - 1,5	19	17
1,5 - 2	23	21
2 - 2,5	28	24
2,5 - 3	33	28
3 - 3,5	38	32
3,5 - 4	43	36
4 - 4,5	48	40
4,5 - 5	54	44
5 - 6	-	48
6 - 7	-	53
7 - 8	-	38
8 - 9	-	64
9 - 10	-	70

14	2-21	2-69	3-77	4-42	5-53
15	2-35	2-86	4-01	4-70	5-88
16	2-49	3-08	4-25	4-98	6-23
17	2-63	3-20	4-49	5-26	6-58
18	2-77	3-37	4-73	5-54	6-93
19	2-91	3-54	4-97	5-82	7-28
20	3-05	3-71	5-21	6-10	7-63
21	3-19	3-88	5-45	6-38	7-98
22	3-33	4-05	5-69	6-66	8-33
23	3-47	4-22	5-93	6-94	8-68
24	3-61	4-39	6-17	7-22	9-03
25	3-75	4-56	6-41	7-50	9-37
5 км кейин-ги ҳар бир км учун	+ 14 тийин	+ 17 тийин	+ 24 тийин	+ 28 тийин	+ 35 тийин

* Аравали тракторлар билан юкларни ташиш ҳақи ташиш масофасига ва юклар классига боғлиқ ҳолда ҳақиқатда ташилган миқдорда олинади. Мазкур таърифлар торф ва оҳак тайёрлаш бўйича ишларга қўлланилмайди.

11 илова

Аравали тракторлар билан юкларни ташишнинг умумий таърифи, 1 т юкга сўм - тийин*

Ташиш ма-софаси, км	Юклар классификацияси				
	1	2	3	4	5
1	0-39	0-48	0-65	0-78	0-98
2	0-53	0-65	0-89	1-06	1-33
3	0-67	0-82	1-13	1-34	1-68
4	0-81	0-99	1-37	1-62	2-03
5	0-95	1-16	1-61	1-90	2-38
6	1-09	1-33	1-85	2-18	2-73
7	1-23	1-50	2-09	2-46	3-08
8	1-37	1-67	2-33	2-74	3-43
9	1-51	1-84	2-57	3-02	3-78
10	1-65	2-01	2-81	3-30	4-13
11	1-79	2-18	3-05	3-58	4-48
12	1-93	2-35	3-29	3-86	4-83
13	2-07	2-52	3-53	4-14	5-18

12 илова

Автотранспорт билан юкларни ташишнинг километрлар бўйича таърифи

Автомобилнинг (автопоезднинг) юк кўтариши, т	1 км юришининг ҳақи, тийин
0,5 гача	20
0,5-1,5	21
1,5-3	21
3-5	22
5-7	22
7-10	26
10 км кейин юк кўтаришнинг ҳар бир қўшимча тоннаси учун	+ 3

13 илова

Қишлоқ хўжалик экинларининг 1 га майдонига қилинадиган бевосита харажатларнинг тахминий меъёрлари, одам-соат

	Иқтисодий минтақалар
--	----------------------

Экинлар	Марка-зий	Волго-вят	Марказий Қора тупроқ	Поволь-жие	Шимолий Кавказ	Ғарбий Сибир
Донлилар макка-жўхорисиз	25	21	19	17	21	18
Дон учун маккажўхори	43	41	33	31	38	38
Кунгабоқар	-	20	20	18	20	18
Бошқа	-	22	25	19	28	19
ёғликлар:	155	155	-	-	-	122
зиғир	212	206	212	212	254	212
каноля (наша)	-	-	-	-	235	-
ўсимлиги)	232	237	232	216	241	208
каноп ва жут	-	1130	1360	1360	1960	-
Қанд лавлагиси	800	800	845	885	-	800
Тамаки	630	650	650	600	680	585
Жўн тамаки	184	184	174	165	165	170
Сабзавот	230	226	220	235	244	206
Картошка	55	67	60	54	59	55
Хўраки полиз	260	260	250	235	264	235
Силосбоплар						
ҳашаки илдиз						
мевалар						

13 илованинг қавоми

ҳашаки полиз	230	226	223	272	272	202
Бир йиллик	17	17	15	13	17	17
ўтлар	18	18	18	15	18	17
Кўп йиллик						
ўтлар	12	12	10	8	10	9
Табиий пичан-зорлар	450	450	450	450	490	348
Боғлар	2630	2490	2580	2210	2300	2100
Резаворлар	-	-	-	890	940	-
Узумзорлар	-	-	-	1030	1080	-
Чой, тутзор						
Бевосита харажат-ларга нисбатан билвосита харажатлар улуши, %	20	20	20	20	16	23

14 илова

Дон йиғувчи комбайнларнинг тўғридан-тўғри донни ўриб янчишда бир иш кундаги ўртача иш бажариш меъёри (W_n), га

ҳосилдорлик, 1 га ц	Ишлов бериш масофаси, м			
	300-400	400-600	600-1000	1000 катта
18-20	13,3	13,9	14,4	15,0
20-22	12,8	13,3	13,8	14,4
22-26	12,1	12,6	13,1	13,7
26-30	11,4	11,9	12,3	12,9
30-34	10,5	11,0	11,4	12,0
34-38	9,9	10,3	10,6	11,2
38 дан юқори	9,2	9,7	9,9	10,5

15 илова

Дон йиғувчи комбайнларнинг мавсумда бажарадиган иш ҳажми, га

Минтақалар	СК-5 «Нива»	СК-5 «Колос»	СКД-5
Шимолий	231	297	236
Марказий	184	247	192
Жанубий ва Жанубий-Шарқий	246	330	259

16 илова

Инфляция индексларининг 1995 й бошидаги ҳолати*

Харажатлар турлари	Инфляция индекси
Уй-жой қурилиши	1693
Маданий-маиший қурилиш	1851
Инженерлик жиҳозлаш ва ободонлаштириш:	
сув таъминоти	2400
газ таъминоти	2150
электрлаштириш	2300
кўкаламлаштириш	1700
оқова сувларни чиқариш тармоғи	2150
иссиқлик таъминоти	2150
Радиоллаштириш ва алоқа	1900
Транспорт харажатлари	1500
Ерларни трансформациялаш	1700
Меҳнатга ҳақ тўлаш	1120

*7.1-7.4 жадваллардаги маълумотларни ва иловаларни тузатиш учун фойдаланилади (Справочное пособие землеустроителя. -Воронеж: Изд-во Воронежского университета, 1995. С. 90-92, 105-107).

17 илова

Ер тузиш самарадорлигининг ишлаб чиқариш ва унинг таркибий қисмлари билан ўзаро алоқаси

Классификациялаш белгиси	Ер тузиш самарадорлиги		
	экологик	ишлаб чиқариш -иқтисодий	ижтимоий
Ишлаб чиқариш-нинг шароитларига ва асосий муддатларига нисбати Такрор ишлаб чи-қариш жараёни-нинг асосий мақсади	Табиий ресурс Тупроқ унумдор-лигини қайта тиклаш	Ишлаб чиқариш воситаси Ишлаб чиқариш воситаларини қайта ишлаб чиқариш	Меҳнат ресурслари Ишлаб чиқариш (ер) муносабатлари -ни қайта яратиш
Ижтимоий ишлаб чиқаришда ернинг роли	Ер-ишлаб чиқа-ришнинг умумий шароити, табиат элементи	Ер-меҳнат пред-мети ва воситаси, ишлаб чиқариш-нинг асосий воситаси	Ер-ижтимоий-иқтисодий алоқалар манбааси

4. Земельная реформа в России. Сб. нормативных актов. Изд-во «Ренессанс», фирма «Спартак».-М.:1993. ч. I и II ч
5. Аvezбаев С. Рациональное использование земель в низовьях Амударьи. Т.: Меҳнат, 1990.
6. Аvezбаев С. Ер тузиш иқтисоди. Маърузалар матни. Т.: ТИҚХМИИ, 2001.
7. Волков С.Н. Экономика землеустройства. - М.: Колос, 1996.
8. Волков С.Н. Экономическая эффективность внутрихозяйствен-ного землеустройства. - М.: 1990.
9. Волков С.Н., Хлыстун В.Н., Улюкаев В.Х. Основы землевладения и землепользования - М.: Колос, 1992.
10. Эффективность использования капиталных вложений // Сб. утвержденных методов. М.: Экономика, 1983.
11. Экономика землеустройства. Методические указания по изучению дисциплины / Под ред. С.Н. Волкова - М.: Гос. ун-т по землеустройству, 1994. - 96 с.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси» Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. I ва II қисмлар. Т.: Шарқ, 1998.
3. Земельная реформа в России //Сб. законодательных актов и постановлений по осуществлению земельной реформы в России. Вып. 1, 2 / В.Г.Красненков, А.Д.Михайлов, В.Н.Бошляков и др.-М.: Нива России, 1992.

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш	
I боб. Ер тузиш иқтисоди фан сифатида	
1. Ер тузишнинг иқтисодий моҳияти.....	
2. Ер тузиш иқтисоди фанининг предмети, усуллари ва вазифалари.....	
II боб. Ижтимоий ишлаб чиқариш тизимида ер тузиш	
1. Ер тузишнинг объективлиги ва унинг ижтимоий-иқтисодий мазмуни.....	
2. Иқтисодий қонунлар ва уларнинг ер тузишга таъсири.....	
3. Ер муносабатларини тартибга солишнинг иқтисодий механизми.....	
4. Ер тузиш хўжалик механизмнинг таркибий қисми сифатида.....	
III боб. Ер ислоҳотини ўтказишда ер тузишнинг роли	
1. Ер мулкчилиги ва унинг ўзгариши.	
2. Чет элларда ер ислоҳотини ўтказиш тажрибаси ва уларнинг мазмуни.	
3. Россияда ва Ўзбекистонда ер ислоҳоти ва ер тузиш.....	
4. Бозор иқтисодиёти шароитида ер тузишнинг аҳамияти.....	
IV боб. Ер тузиш иқтисодий самарадорлиги назариясининг асослари.	
1. Ер тузиш иқтисодий самарадорлигининг моҳияти, турлари ва уни баҳолаш тамойиллари.....	
2. Халқ хўжалиги самарадорлигини баҳолаш мезони ва кўрсаткичлари.....	
3. Ер тузишнинг халқ хўжалигидаги самарадорлигини занжирли индекслаш усулидан фойдаланиб аниқлаш услубияти.....	
4. Ер тузишни режалаш ва ташкил этиш.....	
V боб. Хўжаликлараро ер тузиш иқтисоди.	

1. Хўжаликлараро ер тузишнинг мазмуни ва ижтимоий-иқтисодий характери.....
2. Қишлоқ хўжалик корхоналари ер эгаликлари (ердан фойдаланувчилар) ерларининг оптимал ўлчамлари.....
3. Янги ташкил этилаётган корхонанинг рақобатбардошлигини ва иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.....
4. Қишлоқ хўжалик корхоналарини қайта ташкил этишда ерларни олишнинг оқибатларини баҳолаш.....
5. Ер эгаликлари (ердан фойдаланувчилар) ерлари камчиликларини тугатишнинг иқтисодий самарадорлиги.
6. Ноқишлоқ хўжалик мақсадлари учун ер ажратишни иқтисодий асослаш.....
VI боб. Хўжаликларда ички ер тузиш иқтисоди
1. Кўрсаткичлар тизимини яратиш услубияти.....
2. Хўжаликларда ички ер тузиш лойиҳаларини иқтисодий асослаш.....
VII боб. Ер тузиш ечимларини иқтисодий асослаш
1. Ишлаб чиқариш бўлимларини ва хўжалик марказларини жойлаштириш.....
2. Асосий (магистрал) йўлларни жойлаштириш.....
3. Ерларни қишлоқ хўжалиги учун ўзлаштириш, трансформациялаш ва яхшилашни иқтисодий баҳолаш.....
4. Алмашлаб экиш тизимини иқтисодий-экологик асослаш.
5. Алмашлаб экиш массивлари ҳудудларини ташкил этиш ечимларини нисбий баҳолаш.....
6. Дарахтзорлар ва ем-хашак олинадиган ерлар ҳудудларини ташкил этишни баҳолашнинг ўзига хос хусусиятлари.....
VIII боб. ҳар хил табиий минтақаларда ер тузиш ечимларини иқтисодий асослаш
1. ҳудудни эрозияга қарши ташкил этиш самарадорлигини баҳолаш.....
2. Суғориш ва зах қочириш бўйича мелиорация ишлари ўтказилаётган туманларда ер тузиш лойиҳаларини асослаш
3. Алмашлаб экишларни ташкил этиш бўйича намунавий ечим.....
4. Ишчи лойиҳаларда ер тузиш ечимларини асослаш.....
ИЛОВАЛАР

АДАБИЁТЛАР.....